



81.2 53

и-37

А.Қ. Исмоилов, Ў.П. Лафасов

Ўзбек тили

МАШҚЛАР ТУПЛАМИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳлари
талабалари учун қўлланма*

ТОШКЕНТ •ЎЗБЕКИСТОН• — 2002

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП «ДП
№ 8/2653

Шартли қисқартмалар:

- М.А.* — Маҳмуд Қашгарий
Ю.А. Ҳажив — Юсуф Хос Ҳажив
И.И. Ал-Дин — Имом Исмоил Ал-Бухарий
А. Яъна — Аҳмад Юнпакий
И. Маъ — Наҳшони Маҳмуд
А. И — Алишер Навоий
Чулопон — Абдулхамид Чулопон
А. О — Абдулла Ористон
Э.В. — Эркин Воҳидов
Ушун — Раҳматулла Отақузиевич (Ушун)
И.С. — Иzzат Султон
О.М. — Омон Маъжон
А.Қ. — Абдулла Қодирий
М.И. — Мирзакалон Исмоилин
А.Қаҳ. — Абдулла Қаҳҳор
И.Т. — Нарда Турсуни
И.Қ. — Иришқул Қодиров
Ҳ.Н. — Ҳаким Назир
Ю.Ш. — Юсуф Шомансур
Ойбек. — Мусо Тошмуҳаммад угли (Ойбек)
УТНД. — Узбек тилининг низоҳин дугати
Ғ.Ғ. — Ғафур Ғулом
Ас.М. — Асқад Мухтор
М.Ш. — Мақсуд Шайхзода
Ш.Р. — Шароф Рашидов
У.Ҳ. — Уткир Ҳошинов
Ҳ.О. — Ҳамид Олимжон
С.З. — Саида Зуннунова
И.Р. — Иброҳим Раҳим
С.А. — Саид Аҳмад
Мир.Ос. — Мирқарим Осим
Миртемир. — Миртемир Турсунов
Лев Г. — Лев Николаевич Толстой
М.С. — Муҳаммаджон Солинов
С.Р. — Саид Рашид
М.Қ. — Мақсуд Қориев
А.Р. — Аҳмад Раҳмат
А.Д. — Аҳмад Дамин
М.Али. — Муҳаммад Али
У.У. — Уктам Усмонов
С.А. — Саъдулла Кароматов
С.Абдуқаҳҳор. — Сами Абдуқаҳҳор
Яшин — Комил Яшин
А.Р. — Аҳмадали Риззев
А.Авлон. — Абдулла Авлоний
И.П. — Исмоил Парисев
Шухрат. — Ғулом Алимов (Шухрат)
Н.А. — Назира Акрамова
Т.М. — Тохир Малик
Э.С. — Эркин Самандар
Я.И. — Явдат Илесов
Ғайратий. — Абдурахим Абдулла угли
Мирмуҳсин. — Мирмуҳсин Мирсандов
И.Ф. — Насир Фозиллов
Н.Т. — Норкул Тилолов
М.О. — М. Очилов
И.Р. — Н. Раҳматов
О.У. — О. Усаров
С.Н. — Самар Нуров
А.Б. — Антбой Бекимбетов
А.Амин. — Ақром Аминов
Ж.Р. — Жаббор Раazzoқов
Р.Ф. — Раҳмат Файзӣ
В.Того. — Виктор Того
Х.Т. — Худойберди Тўхтабоев
О.Мухтор — Омон Мухтор
Ж.Ш. — Жуманнез Шарипов
О.Ҳ. — Оқилжон Хусан
У.Х.М. — Узбек халқ мақоллари
Т.П. — Турғун Пулат
Ш.Х. — Шукр Холмирзаев
М.К. — Мурад Калонхон
Ф.Й. — Фозил Йулдош угли
У.Умар. — Улмас Умарбеков
Ҳ.Ғ. — Ҳамид Ғулом
Ҳ.Ҳ. — Ҳамза Ҳакимзода Нисезӣ
Т.Мурод. — Тоғай Мурод
С.Абдулла — Собир Абдулла
С.Али. — Саъридин Айтин
А.Ясса. — Аҳмад Яссавий

4602020400 - 102
И _____ 2002
М 351 (04) 2002

ISBN 5-640-03044-5

СЎЗ БОШИ

"Ўзбек тили" курсининг илмий-назарий ҳамда амалий масалаларини ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллашда амалий машғулотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Шу сабабли нофилологик олий ўқув юртларининг ўқув режасида мазкур курсга ажратилган соатларнинг деярли ҳаммаси амалий машғулотлар учун режалаштирилган.

Олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳ талабалари учун мўлжалланган ушбу қўлланма "Ўзбек тили" курси дастури асосида тузилди. Унинг вазифаси талабаларга шу курсдан амалий билим ва малака ҳосил қилишда кўмаклашишдир.

"Машқлар тўплами"да "Ўзбек тили" курсининг деярли ҳамма бўлимлари ("Кириш", "Фонетика", "Орфоэпия", "Графика ва орфография", "Морфемика", "Сўз ясалиш", "Морфология" ва "Синтаксис") юзасидан материаллар берилди. Шунингдек, қўлланманинг охирига суҳбатлар ва матнлар илова қилинди.

Машқлар тўпламини тайёрлашда шу курс бўйича нашр этилган дарслик ва қўлланмаларга, назарий ҳамда ўқув-услубий адабиётларга суянилды. Амалий машғулотларни олиб бориш соҳасидаги илғор тажриба ва услублардан фойдаланилды.

Машқ топшириқларини тузиш ва матнларни танлашда уларнинг амалий машғулотлар самарасини ошириши ва талабалар фаоллигини кучайтиришига алоҳида эътибор берилди.

Машқ учун матн материаллари бадиий, публицистик (матбуотга оид) ва илмий-оммабон адабиётлар, турли типдаги луғатлар, халқ мақоллари ва ҳикматлари тўпла-

ми ҳамда бошқа ёзма манбалардан танланди. Танланган матилар лингвистик малакани мустаҳкам ўзлаштиришга қўмаклашуви билан бирга, талабаларга маълум бир билим, бадиий-эстетик завқ ва таълим-тарбия беради.

Муаллифлар қўлланмани яхшилаш ва такомиллаштиришга ёрдам берувчи танқидий фикр-мулоҳаза, таклиф ва тавсияларни мамнуният билан қабул қиладилар.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди. Математика фанининг отаси Муҳаммад Ал-Хоразмий; машҳур шифокор ва табиб, жарроҳлик илмининг асосчиси Ибн Сино; қомурий олим, биринчи глобусни яратган даҳо Абу Райҳон Беруний; фалсафа фанининг асосчиларидан бири Ал-Фаробий; ислом динининг тенгсиз мутафаккирлари Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд; буюк жаҳонгир ва соҳибқирон Амир Темур; улуғ олим ва мунажжимлар Мирзо Улуғбек ва Али Кушчи; зуллисонийн шоир ҳамда мутафаккир Алишер Навоий; шоҳ, шоир ва олим Заҳриддин Муҳаммад Бобур; драматург ва олим Абдурауф Фитрат; ёзувчи Абдулла Қодирий; шоирлар Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Ориф мана шу юрт фарзандларидир.

Мустақил давлатимизни ҳозиргача жаҳоннинг 130 мамлакати тан олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон ўзининг олтини, табиий газни, қоракўли, кумуши, урани, пахтаси ва нефти билан жаҳонга машҳурдир.

Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан ўлкамизда енгил машиналар, кичик автобуслар ишлаб чиқарадиган заводлар қурилди. Миллий мафкурамиз шаклланмоқда, маданиятимиз эса янада юксалмоқда. Халқимизнинг қадимий обидалари қайта таъмирланиб жиҳозланмоқда. Ўзбекистоннинг ривожланган қишлоқ хўжалиги ва саноат мамлакати бўлиши учун илк пойдеворлар қўйилмоқда.

КИРИШ

I-машқ. Мақоллар ҳамда тўртликларни ўқинг, таржима қилинг ва ед олинг.

I. 1. Куш қанатин, эр атин (Куш қаноти билан, эр оти билан). 2. Этли, тирнақли эзирмас (Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди). 3. Қут белгуси билик (Билим — бахт белгиси). 4. Эрдам баши тил (Одобнинг боши тил). 5. Тилин тугмишин тишин йазмас (Тил билан тугилганни, тиш билан ечиб бўлмас). (Маҳ. Кош.)

II. 1. Қара баш яғиси қизил тил турур,
Неча баш еди бу, тақи ма еюр.
Башингни тиласанг, тилингни қўдаз.
Тилинг тегма кунда башингни еюр.
(Қора бош ёви бу қизил тил турур.
Неча бош еди у, яна ҳам еюр,
Бошинг соғлиги-чун тийиб юр тилинг,
Тилинг истаган кун бошингга етур.)

2. Атанг пандини сан қатиғ тут, қатиғ,
Қутадға, кунунг бўлға кундин татиғ.
Атангни, анангни севундур туши,
Янут берга тапғунг туман минг асиғ.
(Ота пандига сен тугал қил амал,
Қут келиб, толеинг кулар ҳар маҳал.
Отангни, онангни севинтир мудом.
Бу хизмат етиргай тилакка тугал).

(Ю.Х. Ҳожиб.)

2-машқ. Ҳадис ҳамда туртликларни уқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

I. I. Абу Ҳурайра айтдилар: Расулуллоҳ: "Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ Таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси", — деганлар. (И.И. Ал-Бух.)

II. 1. Оқил эрсанг ғарибларнинг кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб етим ковла.
Дунёпараст ножинслардан бўюн товла.
Бўюн товлаб дарё бўлиб тошдим мано.
(А. Ясса.)

2. Биликлик керакли сўзин сўзлаюр,
Кераксиз сўзини кўмуб кезлаюр.
Биликсиз не айса аюр уқмайин,
Анинг ўз тили ўз бошини еюр.
(А. Юғна.)

3. Оқ тортган чоғингда йўлга кўз тутгил,
Йўлда қудуқ бордур эҳтиётинг қил,
Дўст уйида маҳрам бўлган вақтингда,
Қўлингни, кўзингни, дилни тия бил.
(П. Маҳ.)

3-машқ. Тууюқлар ҳамда ҳикматли сўзларни уқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

I. 1. Кўнглума ҳар ёнки боқсам, доғи бор,
Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.
Қилча танга бори ишқинг ёр эди,
Бир сори бўлди фироқинг доғи бор.
(Лут.)

2. Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабмудур?
Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?
Жонима пайваста новак отқоли
Ғамза ўқин қошига ёлабмудур?

II. 1. Чин сўз — муътабар, яхши сўз — мухтасар.

2. Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

3. Одами эрсанг, демагил одами.

Ониким йўқ халқ ғамию дин ғами.

(А.Н.)

4-машқ. Шейри ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

Кўнгил

Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сушлашдинг?
Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик манғу кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди синмасми?
Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен,
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам хур туғилгансан!

(Чулпон.)

5-машқ. Шейри ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

Она тилимга

Минг йилларким, булбул каломи,
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли,
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.
Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул номин куйга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

(А.О.)

6-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг. Жадвалга қўшимча сўзлар илова қилинг, таржима қилинг ва гаплар тузинг.

Адабий тилда	Шева (диалект)да
нарвон	шоти, занги
она	ойи, эна, ая, бийи
ёстиқ	болиш, дастуқ, така

тухум	маяк, йимиртқа
ўрик	зардоли
при	замбур
донра	чирманда, дап, зағама

ФОНЕТИКА

1-машқ. Сўзларнинг талаффузини қиёсланг. Таржима қилинг ва улар шитирокида гаплар тузинг.

Ўзбекча		Русча
кон	—	конь
она	—	она
ос	—	ось
пора	—	пора

2-машқ. Сўзларни тўғри талаффуз қилинг. Уларни кучириб ёзинг ва гаплар тузинг.

- 1) қул — рука 2) кўз — глаза 3) кўл — озеро 4) ўн-десять
кул — раб куз — осень кул — пепел ун-мука
- 5) уч-месьт 6) жўн-слабо 7) ўй — дума 8) тўн-чапан
уч-три жун-шерсть уй — дом тун — ночь
- 9) қўш-двойной 10) ўйланмоқ — задуматься
қуш-птица уйланмоқ — жениться
- 11) кўч-имущество 12) гўл-наивный (человек)
куч-сила, мош гул-цветок

3-машқ. Қуйидаги тез айтишларнинг талаффузини ўзлаштиринг. Кўчириб ёзинг ва ёд олинг.

1. Оқ чойнакка оқ қопқоқ,
Кўк чойнакка кўк қопқоқ.

2. Тўра тўқайнинг тўридан тўртта тўтини тўрла тутди.

4-машқ. Сўзларнинг тўғри талаффузини ўзлаштиринг. Уларни кўчириб ёзинг ва гаплар тузинг.

- 1) эн — ширина
ин-гнездо
- 2) эл — народ
ил-повесь
- 3) эт — мясо
ит-собака
- 4) эримоқ — таять
иримоқ — гнить
- 5) эс — ум
ис — запах
- 6) эссиз — глупый
иссиз — без за-
пах
- 7) эз — дави
из — след
- 8) эмламоқ — производить прививку
имламоқ — манить

5-машқ. Қуйидаги тез айтишларнинг талаффузини ўзлаштиринг. Кучириб ёзинг ва ёд олинг.

1. Эркин эшкакни эшди.
2. Иномжон ипни илгакка илди.

6-машқ. Сузларни тўғри талаффуз қилинг. Уларни кучириб ёзинг ва гаплар тузинг.

- | | |
|--|-----------------------------------|
| 1) қон — кровь
кон — шахта | 2) қўл — рука
қўл-озеро |
| 3) қул-раб
кул-пепел | 4) қир-возвышенность
кир-грязь |
| 5) ўтқазмоқ-сажать
ўтқазмоқ-проводить | 6) қийиқ-пояс
кийик-олень |

7-машқ. Сузларнинг тўғри талаффузини ўзлаштиринг. Уларни кучириб ёзинг ва гаплар тузинг.

- | | |
|---------------------------------------|----------------------------------|
| 1) гов — заграждение
гов — большой | 2) гўр — зеленый
гўр — могила |
| 3) ўғит — удобрение
ўғит — совет | |

8-машқ. Қуйидаги тез айтишларнинг талаффузини ўзлаштиринг. Кучириб ёзинг ва ёд олинг.

- 1) Қодир қоқи ўтнинг қоқини қоғоз қопга қоплади.
- 2) Фани филдиракни физиллатиб филдиратди.

9-машқ. Шеърни ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

Қаро қошинг, қалам қошинг,
Қийиқ қайрилма қошинг, қиз.
Қилур қатлимга қасд қайраб —

Қилич қотил қарошинг, қиз.
Қафасда қалб қушин қийнаб,
Қанот қоқмоққа қўймайсан.
Қараб қўйгил қиё,
Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.
(Э.В.)

10-машқ. Сузларнинг талаффузини қиёслап, таржима қилинг ва гаплар тузинг.

Ўзбекча	Русча
боғ	— боғ
тоғда	— тоғда

11-машқ. Сузларни тўғри талаффуз қилинг. Уларни кучириб ёзинг ва гаплар тузинг.

- | | |
|--|--------------------------------------|
| 1) руҳ — дух, настроение
рух — ладья | 2) шоҳ — царь
шоҳ — ветка, рога |
| 3) ҳол — состояние, положение
хол — родинка | 4) хуш — сознание
хуш — радостный |

12-машқ. Тўртликларни ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

1. Ҳусн аҳли ичра тенгсиз
Сен-ку хоқонсан ўзинг,
Сеҳр мулки ичра танҳо
Шоҳу султондир кўзинг.
(Э.В.)

2. Бу жаҳон гулзорида
Ҳар бир чечакнинг ўрни бор,
Хоҳ тикандир, хоҳ печакдир,
Хоҳи япроқ, хоҳи гул.
(Э.В.)

13-машқ. Қуйидаги тез айтишларнинг талаффузини ўзлаштиринг. Кучириб ёзинг ва ёд олинг.

1. Ҳамалда ҳамма ҳалим ҳозирлайди.
2. Кенгбойнинг кўнгли кенгми?
Ўнгбойнинг енгги ўнгми?

14-машқ. Куйидаги тўртликни тўғри ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

Сенга беш бебаҳо ҳайкал қурурмен,
Гаҳи Ширин, гаҳи Лайли бўлиб сен,
Яшарсен доимо дostonларимда...
Хазонсиз гул бўлиб бўстонларимда...

(Уйғун, И.С.)

15-машқ. Сузларнинг тўғри талаффузини ўзлаштиринг. Уларни кўчириб ёзинг ва гаплар тузинг.

1. Минг, онг, сингил, кўнгил, бодринг, енг, тонг, ўннга, кенг, тенг, кўндаланг, занг, шудринг.

2. Янги, кунгабоқар, бугунги, менга, унга, боғбонга

16-машқ. Куйидаги сузларнинг талаффузини қиёслапг, таржим қилинг ва гаплар тузинг.

Ўзбекча	Русча
ва	вагон
ватан	вахта
вилоят	вино
воҳа	врач
ворис	вилка
вакил	виза

17-машқ. Куйидаги сузлар талаффузини ўзлаштиринг. Кўчириб ёзинг ва гаплар тузинг.

Жавоб, жадвал, жазо, жала, жамоа, жамғарма, жанг, жар, жануб, жасур.

18-машқ. Куйидаги тез айтишларнинг талаффузини ўзлаштиринг. Кўчириб ёзинг ва ёд олинг.

1. Жалил жажжи жийронни жиловлади.
2. Вали визвизакни визиллатди..

19-машқ. Куйидаги сузларни таржима қилинг, тўғри ёзинг ва гаплар тузинг.

Қаттиқ-қаттиқ, эссиз-эсиз, чинни-чини, машшоқ-машшоқ, ушшоқ-ушоқ, эллар-эллар, тилла-тилла, чўққи-чўққи, тилли-тилли, ноннинг-нонинг, йўллади-йўллади.

20-машқ. Куйидаги бўғинларни таққосланг. Узаро фарқланишига эътибор беринг. Сузларни кўчирипг, гаплар тузинг.

О -та, шо-и-ра, мат-баа, му-то-лаа, му-до-фаа, ма-та-ла, мак-таб, фар-занд, гул-зор, ҳам-қиш-лок, пай-тавд.

21-машқ. Урғу маънони фарқлаш учун хизмат қилган куйидаги сузларни кўчириб ёзинг ва таржима қилинг.

- 1) олма (феъл) — олма́ (от)
- 2) бўлма (феъл) — бўлма́ (от)
- 3) тўқима (феъл) — тўқима́ (от)
- 4) улама (феъл) — улама́ (сифат)
- 5) янги (равиш) — янги́ (сифат)
- 6) ҳозир (равиш) — ҳозир́ (сифат)

22-машқ. Урғу олмайдиган қўшимчалар иштирокида суз шакллари сузлар ҳосил қилинг.

-та, -тача, -ча, -дай, -дек, -ар, -ман, -миз, -ма, -сан, -сиз.

23-машқ. Гапдаги логик урғунинг ўрни ва маъносига эътибор беринг. Гапларни кўчириб таржима қилинг.

1. Мен (ўзим) университетга бордим.
2. Мен университетга (ўрин) бордим.
3. Мен университетга бордим (аниқлик).

ОРФОЭПИЯ

1-машқ. Куйидаги сузларнинг талаффузига эътибор беринг, ёзинг ва таржима қилинг.

Китоб, офтоб, учта, уч сўм, юзсиз, банд, хурсанд, ўнги, баланд, дард, паст.

2-машқ. Такрор ва кўш унлиларнинг талаффузи ҳамда ёзилишини ўзлаштиринг.

Бадний, бообрў, матбаа, мутолаа, маишат, мудофаа, машжуб, тааллуқ, таассурот, саодат, табиий, суиистеъод, синоат, муассаса, муаллақ, шуур, муаммо.

3-машқ. Такрор ундошларнинг талаффузи ҳамда ёзилишини ўзлаштиринг. Гаплар тузинг.

Муаттар, оддий, тизза, Мукаррама, калла, амма, арра, иссиқ, иффаг, хассос.

4-машқ. Шеърни ўқинг, ёд олинг. Луғат тузинг.

То тирикдирки табиат,
То қуёш сочгайки нур,
Уч эгиз бордир тушунча,
Уч бу сўз ёндош бўлур:
Моҳиру меҳру маҳорат,
Олиму илму амал,
Ошиқу ишқу машаққат,
Шоиру шеър у шуур.

(Э.В.)

ГРАФИКА ВА ОРФОГРАФИЯ

1-машқ. Кирилл алифбосига асосланган ўзбек графикасидаги ҳарф ва белгиларни тартиб билан ёзинг ҳамда ёд олинг.

2-машқ. Кирилл-ўзбек алифбосидаги бир товушни ифодаловчи ҳарфларни, икки товушни ифодаловчи ҳарфларни, бир товушни ифодаловчи ҳарфий бирикмаларни алоҳида-алоҳида тасниф қилинг.

3-машқ. Бир сўзда ҳарфлар ва товушлар сони мос келадиган ҳамда мос келмайдиган ҳолатларга мисоллар келтиринг.

4-машқ. Кирилл-ўзбек ва лотин-ўзбек (1993 йил) алифболаридаги график белгиларни таққосланг ҳамда фарқли жиҳатларини аниқланг.

5-машқ. Жуфт шаклда берилган сўзларни тўғри ёзинг ва таржим қилинг. Гаплар тузинг.

Тузиш-тўзиш, узмоқ — ўзмоқ, халос — холос, қуйиш — қуйиш, қара-қора, жуда-жудо.

6-машқ. Нуқталар урнига а ёки о ҳарфларидан мосини қуйиб кучирилинг.

...тоқли, ...тли, ...ъзо, ...дам, қ...бул, қ...вун, с...ве
с...лом, д...р...мад, ...ниқл...вчи, муҳ...к...м...
с...нъ...тк...р, д...рх...н..., қ...ҳр...м...н.

7-машқ. Нуқталар урнига и ёки у унли ҳарфларидан мосини қуйиб, сўзларни кучирилинг.

Т...З...М, Т...З...М, Б...Г...Н Б...Г...З Ҳ...Қ...Қ,
Б...Г...Р, Т...Х...М, Б...Л...М, М...Ш...Л, Ч...Р...К.

8-машқ. Нуқталар урнига п ёки ф ҳарфларидан мосини қуйиб, сўзларни кучирилинг ва аниқ талаффуз қилинг.

...армон, ...арзанд, тул...ор, ...ахта, ту...роқ, со...ол,
о...тоб, ...ойда, қоли..., ...аравон, ка...т, ша...толи.

9-машқ. Исmlардаги нуқталар урнига х ва ҳ ҳарфлардан мосини қуйиб кучирилинг.

Му...аббат, А...мад, Зулай...о, ...афиза, ...олида,
То...ир, Мо...ира, Му...аррам, Зу...ра, ...амза, Қа...ор,
Ми...фуза, ...улкар, ...илола, ...анифа.

10-машқ. Нуқталар урнига х ва ҳ ҳарфларидан мосини қуйиб кучирилинг.

а...лоқ, ...амма, ...ар қандай, ...олис, ма...фий, гул...
...йри, ме...мон, сиё...дон, та...мин, ма...сус, ра...мат,
Му...ожир, ру...сат, со...та, ро...ат.

11-машқ. Нуқталар урнига ъ белгисини қуйиб сўзларни кучирилинг ва таржима қилинг.

А...ло, ма...лум, ше...р, ма...лумот, сан...ат, та...лим,
мас...улият, Э...лон, мас...ул, ва...да, да...во, а...зо, сун...
...ий, қат...ий, са...ва.

12-машқ. Имло луғатидан унлилар қатор келган сўзларга 10 та мисол ёзинг.

ЎЗАК-НЕГИЗ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ИМЛОСИ

1-машқ. Қуйидаги шакллардан сўз ясанг ва гаплар тузинг.

Сон+а= Ёш+а= Паст+ай- Ўйин+а=
От+а= Онг+ла= Суст+ай= Қийин+а=

2-машқ. Берилган сўзларга жуналиш келишиқ қўшимчасининг мисolini қуйиб кучирилинг.

Қишлоқ, ўртоқ, тилақ, билак, бош, қош, иш, терақ,
широқ, митинг, кўйлак.

3-машқ. Куйидаги шеърга тушум, ўрин-пайт, жуналиш ва чиқиш келишик қўшимчаларининг мосини кўйиб кучиринг ҳамда ёд олинг.

Ўйнашиб бармоқларинг
Бир-бир кўзим... ёпсалар,
Севги... роз айлайин
Тонг қушлари учган маҳал.
Куйлайин осмон тўлиб,
Куйлайин олам... ман, —
Сен агар машшоқ бўлиб,
Най агар бўлган... ман!

(О.М.)

4-машқ. Куйидаги қўшимчалардан (-гич, -кич, -ғич, — қич) мосини кўйиб сўзлар ясанг ва таржима қилинг.

чиз, оч, тут, кўрсат, ил, пурка, бос, қир, суз, ели

5-машқ. Куйидаги сонларнинг биринчи қаторини араб рақами билан, иккинчи қаторини рим рақами билан ёзинг ва гаплар тузинг.

I. Биринчи босқич, бешинчи синф, йигирма олтинчи қатор, ўттиз учинчи банд.

II. Ўн саккизинчи аср, олтинчи жилд, тўққизинчи кўрултой, бешинчи анжуман.

6-машқ. Куйидаги сўзларни эгалик қўшимчалари ёрдамида турлар

Оғиз, бурун, қорин, ўрин, сингил, кўнгил.

7-машқ. Куйидаги сўзларнинг ясалишига эътибор беринг ва таржима қилинг.

Улуғ — улғаймоқ, сариқ — сарғаймоқ, оғиз — оғзақ
ўрин — ўрнатмоқ, икки — иккала, олти — олтов,
етти — еттов

8-машқ. Мен, сен олмошларига -нинг, -ни, -ники қўшимчаларини қўшинг.

мен+нинг =... мен+ни =... мен+ники =...
сен+нинг =... сен+ни =... сен+ники =...

9-машқ. Куйидаги олмошларнинг ёзилишини ўзлаштиринг, кучириб ёзинг ва гаплар тузинг.

У+га = ... у+да =... у+дан =... у+дай =... у+ча =...

10-машқ. Феълдан сифат ясалишидаги ўзгаришга эътибор беринг ва гаплар тузинг.

иси+қ =... ачи+қ =... қот+иқ =...

11-машқ. Нуқталар ўрнига қаратқич, тушум, жуналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишик қўшимчаларини кўйиб гапларни кучиринг.

Баҳор ҳам келди. Далалар... баҳорги ишлар бошланиб кетди. Деҳқонлар ерлар... экин экишга тайёрламоқдалар. Далаларда турли ўт-ўланлар кўкариб, табиат... гўзаллиги ортомқда. Турли хил ҳашаротлар ўз инлари... чиқмоқдалар. Гуллар очилиб, табиат... жон бағишламоқда. Баҳор мунданиш фасли.

ҚЎШМА СЎЗ ВА СЎЗ БИРИКМАЛАРИ ИМЛОСИ

1-машқ. Куйидаги қўшма сўзларни кучириб ёзинг ва таржима қилинг.

Ишбай, кўзойнак, билагузук, гулраъно, гулбеор, оққуш, гултожихўроз, ўқилон, ошқозон, кўричак, асалари, қоракўлчилик.

2-машқ. Куйидаги қўшма сўзларни таржима қилинг ва гаплар тузинг.

Оғбоқар, бешиктерватар, ўринбосар, тезоқар, эртапишар, эрксевар, тинчликсевар.

3-машқ. Куйидаги географик номларни тўғри ёзинг ҳамда гаплар тузинг.

Сирдарё, Қорасув, Олтинкўл, Олтиариқ, Мирзачўл, Иккабоғ, Ҳамзаобод, Қорасарой.

4-машқ. Куйидаги қўшма сўзларнинг ёзилишини ўзлаштиринг ва таржима қилинг.

Ўларо, халқаро, умумшаҳар, умумхалқ, бутуниттифоқ, ошмаро.

5-машқ. Куйидаги географик номларнинг ёзилишини ўзлаштиринг ва гаплар тузинг.

Умум Европа, Марказий Осиё, Юқори Чирчиқ, Шимолий Кавказ, Жанубий Украина, Кўхна Урганч.

6-машқ. Изофали сўзларнинг ёзилишини узлаштиринг ва гаплар тузинг.

Нуқтаи назар, таржимаи ҳол, ойнаи жаҳон, қатъи назар, дарди бедаво.

7-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ёзилишини узлаштиринг ва гаплар тузинг.

Байрам олди, иш ҳақи, сўз боши, темир йулчи, осма кўприк, тош йўл.

8-машқ. Тик чизиқлар билан ажратиб берилган қўшма сўзларни қондага мувофиқ қўшиб ёки ажратиб ёзинг.

Шоли/поя, кўк/йўтал, мол/боқар, Юнус/обод, Катта/кўрғон, Бутун /Осиё, Собир/ найчи, Фарбий /Европа, ҳаво/ ранг, чўли /азим, муз/ ёрар.

9-машқ. Икки отдан тузилган қуйидаги қўшма сифатларни қондага мувофиқ ёзинг ва таржима қилинг.

Дугор/бўйин от, ҳаво/ранг гилам, бодом/қовоқ қиз, кўй/кўз бола.

10-машқ. Қуйидаги қўшма сифатларни қондага мувофиқ ёзинг ва таржима қилинг.

оч/пушти, тўқ/қизил, тим/қора, ним/пушти, лиқ тула, жиққа/хўл, ланг/очиқ.

11-машқ. Қуйидаги тўлиқсиз феълли шаклларнинг ёзилишини узлаштиринг.

Борган эди, борган экан, борган эмиш, борган эмас борарди, бораркан, борармиш, борганмас.

12-машқ. Қуйидаги қўшма сўзларнинг ёзилишини узлаштиринг ва таржима қилинг.

Ҳар доим, ҳар бир, ҳеч қандай, ҳеч ким, ҳамма вақт баъзи бир, ғайри табиий, бир неча.

13-машқ. Иккинчи қисми с, ё, ю, я билан бошлападиган қўшма сўзларни қондага мувофиқ ёзинг.

Кўп/ер, кам/ерли, иш/ёқмас, қўл/ёзма, шер/юрап Умум/Европа.

14-мишқ. Куйидаги жуфт ва такрор сўзларни қоидага мувофиқ ёзинг ва таржима қилинг.

бир/бир, айрим/айрим, бориб/бориб, юзма/юз, тун/кун, кеч/кеч, куч/куват, ору/номус, еру/осмон, ёшу/қари, яқини/ягона, қую/қузи.

15-мишқ. Шеърни кучиринг ва ёд олинг.

Сенга

Менинг ҳам бор дўсту қароғим,
Шаънларига шеърлар куйладим.
Лекин танҳо қувонган чоғим,
Сирдошим деб сени уйладим.

Бедард эмас умр ҳам асло,
Ҳасратлардан гоҳо суйладим.
Шубҳа ичра қолганда танҳо,
Ғамдошим деб сени уйладим.

Кучолмасман мен сени ҳаргиз,
Сен осмонсан, мен-чи зарра тан.
Қиблагоҳим, юпанчим ёлғиз
Сен барҳаёт онамсан, Ватан...

(А.О.)

БЎҒИН КЎЧИРИЛИШИ

1-мишқ. Куйидаги сўзларни қоидага мувофиқ бўғинларга ажратинг ва таржима қилинг.

Кўнгил, сингил, мудофаа, сўнғра, тонгда, мешчан, помешчик.

2-мишқ. Айриш ва юмшатиш белгилари бўлган куйидаги сўзларни бўғинга ажратинг ҳамда таржима қилинг.

Даъво, суръат, маълум, ваъда, сульфат, анъана.

3-мишқ. Куйида берилган сўзларни бўғин кўчириш қондасига мувофиқ, бўғинларини чизиқча билан ажратиб ёзинг.

Онгли, сингари, муаммо, муомала, мингинчи, маориф, денгиз, конституция, грамматика, телевидение.

4-машқ. Шерин кучиринг, бугин тузилишига эътибор беринг. Таржима қилинг ва ёд олинг.

Юлдузлар ўтига бардош берурман,
Фазолар тафтига қилурман тоқат,
Ёнингда соғ-омон қайтиб келурман,
Оташ нигоҳингла ёнгали, фақат.

Тулқинлар қутурсин, майли беомон,
Менинг қисматимни кумолмагай у.
Барибир, ёнингга қайтаман омон,
Мовий кўзларингга чўмгали мангу.

(А.О.)

БОШ ҲАРФЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

1-машқ. Матнни бош ҳарфларнинг ёзилиш қондасига мувофиқ кўчиринг ва таржима қилинг.

1. жаҳон буйлаб учиб юрар
оқ кабутар — қумуш қуш —
тинчлик қуши, нажот қуши,
ҳаёт қуши, эрк қуши.
олам-олам севинч солар
миллионларнинг қалбига
кабутарнинг тиним билмай
мағрур қанот силкиши.

(Уйғун.)

2. бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,
такрор айтилганда рангсиздир калом.
бу ёруғ оламда ватан биттадир,
биттадир дунёда она деган ном!

(А.О.)

2-машқ. Қуйидаги номларни бош ҳарфларнинг ёзилиш қондасига мувофиқ ёзинг.

Ўзбекистон республикаси президенти, Ўзбекистон республикаси олий мажлисининг раиси, бирлашган миллатлар ташкилоти, Ўзбекистон республикаси олий судининг раиси, Ўзбекистон қаҳрамони.

3-машқ. Куйидаги номларни қоидага мувофиқ ёзинг.

Тошкент давлат шарқшунослик институти, тил ва адабиёт институти, мустақиллик куни, давлат банки, савдо палатаси.

4-машқ. Куйидаги гаплардаги бир хил сўзларнинг ёзилишини ўзлаштириш.

1. Луқмони Ҳаким дунёга донғи кетган табиб экан. Подшоҳи даволаш учун турли жойлардан табиблар, ҳақимлар келишди.

2. Кун чиққанда йўлга чиқдик. Улар уч кун йўл юришди.

3. Зумрад ён-атрофига қаради. Узукнинг кўзи зумраддан эди.

5-машқ. Куйидаги матнни бош ҳарфларнинг ёзилиш қондасига мувофиқ ёзинг.

1. ё, аллоҳ расули, тенги йўқ инсон,
сизнинг йўлингизни ёритгай қуръон,
сиз — олам сарвари, сиз — нури жаҳон,
ассалому алайка, ё муҳаммад,
ассалому алайка, ё аҳмад.

(А.О.)

2. муҳайё, сурайё, раъно, муқаддас,
кўзимни яшнатиб кийибсиз атлас.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

1-машқ. Куйидаги сўзларни бир сўз билан умумлаштириб номланг. таржима қилинг ва учта гап тузинг.

Тол, терак, арча, чинор, қайин, гилос, нок, олма, олхўри, ўрик, тут, қайрағоч.

2-машқ. Куйидаги сўзларни бир сўз билан умумлаштириб номланг. таржима қилинг ва учта гап тузинг.

Кўй, эчки, сигир, от, эшак, хачир, туя, ит, мушук, кўн, бузоқ, ҳўкиз, той, улоқ, бўталоқ, хўтик, кучук,

3-машқ. Куйидаги сўзларни бир сўз билан умумлаштириб номланг. таржима қилинг ва учта гап тузинг.

Бури, айиқ, тулки, шер, арслон, йўлбарс, қоплон, илвирс.

4-машқ. Қуйидаги сўзларни бир суз билан умумлаштириб номланг, таржима қилинг ва учта гап тузинг.

Ота, она, ака, ука, оға, ини, опа, сингил, эгачи, амма, хола, амаки, тоға, жиян, набира, бобо, буви,

5-машқ. Қуйидаги сўзларни бир суз билан умумлаштириб номланг, таржима қилинг, учта гап тузинг.

Бош, қош, кўз, оғиз, бурун, қўл, оёқ, соч, пешона, қовоқ, киприк, жағ, лаб, тил, тиш, қулоқ, ияк, мўйлов, соқол, юз, бўйин, елка, кўкрак, бел, биқин, қорин, тирсак, кафт, панжа, бармоқ, оёқ, тизза, мия, суяк, юрак, буйрак, ошқозон, ўпка.

6-машқ. Шеърни кучиринг, таржима қилинг ва ёд олинг.

Она тилим

Она тилим — онажоним тили бу,
Бешикланоқ сингган жону қулоққа.
Элу юртим, хонумоним тили бу,
Қадимликда ўхшар она тупроққа.

Боболардан бизга мерос эзгу тил,
Авлодларга хазинайи бебаҳо.
Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил,
Бу дунёга бағишламиш не даҳо.

(Миртемир.)

СЎЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИГА КЎРА ТУРЛАРИ

1-машқ. Синонимларни кўчириб ёзинг ва маъносига кўра гуруҳларга ажратинг, бетараф маъноли сузни аниқланг. Гаплар тузинг.

Юз, чеҳра, ораз, бет, башара, турқ, рухсор

2-машқ. Синонимларни таржима қилинг ва гаплар тузинг.

Жим қолмоқ, сукут сақламоқ; дўст, ўртоқ; фарзанд бола; таҳсил кўрмоқ, ўқимоқ; бажармоқ, адо этмоқ.

1-миёқ. Нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб сўзларни ўқинг, сўзларнинг қилинг ва 5 та гап тузинг.

Кас... л, б...мор, эш...тмоқ, тинг...амоқ; к...п, м...л;
ия...гулот, д...рс; ва...ифа, то...шириқ.

4-миёқ. Байтдаги синонимларни топинг, таржима қилинг ва гаплар тузинг.

Фалиқдан, осмондан, кўкдан ошгай фахр этиб бошим,
Салоқатли, қадрдон ошною дўсту срим бор.

(Ҳабибий.)

8-миёқ. Мазкур сўзлардаги синоним қўшимчаларни аниқланг. Улар иштирокида 6 та гап тузинг.

Барниқт-вақтли, ноилож-иложсиз, серҳосил-ҳосил-
дор, боодоб-одобли, ҳамкасб-касбдош, бемаза-мазасиз.

8-миёқ. Қуйидаги сўзларга синонимлар топинг ва гаплар тузинг.

Одам, гўзал, ботир, қувонч, туғилмоқ, ўқимоқ, би-
тирмақ, ишламоқ.

7-миёқ. Мақоллардаги антонимларни белгиланг ва мақолларни тар-
жима қилинг.

1. Анвал ўйла, кейин сўйла.

2. Куз кўрқоқ, қўл ботир.

3. Бир каттанинг гапига кир, бир — кичикнинг.

4. Ёлгончининг рост сўзи ҳам ёлгон бўлур.

8-миёқ. Қуйидаги сўзларнинг антонимларини топинг ва гаплар ту-
зинг.

Бор, ёруг, кун, катта, узоқ, ўткир, ташқи, шоллик,
бекса, яхши, оқ, узун.

9-миёқ. Сўзлардаги антоним қўшимчаларни топинг, сўзлар ишти-
рокида гаплар тузинг.

раҳмли — раҳмсиз, бамаза — бемаза, бевафо — вафо-
дор, бақувват — қувватсиз, серҳосил — ҳосилсиз, ноўрин-
гиринли, барқарор — беқарор

10-миёқ. Ушбу туртликдаги антоним сўзларни ажратинг. Мавжуд
сўзлар дугатини тузинг.

Табиат кимга кўп ё оз берибди,
Кимгадир хала чўп ё соз берибди.

Во ажаб, мана бу машшоқ гадойга
Тенги йўқ шоҳона овоз берибди.

(А.О.)

11-машқ. Қуйидаги омоним сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

От (ҳайвон), от (исм), от (отмоқ); ёз (ёзмоқ), ёз (фасл),
ёз (ёймоқ); ўт (олов), ўт (майса), ўт (ўтмоқ), ўт (орган)

12-машқ. Қуйидаги тўртликни кўчиринг, таржима қилинг ва ундаги
омоним сўзларни изоҳланг.

Келур сел, кўкда гоҳо бўлса чақмоқ,
Зарар қилгай данакни тишда чақмоқ.
Ёмондир икки ўртоқ ўртасида —
Уриштирмоқ учун бир-бирига чақмоқ.

(Ҳабибий.)

13-машқ. Тўртликни кўчиринг, мавжуд сўзлар луғатини тузинг ва ё
олинг.

Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.
Насихатим ёд қилиб ол, фарзандим,
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от.

(Фозил Йўлдош ўғли.)

14-машқ. Гапларни кўчиринг, таржима қилинг ва омоним сўзларни
ажратинг.

1. Тутнинг барги сарғайди.
2. У қармоқ билан балиқ тутди.
3. Ёш йигит унга қараб кўйди.
4. Салима кўз ёшларини артди.
5. Укамнинг шими чанг бўлибди.
6. Ўктам чанг чалишни ўрганди.

15-машқ. Қуйидаги туюқни кўчиринг, омонимларни ажратинг ва
олинг.

Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур,
Мен вафоси-ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур.

(А.Н.)

16-машқ. Куйидаги паронимларни таржима қилинг ва гаплар тузинг.

Амр-имир, аср-асир, афзал-абзал, даво-даъво, шер-шер, азм-азим, ўтказмоқ-ўтқазмоқ.

ЛЕКСИКАДАГИ ЎЗ ВА ЎЗЛАШГАН ҚАТЛАМ

1-машқ. Куйидаги сўзларни кўчиринг, таржима қилинг ва ўзингиз билган чет тилидаги аynи ифодатар билан солиштиринг.

Опа, ака, ини, ука, эгачи, опа, сингил, кўкалдош, тата, амаки, амма, хола.

2-машқ. Тўртликдаги сўзларни ўз ва ўзлашган қатламга ажратинг.

Орзуим шул, ўчмасин ёнган чироғинг,
Юлдуздай нур сочсин чашминг-қароғинг.
Магар чинор бўлсанг чинордай яша,
Бевақт узилмасин бирор япроғинг.

(А.О.)

3-машқ. Куйидаги сўзларни кўчиринг ва таржима қилинг.

Ҳол, менг, қабоқ, қароқ, кўз, киприк, яноқ, ияк, кичи.

4-машқ. Куйидаги сўзларнинг ўз қатламга ондларини белгиланг ва таржима қилинг.

Арслон-шер, кўклам-баҳор, гушт-эт, битик-китоб, эл-элк, хон-шоҳ, япроқ-барг, манглай-пешона, қуёш-офтоб, утук-дазмол.

5-машқ. Куйидаги сўзларнинг ўзлашган қатламга хосларини белгиланг, таржима қилинг ва гаплар тузинг.

Кумгон-офтоба, кумуш-нуқра, аскар-солдат, туғро-герб, кўк-осмон, юлдуз-расад, сўз-калом, ой-қамар, ўрноқ-дўст, тангри-оллоҳ

6-машқ. Куйидаги тўртликни кўчиринг ва луғат тузинг.

Ташвишга чулганиб қолди бу юрак,
Ташвишлар кўпайди ҳаддан зиёда.
Бешигида ётган гўдақдан бўлак,
Тугал бахтли одам йўқдур дунёда.

(А.О.)

7-машқ. Қуйидаги саккизликни кучиринг. Ундаги сўзларни ўз ва узлашган қатламга ажратинг.

Дунёда диёнат ҳали мавжуддир
Ҳали мард йигитлар яшаб юрибди.
Оналар оқ сути ҳамон оқ сутдир
Қуёш ҳам фалакда порлаб турибди.
Ҳали қай дилларда яшар тангри ҳам,
Ҳали афсоналар ўлиб кетмаган.
Ҳали соф туйғулар топмаган баҳрам,
Инсон орзусига ҳали етмаган.

(А.О.)

ТАРИХИЙ ЖИҲАТДАН ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ

1-машқ. Қуйидаги сўзларни кучиринг. Ҳар бир жуфтликдаги биринчи сўзларни бир термин билан умумлаштиринг.

Битик-китоб, будун-халқ, расадхона-обсерватория, хандаса-геометрия, сарф-морфология, савт-фонетика; наҳв-синтаксис, саҳҳофлик-муқовачилик, баззозлик-газмолфурушлик, саррофлик-пул алмаштирувчилик.

2-машқ. Қуйидаги сўзларни кучиринг. Улар тилшуносликда қандай термин билан номланади? Уларни таржима қилинг.

Хон, канизак, мингбоши, миршаб, улпон, баққол, ботмон, қаландар, сипоҳ.

3-машқ. Қуйидаги сўзлар тилшуносликда қандай номланади? Уларни кучириб, гаплар тузинг.

Маркетинг, брокер, менеджер, менеджмент, бизнесмен.

4-машқ. Тўртликни кучиринг, таржима қилинг ва эскирган сўзларни ажратинг.

Ўдилар шўрлик бошингдан
Уйнатиб шамширларин
Неча қоон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.
(Э.В.)

5-машқ. Куйидаги шеърни кучиринг, эскирган сўзларни ажратинг. Шеърни ёд олинг.

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илғай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур, давонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.
Демам, бу кун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним

(А.О.)

6-машқ. Куйидаги матнни кучиринг ва таржима қилинг.

Қарздорлик

Кунлардан бир кун Навоий билан Ҳусайн Бойқаро онга чиқишибди. Бир қишлоқдан ўтишаётганларида, йўл четида турган болакай уларга салом берибди. Шоҳ алик олиб ўтиб кетаверибди. Алишер Навоий дарҳол отидан тушибди-ю, бола билан қўш қўллаб сўрашиб, қайтиб отига минибди. Ҳусайн Бойқаро ҳайрон бўлибди:

— Сиз жаҳонга машҳур шоир, бунинг устига салтанатнинг вазири бўла туриб, наҳотки шу ёш гўдак билан отдан тушиб саломлашинингиз шарт бўлса.

— Шу боланинг отаси бир вақтлар менинг саводимни чиқарган. Мен унинг олдида ҳамиша қарздорман, — дебди шоир.

УМУМИЙ ВА ЧЕГАРАЛАНГАН ЛЕКСИКА

1-машқ. Куйидаги сўзлардан адабий тилга ва шевага хосларини алоҳида-алоҳида ажратинг, таржима қилинг.

Она, ая, эна, ойи, бийи, буви;
доира, чилдирма, чирманда, дап, загама;
дўппи, қалпоқ, қалапўш, тоқи;
бўри, қашқир, қаришқул, жандар.

2-машқ. Куйидаги диалогни кучиринг, шевга хос сўзларни ажратинг.

— Сен бизга хиянат қилдинг, ит увли!

— Иқрорман.

— Тузимни унутдинг.

— Тонмайман.

— Иқрорсен, тонмайсен, ўбдан иш! — Ўлудан ҳам қайтмайсан!

— Мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман.

(А.Қ.)

3-машқ. Куйидаги шеърни кучиринг, тагига чизилган сўзни ажратиб изоҳланг. Шеърни ёд олинг.

Тилла балиқча

Тухумдан чиқди-ю, келтириб уни
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.
Ташиландиқ ушоқ еб ўтади куни,
Хору хас, хазонлар устин ёптилар.
Дунёда кўргани шу тор ҳовузча
Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.
Менга алам қилар, тилла балиқча,
Бир қўлмак ҳовуз деб билар дунёни...

(А.О.)

4-машқ. Тўртликда ажратилган сўзнинг қайси шевага хослигини белгиланг ва кучириб ёзинг.

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб
Тоғу тошлар ичра **истаб юрамен**

(Чулпон.)

5-машқ. Тилшунослик фанига онд терминларни кучириб, таржима қилинг.

Эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, сўз, сўз бирикмаси, гап, урғу, бўғин, ҳарф, ундош, унли, оҳанг, товуш, жарангли, жарангсиз, қўшма сўз.

6-машқ. Жаргон ва арголарга бир неча сўз ёзинг.

ФРАЗЕОЛОГИЯ

1-машқ. Куйидаги ибораларни кучиринг, гаплар тузинг.

Айланиб кетай, капалаги учиб кетди, қўй оғзидан чўп олмаган, юрағига гулгула тушмоқ, бошига кутармоқ, умри узоқ бўлсин.

2-машқ. Гапларни кучиринг, фразеологизмларни аниқлаб тагига чизинг.

1. Худоё Фуломжоннинг умри узоқ бўлсин. (М.И.)
2. Саиданинг юрағига қил сиғмас эди. (А.Қаҳ.)
3. Туробжоннинг теппа сочи тикка бўлди. (А.Қаҳ.)
4. Тожибой ўз қилиқлари билан унинг сабр косасини тўлдирди. (П.Т.)

3-машқ. Синоним иборалар иштирокида гаплар тузинг.

Оғзи қулоғида, оғзининг таноби қочган, тўнини тескари киймоқ, теппа сочи тикка бўлмоқ.

4-машқ. Антоним иборалар иштирокида гаплар тузинг.

Боши кўкка етмоқ — кайфи бузуқ; кўкка кутармоқ — ерга урмоқ, кўнгли тоғдай кутарилди — юраги ғаш бўлди, ерга урса, кўкка сакрайди — қўй оғзидан чўп олмаган.

5-машқ. Омоним ибораларни таржима қилинг.

1. У жанжал қилиб уйни бошига кутарди.
2. Холаси уни "қизим-қизим" деб бошига кутарди.
3. Битта яримта келиб қолса, гап тегеди. (П.Қ.)
4. Сенга гап тегдими, чўзаверасанми резинка қилиб. (Ҳ.Н.)

6-машқ. Куйидаги фразеологизмларнинг маъносини аниқлаг.

Арпасини хом ўрмоқ, кўзи мошдек очилмоқ, тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, тегирмонига сув қуймоқ.

7-машқ. Ибораларнинг маъносини аниқлаг.

Хамирдан қил суғургандай, сабр косаси тўлмоқ, оғзига талқон солмоқ, кўнгли жойига тушди.

8-машқ. Гапларни таржима қилинг ва ибораларни аниқланг.

1. Чолнинг дами ичига тушиб кетди. (М.И.)
2. Саида бошини қуйи солиб жим қолди. (А. Қаҳ.)
3. Сатторов оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди. (Ю.Ш.)
4. Фуломжон қишлоққа тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди. (М.И.)

9-машқ. Шеърни кўчиринг, ибораларни аниқланг, ёд олинг.

Камтарлик ҳақида

Гарчи шунча мағрур турса ҳам
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

(Э.В.)

ЛЕКСИКОГРАФИЯ

1-машқ. Лексикография тилшуносликнинг қандай соҳаси? Матн усулида қисқача изоҳланг.

2-машқ. Қуйидаги кўчирмадаги ўзбекча сўзлар иштирокида гаплар тузинг, таққосланг.

Ўрик абрикос, урюк; // абрикосовый, урюковый, урючный; оқ — белый урюк; қантак ўрик — название сорта сладкого абрикоса; ўрик гули 1) цветы урюка; 2) время цветения урюка; ўрик данаги косточки урюка; ўрик дарахти абрикосовое дерево; ўрик мураббоси абрикосовое варенье. (Ўзбекча — русча лугат. Т., 1988. 615-бет.)

3-машқ. Қуйидаги матннинг давомини мазкур китобдан ёзинг ва таржима қилинг.

Тўмарис

Турон элининг миллий қаҳрамони. Массaget қабила-лари уюшмасининг ҳукмдори. Мил. ав. 6-а. бошларида яшаган. Тўмарис ҳақида юнон тарихчиси Геролотнинг "Тўққиз китобли тарихи" асари 1-жилднинг 204—216-бобларида маълумот келтирилади. Унда массagetлар маликаси Тўмариснинг Эрон шоҳи Кайхусрав (Кир II) босқинчилик урушига қарши мардонавор кураши ҳикоя қилинади... ("Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси" Т., 1997, 61-бет.)

4-машқ. Тўргликдаги сўзларни изоҳли луғат ёрдамида изоҳланг. Яна бешта ўзбекча сўзнинг изоҳини кучириб ёзинг.

Ватанни сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги, ҳатто, қуруқ чўп,
Жондан яқин, юрагимизга.

(*Ойбек.*)

МОРФЕМИКА

1-машқ. Қуйидаги саволларга жавоб ёзинг.

1. Морфемика қандай таълимот?
2. Морфема деб нимага айтилади?
3. Морфема неча хил бўлади?
4. Аффиксал морфемага нималар кирди?

2-машқ. Қуйидаги сўзларни узак ва аффиксал морфемаларга ажратинг.

англамоқ, яшамоқ, санамоқ, атамоқ,
бошлиқ, китоблар, чизғичим, ўчирғични,
ақлли, голибона, суҳбатлашмоқ, боодоб.

3-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ҳар бирини узак ва аффиксал морфемаларга ажратинг.

Тинч, тинчлик, тинчликсевар;
ўқув, ўқувчилар, ўқувчиларимизга;
бошлиқ, бошлар, бошла, бошловчилар.

4-машқ. Қуйидаги сўзларни ўзак ва аффиксал морфемаларга бўлинг. Ҳар бир морфеманинг маъносини ва вазифасини изоҳланг.

Намуна. **Юртдош** сўзи икки морфемадан тузилган: биринчиси ўзак морфема, иккинчиси аффиксал морфема. 1) юрт ўзак морфемаси аҳоли яшайдиган жой, мамлакат маъносини англатади; 2) -дош морфемаси — сўз ясовчи: отдан биргалик, умумийлик каби маъноларни билдирувчи от ясайди.

Кийинмоқ, ҳамкасб, қишки, дарсхона.

5-машқ. Мазкур шетрадаги сўзларни узак ҳамда аффиксал морфемаларга ажратиб чиқинг ва ед олинг.

Пўлат

У даставвал ойболта бўлди,
Сунг замбарак бўлиб қуйилди.
Қилич ҳам у, милтиқ ва наган,
У бомба ҳам бўлиб портлаган.
Лекин олган жаҳонни фақат,
Перо бўлиб қуйилгач пўлат.

(Э. В.)

СЎЗ ЯСАЛИШИ

1-машқ. Қуйидаги саволларга жавоб ёзинг.

1. Ўзбек тилида нечта туркум сўз ясалиш хусусиятига эга?
2. Сўз ясалишининг нечта ва қайси усуллари бор?
3. Туб ва ясама сўзлар қандай фарқланади?

2-машқ. Қуйидаги сўзлардан туб ва ясама сўзларни алоҳида-алоҳида ажратинг. Гаплар тузинг.

Баҳорги, тинч, совуқ, фойдали, беихтиёр, сердавлат, яшин, офтоб, куйчи, кунгабоқар, халқпарвар, жозибадор.

3-машқ. Қуйидаги ясама отларнинг қандай номланишнинг аниқланг, сўз ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг ва гаплар тузинг.

Босқичдош, ҳамкасб, ўқувчи, дарвозабон, сураткаш, тилшунос, соатсоз.

4-машқ. Ясама отларни маъносига кўра умумий номланг, сўз ясовчиларнинг тагига чизинг ва гаплар тузинг.

Чизғич, қисқич, ўчирғич, кўрсаткич, супурги, кўрик, қарсак, тўпلام, кийим, таклифнома, севинч, ёзув, тирноқ, бўёқ, сайлов.

5-машқ. Ясама отларни маъносига кўра умумий номланг, сўз ясовчиларни аниқланг ва гаплар тузинг.

Ўзбекистон, гулзор, ўтлоқ, сайилгоҳ, дарсхона, тош-лоқ, лағмонхона.

6-машқ. Ясама отларни маъносига кўра номланг, сўз ясовчиларни аниқланг ва гаплар тузинг.

Дустлик, борлиқ, севги, бушлиқ, яхшилиқ.

7-машқ. Қуйидаги отларни таржима қилинг, ажратиб ёзилиш сабабини изоҳланг ва гаплар тузинг.

Сим ёғоч, ер ёнғоқ, эшак еми, қозон ювғич.

8-машқ. Қуйидаги қўшма отларни таржима қилинг тузилишини ва қўшиб ёзилишини изоҳланг ҳамда гаплар тузинг.

Кўларра, кўксултон, гулбеор, учбурчак, ўринбосар, Оқтепа, Сирдарё.

9-машқ. Қуйидаги қўшма отларнинг ажратиб ёзилиш сабабини изоҳланг ва гаплар тузинг.

Умум Европа, Бутун Осиё, Юқори Чирчиқ, Шимоллий Кавказ, Кўҳна Урганч.

10-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ажратиб ёзилиш сабабини изоҳланг, таржима қилинг, гаплар тузинг.

Сўз боши, иш ҳақи, байрам олди, темир йўлчи, тош йўл, осма кўприк, тил олди, қишлоқ хўжалик.

11-машқ. Қуйидаги отдан сифат ясовчи қўшимчалар иштирокида сифатлар ясанг ва гаплар тузинг.

-ли, -сиз, -вий, -ий, -қи, -ки, -ча.

12-машқ. Қуйидаги олд қўшимчалар ёрдамида сифатлар ясанг ва гаплар тузинг.

сер-, ба-, бе-, бо-, но-.

13-машқ. Қуйидаги ясама сифатлардаги сўз ясовчинини аниқланг, уларни бошқа сўзлар билан бириктириб сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

Одамсимон, эҳтиёткор, дарвишнамо, халқпарвар, бадбахт, дардчил, оламшумул, гапдон, ҳазилкаш, қиш-боп, хушмуомала, қишлоқи, эркакча.

14-машқ. Синоним олд қўшимчалар ёрдамида сўзлар ясанг ва гаплар тузинг.

-ли, -ба, -бо, -сер-.

15-машқ. Қуйидаги ясама сўзлардаги сифат ясовчинини аниқланг, уларни бошқа сўзлар билан қўшиб сўз бирикмалари ясанг.

Мақтанчоқ, сезгир, куюнчак, топқир, олғир, кескир, чирик, қайнатма, ёриқ, илиқ, билағон, билармон, жушқин, сўлғин, турғун, сургун, пўрсилдоқ, жирканч, тинч, ачимсиқ, қисқа, қарам, қочқоқ.

16-машқ. Қуйидаги қўшимчалар ёрдамида сифатлар ясанг ва товуш ўзгаришини эслаб қолинг.

Қайна+қ = ..., йиғла+қи = ..., ёри+қ = ...,
тарқа+қ..., сайра+қи = ...

17-машқ. Қуйидаги қўшма сифатларни ажратиб ёзлиш сабабини изоҳланг. Гаплар тузинг.

Ҳаво ранг, оёқ яланг, бинафша ранг, бош яланг.

18-машқ. Қўшма сифатларни таркибига кўра изоҳланг. Сўз бирикмалари тузинг.

Қимматбаҳо, совуққон, тинчликсевар, давлатлараро, камқувват, бешотар.

19-машқ. Қуйидаги ясама феълларнинг қайси сўз туркумидан ясалганлигини изоҳланг ва гаплар тузинг.

Мойламоқ, оқламоқ, бушамоқ, чулдурамоқ, қисқармоқ, тинчимоқ, иккиланмоқ, тўлатмоқ.

20-машқ. Қуйидаги ясама феъллар иштирокида гаплар тузинг. Сўз ясовчиларнинг тагига чизинг.

Ишламоқ, қораймоқ, кучаймоқ, оқармоқ, сувсирамоқ, бойимоқ, чирқилламоқ, ёрдамлашмоқ.

21-машқ. Қуйидаги феъл ясовчилар қайси нисбатлар ҳосил қилишини аниқланг ва гаплар тузинг.

Фахрланмоқ, иккиланмоқ, суҳбатлашмоқ, ёрдамлаш-
моқ.

22-машқ. Феъл ясовчиларни аниқланг, сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

Сувсамоқ, ярқирамоқ, ярқилламоқ, гумонсирамоқ, сенсирамоқ, кечикмоқ, зуриқмоқ.

23-машқ. Феъл ясовчиларни аниқланг. Шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Беркитмоқ, камситмоқ, бошқармоқ, фивирсимоқ, йўқолмоқ, кучанмоқ, ётсинмоқ.

24-машқ. Қуйидаги феъл ясовчилар иштирокида феъллар ясанг ва товуш ўзгаришларини эслаб қолинг.

Ўйин+а... = ; қийин+а = ... ; от+а = ...; сон+а = ...,
суст+ай = ... ёш+а = ...; онг+ла = ... паст+а = ...

25-машқ. Қуйидаги мисралардан ясама сўзларни аниқланг.

Сонсиз юлдуз, тубсиз само,
Бепоен фазо...
Зухро шамдек парпирайди,
Осмон тим қаро.
Оққуш янглиғ сузиб юрар
Ой сукут аро,
Чексиз фазо оғушида
Ер ўғли ухлар.

(Э. В.)

26-машқ. Қуйидаги қўшма феъллар иштирокида гаплар тузинг.

Дам олмоқ, ҳимоя қилмоқ, сотиб олмоқ, чиқариб олмоқ, олиб бормоқ.

27-машқ. Ясама сўзлардаги равиш ясовчиларни аниқланг ва гаплар тузинг.

Қисқача, қаҳрамонларча, янгичасига, хомлигича, арслондек, бегоналардай, яхшилаб.

28-машқ. Ясама равишлардаги ясовчиларни аниқлаб улар иштирокида гаплар тузинг.

Дўстона, тахминан, бутунлай, тириклайин, аксинча, ёппасига, кўндалангига.

29-машқ. Ясама сўзлардаги равиш ясовчиларни аниқланг ва гаплар тузинг.

Беихтиёр, тинимсиз, қўйлакчанг, ёдаки, қийин, ёзин, яширин.

30-машқ. Қуйидаги қўшма равишларни таржима қилинг ва улар иш-тирокида гаплар тузинг.

Ҳар вақт, ҳамма ёқ, ҳеч қачон, бир зум, бир неча, ҳар замон.

31-машқ. Қуйидаги қўшма равишларнинг қушиб ёзилиш сабабини изоҳланг, гаплар тузинг.

Аллақачон, аллақерда, қайвақт, қайбир, бирваракай, бирпас, бирмунча, биратўласи.

32-машқ. Қуйидаги ясама сўзларни топинг, гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Ҳар кимнинг нияти — узининг йўлдоши. (*Мақол.*)
2. Атиргул-танаси тиканли, гули хушбўй ўсимлик ва унинг гули. (*УТИЛ.*) 3. Уларнинг уйидаги гулларнинг-ку сон-саногои йўқ; гулбеор, гулраъно, гулсапсар. (*F.F.*) 4. Бедана бўлиб учдим: Бедапояга тушдим... (*Халқ оғзаки ижодидан.*)

33-машқ. Қуйидаги матнни кучиринг, таржима қилинг. Ясама сўзларни топинг.

Тил зўрликни ёқтирмайди. Тил тараққиёти айрим шахсларнинг истаги ё ихтиёри билан эмас, объектив талаблар, тилнинг ички қонунияти тақозоси билан, узоқ тарихий даврда юз берали. Тилнинг гузаллик қоидаси — мантиқ ва табиийлик, бойлик манбаи эса — халқчиллик.

Тил — ҳар бир халқнинг энг катта миллий бойлиги. Инсониятнинг энг ажойиб мўъжизасидир.

Тил — сўз санъатининггина эмас, ҳамма санъатларнинг асоси. (*Ас. М.*)

34-машқ. Мақолларни кучиринг. Ясама сўзларни топинг, уларнинг қайси туркумдан ясалганлигини аниқланг, сўз ясовчиларнинг тагига чизинг.

1. Доноликнинг чеки йўқ. 2. Сув — зар, сувчи — заргар. 3. Камтарлик ҳам хусн. 4. Яхши билан булсанг йўлдош,

огир ишингга қўлдош. 5. Гузаллик ҳуснда эмас, меҳнатда.
6. Дўстлик ҳамма бойликдан афзал.

35-машқ. Қисқартма отларни туғри уқинг, ҳар бирининг тулиқ шаклини ёзинг.

БМТ, ТошДУ, ДАН, АҚШ, ТошТИ, ТошДТУ, ТИУ.

36-машқ. Нуқталар урнига тегишли суз ясовчиларни қуйиб, бирикмаларни кучиринг.

Оила... тарбия, умум... маълумот, қиш... бино, оч... эшик, ут... пичоқ, сез... киши, сул... ниҳол, чуз... унли, титра... ундош.

37-машқ. Қисмлари тик чизиқлар билан ажратилган қўшма сузларни имло қондасига мувофиқ қўшиб ёки ажратиб ёзинг.

Омма//боп, халқ//аро, меҳмон//дўст, оёқ//яланг, пуш-ти//ранг, роҳат//бахш, раҳм//дил, эрк//севар, ҳам//оҳанг, сўз//боши, тил//олди.

МОРФОЛОГИЯ

1-машқ. Қуйидаги саволларга жавоб ёзинг.

1. Ҳозирги ўзбек тилида нечта сўз туркуми бор?
2. Мустақил сўз туркумлари нечта? Улар қайсилар?
3. Ёрдамчи сўз туркумлари қайсилар?

2-машқ. Барча сўзларни намунадагидек лексик ва грамматик маъносига кура таҳлил қилинг.

Баҳор ҳам, умр ҳам утар эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангу қолурсан.

(А.О.)

Намун а: Баҳор — лексик маъноси: барча жонзотлар уйғонадиган илк фасл, кўклам; грамматик маъноси: предмет номи, от, турдош от, birlik сонда, бош келишикда.

3-машқ. Шеърни кучиринг, ифодали уқинг. Ундаги келишик, эгалик, сон қўшимчаларини изоҳланг ва шеърни ёд олинг.

Она

Кимдир савол берди: — Айтгил, Муҳаммад,
Ёлғиз сен Расулсан буткул оламга.
Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт,
Ота-онамгами ёхуд боламга?
Расул жавоб қилди: — Тингла биродар,
Гапимни уч бора қулоққа илгил.
Имкон топа олсанг дунёда агар,
Энг аввал онангга яхшилик қилгил.
Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ —
Ростдан ҳам она эрур қиблаи олам.
Гарчи ҳаммамиз ҳам падармиз, бироқ
Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам.

(А.О.)

4-машқ. Тўртликларни кўчиринг, ифодали ўқинг. Ундаги шахс-сон, замон қўшимчаларини изоҳланг ва шеърни ёд олинг.

Дейдилар, ит ҳурар — ўтади карвон,
Ранжу балолардан ёнмасин жонинг,
Лекин алам қилар бир умр гирён
Итлар орасидан ўтса карвонинг.

(А.О.)

Яшасам юз йил ҳам чиқмайди эрдан,
Менга илк алифни ўргатган устоз.
Кечирдим мен юзлаб китобни кўздан,
Биринчи дафтарга мен қўйган ихлос —

(М.Ш.)

5-машқ. Матнни ўқинг. Ундаги синтетик ва аналитик шаклларни ҳосил қилувчи махсус воситаларнинг тағига чизинг.

Бобур ва кабутар

Бир куни Умаршайх сарой аъёнлари билан ўтирган экан. Бир кабутар келиб айвон пештоқига қўнибди ва "ғулу-ғулу" қилаверибди.

Шоҳ: "Кабутар не дейди" деб сўрабди. Шунда Бобур кабутарнинг қовун сайлига айтиб келганини сўзлабди.

Кабутарни тутиб қарасалар, оёғидаги хатда қовун сайлига таклиф қилинган экан. Умаршайх Бобурнинг ҳушёрлигига қойил қолибди. Ўғлидан топқирлигининг сабабини сўрабди.

Бобур ўтган йили шу қуш қовун сайли ҳақида хабар келтирганини айтибди. Уни қанотидаги қора холидан танинган экан. (*Баёнлар тўплами.*)

6-машқ. Гапларни ёзинг. Сўзларнинг жуфт ҳамда такрорий шакллари аниқланг ва таржима қилинг.

1. Донога кўрсатиладиган иззат-икром, ҳурматнинг сабаби билимдир.

2. Қут-иззатни ҳам, обрў-этиборни ҳам киши тил орқали топади.

3. Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. (*Ю.Х. Ҳожиб.*)

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

1-машқ. Матни ўқинг. Ундаги мустақил, ёрдамчи сўзларни алоҳида-алоҳида ажратиб кучиринг.

Турклар тарихидан

Қадимий туркларнинг дунёқарашада тўрт уфқ ва тўрт тараф ранглар воситасида тайин этилганлиги маълум. Шарқ — яшил, Ғарб — оқ, оқиш, Жануб — қизил, қирмизи, Шимол — қора. Туркларда Шимолнинг қора рангда тасаввур қилиниши ҳам тасодифий ҳодисалардан эмас. Афсонага кўра, Нух пайғамбар ўғилларига заминни бўлашиб берганда, Ёфасни шимол тарафга жўнатади. Ёфас Отил Ёйиқ сувларининг ёқасига бориб, икки юз эллик йил умр кечириб, ўша жойларда вафот этади. Унинг тўнғич ўғли Турк ҳам шимолда туғилиб, вояга етган. Бу тўғрида Маҳмуд Кошғарий "Девону луғотит-турк"да қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган: "Турк — тангри ярлақагур Нух ўғлининг оти..." Кошғарий Хараф ўғли имом Шайх Хусайн деган одамнинг китобида пайғамбардан шу ҳадисни ривоят қилади: "Улуғ тангри айтади; менинг бир тоифа аскарим бор, уларни турк деб атадим, уларни кунчиқарга ўринлаштирдим. Бирор халқдан ғазаблансам, турк-

ларни унга қарши йўллайман"... ("Асотирлар ва ривоятлар".)

2-машқ. Гапларни кўчиринг, ёрдамчи ундов ва модал сузларнинг тагига чизинг.

1. Билиш учун ўқимоқ керак.
2. Ташқаридан тақур-туқур овоз эшитилди.
3. Журабоев билан Ойқиз янги қишлоққа қараб йўл олди. (Ш.Р.)
4. Дарҳақиқат, халқ учун иш қиялпсиз, ўғлим. (Ш.Р.)
5. Ниҳоят, акамнинг иситмаси тушди. (У.Ҳ.)

ОТ

1-машқ. Магнини кўчиринг. Атоқли ва турдош отларни сўроқ бериб аниқланг, таржима қилинг.

Марказий Осиё

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг бир қисмидир. Ўрта Осиё эса Марказий Осиёнинг таркибий қисми ҳисобланади. У Касбий денгизидан Япон денгизигача етти минг километр ва шимолдан жанубгача бир ярим минг километрга чўзилиб кетган бўлиб, ер юзи қуруқлигининг улкан майдонини эгаллаган. Тибет тоғи бу катта ўлкани жанубий денгизлар таъсиридан пана қилиб турган бўлса, шимолдан Олтой ва Саян тоғлари, Хинган тоғи Шимолий муз океани таъсиридан ҳимоя қилади. Тяньшан эса Марказий Осиёни иккига — ғарбий ва шарқий қисмларга ажратади. Ғарбий қисмда асосий майдонни Турон пасттекислиги, шарқий қисмда эса Буюк Хитой текислиги эгаллаган. ("Болалар энциклопедияси"дан.)

2-машқ. Шеърни кўчириб, киши ва нарса отларининг тагига чизинг, шеърни ёд олинг.

Инсон қалби

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Унда ажлод фахри яшайди сўзсиз,

Унда истиқомат қилади башар.
Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда она яшар, яшайди Ватан.
Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз
Ҳайҳот! Қўзғалмасин бу қалб дафъатан!

(А.О.)

3-машқ. Отлардаги куплик қўшимчасининг маъноларини изоҳланг.

1. Дадамлар келдилар. 2. Дўконда ҳар хил ёғлар сотилади. 3. Ойимлар ҳали тетиклар. 4. Талабалар ўз устозларини ҳурмат қиладилар. 5. Жўра Самарқандларни айланиб келган.

4-машқ. Қуйидаги сўзларни эгалик қўшимчалари билан турланг.

Она, ватан, кўнгил, сингил, боғ, ёнғоқ.

5-машқ. Қуйидаги сўзларни аниқ, мавҳум, якка, тўда, шахс, нарса номларига ажратинг ва гаплар тузинг.

Пичоқ, тароқ, заргар, ишчи, лашкар, халқ, муҳаббат, яхшилик, дафтар, гишт, ёғоч, коса.

6-машқ. Матндаги келишдик қўшимчаларини изоҳланг. Шеърни ёд олинг.

Сен Пушкиннинг севган малаги,
Сен Гёте орзу этган қиз.
Сен Байроннинг ўтли юраги,
Сен Гейнени ёндирган юлдуз,
Алишернинг Гулисисан сен,
Сен Лутфийнинг сўлим газали.
Булбулисан Ҳофиз гулшанин
Ва Ҳайёмнинг ширин асали.
Толемда нозланиб турган,
Эй, сен менинг эрка гўзалим!

(А. О.)

7-машқ. Отнинг функционал шаклларини ҳосил қилувчи қўшимчаларни аниқланг ва гаплар тузинг.

Китобча, келинчак, кўзичоқ, бўғалоқ, онажон, қизалоқ, акахон, Салимаой, дадамлар, дафтарники, бурчакдаги, билагигача, дафтар-китоб, қатра-қатра.

8-машқ. Шеърда қайси келишик белгисиз қўллаиғанлигини аниқ-
ланг.

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди.
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол,
Бунда қорнинг тағларида қиш
Баҳор учун сўйлайди олқиш.
Ботирлари канал қазади,
Шоирлари газал ёзади,
Куйчилари ўқийди ялла.
Жувонлари айтади алла.
Пазандаси ёпади ширмон,
Қарилари кутади меҳмон,—
Бу шундайин ажиб диёрдир.

(Ҳ.О.)

9-машқ. Ажратиб курсатилган сўзлардаги келишик қўшимчаларини
тегишли кумакчилар билан алмаштириб, гапларни кўчириб ёзинг.

1. Иш билан банд бўлганидан менинг келганимни сез-
мади.

2. Китобни укамдан бериб юбордим. 3. Қишлоққа ма-
шинада борилади. 4. Улар қишлоққа йўл олдилар. 5. Вақтим
бўлмаганидан томошага бора олмадим.

10-машқ. От ва отлашган сўзлардаги келишик қўшимчаларини аниқ-
лаб кўчиринг.

1. Бугунги ишни эртага қўйма. (Мақол.)
2. Яхшига ёндаш, ёмондан қоч. (Мақол.)
3. Инсон инсонга дўст, биродар.
4. Гапнинг кесими эгага тобе бўлади.
5. Олтин ўтда билинади, одам меҳнатда.
6. Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз. (А.Н.)

СИФАТ

1-машқ. Хусусият билдирувчи сифатлар иштирокида сўз бирикма-
лари тузинг ва таржима қилинг.

Камтар, қувноқ, йўрға, ювош, муғомбир, зиқна, меҳ-
рибон, яхши.

2-машқ. Ҳолат билдирувчи сифатлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг ва таржима қилинг.

Маюс, кекса, хурсанд, ёш, илиқ, совуқ, салқин, тинч, дуркун, очиқ.

3-машқ. Шакл-кўриниш билдирувчи сифатлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг ва таржима қилинг.

Гавдали, новча, узунроқ, ясси, пакана, думалоқ.

4-машқ. Ранг-тус билдирувчи сифатлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг ва таржима қилинг.

Оқ, қора, қизил, яшил, кўк, сариқ, кул ранг, қунғир, саман, бўз, жигар ранг, тўриқ.

5-машқ. Ҳажм-ўлчов билдирувчи сифатлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг ва таржима қилинг.

Кенг, тор, узун, яқин, катта, кичик, оғир, енгил.

6-машқ. Маза-таъм билдирувчи сифатлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг ва таржима қилинг.

Ширин, аччиқ, нордон, тузсиз, шўр, бемаза.

7-машқ. Ҳид билдирувчи сифатлар иштирокида гаплар тузинг ва таржима қилинг.

Хушбўй, бадбўй, муаттар, кўланса.

8-машқ. Предметнинг ўрин ёки вақтга кура белгисини билдирувчи сифатлар иштирокида гаплар тузинг.

Ёзги, қишки, кузги, кечки, ташқи, сиртқи, кундузги.

9-машқ. Ушбу шеърдаги сифатларни аниқланг ва шеърни ёд олинг.

Гиёҳ

Улуғвор бир кудрат билан,
Чайқалади чўнг денгиз.
Қанча оғир харсанг тошлар
Тубда унга чўккан тиз.

Аммо муъжаз, нозик гиёҳ
Уша тубсиз ўлкада.
Кукка ўсар, ҳа, денгизни
Кўтарганча елкада!

(А.О.)

10-машқ. Гаплардаги сифатларни аниқланг ва гапларни таржима қилинг.

1. Душман ниҳоятда кучли, айёр, қув экан.
2. Бу шундай жой эканки, икки томони қир-адирлар билан қопланган, ўртасидан каттакон сой оқиб ўтган, ҳамма ёғи мевазор, боғзор, токзор, хушҳаво, хушманзара, одамлари бўлса хушсурат, хушфеъл, хушхулқ, хуштавозе, меҳмондўст...
3. Дунёдаги энг хушбўй ҳидни келтиринг. («Асотирлар ва ривоятлар».)

11-машқ. Кўчиринг, сифатларни топиб тағиға чизинг. Гапларни таржима қилинг.

1. Суҳбатдошим — нуроний чол, қувноқ, тетик, файласуфнамо. (С.З.)
2. Мовий осмонда кул ранг булутлар сайр қилмоқда. (И.Р.)
3. Унинг кўзларида жиддий ўй, лабларида маънодор, ингичка табассум сезилар эди. (О.)
4. Кекса врач билан Нафиса остонада жилмайиб турардилар. (Ас. М.)
5. Султонмурод шеърни гоёат гузал ўқир эди. (О.)

12-машқ. Топишмоқларни кўчиринг, таржима қилинг, жавобини топинг.

1. Кичкина декча, ичи тула михча.
2. У ёғи тоғ, бу ёғи тоғ, ўртаси кук ёнтоқ.
3. Ер остида қизил қалпоқ.
4. Оппоққина дастурхон ер юзини қоплаган.
5. Боғда финг-финг учади,
Гул шарбатин ичади.
Кўрсанг, узун найзаси
Ҳосил берар мазали.

13-машқ. Матнни ўқинг. Қўлланган сифатларни ажратинг ва таржима қилинг.

Баҳор

Эрта баҳорнинг серзавқ кунлари. Ям-яшил адирлардаги гиёҳлардан таралган хушбўй ҳидлар димоққа урилади. Офтоб чарақлайди. Кўм-кўк осмон шишадек тиниқ. Олақуроқ пахтали тўнлар елкадан тушган. Катта-кичик меҳнаткаш деҳқоннинг эғнида хом сурп ятак. Хушчақчақ қизларнинг қоп-қора сочларида толбаргакдан сочиопук. Ўрикларнинг катта-кичик новдаларида оч пушти маржон. Ариқ бўйларидан ялпизларнинг хушбўй ҳиди анқийди. Баланд-баланд деворлар тагида қумурсқалар ўрмалайди. (С. А.)

14-машқ. Куйидаги гаплардан сифатларни топиб, қайси даражада экаплигини аниқланг.

1. Беруний Гурганжга келган йили қизиқ бир ҳодиса юз берди. 2. Ул доно ва жасур одам. 3. У хурсанд бўлиб, янги сафарга ҳозирлана бошлади. 4. Маҳмуд мен ўйлагандан кўра маккорроқ экан. 5. Оқ, кўк, сариқ ва қизил рангли ёқутлар бор. 6. Лаъл эса ёқутга нисбатан юмалоқроқ, қизил, тиниқ ва равшан жавоҳир дурур. 7. Жавоҳирларнинг энг қимматлиси ёқутдир. 8. Сирнинг нари бетидаги Чордара воҳаси жуда чиройли манзара касб этган эди. (*Мир. Ос.*)

15-машқ. Озайтирма ва кучайтирма сифатларни топиб, алоҳида-алоҳида ажратиб ёзинг.

1. Мезбон қип-қизил юзини ўраб олган оппоқ чанбар соқолини силаб, ўйланиб қолди. (*Мир. Ос.*) 2. Ҳали қуёш ботмаган, унинг кечки қизғиш нурлари барглари сарғайган ўрикларни, терак учларини ловиллатиб ёндираётгандек. (С.А.) 3. Кўкиш, кўкимтир, оч яшил, оқиш, қорамтир, тўқ қизил, қоп-қора, сап-сариқ, ям-яшил, кўм-кўк, сарғиш, сарғимтир.

16-машқ. Отлашган сифатларни аниқланг, гапларни кўчириб таржима қилинг.

1. Яхши ошини ер,
Ёмон — бошини.

2. Яхши-эл ғамида
Ёмон-ўз ғамида.

3. Яхшига ёндаш,
Ёмондан қоч.

4. Яхшидан от қолади,
Ёмондан — дод.

17-машқ. Шеърни кучиринг. сифатларни аниқлаиғ па ёд олинг.

Мисранииғ тугилиши

Уфқларда қизил бир оташ —
Ботаётган оловли лола,
Гуё бутун олам шаробин
Кўтарувчи гулгун пиёла.
Кўк юзига булут сочилган
Таралмаган чигал соч каби,
Кўёшнинг сўнг шўъласин эмар
Булутларнинг паришон лаби.
Райҳонларнинг сархуш ҳидини
Туплаб чўкар боғларга оқшом,
Хиромон бир шабада билан
Келаётир менга ҳам илҳом...

(М. Ш.)

18-машқ. Гапларни ўқинг. Қўшма, жуфт ва такрорий сифатларни ажратиб кўчиринг.

1. Лола кўзларини катта-катта очиб, Қундузга қаради.
(С.А.)

2. Тўкин-сочин куз фасли бошланди. (М.Қ.)

3. Гала-гала сухсур, сўна, ғоз учиб келур,
Янги-янги қўшиқ, ялла, соз учиб келур.

4. Аччиқ-чучук гаплар бўлмади. (П.Қ.)

5. Жўрабоев одатдагича кул ранг кителини кийиб олган эди. (Ш. Р.)

6. Тинчликсевар ва эрксевар халқлар урушни истамайдилар. (Рўзномадан.)

СОН

1-машқ. Гаплардаги тагига чизилган соннинг маъносини изоҳланг.

1. Саломатлик — туман бойлик. 2. Душман дақ-дақ лашкар тортиб келаётганмиш. 3. Ки ҳисоб ичра бор эди ўн дақ,

Ҳар лаки ўн туман келиб бешак. (А.Н.)

2-машқ. Нутқимизда фаол қўлланадиган қуйидаги 23 та содда соннинг сўз билан ёзиб чиқинг.

0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90, 100, 1000, 1.000.000, 1.000.000.000.

3-машқ. Қуйидаги мақолларни кўчириг ва таржима қилиг.

1. Бир кун туз ичган жойга, қирқ кун салом бер. 2. Етти улчаб, бир кес. 3. Бирники — мингга, юзники — туманга. 4. Бир кўрган — таниш, икки кўрган — билиш. 5. Беш бармоқ баробар эмас.

4-машқ. Қуйидаги гапларни кўчириг ва соннинг турини аниқланг.

1. Мулкларнинг учдан бири ҳам қолган эмас. (*Ойбек.*)
2. Маданият ривожининг биринчи шarti тинчликдир. (*Лев Т.*)
3. Менинг болам битта, уники иккита. (*С.З.*)
4. Мен соат олтиларда ишдан қайтаман. 5. Охири икки яшик асалари сотиб олдим. (*М.С.*)
6. Аскарлар бештадан сафга тизилди.

5-машқ. Ҳар бир қатордаги сонларни маъносига кўра номланг ва гаплар тузинг.

1. Бир, икки, уч, тўрт, беш. 2. Саккизта китоб, ўн дона қалам. 3. Тўққизинчи синф, олтинчи қатор. 4. Еттитача одам, соат саккизларда, юзлаб кишилар, ўн иккитача қоп. 5. Иккаласи боришди, олтовлон кетди. 6. Учтадан дафтар, иккитадан учиргич беришди.

6-машқ. Қуйидаги шеърда қўлланган сонларнинг маъносини изоҳланг. Шеърни кўчириг ва ёд олинг.

Ўзбегим

Тарихингдир минг асрлар,
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим,
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.

Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,
Ал-Фороб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлуқ,
Балки Тархон, узбегим.
Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча қоон, неча султон,
Неча минг хон, узбегим.
Тоғларинг тегрангда гўё
Бўғма ажлар бўлди-ю,
Икки дарё — икки чамшинг,
Чашми гирён, узбегим.

(Э. В.)

7-машқ. Қуйидаги ҳисоб сўзларини кучиринг, улар ердамида суз бирикмалари тушинг ва таржима қилинг.

Кун, ой, йил, кеча, кундуз, соат, сония, дақиқа, нафар, нусха, тун, бет, саҳифа, қадам, қарич, энли, коса, шёла, қошиқ, хўплам, ҳовуч, тийин, сўм, марта, бог, даста, тўда, тош, шингил, бош, пуд.

8-машқ. Қуйидаги саволларнинг жавобини топинг.

1. Қайси сон тескари ёзилса ҳам узгармасдан қолади?
2. Қайси сон тескари ёзилса, ҳосил бўлган сон бир ярим баробар ортади?

9-машқ. Қуйидаги мақоллардаги отлашган сонларни аниқланг. Гап булаклари буйича таҳлил қилинг.

1. Билагаи зўр бирни йиқар, билими зўр мингни.
2. Қирқига чидаган, қирқ бирига ҳам чидайди.
3. Санамай саккиз дема.
4. Мард бир урар, номард юз.
5. Бирни кессанг, ўнни эк.

ОЛМОШ

1-машқ. Кишилиқ олмошларини ёзинг ва улар иштирокида бта гап тузинг.

2-машқ. Шеърни кучиринг, кишилиқ олмошларини аниқланг ва ёд олинг.

Ўлка

Боғларингни сайр этганимда,
Сен бор эдинг қалбда, Ватаним.
Боғ ҳуснига шеър битганимда,
Уни дастлаб сенга атадим.

Минглаб тилда мадҳингни сўзлар
Бунда ўсган ҳар бир дарахт.
Нур эмади миллионлаб кўзлар.
Кўкдан сенинг ҳуснингга қараб.

Жилмаяди ўзида йўқ шод,
Янги ой ҳам кетмай қошингдан.
Этак-этак олиб коинот,
Юлдузларин сочар бошингдан.

(Э. В.)

3-машқ. Куйидаги кишилик олмошларига қўшимча қўшилганда қандай ўзгариш содир бўлганлигини аниқланг ва гаплар тузинг.

Унда, унга, ундан.

4-машқ. Кишилик олмошларига қўшимча қўшилганда қандай товуш ўзгариши ҳосил бўлганлигини аниқланг. Гаплар тузинг.

Меники, сеники.

5-машқ. Гаплардаги кишилик олмошларини аниқланг ва гапларни кучиринг.

1. Сен ҳам барча тенгдошларинг сингари истиқлол берган неъматлардан тўла баҳрамандсан. (*"Ишонч" газетасидан*) 2. Мен тилшунослик тўғарагига ёзилдим... 3. Биз ўз Ватанимизни севаимиз.

4. Қанча тиришсам ҳам, у беор
Еллар мени алдаб кетади.

(Ҳ.О.)

5. Улар қишлоққа йўл олдилар. 6. Сиз бу шоирларни биласизми? (*Ш.Р.*)

6-машқ. Қуйидаги шеърда қатнашган кишилик олмошларини топинг.

Гўзаллик нимада...

"Гўзаллик қизларда,
у қора кўзларда,
соз каби сўзларда,"
деганлар янглишар.

Гўзаллик бир гулдир,
муддати фаслдир,
яшамоқ аслдир,
сиз, биз, бор у яшар.

Гўзаллик — ишлайиш,
манглайни терлатиш,
гўзалдир унга, иш,
мақтанса ярашар!

(F.F.)

7-машқ. Ўзлик олмоши эгалик қўшимчалари билан турланса қандай маънони ифодалайди.

Ўзим-..., ўзинг-..., ўзи-..., ўзимиз-..., ўзингиз-..., ўзлари-...

8-машқ. Ўзлик олмоши келишиқ қўшимчалари билан турланганда қандай қўшимчалар булиши шарт.

1. Ўз...+нинг =...
2. Ўз+...ни =...
3. Ўз+...га...
4. Ўз...+да...
5. Ўз...+дан =...

9-машқ. Тўртликни кўчиринг ва ёд олинг.

Алқисса шу: от йўлни
Уй томон бурган экан.
Чол-чи, ўз кампиридан,
Жой сураб турган экан.

(A.O.)

10-машқ. Қуйидаги олмошлар иштирокида гаплар тузинг.

У, бу, шу, ўша, ана, мана, ана шу, мана бу, анову.

11-машқ. У, бу, шу, ўша олмошларига қуйидаги қўшимчалар қўшилса, қандай ўзгариш булишини топиб кўчиринг.

У+дай =... У+га =... У+да =... У+дан =... У+ча =...
Бу+дай =... Бу+га =... Бу+да =... Бу+дан =... Бу+ча =...

12-машқ. Қуйидаги гапларда қатнашган кўрсатиш олмошларини аниқланг ва машқни кўчиринг.

1. Ғузал эди бу ажойиб дам. (Х.О.)
2. Бозорга ўхшайди асли бу дунё... (А.О.)
3. Нимани эксанг, шуни ўрасан. (Мақол.)
4. Йўлчи эртадан кечгача дам у экинда, дам бу экин-да ишлайди. (Ойбек.)
5. Шу пайт кимдир эшикни чертди. (С.З.)

13-машқ. Қуйидаги шеърда мавжуд кўрсатиш олмошларини аниқланг, шеърни кўчиринг ва ёд олинг.

"Сен борсан"

Сен борсан — мен учун бу ҳаёт ғузал,
Сен борсан — мен учун дилбар коинот.
Сенсиз қолар эдим зулматда тугал,
Сенсиз қолар эдим буткул бемурод.

Сенинг висолингда умрим яширин,
Чечаксан, мен учун асло сўлмассан.
Шу қадар дилбарсан, шу қадар ширин,
Афсус шундайлигинг ўзинг билмассан.
(А.О.)

14-машқ. Суроқ олмошларини қуйидаги жадвал асосида тўғри жойлаштиринг.

1. Шахсга нисбатан:..
2. Предметга нисбатан:...
3. Белгига нисбатан:...
4. Миқдорга нисбатан:...
5. Вақтга нисбатан:...
6. Мақсадга нисбатан:...
7. Сабабга нисбатан:...
8. Ўринга нисбатан:...

15-машқ. Гаплардаги сўроқ олмошларини аниқланг, кўчиринг ва таржима қилинг

1. Мана шу ёруғ юлдузнинг оти нима, отахон? (F.F.)

2. Қулоқ-бурнингни нега кесдилар. (*Мир. Ос.*) 3. Нима гап ўзи, нима истайсизлар? (*С.Р.*) 4. Сиз темирчининг уйига нима мақсадда боргансиз? (*М.С.*) 5. Сиз у йигитнинг кими бўласиз? (*И.Р.*)

16-машқ. Шеърни кўчириг, луғат тузинг ва ёд олгил.

Тунислик бола

Афсус разолатга ботди бу очун,
Айбни яратганга тўнкамоқ нечун.
Сенга ўт қўйдилар бир эрмак учун,
Римга нега келдинг тунислик бола?

Биламан сен учун парча нон қаҳат,
Замин мазор бўлса, Африка лаҳад.
Ўт қўйса, ўт қўйсин ўз элинг фақат.
Римга нега келдинг тунислик бола?

Бу шундай манзилки, дўстни ёвлайди,
Ота ўз фарзандин авраб товлайди.
Бу юртнинг сайёди одам овлайди.
Римга нега келдинг тунислик бола?...

(*А.О.*)

17-машқ. Белгилаш олмошлари иштирокида гаплар тузинг.

Ҳамма, барча, бари, ялпи, жами, бутун.

18-машқ. Гапларни кўчириг ва таржима қилинг.

1. Уларнинг ҳар бирини бир дунё деса бўлади. (*М. Қ.*)
2. Ҳаммасидан яхши топширдиму, фақат кимёдан йиқилдим. (*М. Қ.*) 3. Ҳамма бир нафас жим қолди. (*Ойбек.*)
4. Сенга бўлсин барча ҳусну, менга бўлсин барча ишқ. (*Э.В.*)

5. Биз истаймиз: барча эллар, элатлар
Бир-бирига бўлсин яна яқинроқ. (*А.Р.*)

19-машқ. Мазкур олмошлар иштирокида гаплар тузинг ва маъноси-га алоҳида эътибор бериш.

Ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир, ҳар қайси, ҳар қандай, ҳар тугул.

20-машқ. Шецрни кучиринг, луғат тузинг ва ёд олинг.

Шарқ ҳақиқати

Тахтга талпинасан ғазабга тулиб,
Чиқармоқ бўласан оламшумул чанг.
Ҳар ойна кутарган Искандар бўлиб,
Темур саналмагай ҳар қандайин ланг.
Ўзбекнинг давлати қарор топган чоғ,
Маймунжон терарди қайси бир наслинг.
Ўз юртинг шаънига туширмагин доғ.
Ахир одам эрур сенинг ҳам аслинг.
Ҳар ким шоҳ бўлай дер иложин топса,
Урингай тарихга келса ҳам малол.
Фалак чаппа кетиб омадинг чопса,
Шарқнинг бир ҳикматин яхши англаб ол:
Подшоҳ деганлари куну тун бедор,
Халқининг меҳрибон дояси бўлур.
Бежиз айтмаганлар асл ҳукмдор,
Худонинг ердаги сояси бўлур.

(А. О.)

21-машқ. Куйидаги олмошлар иштирокида гаплар тузинг.

Ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қанақа, ҳеч қайси, ҳеч нарса,
ҳеч қандай, ҳеч бир.

22-машқ. Гаплардаги булишсизлик олмошларини аниқланг, гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Ҳеч ким кўринмайди, балки улар ҳам дам олишаётгандир? (М.И.) 2. Энди одамларга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайман. (М.Қ.) 3. Лекин сир бой бермаслик учун, ҳеч нарса бўлмагандек илжайди. (М.Қ.) 4. Муродова Раҳимга ҳеч қандай савол бермади. (И.Р.) 5. Бир ўзининг қўлидан ҳеч нарса келмайди. (М.С.)

23-машқ. Тўртликни кучиринг, олмошларни аниқланг ва ёд олинг.

Ҳаним бўлолмасмиз иккимиз сира,
Дўст ҳам бўлолмасмиз балки ҳеч қачон.
Балки эмасдирсан сен ҳам бокира,
Балки эмасдирман мен ҳам покдомон.

(А. О.)

24-машқ. Гумон олмошлари иштирокида гаплар тузинг.

Аллаким, алланима, кимдир, нимадир, аллақачон, аллақаер, аллақандай, биров, фалон, алланарса.

25-машқ. Гапларни кучиринг, гумон олмошларини аниқланг.

1. Девор орқасида алланарса шитирлади. (С. З.) 2. Шу пайт кимдир эшикни чертди. (С.З.) Қария алланечук осойишта кулди. (Ў.Ҳ.) 4. Аллақандай арча панасига яшириниб, чўнқайиб ўтириб олди. (Ў. Ҳ.) 5. Кимдир жавоб қайтарди. (М.С.)

26-машқ. Шеърни кучиринг, олмошларни аниқданг ва ёд олинг.

Яхшилик ва ёмонлик

Эл аро юради бир нақл,
Халқ уни такрорлаб айтади.
Кимсага ёмонлик қилмагил,
Бир куни ўзингга қайтади.

Дарвоқе, панд берсанг бир жонга,
У ҳам тинч турарми ҳеч замон.
Дейдилар, туфласанг осмонга
Ўзингга тушгайдир бегумон.

Яхшилик қилсанг-чи сен бироқ,
Қайтарми у сенга? Бу мубҳам.
Бошини силасанг гоҳи чоқ
Қўлингни тишлайди итинг ҳам.

(А.О.)

27-машқ. Ҳеч, ҳар, бир сузлари иштирокида қўшма олмошлар ясанг.

ФЕЪЛ

1-машқ. Гапларни кучиринг. Феълларни аниқланг ва изоҳланг.

1. Қурбоний хола индамай ошхонага чиқди. (Ў.Ҳ.) 2. Қор ёғаяпти. (Ў.Ҳ.) 3. Бу аёлга Зоҳиднинг раҳми келди. (Т. М.) 4. Узоқдан аъёнлари билан мингбоши келар эди. (М.И.) 5. Дарёга тикиламан. (М.Қ.) 6. Мен сизга бир гап айтмоқчи эдим. (М.Қ.) 7. Тошкентга ўқишга келмоқчи эди. (М.Қ.)

2-машқ. Гапларни кўчириг, тўлиқсиз феълларни аниқлаг. Таржима қилиг.

1. Автостанцияда йўловчилар гавжум эди. (*С.Р.*)
2. Ўғли билан келинига қараб Тумариснинг севинчи ичига сигмас эди. (*Мир.Ос.*)
3. Мен Лайло билан ўртамиздаги муносабатнинг бўлишини мутлақо хоҳламас эдим. (*М.Қ.*)
4. Ҳисобот солинган сумкаси ишхонада қолган эди. (*М.С.*)

3-машқ. Гапларни кўчириг, утимли ва утимсиз феълларни аниқлаг.

1. Салтанат очиқ эшикдан "зал"га қаради.
2. Рангруйи ўзига баттар сўлгин, асабий кўришиб кетди.
3. Эшик кўнғироғи жиринглади.
4. Салтанатдан садо чиқавермагач, индамай кавушини кийди.
5. Шоша-пиша деворни пайпаслаб, чироқни ёқди.
6. Азиз бирон ёмон гап айтиб юборишдан қўрқиб тилини тийди.
7. Салтанат эшикни очди. (*Ў.У.*)

4-машқ. Гапларни кўчириг ва ўтган замоннинг қайси шаклидалигини аниқлаг.

1. Бобонор хотинининг бошини ушлади. (*И.Р.*)
2. Ҳасан ишбошининг фикрига қарши чиқди. (*М.С.*)
3. Нигорага дарҳол жавоб ёздим. (*М.Қ.*)
4. Беруний Гурганжга келган йили қизиқ бир ҳодиса юз берди. (*Мир.Ос.*)
5. Иккиси узоқ гурунглашди. (*Э.Р.*)

5-машқ. Гапларни ўқинг, ўтган замоннинг қайси шаклида эканлигини аниқлаг ва кўчириг.

1. Шаҳаншоҳи олам сенга гойибона ошиқ бўлганлар. (*Мир.Ос.*)
2. У Эрон шоҳининг қандай ниятда эканини энди тушуниб олган эди. (*Мир.Ос.*)
3. Тошкентда ёмғир ёғаётган эди. (*И.Р.*)
4. У ёғини суриштирсангиз, мен аллақачон уйланганман, ҳатто қизим ҳам бор. (*М.Қ.*)
5. Айтмоқчиманки, хуржун туя жунидан тўқилган. (*М.С.*)
6. Онаси Лайлонинг тепасида ўтирган экан. (*И.Р.*)

6-машқ. Гапларни кўчириг ва ўтган замоннинг қайси шаклидалигини аниқлаг.

1. Ойим ҳам Санобардан эшитган нордон гапларни мендан яширар эдилар. (*М.Қ.*)
2. Зарур иши бор экан-да, бўлмаса чиқар эди. (*М.Қ.*)
3. Онам Лайлони кўрсалар, қан-

дай қувонар эдилар. (М.Қ.) 4. Фазилатхон менга булакча суқланиб қарар эди. (И.Р.) 5. Жаладан кейинги ўрмон сатҳи балчиқзорга айланиб кетган, лой кечиб борар эдик. (И.Р.) 6. Аммо кўп қизлар муҳаббат нималигини билар эканлар. (И.Р.) 7. Қишлоқда ўзини ойнага соладиган қизларни кўплар ёқтирмас эдилар. (И.Р.)

7-машқ. Гапларни ўқинг. Ўтган замоннинг қайси шакли мавжудлигини аниқланг ва кўчиринг.

1. Нима гуноҳ қилибди. (И.Р.) 2. Қайнотам мукчайиб озгин қўлида пешонасини қашлаб ўтирибди. (И.Р.) 3. Снарядлар, бомбалар каллаклаган қарағайлар ағанаб ётибди. (И.Р.) 4. Даласига ҳам етиб бормаи туриб орқамдан терговчи борибди. (И.Р.) 5. Вазият шуни талаб қилибди. (И.Р.) 6. Иссиқ кийимларга бориб эдим. (И.Р.)

8-машқ. Гапларни кўчиринг ва ҳозирги замоннинг қайси шаклидалигини аниқланг.

1. Менга талабалар бор бўлсин, оғиримни ўшалар енгил қиляпти. (И.Р.) 2. Сенга ачиняпман, биродар. (И.Р.) 3. Аммо Фанижон менга ишонмаяпти. (И.Р.) 4. Ҳали менга ҳам ишонмаяпсизларми? (И.Р.) 5. Ўзимизникиларга яқинлашган сари чекким келяпти. (И.Р.) 6. Соатлар кетидан кунлар, кунлар кетидан ҳафталар ўтяпти. (И.Р.) 7. Уч кундирки, у милиция идорасида гумондор сифатида сўроқ қилиняпти. (М.С.) Сен бола мени ким деб ўйляяпсан? (М.С.)

9-машқ. Гапларни кўчиринг. Ҳозирги замоннинг қайси шакли қўлланиганини аниқланг.

1. Шаҳри Румдан келаётибмиз, Кошғарга йўл тутгонмиз! (М.Али.) 2. Қурбонбой ота бундан тўрт йил бурун кўкламда қуртга барг қирқаётиб, дарахтдан йиқилиб оёғи синган эди. (Ў.У.) 3. Мадраса тупроғини ялаб ётибсизми ҳали ҳам? (М.И.) 4. Эрталаб Карима мактабга кетаётиб, йўлда Турғунни кўриб қолди.

10-машқ. Гапларни кўчиринг. Ҳозирги замоннинг қайси шаклида эканлигини аниқланг.

1. Зоти олийлари сизни чорлаётирлар... (Мир.Ос.) 2. Хонлар ҳокимият талашиб, бир-бирлари билан бўғиша-

ётирлар. (*Мир.Ос.*) 3. Хотинининг сўзига кириб, шул ишни қилаётир. (*Мир.Ос.*) 4. Юринг, шоҳ ҳазратлари сизни истаётирлар. (*Мир.Ос.*) 5. Келин... келин келаётир, — деб бақирди у ҳарсиллаб. (*Мир.Ос.*) 6. Ҳозир эса қипчоқ беклари шилиб олаётирлар. (*Мир.Ос.*)

11-машқ. Гапларни кўчиринг. Ҳозирги замон феъл шаклини ҳосил қилувчи қўшимчаларни топинг.

1. Қибладаги қуёш оташтанга тушган мис тобоқдай қизғиш учқунланмоқда. (*И.Р.*) 2. Қабила бошлиғи Тумарис ўгли Сипарангизни шак уруғидан Зарина деган бир қизга уйлантирмоқда. (*Мир.Ос.*) 3. Орол денгизининг жанубидаги шу бепоён чўлларнинг соҳиби бўлган кўчманчи массагетлар келин кутмоқда. (*Мир.Ос.*) 4. Ёшлар меҳмонларга жой ҳозирламоқда, аёллар овқат пиширмоқда, янгалар ўтов хизматини ўтайдиган узун соябон араваларни безатмоқда. (*Мир.Ос.*)

12-машқ. Гапларни кўчириб, ҳозирги замон феъл шакли ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

1. Мен ҳам овни яхши кўраман. (*И.Р.*) 2. Буёғини правление қарорига ўзим тиркаб қўяман. (*И.Р.*) 3. Ўша куни қандай қилиб касалхонадан кетганимни билмайман. (*И.Р.*) 4. Бу ёғига ўзим кетаман. (*М.С.*) 5. Тушларингда ҳам кўрмайсанлар. (*М.С.*)

13-машқ. Гапларни кўчиринг. Ҳозирги замон феълни ҳосил қилувчи қўшимчани аниқланг.

1. Оёғим, аъзон баданим оғрийди. (*А.Қаҳ.*) 2. Ойим дамбадам тўхтайди. (*Ў.Ҳ.*) 3. Сандонда олов гувиллайди. (*Ў.Ҳ.*) 4. У сланецлар, қумтошлар, гранитлар ичида учрайди. (*С.К.*) 5. Марат илжайиб, унинг сўзини маъқуллайди. (*С.Абдуқаҳҳор*) 6. Залда томошабинлар кўпайди.

14-машқ. Ҳозирги замон феълни аниқлаб, гапларни кўчиринг ва қўшимчаларнинг тагига чизинг.

1. Сулаймон оқсоқол лагандаги гўштни тўғрай бошлади. (*Яшин.*) 2. У Андижонга Робия туфайли боришни эса ота-онасига айтишга уялади. (*П.Қ.*) 3. Мен сизга кейин тилласини олиб бераман. (*Ў.У.*) 4. Азиз, сени кўпдан

бери биламан, сенга ишонаман. (У.У.) 5. Саодатхон ая,
мен сизни яхши кўраман. (А.Р.) 6. Дўппи тор келса ҳар
нағмага тушасан. (А.Р.)

15-машқ. Келаси замон феълининг қайси шаклдалигини аниқланг
ва гапларни кўчиринг.

1. Ботирлар халқнинг хотирасида ҳамиша яшаяжак-
лар. (Ойбек.)

2. Барча халқ ҳам ўз она-юрт боғида дилшод,
Хирмон-хирмон кўтаражак умид донасин.

(F.F.)

3. Балки устоз Ойбекдек тўлиб
Ёзажаксан янги бир дoston.
Балки Ҳабиб Абдулла бўлиб,
Саҳроларда очажаксан кон.

(O.A.)

16-машқ. Гапларни кўчириб келаси замон феълининг қайси шакли
қўлланганлигини аниқланг.

1. Шербўта нимадир айтмоқчи бўлиб, Басoатни тўхтат-
ди. (А.Р.) 2. Тагин яна кимларгадир тенглашмоқчи. (А.Р.)

3. Наҳотки жангга ҳам алоҳида-алоҳида чиқмоқчисиз-
лар? (П.Қ.)

4. Унга раҳм этмоқчи одамлар шу тоб,
Тоғу тошлар аро яқин йўл очиб.

(A.O.)

5. Сени бир юнон кўрмоқчи. (Я.И.) 6. Ҳинд юришидан
воз кечинг демоқчимисиз? (П.Қ.)

17-машқ. Мақолларни кўчиринг. Келаси замон феълининг қайси
шакли қўлланганлигини аниқланг.

1. Дарё сувин баҳор тоширар, одам қадрин меҳнат
оширар. 2. Билган билганин ишлар, билмаган бармоғини
тишлар. 3. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар. 4. Ки-
мирлаган қир ошар. 5. Фолбиннинг сўзига аҳмоқ ишонар.
6. Эшак эти гўшт эмас, савдогар ҳеч дўст бўлмас.

18-машқ. Шеърни кўчириш, таржима қилиш ва ёд олиш.

Ўзимни мозийнинг бағрига урдим,
Ва шу он шукрона айтиб қайтдим.
Кимдир кўрмай кетган бахтни мен кўрдим,
Кимдир айтмай кетган сўзни айтдим мен.
Мени кутаётир ажиб келажак,
У менинг иқболим, менинг бахтимдир.
Мен кўрмаган бахтни кимдир кўражак.
Мен айтмаган сўзни айтажак кимдир.

(А.О.)

19-машқ. Гапларни ўқинг аниқ (бош) нисбат ва ўзлик нисбатдаги феълларни ажратиб кўчириш.

1. Йўлдош хайрлашмасдан чиқиб кетди. 2. Шундан кейин Йўлдош анча вақт кўринмади. 3. Ҳатто профессор тоғаси ҳам ёрдам беролмабди. 4. Ўтирганларнинг бари ялт этиб Азизга қаради. 5. Вақт зиқ бари шошиб турибди. 6. Азиз жавобга шошилмади. (У.У.)

20-машқ. Куйидаги гаплардан мажҳул ва ўзлик нисбатдаги феъл шитирик этганларини алоҳида-алоҳида ажратиб кўчириш.

1. Азиз бир-икки гингшиб, уйғонди. 2. Эртаси уни онасининг аҳволи анча яхшиланди. 3. Расул Оллоёрович "мабодо сиз бошлайсизми" дегандек Муҳиддин Жабборовичга юзланди. 4. Саройнинг ташқи деворларига бўртма ганч нақшлар солинган, том четига нақшинкор гуллар билан безатилган кунгурали панжара қўйилган. (Журналдан.)

21-машқ. Биргалик ва орттирма нисбатдаги феълларни ажратиб кўчириш.

1. Кейин торт-торт билан раисга боришди. (У.Ў.)
2. Ҳукмдоримиз Рустак... қулоқ, бурнимни кестирди. (Мир.Ос.)
3. Тасодифан бир ёнғоқ топиб олишди. (А. Авл.)
4. Болалар Расулнинг гапига қўшилишди. (И.П.)
5. Ферузлар шаҳарда, тўққиз қаватли уйда туришади. (У.Ҳ.)
6. Қизалоқлар бир зумда яқиндаги ўтлоққа бориб қолишди. (У.Ҳ.)
7. Зайнаб ишга худди шундай важ кўрсатди. (Шуҳрат.)
8. Наврўз сайлларида ҳар хил мусобақа ўйинлари ўтказилган. (Н.А.)

22-машқ. Шеърни ўқинг. Нисбат қўшимчаларини аниқланг, кучиринг ва ёд олинг.

Умр

Қалбимда гоҳ ғурур гоҳида фараҳ,
Шу учқур дунёни турфа кўрибман.
Юртма-юрт, элма-эл, фарсах-бафарсах
Умрим довларин ўлчаб юрибман.
Умр-ку ўтади гулдурос солиб,
Унинг қайтганини ким ҳам кўрибди?
Во ажаб, қай бир зот, ўз умри қолиб,
Менинг қадамимни ўлчаб юрибди...

(А.О.)

23-машқ. Аниқлик майлидаги феълларни кучириб, гапларни таржима қилинг.

1. Асадбек ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. (Т.М.)
2. Йигит эрталаб хомуш уйғонди. (А.Д.) 3. Қизнинг тимқора кўзларидан тирқираб ёш оқар, у унсиз нола қилар эди. (Э.С.) 4. Мингбоши хотинини жеркиб ташлади. (М.И.)
5. Кейин Жамшид институтга йўл олди. (Т.М.) 6. Сен бола мени ким деб ўйлаяпсан. (М.С.)

24-машқ. Буйруқ — истак майлидаги феълларни аниқлаб гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Сир сирлигича қолсин. (М.С.) 2. Ўш шаҳрига бугуноқ суров хати тайёрланг. (М.С.) 3. Ёмон кўздан, касалдан худонинг ўзи асрасин. (М.С.) 4. Фуқаропарвар Шаҳриёримиз бошидан давлат қуши кетмасин. (М. Али.)
5. Қишлоқларга одам юбор. (Я.И.) 6. Ҳақини тўғри тўлаб, зудлик билан қайтишни буюр. (Я.И.) 7. Гулбаданга жавоб берайлик. (П.Қ.)

8. Имкон топа олсанг дунёда агар,
Энг аввал онангга яхшилик қилгил.

(А.О.)

9. Юкларни туширгин! (П.Қ.) 10. Ифтордан сўнг бизникига ўтсин. (П.Қ.)

25-машқ. Шарт майлидаги феълларни аниқлаб, гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Агар Андижонга сиз бормасангиз... мен ҳам кетмас-мен. (П.Қ.) 2. Э, у киши тушмаса, кураш бўладими? (М.И.) 3. Ҳозир сардор бир нима деса, хон уни душманга чиқаради. (Э.С.) 4. Самарқандлик бўлсанг, қани бир саволга жавоб бер-чи: ҳозир қасрда турибсен? (М.Али.) 5. Аммо ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ барабар ёнади. (Т.М.) 6. Синглим, учрашувга сиз ҳам бормасангиз бўлмайди. (М.С.) 7. Агар янглишмасам, энди иккита гувоҳ қолади. (Т.М.)

26-машқ. Шеърни кўчириг. Феълнинг майл шакларини аниқланг ва ёд олинг.

Эшигингдан ўтаман...

Куз ёйса ҳам йўлларга хазон,
 Қор кўмса ҳам борлиқни бутун,
 Кўклам келиб, урса ҳам хандон,
 Эшигингдан ўтурман бир кун.
 Сочларингга тушса ҳамки оқ,
 Пешонангни боесса ҳам ажин,
 Кирганда ҳам гавдамга титроқ,
 Эшигингдан ўтурман бир кун.
 Майли, шунда танимасанг ҳам,
 Ёки десанг, кўрмайин турқин,
 Ёшим ютиб, бошим қилиб ҳам,
 Эшигингдан ўтурман бир кун.
 Мени демай юмсанг ҳам кўзинг,
 Хонанг қолса зулматга тутқун,
 Хотирангга шам бўлиб ўзим,
 Эшигингдан ўтурман бир кун.
 Вақтим етиб чиқса бу жоним,
 Дардларимга ясалса якун,
 Қабристонга тобут ичра жим,
 Эшигингдан ўтурман бир кун.

(О.М.)

27-машқ. Ҳаракат номларини топинг, гапларни кўчириб таржима қилинг.

1. Куз келиб, янги ўқув йили бошланди. (П.Т.) 2. Ўт иши қовурмоқ, ел иши совурмоқ. (Мақол.) 3. Дам ол-

моқ — соғлиқни мустаҳкамламоқ. (*Рўзномадан.*) 4. Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ. (*Мақол.*) 5. Яшамоқ — курашмоқ. (*Рўзномадан.*) 6. Менинг мақсадим — ўқиш. (*Рўзномадан.*)

28-машқ. Равишдош шаклини ҳосил қилувчи қўшимчаларни аниқлаб, гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Нон, нон булгунча уруғли бугдой бўлади. 2. Уни далага экиб, йиғиб олишган. (*И.П.*) 3. Феруза тезроқ гул тергани боргиси келарди. (*Ў.Ҳ.*) 4. Эрталаб овқатланиб олгач, қопчани орқага ташлаб, Тўрткўзни эргаштириб йўлга тушди. (*Ғайратий.*) 5. Тирсагининг қирилиб кетганига қарамай, отни ечди. (*Мирмуҳсин.*)

6. Тоғ каби ёриб ўтгач,
Дев ҳарсиллаб қулади.
(*Ҳ.О.*)

7. Сумалак қайнаб, қуюқ торта бошлагач, кавлаб турилади. (*Рўзномадан.*)

29-машқ. Сифатдошларни топиб, гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Оқшунқорни олиб келганимда, қуёш икки терак бўйи кўтарилиб қолган эди. (*Н.Ф.*) 2. Оқшунқор қийқириқ чиққан томонга қараб бир силкинган эди, эшак устида бамайлихотир ўтирган Исой бобо учиб тушаёзди. (*Н.Ф.*) 3. Одам қаттиқ кўрққанда эсини йўқотаркан. (*Н.Т.*) 4. Шубҳасиз, илон қизни кўрган-у, яхши кўриб қолган. (*М.О.*) 5. Унинг тирик қолган ўлжаси шу ерга кириб кетган экан. (*Н.Р.*) 6. Афтидан, бешик томонга келаётган илонни мушук сезиб қолиб, улар ўртасида шиддатли жанг бўлган. (*Н.Ф.*)

30-машқ. Отлашган сифатдошларни аниқлаб ва мақолларни таржима қилинг.

1. Бирлашган дарё бўлур, тарқалган ирмоқ бўлур.
2. Кўрққанга қўш кўринур.
3. Интилган элга ёқар.
4. Ўзингга ўзингни мақтагандан кўрқ.
5. Ерни алдаган оч қолар.
6. Адашганни йўлга сол.

31-машқ. Шеърни ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг.

Эрк ҳаққи

Қадимий бобо юртим,
Кутлуғ бўлсин яловинг,
Уйлай-уйлай ташлаган
Қадам муборак бўлсин.
Тагин гуриллаб ёнгай
Учмаган қалб оловинг,
Эрк ҳаққиға ичилган
Қасам муборак бўлсин.
Кимсага ёмонликни
Кўрмагансан ҳеч раво,
Лекин шум кутқулардан
Чиқмади шўрлик бошинг.
Энди сени қулласин
Зафар ўзи доимо,
Сафаринг бехатару
Хизр бўлсин йўлдошинг...
(А.О.)

32-машқ. А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романидан уч абзац уқиб, феълларни топинг, уларни морфологик таҳлил қилинг.

33-машқ. Қуйидаги парчани диққат билан ўқинг. Сунгра матндаги от, сифат, олмош, сон, равиш ва феълларни топинг. Алоҳида-алоҳида ажратиб ёзинг.

Лолагул кўйлак кийиб, лолалар ичида ўзи ҳам лола каби очилиб кетган ёш жувон бир бош чаросни узди-ю, унинг ўз кўзлари сингари қоп-қора доналарини битта-битта оғзига сола бошлади. Унинг ёниб турган бежо кўзларида ниманингдир ташвиши чақнар эди. Шу ғала-говурли тонгда тонг ҳуснига ҳусн бергулик бир чирой билан, қулоқларида қашқари балдоқ, кўкрагида тилла баргак, хурмойи бўйнида марварид маржон, манглайи устида тиллақош билан, шарқ шоирлари айтмоқчи, товуслек хиромон қилиб бораётган бу гўзал ёноқлари — эгнидаги лолагул кўйлак товиданми ё энди уйғониб, ўзининг илк зарраларини дунё юзига мўл-кўл соча бошлаган дилбар қуёш шафағиданми, қип-қизил эди. (М.И.)

34-машқ. Шеърни ифодали ўқиб, ундаги феълларни ажратиб ва уларни сўз таркиби бўйича таҳлил қилинг.

Йиллар армони

Кимгадир яхши гап айтдик, биродар,
Кимдир бир умрга ранжиб ҳам кетди.
Кун кеча ёш дердик ўзни бир қадар,
Бугун-чи, балоғат пайти ҳам етди.
Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт
Қийнайди ўзидан ўтган қусурлар.
Кимгадир айтилмай қолган бир раҳмат,
Кимдандир сўралмай қолган узрлар.
Мукамал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ.
О, йиллар армони, йиллар армони,
Армон кўрмадим мен сиздан буюкроқ.
Инсонга тобемас замон, инчунун,
Инсон юрагида аламлар қат-қат.
Фақат бир таскин бор, барчаси учун,
Афсус чека билсанг — шу ҳам бир давлат.
(А.О.)

РАВИШ

1-машқ. Қуйидаги гапларда қатнашган равишларни аниқлаб, гапларни таржима қилинг.

1. Нонуштадан кейин болалар бирин-кетин Азизларникига кириб келишди. (О.Ў.) Поезд қоронғи кечада ўқиди, учиб бораяпти. (С.Н.) 3. Сулаймонов йиқилди, лекин у журтгага йиқилган эди. (А.Б.) 4. Шеригим ҳикоясини тамомлаб жим қолди. (Н.Т.) 5. Темир дарвоза орқасида қолган она яна хомуш ичкарига кирди. (Мирмуҳсин.) 6. Пастда қорли чўққидан бошланувчи жилға шиддат билан оқарди. (А. Амин.)

2-машқ. Ҳолат (тарз) равишларни топинг. Гапларни кўчириг ва таржима қилинг.

1. У отини секин юргизиб, устига оқ наMAT қопланган катта соябон арава олдида тўхтатди. (Мир.Ос.) 2. Тоза ҳа-

шова варайлик, деб пиёда кетишди. (Т.М.) 3. Қўққисдан
ёнига тушган кучли зарбадан кўра устига ағнаб тушди.
(М.С.) 4. Писеладаги муздек сувдан хўплади. (М.С.)
5. Ҳаммабининг танбеҳидан сергакланган лейтенант жим
ылдан (М.С.) 6. Ҳасан дастлаб ёлғиз ишлади. (М.С.) 7. Ку-
лук оядидан Бориснинг безовта овози эшитилди. (М.С.)

1-мишқ. Уриш равишларини топинг. Гапларни кўчиринг ва таржима
қилинг.

1. Лекин Шоди кутганидек пастга қарамади. (М.С.)
2. Узоқдан, тоғ томондан оч бўриларнинг увиллаши эши-
тилади. (М.С.) 3. Шоди кутган одам келса, бу ердан кета-
ди. (М.С.) 4. Узоқда кўринган баланд кўрғонни ҳам отаси
кўрсирган эди. (П.Қ.) 5. Кейин ҳаммалари деворнинг зеҳи
билан юриб олдинма-кетин кўприкка яқинлашишди.
(П.Қ.) 6. Шундан кейин кўприкнинг аллақасри қарсил-
диди-ю, аммо ўзи авалгидай тураберди. (П.Қ.) 7. Баъзи
отлар кўрқиб орқага тисарилиб кетди. (П.Қ.)

4-мишқ. Паёғ равишларини аниқлаи. Гапларни кўчиринг ва таржи-
ма қилинг.

1. Эртаси куни тонготар пайтида ҳаво айниб, қум бўро-
ни бошланди. (Мир.Ос.) 2. Эртага Тошкентга жўнатаман.
(Т.М.) 3. Мен эрта-индин экспедиция билан Булоқбо-
шига жўнайман. (Т.М.) 4. Эрталаб йўлга чиқаман. (М.С.)
5. Ҳозир ош сузамиз. (М.С.) 6. Қанча гапинг бўлса эртага
гаплана берасан. (М.С.) 7. Ҳозир буни мелисага кўтариб
боришдан фойда йўқ. (М.С.) 8. Ҳамиша улар ҳақ. (М.С.)
10. Ҳозир шу айтганларини қилмаса, эртага кеч бўлади.
(М.С.)

5-мишқ. Даража-миқдор равишларини аниқлаи. Гапларни кўчиринг
ва таржима қилинг.

1. Чинозлик Мусаввир Рауф Аҳмедов ҳақида катталар
матбуотда кўп ёзишган. ("Гулхан"дан.) 2. Бири дарахтни
жуда пайилади. 3. Иккинчиси эса кўчатига ҳар баҳорда бир
оғ қаров берарди. (Ж.Р.) 4. Кўп ўйласанг ҳар нарсанинг
эни топилар экан. (А.Қ.) 5. Ҳатто, дўстлари даврасига ҳам
кам кўшилади. (М.С.) 6. Атрофда одам кам эди. (М.С.)
7. Гап шундаки, хуржуннинг тўқилганига кўп бўлмаган.
(М.С.)

6-машқ. Сабаб равишларини аниқланг. Гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Лекин ёз оқшоми илиқ бўлганлиги учун кийим алмаштириш эсига келмади. (*П.Қ.*) 2. Оренбургда ёмон одамларга қўшилиб, ноиложликдан қишлоқ магазинига ўғирликка тушишди. (*М.С.*) 3. Қодир касаллиги сабабли дарсга келолмайди. (*Мир.Ос.*) 4. Сирож шошганидан устма-уст гугурт чақарди. (*С.З.*) 5. Фиёс уялганидан нима қилишни билмай қолди. (*F.F.*) 6. Футбол ишқибозлари севинганидан қийқириб юборишди. (*F.F.*)

7-машқ. Мақсад равишларини аниқланг. Гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Болалар ўйнаб келгани кўчага чиқиб кетди. (*Ойбек.*) 2. Бир куни Шамсиянинг турар жойини билиш мақсадида болалар уйига хат ёзди. (*М.С.*) 3. Ёнидагиларни чалғитиш мақсадида ён чўнтагидан паспортини олиб варақлади. (*М.С.*) 7. Овозингизни эшитиш умиди билан атайлаб келган эдим. (*О.*) 5.Олимжон жўрттага қаттиқ овоз билан гапирди. (*Ш.Р.*) 6. У атайин чироқ ёқмади. (*С.А.*)

8-машқ. Қуйидаги шеърни ифодали ўқинг таржима қилинг ва ёд олинг.

Гоҳ поезд, гоҳ от билан,
Гоҳи кездим пиёда.
Мен ўтган йўл меридиан —
Чизигидан зиёда.
Кўп манзиллар кўзлаганман,
Кўп довлар ошганман.
Кимларнидир излаганман,
Қайларгадир шошганман.
Сўқмоқларда тупроқ кечдим,
Босдим тоғлар тошини...
Қанча-қанча йўллар кездим-
Топгунимча то сени.

(*Э.В.*)

КЎМАКЧИ

1-машқ. Соф кўмакчилар иштирокида гаплар тузинг ва таржима қилинг.

Билан, учун, каби, сари, сингари, сайин, қадар.

2-машқ. Қумакчи вазифасида қўлланувчи равишлар иштирокида гаплар тузинг.

Аввал, кейин, сўнг, илгари, бурун.

3-машқ. Қумакчи вазифасида қўлланувчи сифатдош ва равишдошлар иштирокида гаплар тузинг.

Қараганда, қараб, бўйлаб.

4-машқ. Қумакчи вазифасида қўлланувчи отлар иштирокида гаплар тузинг.

Ёнида, остига, устидан, ичига, тепада, орқадан, ўртага, тагига.

5-машқ. Қумакчиларни аниқлаб гапларни таржима қилинг.

1. Кеча куни бўйи тепалик ёнида гишт қуяётганлар билан бирга бўлди. (*Р.Ф.*) 2. Аҳмадқул бобом туни билан ухлай олмабди. (*Х.Т.*) 3. Унга ҳатто бир қултум сув ҳам беришмади. (*О.Мухтор.*) 4. Абдулла буларни сония ичида ҳис этди. (*О.Мухтор.*) 5. Қишлоқларимиз йил сайин ободлашмоқда. (*Ойбек.*) 6. Тараққиёт фақат жасорат туфайлигина рўй беради. (*В.Гюго.*) 7. Ҳар галгидек асал учун ҳисобкитобни хотини бажарди. (*М.С.*)

6-машқ. Мақолларни кўчириг. Қумакчиларни топинг ва гапларни таржима қилинг.

1. Ойни этак билан ёпиб бўлмас. 2. Ош таъми туз билан, одам таъми сўз билан. 3. Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан. 4. Севдирадиган ҳам тил, бездирадиган ҳам тил. 5. Салом ҳам — фарз, алик ҳам — фарз. 6. Инсон севги билан тирик. (*Ў.Ҳ.М.*)

7-машқ. Қумакчиларни топинг ва қайси келишикдаги сўз билан қўлланганини аниқлаб ва таржима қилинг.

1. Элмурод шу куни кечқурун бир бола орқали Давлатёрни ўз ҳузурига чақирди. (*П.Т.*) 2. Уй эгалари билан қачондан бери борди-келди қиласиз? (*М.С.*) 3. Доя келгандан сўнг, ичкари ҳовли эркакдан тозаланди. (*А.Қ.*) 4. У улгайган сари катталардан ўзини олиб қочадиган бўлди. (*М.С.*) 5. Дарҳақиқат, халқ учун иш қиялпсиз, ўғлим.

(Ш.Р.) 6. Темирчининг укаси билан суҳбатлашдик. (М.С.)
7. Эртага ишдан сўнг менинг уйимга борасизми? (М.С.) 8.
Полковник ҳаммага қарата нутқ сўзлади. (Ж.Ш.) 9. Дага-
ров даструмолини узун қилиб тўрт буклабди-да, кўзи-
нинг устига қўйиб олибди. (О.Ҳ)

8-машқ. Қўйидаги шеърни ўқинг, кўмакчиларни аниқланг. Шеърни
ёд олинг.

Ойнинг ўн беши қоронғу

"Умрини ошиқ ҳамиша
Ўтказур орзу билан",
Ойнинг ўн беши қоронғу,
Ўн беши ёғду билан.
Севгида кўксингга томган,
Кўз ёшингдан фойда йўқ,
Ишқ ахир шундай оловки,
Ўчмагай у сув билан.
Заҳмати ишқ дард эурса,
Заҳмати шеърдур даво,
Чунки, оғунинг шифоси,
Дейдилар, оғу билан.
Барча заҳмат менга булсин,
Майли, доим мен яшай
Бу ажиб тотли азобу
Бу ширин қайғу билан.
Ёшлигим — умрим наҳори,
Ишқу шеърсиз не ҳаёт?
Тонгни ёлғиз ғафлат аҳли.
Ўтказур уйқу билан.
Ёрни мен жоним деб айтсам
Илтифот деб ўйлама,
У яшар менсиз ва лекин
Мен тирикман у билан.

(Э.В.)

БОҒЛОВЧИ

1-машқ. Тенг боғловчиларнинг турларига алоҳида-алоҳида гаплар
тузинг.

1) бириктирув боғловчилар: ва, ҳам, ҳамда;

- 2) зидлов боғловчилар: аммо, лекин, бироқ;
- 3) айирув боғловчилар: гоҳ..., гоҳ...; баъзан..., баъзан...; ё..., ё...; дам..., дам...;
- 4) инкор боғловчиси: на..., на...

2-машқ. Эргаштирувчи боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчи вазифасидаги сўзларни аниқлаб, гапларни таржима қилинг.

1. У қимир этмади, гўё асаби ҳам, сезгилари ҳам ўлган эди. (Ас.М.) 2. Тепасида онаси тергай олмайди, чунки бу уй — шахсий уйи. (Зоир Зиё.)

3. Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

(Э.В.)

4. Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.

(Ҳ.О.)

5. Тоғларинг тегрангда гўё
Бўлма аждар бўлди-ю.

(Э.В.)

6. Ҳужжатлар бизда шубҳа туғдирди, шунинг учун қайтадан ўлчов ўтказишга қарор бердик. (Т.П.) 7. Бизнинг хуржундаги топилмани олтин деб тан олишга ҳаққимиз йўқ, чунки, темирчи билан унинг хотини қимматбаҳо металларни аниқлайдиган мутахассис эмас. (М.С.)

3-машқ. Тенг боғловчилар ва тенг боғловчи вазифасидаги юкламларни аниқлаб гапларни кучиринг ва таржима қилинг.

1. Нина топилса топилдики, бизга керак нарса чиқмади. (М.С.) 2. Райҳондаги миш-мишлар гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб турди. (И.Р.) 3. Куёвининг гўрени зиёрат қилиб қайтишга улгурди, аммо жияни Фазилатхонни ўзи билан олиб келолмади. (И.Р.) 4. Адҳам Дагаров ўз хонасига кирди-ю, Меҳрибоннинг йўқлигини кўриб ҳайрон бўлди. (О.Ҳ.) 5. Зайнабхон билан Жалолов ҳам отланиб ҳовлидан чиқишди. (Ш.Х.) 6. Сизлар ошхонага кириб жой ва чой олиб туринглар. (М.К.) 7. Умида унга бир қарадила, юришда давом этди. (Ш.Х.)

4-машқ. Шеърни ифодали уқинг. Боғловчиларни аниқланг ва ёд олинг.

Ёндиму ва лекин ҳижрон тунида
Сенга аҳволимни этмадим баён.
Сокин кечаларим кўзим унгида
Мунис қарашларинг бўлди намоён.
На сен назар қилдинг ҳолимга бир бор,
На мен айта билдим сенга бирор сўз.
Шундай утиб борар умримиз бекор...
Орамизда сарсон бир жуфт қора кўз.

(А.О.)

ЮКЛАМА

1-машқ. Куйидаги юкламалар иштирокида гаплар тузинг ва уларнинг маъносига қўра турини айтинг.

-ми, -чи, -а, -я.

2-машқ. -ку, -да, -у, -ю юкламалари иштирокида гаплар тузиб, маъносига қўра қандай юкламалар экаилогини аниқланг.

3-машқ. Куйида келтирилган юкламалар қандай қўшимча маънолар ифодалашини мисоллар орқали исботланг.

фақат, ҳам, -гина, -кина, қина.

4-машқ. Ўзбек тилидаги кучайтирув юкламаларига биттадан гап тузинг.

5-машқ. -гина юкламаси ва -гина эркалаш қўшимчасини, ҳам юкламаси ва ҳам боғловчисини бир-биридан фарқловчи мисоллар ёзинг.

6-машқ. Шеърни ифодали уқинг. Юклама ва юклама вазифасидаги сўзларни аниқлаб, шеърни ёд олинг.

Рашким

Сени ётлар тугул ҳатто —
Килурман рашк узимдан ҳам,
Узоқроқ термулиб қолсам
Булурман ғаш кўзимдан ҳам.
Кўзим ёнгай сенга нарғис —
Кўзин тикса чаманларда,
Яширмам, лолага рашким
Аён бўлгай юзимдан ҳам.

Дегайларки, чаросу
 Ол гилос олмиш лабингдан ранг.
 Лабинг тегса ҳасад қилгум
 Гилос бирлан узумдан ҳам.
 Сени жоним дедим ёлғиз,
 Сени қалбим дедим танҳо,
 Чимирдинг қош пушаймонман
 Қўпол айтган сўзимдан ҳам.
 Висол ониди кўз очса,
 Не тонг, тонгдан кўнгил ранж,
 Жудо қилгай мени ой юз,
 Хумор кўз юлдузимдан ҳам.
 Сенга ун тўртда боғландим,
 Ҳануз эркин бўлолмас дил,
 Ўзим доғман, ақл кирмас,
 Тўзимсиз ўттизимдан ҳам.
(Э.В.)

УНДОВ

1-**машқ.** Ҳис-ҳаяжон ундовлари иштирокида гаплар тузинг.

Эҳ, вой, уф, оҳ, салом, офарин, раҳмат, бай-бай, вой-дод, оҳ-воҳ.

2-**машқ.** Гаплардаги ҳис-ҳаяжон ундовларини аниқлаб гапларни таржима қилинг.

1. Э, чумчуқдан кўрққан тариқ экармиди? (М.К.) 2. Э, Адҳамжон, ундоқ деманг, мен умуман нос чекмайман. (О.Ҳ) 3. О-оҳ, яна бошлади бу аблаҳлар. (Ш.Х.) 4. Вой, қишда анор нима қилади. (Т.П.) 5. Э... мен боғдан келсам сен тоғдан келасан-а? (М.С.) 6. О, жуда яхши хунарингиз боғ экан. (И.Р.)

3-**машқ.** Ҳайдаш-чақириш ундовлари иштирокида гаплар тузинг, уларни рус тилидаги ана шундай ундовлар билан таққослаб таржима қилинг.

Кишт, чуҳ, пишт, беҳ-беҳ, қурей-қурей, тур, ту-ту, пиш-пиш, чуҳ, дирр, ҳайт.

4-**машқ.** Гапларни ўқинг, кўчириг ва таржима қилинг.

1. Чўпонлар қур-ҳайтлаб кўйни ҳайдаган. ("Алтомиш".) 2. Соқи "чуҳ!" деб гаждум отга қамчи берди. (Ф.Й.) 3. От

узининг бу галги тухташида эгасининг чух-чухига ҳам сирт бериб туриб олди. (А.Қ.)

4. Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,
Курру-ё қур, ҳайт-а, бегимнинг оти! ("Алпомиш".)
5. Ҳала, дейман, бесоҳибнинг туяси,
Қачон келар бу туянинг эгаси. ("Алпомиш".)

5-машқ. Ифодали ўқинг, ундовларни топинг, шеърни ёд олинг.

Оломонга

Машраб осилганда қаёқда эдинг?
Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?
Суриштирганмидинг Қодирийни ё
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?
Хукмлар ўқилур сенинг номингдан,
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.
Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?
Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, эй, сен-оломон?!

(А.О.)

ТАҚЛИД СЎЗ

1-машқ. Товушга тақлидни билдирувчи сўзлар иштирокида гаплар тузиб, уларни рус тилидаги тақлид сўзлар билан таққосланг.

Гумбур-гумбур, чарс-чурс, дўп-дўп, шиқ-шиқ, ғув-ғув, физ-физ, қасир-қусур, шилдир-шилдир, қий-чув, гулдур-гулдур, тақ-туқ, шақ-шуқ, ғарч-ғурч.

2-машқ. Ҳолатга (образга) тақлидни билдирувчи сўзлар иштирокида гаплар тузинг ва уларни рус тилидаги тақлид сўзлар билан таққосланг.

Ялт-юлт, апил-тапил, ғуж-ғуж, ярқ-ярқ, жимир-жимир, милт-милт, лип-лип.

3-машқ. Гапларни кўчириб тақлид сўзларни топинг ва маъносини изоҳланг.

1. Ширмонхон опа куйлагининг ёқасини хиёл очиб, бир-икки "туф-туф" деди... (М.И.) 2. Чигирткалар чирр-чирр этди. (Т.М.) 3. Боши деворга гурс этиб текканда

кўзлари бирдан ғилайлашиб кетгани эсига тушиб, Салтанат кулиб юборишига сал қолди. (У.У.) 4. Юраги қинидан чиққундай дук-дук уради. (О.) 5. Ишқалаб-ишқалаб бундай қарасам, бургутнинг патлари ялт-ялт қилиб турибди. (У.Умар.) 6. Асалхонни қушларнинг чуғур-чуғури уйғотиб юборди. (Х.Ү.)

4-машқ. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,
Булутларга топшираман қалбимни.
Улар кўзинг осмонида безовта
Чақмоқ тахлит нақш этсинлар дардимни.

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,
Баланд тоққа бориб солай ҳаё-ху!
Пойинг узра дарё бўлиб тўлғонсин,
Чўққиларнинг бошидаги оқ уйқу.

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,
Вижир-вижир қалдирғочга айтайин:
Ҳар баҳорда шу зангори сўзлардан
Бўғотингда уя курсин атайин.

Айтолмайин, чекиб оху нолалар,
Ерга кўксим қўяр бўлсам ногаҳон.
Юрагимдан хабар топган лолалар
Фарёд солиб қирга чиқсин бағри қон.

(О.М.)

СИНТАКСИС

1-машқ. Синтаксис сўзининг лугавий маъноси ҳамда у нималарни ўрганиши ҳақида маълумот беринг.

2-машқ. Сўз қушилмасининг тенг ва тобе боғланишига мисоллар ёзинг.

СЎЗ БИРИКМАСИ

3-машқ. Қуйидаги сўз бирикмаларидаги бош сўз ва эргаш сўзни аниқланг.

Баланд бино, қора қалам, уйга келмоқ, институтдан кетмоқ, талабанинг дафтари, Нигоранинг узуги, укаси учун олмоқ.

4-машқ. Бошқарув йули билан бириккан сўз бирикмаларидаги воситаларни аниқданг.

Қиличдан ўткир, тошдан қаттиқ, кутубхонага қатнамоқ, адабиётлардан фойдаланиш, касбни шарафламоқ, поездда келмоқ, тилга эътибор, дўсти билан суҳбатлашиш, ватан учун курашмоқ.

5-машқ. Мослашув йули билан бириккан сўз бирикмаларидаги воситаларни аниқданг.

Менинг Ватаним, қаламнинг учи, сенинг ўртоғинг, Тошкент кўчалари, институт ҳовлиси, сўзнинг таъсирчан кучи, қовун ҳиди.

6-машқ. Битишув йули билан бириккан сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Қизил қалам, кўм-кўк осмон, сифатли маҳсулот, чиройли ёзув, хатосиз иншо, зимдан қарамоқ, ёлғондан гапирмоқ.

7-машқ. Отли ва феълли бирикмаларни ажратиб кўчиринг.

Баланд бино, асалдай ширин, ҳаммадан кўп, китобни келтириш, Карим билан кетмоқ, кутубхонани кўриб, тез келган.

8-машқ. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

Дилимнинг рангини гул билса бўлди,
Менинг кимлигимни эл билса бўлди.
Олис юлдузларга сиррим айтмирам,
Нолишимни тонгги ел билса бўлди.
Учарга ҳар қушдан пар топинмадим,
Парвозлар ҳадисин дил билса бўлди.
Жаҳолат меҳроби тошин ўпмадим,
Ўшал бағри тошим тил билса бўлди.
Дамлар шиквасига учма, омон бўл,
Фазлу камолингни эл билса бўлди.

(О.М.)

СОДДА ГАП

9-машқ. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Ёшларнинг муқаддас бурчи, гўзал инсоний фазилатлар, ёш авлод, ватан фарзандлари, кутубхонага қатнамоқ, асалдай ширин, мустақил Ватан.

10-машқ. Гапнинг ифода мақсадига кўра турларини аниқлаб машқни кўчиринг.

1. Ота-бола анчагача жим борди. (М.И.) 2. Онаси, ўғлингиз бомдодга чиқиб кетдими? (М.И.) 3. Қоч кўзимдан, сен билан кейин гаплашаман! (М.И.) 4. Миршабга айгинг, қорини олиб кирсин. (М.И.) 5. Йнгит бўлса, кулимсираб келиб, унга қўл узатди. (Ў.У.) 6. Ҳозир нима иш қиляпсиз? (Ў.У.) Боринг энди, ишингизни қилинг! (Ў.У.)

11-машқ. Гапларни оддий ва риторик сўроқ гапларга ажратинг ҳамда таржима қилинг.

1. Нима, мени тергов қилмоқчимисиз? (Ў.У.) 2. Расул Оллоёрович, адолат борми ўзи бу дунёда?! (Ў.У.) 3. Сен баҳорни соғинмадингми? (А.О.) 4. Қафасдан бўшалган ҳар қуш қайтиб ўзини солурми? (Ҳ.Ҳ.) 5. Наҳотки Алимардоннинг шунча меҳнатлари бемақсад кетса! (Ў.Ҳ.) 6. Сиз ҳали ўзингизни одам санайсизми? (А.О.)

12-машқ. Ҳис-ҳаяжон гапларни кўчиринг ва таржима қилинг.

1. Олтинсой тонги нақадар гўзал!.. (Ш.Р.) 2. О, меваси тилни ёради, бирам лаззатли! (М.И.) 3. Мен етим ўсганман, оҳ, у етимлик!.. (F.F.) 4. Одам дунёга бир марта келади! (Ў.У.) 5. Сиздан тилим қисик жойим йўқ! (Ў.У.)

6. Ватан-она сўзи нақадар лазиз!

Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз. (Уйғун.)

13-машқ. Шахси аниқ гапларни кўчириб таржима қилинг.

1. Бир тўйда ўзини қоронғига олди. (Т.Мурод.) 2. Кулочини кенг ёйди. (Т.Мурод.) 3. Даврани тагин бир айланиб чопди. (Т.Мурод.) 4. Рақибимга ишонаман. (С.А.) 5. Исроилдан айрилиб қолдик. (С.А.) 6. Жавоб кутяпмиз. (С.А.) 7. Шу гапларнинг ростлигига ишонаман. (С.А.)

14-машқ. Шахси ноаниқ гапларни кўчиринг ва таржима қилинг.

1. Шундай гапларни айтдилар. (П.Қ.) 2. Тезроқ тайёрлансинлар. (П.Қ.) 3. Шотиларни секин тикладилар, учи-

ни девор қиррасига тираб қўйдилар. (П.Қ.) 4. Бўшашиб ҳеч нарса деёлмай қолган Давлатхонни олиб чиқиб кетдилар. (П.Қ.) 5. Майли, мени қиймалаб ташласинлар! (П.Қ.) 6. Мени пулга сотдилар! (П.Қ.)

15-машқ. Шахси умумлашган гапларни кўчиринг ва таржима қилинг.

1. Берсанг-оласан, эксанг-урасан. 2. Гап билгунча, иш бил. 3. Амалга қарама, ақлга қара. 4. Маслаҳатни марддан сура. 5. Улдасидан чиқмасанг, уринма. 6. Номусни ёшликдан асра. (Ҳ.Х.М.)

16-машқ. Шахси топилмас гапларни кўчиринг ва таржима қилинг.

1. Дарёнинг у юзига ўтишга тўғри келади. (С.Абдулла.) 2. Раиснинг ўзи борида гапирилсин! (А.Қ.) 3. Сенинг номинг Адҳам Дагаровнинг рўйхатига тушиши керак. (О.Ҳ.) 4. Ойни этак билан ёпиб бўлмас. (Мақол.) 5. Минг хил масала билан бош қотиришга тўғри келади. (Ойбек.) 6. Олдин ўқишни битириш керак. (А.Д.)

17-машқ. Атов гапларни кўчиринг ва таржима қилинг.

1. Ойдин. Тиниқ кўм-кўк зумрад кеча. (А.Қаҳ.) 2. Кеч. Водийга қоронгилик чўккан. Жимжитлик. (О.Ё.) 3. Кеч куз. Дарахт япроқлари сарғайиб, тўкилиб бўлаёзди... (М.И.) 4. Яна баҳор. Дарахтлар секин-секин қуртаклана бошлаган. (Ойбек.) 5. Ярим кеча. Куз охираб қолганидан хона совуқ. (А.Д.) 6. Саратон. Кун бўйи еру кўкни жизғанақ қилиб куйдирган кўёшнинг ботишига сал бор. (О.Ҳ.)

18-машқ. Бир бош булакли ва икки бош булакли гапларни ажратиб кўчиринг ва таржима қилинг.

1. Азиз кулди. (О.Ҳ.) 2. Эшик кўнғироғини босди. (О.Ҳ.) 3. Кун ботиш олдидан эшик кўнғироғи жиринглади. (О.Ҳ.) 4. Азонда уйғонаман. (Ойбек.) 5. Қаҳратон қиш... Изгирин шамол... (Ойбек.) 6. Ҳамма жимиб қолди. (Мир.Ос.) 7. Тўй бошланди. (О.Ҳ.) 8. Шу пайт телефонлардан бири жиринглади. (О.Ҳ.)

19-машқ. Гапларни кўчиринг. Гап булакларининг одатдаги ва ўзгарган тартибини аниқланг.

1. Улар янги келган дам олувчилардан эдилар. (О.Ҳ.)

2. Нисбат қонуларининг
Бордир ҳақиқати. (Э.В.)

3. Болалар завқ билан кулдилар. (М.И.) 4. Уста Алим
ажабланиб Отабекка қаради. (А.Қ.) 5. Кумушбиби йиғи-
дан қизарган кўзини катта очиб сўради. (А.Қ.)

6. Ватерлоода хато қилди Наполеон — Жаҳонгирнинг
қайтди шу кун омади. (А.О.)

7. Тун чўкди.

Уфққа урилди қуёш.

(О.М.)

8. Бошқалардек севишдик биз ҳам,
Куйиб юрдик бошқалар каби.

(О.М.)

20-машқ. Гапларни кўчиринг. Бош булақларнинг тагига чизинг ва таржима қилинг.

1. Бўри полвоц атайин шу болани етаклаб келди. (Т.М.)
2. Ёш ёзувчи хонасига қайтиб кирди. (А.Д.) 3. Арча ёғочи-
дан ишланган оғир дарвоза ичкарига базўр тортилди.
(Ш.Х.) 4. Машина кўздан ғойиб бўлгач, Ҳасан челақ уш-
лаб иш бошининг олдига келиб тўхтади. (М.С.) 5. Инсти-
тутга кира олмаганини Салтанат кейинроқ эшитди. (У.У.)
6. Толиб бошқа гап айтмай айвонга бориб китобини қўлига
олди. (С.А.)

21-машқ. Гапларни кўчиринг. Воситали ва воситасиз тўлдирувчилар-
ни аниқлаб тагига чизинг, сўроғини қўйинг.

1. Мен тагин отамизни қидираман. (Т.М.) 2. Асир ша-
роб ичиб, товоқдаги гўштдан еб кўрсатди. (Мир.Ос.)
3. Салтанатнинг бу саёҳатдан асло ёмон нияти йўқ эди.
(У.У.) 4. Уларни ҳар қандай йўл билан қўлга тушириш
мумкин. (О.Ҳ.) 5. Йиғит бетоқатлик билан поездни кутар-
кан, вақт жуда ҳам имиллаб ўтарди. (А.Д.) 6. Ҳусайн Бой-
қаро мулозимлари билан отини қаттиқ ҳайдаб, лашкарга
етди. (Ойбек.)

22-машқ. Қаратқич ва сифатловчи аниқловчиларни аниқлаб гаплар-
ни кўчиринг. Таржима қилинг.

1. Арслонқул қудратли оёқларини узатиб, қизнинг ёни-
га оғир ўтирди. (Ойбек.) 2. Фуломжон Ҳаётининг товони-

га тушиб турган узун сочлари сингари мажнунтолнинг ҳам бир маҳаллар сувга чўзилган, сувга етай-етай деб қолган узун, нозик новдаларини эслади. (М.И.) 3. Саидий эшикнинг оғир, аммо юмшоқ пардаси орасидан ўтиб, уйига кирди. (А.Қаҳ.) 4. Тоғнинг соя тарафи тўқ яшил тусга кирган. (С.А.) 5. Сарик, қизил, оқ — хилма-хил гуллар. (Ойбек.) 6. Қизнинг салқин, юмшоқ кўлидан ушлаб нарёғи текис кетган сўқмоққа чиққунларича кўйиб юбормади. (П.Қ.)

23-машқ. Гапларни кучиринг. Ҳолларни аниқлаб тагига чизинг ва гапларни таржима қилинг.

1. Пешинга яқин антиқа воқеа содир бўлди. (М.С.) 2. Нега ёлғиз ташқарига чиқаяпсан? (М.С.) 3. Азиз жимжит хонада ҳозир бир ўзи утирганча, уша папкани очди. (Ў.У.) 4. Мингбоши кўйиб-пишиб утирган еридан зўрға турди. (М.И.) 5. Даврада енгил кулги кўтарилди. (Мир.-Ос.) 6. Кеча кечга яқин Эргаш Бардош ижод уйдан ташқарига чиқиб, зинапоя олдидаги узун курсида ҳордиқ чиқариб утирди. (О.Ҳ.) 7. Вой, нега эртага келаркан, бу-гун келсин. (С.А.)

24-машқ. Уюшиқ булақлар ва умумлаштирувчи сўзларни аниқлаб гапларни кўчиринг.

1. Ним қоронғи, захкаш хужрада улфати чорнинг суҳбати узилмас эди. (Ойбек.) 2. Алоиддин Машҳадий асабий, жиззаки, сезгир шахс; арзимаган нарсага кишидан кўнгли қолади. (Ойбек.) 3. Ёшу қари, эркак аёл — ҳамма меҳмонларни кутиб олишга пешвоз чиқибди. (Ойбек.) 3. Шу ҳовли-жой, мана шу дарахтлар, курси, сўри — ҳаммаси меники. (А.Қаҳ.) 4. Ўтганида ҳавасим келади, қанд-курслари, жийдалари бирам кўпки. (Ойбек.) 5. Аммо орқадан ҳамон отлиқлар, аравалар, туялар кўчкидай бос-тириб келмоқда эди. (П.Қ.) 6. Гулзорнинг нариги томонида даройи, ҳусайни, якдона, чарос, кишмиш — турли узум ишкомлари бор эди. (Ж.Ш.) 7. Хонада стол, карават, китоб терилган шкаф — керакли нарсалар бор эди. (Ҳ.Ғ.)

25-машқ. Ундалма ва кириш сўзларни аниқлаб гапларни кўчиринг ва таржима қилинг.

1. Мулла Фазлиддин, ёғий келса пўлат сандиғингизни тинч кўймас... (П.Қ.) 2. Бобуржон, сизнинг дилингиз бе-

губор, сиз нодир истеъдодли фидокор йингитсиз! (П.Қ.)
3. Ваҳоланги, шу зиғирдай бола ҳаммамизни ноғораси-
га ўйнатяпти... (Ў.У.) 4. Буларнинг бошига Катюша оло-
вини сочиш керак. (И.Р.) 5. Ниҳоят, Марғилонда туриш
фикридан қайтиб, Тошкент жўнаш хаёлига тушди. (А.Қ.)
6. Санобар, яна юрагимни эзма. (А.Д.) 7. Опам кечикиб
кетди-я, Жамшид? (Ш.Х.)

26-машқ. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

Кетиб, ҳолимни сиз забун этдингиз,
Бу бирла кимларни мамнун этдингиз?

Васлингиз чин умрим маъноси эрди,
Айрилиқни нечук мазмун этдингиз?

Куйингизнинг эрдим битта мажнуни,
Бу иш билан юз бор мажнун этдингиз.

Дилкаш биродардан, дўстан йироқлаб,
У ёқларда кимни яқин этдингиз?

Қалбингиз — борингиз қолдириб менда,
Наҳот бошқа юрак фунун этдингиз?!

Бир-бировга гуллар тутиб улгурмай,
Баҳорга мунча тез якун этдингиз?

Айтинг, қайлардасиз, соғ-омонмисиз:
Лаҳзаларни йилдан узун этдингиз?...

(О.М.)

ҚЎШМА ГАП

1-машқ. Боғланган қўшма гапларни кучиринг, боғловчи воситаларни аниқлаб таржима қилинг.

1. Ташқарида чақмоқ ялтирар ва баҳор ёмгири салобатли шовилларди. (П.Қ.) 2. Дарахтларнинг таналарига ҳаёт суви югурди-да, кўм-кўк барглар мавж ура бошлади. (Ш.Р.) 3. Шу онда қаттиқ қарсак чалинди-ю, ҳамма ўрнидан турди. (А.Қаҳ.) 4. Мен уялиб ерга қарайман, ammo

Турғун писанд қилмай шафтолини мақтайди. (*Ойбек.*)
5. Машина катта жар ёқасига келиб қолди-ю, шофёр
хушёрлик қилиб тўхтатди. (*Р.Ф.*) 6. Ё бирон дайди ўқ те-
гиши, ё Фуломжон таниб қолиши мумкин эди. (*М.И.*)

7. Ё етарман мақсадимнинг чуққисига охири,
Ё бу йўлда шум ажалдан топгуси ором, (бу жон.
(Ибн Сино.))

8. Баъзан акам ҳужранинг тозалигидан хабар олар эди,
баъзан мен бориб, унинг тозалигини текшириб келар эдим.
(С.Айн.)

2-машқ. Эга, кесим, тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гапли қўшма
гапларни алоҳида-алоҳида ажратиб кўчиринг ҳамда таржима қилинг.

1. Ниятим шуки, дўстим, кўзингнинг оқу қораси бўлган
қизингнинг бахти очилсин. (*Ш.Р.*) 2. Биз шундай замон-
ламизки, илм-техника йўли ҳаммага очиқ. (*А.Қаҳ.*) 3. Ким-
нинг сўзи тўғри бўлса, унинг халқ олдида эътибори юқори
бўлади. (*Х.Ф.*) 4. Шунинг билан, ҳар бир янгилик беҳо-
сият бўлмайди. (*Ас.М.*) 5. Кимки бўлса дилозор, ундан
элу юрт безор. (*Мақол.*) 6. Ким бировга чуқур қазиса, унга
ўзи йиқилади. (*Мақол.*) 7. Лекин энг ёмони шундаки, Рих-
сибой ака қўлга киритилган ютуқ билан таққа тўхтаб қолди.
(Р.Ф.) 8. Мен шундан қўрқаманки, орамизда ҳали икки-
ланувчилар бор. (*Ҳ.Ҳ.*)

3-машқ. Равиш, улчов-даража, чоғиштириш ва ухшатиш эргаш гап-
ли қўшма гапларни алоҳида-алоҳида ажратиб кўчиринг ҳамда таржима
қилинг.

1. Гўё қуёш ойни қузатганидай, ўт бўлиб орқангдан
кезмокдаман мен. (*Уйғун.*) 2. Дарахт япроқлари сарғайиб,
ариқларда хазон уюмлари оқиб келди. (*Ас.М.*) 3. Биз қан-
чалик кўп йўл юрган сайин, манзил шунчалик узоқлаш-
гандай бўлар эди. (*С.А.*) 4. Йигитнинг сазоси сингунча,
ҳўкизнинг шохи синсин. (*Мақол.*) 5. Ҳозир мен сизнинг
олдингизда шундай бир ноқулай аҳволдаманки, гўё сиз
янги танишгандай кўринасиз. (*П.Т.*) 6. Ичкарида ашула
тугаб, шовқинли кулгу кўтарилди. (*Ас.М.*) 7. Чуқур қанча
кўп бўлса, аравакаш ҳам шунча нотинч бўлади. (*А.Қаҳ.*)
8. Кул бўлиб яшагунча, мард бўлиб ўлган яхши. (*Мақол.*)

4-машқ. Сабаб, мақсад, пайт ва ўрин эргаш гапли қўшма гапларни алоҳида-алоҳида кўчиринг ҳамда таржима қилинг.

1. Султонмурод подшолардан афзал, чунки оламнинг хазинаси унинг бошига жамланган. (*Ойбек.*) 2. Жаҳл келганда, ақл қочади. (*Мақол.*) 3. Сўзим қандай таъсир этаркан деб, диққат билан унга тикилдим. (*А.Қаҳ.*) 4. Катта кема қаёққа юрса, кичик кема ҳам шу ёққа юради. (*Мақол.*) 5. Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам шу ерда бўлади. (*Мақол.*) 6. Самандаров жавоб бергунча бўлмай, ўтирганлардан бири ирғиб ўрнидан турди. (*А.Қаҳ.*) 7. Одамлар яхши яшасин деб, тинчликка имзо чекдик. (*F.F.*) 8. Бекат яқин бўлгани учун, поезд секинлаб борарди. (*П.Қ.*)

5-машқ. Шарт, тўсиқсиз ва натижа эргаш гапли қўшма гапларни алоҳида-алоҳида кўчиринг ҳамда таржима қилинг.

1. Оксананинг шундай аччиғи келдики, ҳатто бурнининг учигача қизариб кетди. (*С.А.*) 2. Бир киши тарихни яратмаса ҳам, кишининг тарихда юксак ўрни бор. (*F.F.*) 3. Шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирламайди. (*Мақол.*) 4. Қуёш порлаб турса ҳам, кун анча совуқ эди. (*С.З.*) Япроқлар шундай товланадики кўзингиз қамашади. (*Ойбек.*) 6. Қалб саломат бўлса, ақл ҳам, фикр ҳам саломат бўлади. (*С.А.*)

6-машқ. Қуйидаги шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

Ватандин яхши ёр бўлмас

Жаҳонда мен туғилган
Ўлкадек ҳеч бир диёр бўлмас,
Бу янглиғ боғу гулшан
Ҳам бу янглиғ гулузор бўлмас.
Ватан севмакдин ортиқ
Менга оламда шиор бўлмас.
Ватан ишқида ёнган қалб
Билингки, асти хор бўлмас,
Ватан севган муродига
Етур, ҳеч дилда зор бўлмас.
Саодатга макондир
Қай чаманга сен қадам қўйсанг,

Узингни бахтли бил юрта
Яшашнинг завқини туйсанг,
Чин одамсан, чин уғлонсан
Юракдан элни чин суйсанг,
Ватан севмоқ саодатдир,
Агар наслингга сен куйсанг,
Ватанни севмаган инсон
Жаҳонда бахтиёр булмас.

Туйиб боққил бу юрт ҳуснигаким,
Кунглингни чоғ этгин,
Бу элнинг уғлиман, деб
Қил гурур, кўксингни тоғ этгин.
Ватан ҳар зарра тупроғин
Кузингга сен қароғ этгин,
Боболар маскан этган
Бу азиз тупроқни боғ этгин,
Ярашгай ифтихор этсангки,
Ортиқ ифтихор булмас.

Зулоли таъмини топмам
Сира болу шакарларда,
Ватан ёди эрур қалбимда
Булсам мен сафарларда,
Жамолига тўёлмасман
Кезиб қишлоқ, шаҳарларда,
Қизил гул баргида булбул
Каби сайраб саҳарларда,
Яна шоир қилур такрор,
Ватандин яхши ёр булмас.

(Э.В.)

Илова

1. — Бугун қайси кун?
 - Сешанба.
 - Ҳозир соат неча (нечи) бўлди?
 - Тўртдан йигирма минут ўтди. (16.20)
 - Дарс қачон тугайди?
 - Соат олтида. (18.00)
 - Уйга соат нечада кетасиз?
 - Ўн бешта кам еттида. (18.45)
2. — Ассалому алайкум.
 - Ваалайкум ассалом.
 - Ишлар қалай?
 - Яхши, раҳмат.
 - Қандай янгиликлар бор?
 - Ҳозирча янгилик йўқ. Ўзингиз қалайсиз?
 - Раҳмат, яхши.
3. — Юринг, тушлик қиламиз.
 - Юринг.
 - Нима еймиз?
 - Мен палов ейман. Сиз-чи?
 - Мен ҳам. Салат оламизми?
 - Ҳа. Нима ичамиз?
 - Шарбат ича қолайлик?
 - Бўпти.
 - Бизга иккита палов, нон, салат ва иккита олма шарбати беринг.
 - Марҳамат.
4. — Ассалому алайкум!
 - Ваалайкум ассалом!
 - Яхшимисиз?

- Яхши, раҳмат. Ўзингиз, яхшимисиз?
- Раҳмат, яхши.
- 5. — Келинг, танишайлик?
- Бўпти, келинг.
- Исмингиз ким?
- Исмим Шухрат. Сизники-чи?
- Меники Карим.
- Сиз қаерда яшайсиз?
- Мен Чилонзорда яшайман. Сиз-чи?
- Мен Юнусободда тураман.
- 6. — Сиз ҳовлида турасизми ёки секцияда?
- Секцияда.
- Уйингиз неча (нечи) хонали?
- Тўрт хонали.
- Сиз-чи? Қаерда турасиз?
- Мен ҳовлида тураман.
- Ҳовлингиз қаерда жойлашган?
- Чилонзорда.
- Қайси кўчада?
- Бобур кўчасида.
- Ҳовлингиз каттами?
- Йўқ, кичкина.
- 7. — Кечирасиз, мумкинми?
- Ҳа, киринг.
- Нега дарсга кеч қолдингиз?
- Домла, мазам йўқ, шамоллабман.
- Врачга мурожаат қилдингизми?
- Ҳали учраганим йўқ.
- Албатта, врачга учранг.
- Ҳуи, машғулотдан сўнг учрайман. Ўтирсам майлими?
- Ўтиринг.
- 8. — Қаерда тугилгансиз?
- Тошкентда.
- Қаерда ишлайсиз?
- Заводда.
- Қайси заводда?
- Трактор заводида.
- Касбингиз (мутахассислигингиз)?
- Инженер.

9. — Қаерда ўқийсиз?
 — Шарқшунослик институтида.
 — Қайси факультетида?
 — Иқтисод факультетида.
 — Нечанчи босқичда?
 — Учинчи босқичда.
10. — Ёшингиз нечада?
 — Ўттиз иккида (32).
 — Нечта фарзандингиз бор?
 — Бир ўғил, бир қизим бор.
 — Келинойим (кеннойим) қаерда ишлайдилар?
 — Мактабда ишлайди.
 — Ўзингиз-чи? Уйланганмисиз?
 — Йўқ, энди уйланмоқчиман.
11. — Бу поезд қаердан келди?
 — Поезд Ашхободдан келди.
 — Сиз шу поездда келдингизми?
 — Ҳа, шу поездда.
 — Менинг ҳам ўртоғим келиши керак эди. Кутиб олишга чиқувдим.
 — "Тошкент" меҳмонхонасига қандай борса бўлади?
 — Мана бу, бекатдан 9-трамвайга ўтирасиз ва "Мустақиллик" бекатида тушасиз.
 -- Раҳмат.
12. — Андижонга билет борми?
 — Қачонга?
 — Бугунга.
 — Соат нечадаги рейсга?
 — Соат учдаги рейсга.
 — Бор.
 — Иккита билет беринг?
 — Паспортларни узатинг.
 — Марҳамат. Битта билетнинг баҳоси қанча?
 — 6000 сўм.
13. — Олма неча пул?
 — Беш юз (500) сўм.
 — Арзонроқ қилинг.
 — Қанча оласиз?
 — Икки кило. Тўрт юз (400) сўмдан берсангиз.
 — Майли, олинг.

14. — Мана бу конфетингиздан бир кило беринг.
 — Марҳамат, яна нима берай?
 — Тухум янгими?
 — Ҳа, янги.
 — 10 дона беринг.
 — Хуп.
 — Донаси қанча?
 — 20 сўм. Яна нима?
 — Икки шиша қатиқ ҳам беринг.
 — Марҳамат.
 — Ҳаммаси қанча бўлади?
 — Бир минг эллик (1050) сўм.
15. — Мумкинми?
 — Ҳа, киринг.
 — Нега ишга кеч қолдингиз?
 — Собир Алиевич, тобим йўқ.
 — Врачга учрадингизми?
 — Ҳали учраганим йўқ.
 — Албатта, учранг.
 — Хуп, ўтирсам майлими?
 — Ўтиринг.
16. — Сизга қандай ранг ёқади?
 — Менга кўк, яшил ранглар ёқади. Сизга-чи?
 — Менга эса оқ, қизил ва сариқ ранглар ёқади.
 — Тугилган кунга қандай рангли гул совга қилса бўлади?
 — Пушти рангли гул совга қилиш керак, чунки бу ранг ҳаммага ёқади.
17. — Сизларда қанақа гуллар бор?
 — Бизда чиннигул, атиргул ва лола бор.
 — Мен гул олмоқчи эдим. Қайси гулдан олганим маъқул?
 — Гулни кимга олмоқчисиз?
 — Дустимга, тугилган куни эди.
 — Дустингиз қанақа рангни ёқтиради?
 — Оқ, қизил рангларни ёқтиради?
 — Ундай бўлса мана бу қизил рангли чиннигулдан олинг.
 — Раҳмат, чиройли гулдаста қилиб берсангиз миннатдор бўлар эдим.

18. — Сиз ишга кириш учун келдингизми?

- Ҳа.
- Касбингиз?
- Иқтисодчи.
- Маълумотингиз?
- Олий.
- Илгари қаерда ишлагансиз?
- “Зумрад” фирмасида.
- У ердан нега бўшамоқчисиз?
- Фирмангиз уйимга жуда яқин, шунинг учун.
- Яхши. Бизга иқтисодчилар жуда керак.
- Мен қанча маош оламан?
- 200 доллар. Яна эллик фоиз мукофот пули ҳам

бор.

- Иш режими қандай?
- Иш соат саккиздан бешгача.

19. — Кечирасиз, амаки. Фарғона йўли кўчасининг қаердалигини биласизми?

- Ҳа, биламан.
- Қандай борса бўлади?
- Ҳозир тўғрига борасиз, кейин чапга буриласиз.
- Раҳмат.

20. — Лаббай, эшитаман.

- Бу деканатми?
- Мен ким билан гаплашяпман?
- Декан котибаси билан.
- Собир Алиевич ўзларидами?
- Ҳа, кечирасиз, ким сўраяпти?
- Ректор ёрдамчиси. У кишига айтинг ҳозир ректор билан улайман.

- Хўп, бўлади.

21. — Лаббай, эшитаман.

- Ассалому алайкум. Бу Азимовларнинг уйими?
- Ҳа.
- Анваржон уйдаими?
- Ҳа, уйда ҳозир чақираман. Ким сўраяпти?
- Мен унинг дўсти Бобурман.
- Ҳозир...
- Алло, салом Бобур. Қалайсан?
- Салом, Анвар. Яхши юрибсанми?

- Раҳмат, яхши.
- Бугун мусобақага борамизми?
- Ҳа, борамиз. Соат олтида спорт залининг олдида учрашамиз.
- Хуп. Хайр.
- Хайр.
- 22. — Алло, бу тез ёрдамми?
- Ҳа, нима бўлди?
- Укам (синглим)нинг иситмаси баланд.
- Неча?
- Ўттиз саккиз-у олти.
- Ёши нечада?
- Олти ёшда.
- Исми фамилияси?
- Шуҳрат Раҳимов.
- Манзил?
- Навоий кучаси, 35-уй, 8-хонадон.
- Кутинг, ярим соатда врач боради?
- Раҳмат.
- 23. — Қайси тишингиз оғрияпти?
- Ўнг томондан учинчиси.
- Э, шишибди-ку!
- Ҳа, икки кундан бери ухлаганим йўқ. Олиб ташланг, илтимос.
- Йўқ, шишган тишни олиш мумкин эмас. Даволаймиз.
- Жуда ёмон оғрияпти.
- Ҳозир тозалаб ташлаб, дори қўяман.
- Илтимос, тезроқ.
- 24. — Сизни нима безовта қиляпти?
- Ўнг биқинимнинг юқори қисми оғрияпти, бошим айланиб, қайт қиляпман.
- Иштаҳангиз қалай?
- Иштаҳам йўқ.
- Иситмангиз борми?
- Ҳа, жуда оз.
- Сизда сариқ касалнинг аломатлари бор. Ҳозир анализ топширасиз.
- Хуп.
- 25. — Автобус қаерга боради?

- Юнусободга.
- Сал ўртароққа сурилинг.
- Майли.
- Иккита билетга узатиб юборинг.
- Хўп... Мана билетингиз.
- Кейинги бекатда тушасизми?
- Йўқ, тушмайман.
- Ўтиб кетай.
- Марҳамат, утинг.
- Сиз ҳозир тушасизми?
- Ҳа, тушаман.
- 26. — Синглим сизларда шу дорилар борми?
- Томоқ оғриқ дори ва бош оғриқ дори бор. Кўз дориси йўқ.
- Кўз дориси қачон бўлади?
- Эртага.
- Ҳозир қанча тўлай?
- Кассага 300 сўм тўланг.
- Хўп, раҳмат... Мана чеки.
- 27. — Ана у этикни кўрсатинг.
- Марҳамат.
- Нечанчи размер?
- Қирқинчи.
- Неча пул?
- 5000 сўм.
- Рангги қорасидан борми?
- Ҳа, бор.
- Икки дона беринг, бир жуфт калиш ҳам.
- Хўп, ... мана.
- Ҳаммаси қанча бўлади?
- 13000 минг сўм.
- 28. — Ассалому алайкум, уста ака.
- Ваалайкум ассалом, келинг.
- Сизга мана бу этик ва туфлини олиб келдим.
- Яхши, нима қилиш керак.
- Этикнинг тагини михлаб, бошқа замок қўйиш керак, туфлининг эса икки ёнини тикиш лозим.
- Икки кунда тайёр бўлади.
- Хўп, раҳмат.
- 29. — Навбатнинг охири ким?

- Мен.
- Сиз кимдан кейинсиз?
- Ана у кишидан кейинман.
- Яхши.
- Сочингизни қандай олай?
- Қулоқларимни очиб, калталаштиринг.
- Хуп.
- Кейин ювиб қўйсангиз.
- Хуп бўлади.
- 30. — Қайси пьеса бўляпти?
- “Зебунисо” драмаси.
- Чиптанинг нархи қанча?
- 300 сўм.
- Иккита чипта беринг.
- Хуп.
- Иложи бўлса, олдинги жойлардан бўлсин.
- Мана, 3-қатор, 25-26-жойлар.
- Раҳмат. Соат нечада бошланади?
- Соат саккизда.
- 31. — Илк баҳорда ўлкамизга қайси қушлар учиб келадди?
- Аввал турна ва лайлак, сўнгра қалдирғоч.
- Қайси ўсимликларни баҳор элчилари дейиш мумкин?
- Лола, бойчечак, чучмома, лолақизғалдоқ, қоқиўтларни.
- Ўлкамиздаги қайси дарахтлар энг олдин гуллайди?
- Олдин бодом, кейин ўрик дарахти.
- 32. — Сиз об-ҳаво маълумотини эшитдингизми?
- Ҳа.
- Бугун об-ҳаво қандай бўлади?
- Бугун 18 даража илиқ бўлиб, ёгингарчилик бўлмас экан.
- Эртага-чи?
- Эртага эрталаб булут бўлиб, тушда қор аралаш ёмғир ёғар экан.
- Совуқ бўлар экан-да?
- Албатта, қалин кийиниш керак.
- Маслаҳатингиз учун катта раҳмат.

33. — Мана бу пальтони кўрсам бўладими?
 — Бўлади, марҳамат. Узингизгами?
 — Ҳа, ўзимга.
 — Нечанчи размер?
 — Эллигинчи размер.
 — Кийиб кўрсам бўладими?
 — Ҳа, албатта... Сизга жуда ярашди.
 — Қанча туради?
 — 100000 сўм. Оласизми?
 — Ҳа, оламан.
34. — Ассалому алайкум.
 — Ваалайкум ассалом.
 — Сизларда буш жой борми?
 — Ҳа, бор.
 — Неча кишилик хоналар?
 — Турт кишилик, икки кишилик, уч кишилик хоналар бор.
 — Бизга иккита икки кишилик хона беринг.
 — Хўп, паспортларингизни берингизлар.
 — Мана, паспортлар.
 — 415, 420-хоналар сизларники. Яхши дам олингизлар.
 — Раҳмат.
35. — Илтимос, соатимни кўриб берсангиз.
 — Соатингизга нима қилди?
 — Ишламаяпти (орқада қоляпти, олдинга кетяпти).
 — Қачондан бошлаб шундай бўляпти?
 — Икки кун бўлди.
 — Ташлаб кетинг, тузатиб қўямиз.
 — Қачон келай?
 — Икки кундан сўнг хабар олинг.
- 36.

Мати

Мен эрталаб соат олтида уйқудан уйғонаман. Ўрнимни тартибга солиб, бадантарбия қиламан. Кейин тишларимни тозалайман. Юз-қўлимни ювам. Соат олтида нуқта қиламан. Сўнгра кийиниб ўқишга жўнайман. Соат саккизда институтда бўламан.

37.

Бизнинг оила

Бизнинг оиламиз ўн кишидан иборат: бобом, бувим, отам, онам, икки акам, укам, опам, синглим ва мен. Бобом ва бувим — пенсионер. Отам — фабрикада бош иқтисодчи бўлиб ишлайди. Онам — мактабда математикадан дарс беради. Катта акам — муҳандис. Кичик акам — Тошкент Давлат меъморчилик институтида таҳсил олмақда. Опам — тикувчи. Синглим 8-синфда ўқийди. Укам — болалар богчасига боради. Мен Тошкент давлат шарқшунослик институтининг иқтисод факультетида ўқийман. Бизнинг оиламиз аъзолари бир-бирларини жуда ҳурмат қиладилар. Биз аҳил ва иноқ яшаймиз.

38.

Наврўз

Наврўз — халқ байрами. Бу кунни форсийлар **наврўз** (янги кун), туркийлар эса **йил боши** деб атайдилар. 21 март, баҳор тенг кунлиги, янги йилнинг бошланишидир. Шу куни бутун халқ ўз миллий кийимларида сайлга чиқади. Ҳамма ерда сумалак, ҳалим, кўксомса каби таомлар тайёрланади. Миллий кураш, кўпқари (улоқ), дорбоз ва бошқа халқ ўйинлари ўтказилади. Кишилар ўз қадрдонларининг қабрларини зиёрат қиладилар. Байрамнинг эртаси куни ҳамма ерда деҳқончилик учун тайёргарлик ишлари бошланади.

39.

Самарқанд

Самарқанд қадимий ва гўзал шаҳар. Самарқанд 3000 йиллик тарихга эга. Буюк жаҳонгир Амир Темур ҳам шаҳарнинг обод ва чиройли бўлишига алоҳида эътибор берган. Амир Темурнинг набираси шоҳ Мирзо Улуғбек даврида Улуғбек мадрасаси, кейинги даврларда эса Шердор, Тиллакори мадрасалари қурилган. Ана шу мадрасаларда Улуғбек, унинг шогирди Али Қушчи ва бошқа машҳур олимлар дарс беришган. Шаҳарда яна Шоҳи Зинда, Гури Амир ва Бибиҳоним мақбаралари ҳам бор. Самарқандда чиройли замонавий бинолар ҳам кўп.

Ал-Хоразмий

Абдужаъфар Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий хоразмлик буюк математик ва мунажжим. У 780 йилда Хивада туғилган. Ал-Хоразмий Бағдоддаги Шарқнинг ilk академияси “Донолар уйи”да таълим олган. Ал-Хоразмий жаҳонда биринчи бўлиб математика фанига асос солган. У ҳиндлар яратган нўлдан тўққизгача бўлган рақамларни илм-фанга олиб кирган ва нўл ёрдамида катта сонлар ёзиш мумкинлигини кашф қилган. Бу рақамлар Ал-Хоразмийнинг китоби орқали Европага ўтган. Китоб араб тилида ёзилгани учун рақамлар ҳам “араб рақамлари” номини олган. Ал-Хоразмий сузи лотин тилида узгариб алгоритмга, алжабр сузи эса алгебрага айланган. Ал-Хоразмийнинг “Зиж” юлдузлар жадвали, “Ҳинд рақамлари ҳисоб-китоби”, “Тенглама ва қаршилантириш ҳисоби мухтасари” (“Ал-мухтасар филжабр вал муқобала”), “Ернинг шакли ҳақида китоб” (“Китабу сурат ал арз”) каби асарлари бор.

Абу Наср Форобий

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий ўрта Осиёлик машҳур файласуф, қомусий билимлар соҳиби бўлган олим. Абу Наср Форобий 873 йилда Сирдарё бўйидаги Фароб қишлоғида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Бошланғич маълумотни она шаҳрида олган. Кейин Шош, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ўқиган. Сўнгра Бағдодда ўз билимини оширган, у ерда юнон тили ва фалсафасини шарҳлаб дунёга танитгани учун “Шарқ Арасту”си номини олган. Форобий 70 дан ортиқ тилни билган. У 160 дан ортиқ асарлар ёзди. Унинг “Қонун ҳақида китоб”, “Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида”, “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи”, “Физика асослари ҳақида китоб” асарлари бор. Унинг “Қонун ҳақида китоб” асари мусиқий назарияга бағишланган, олимнинг ўзи моҳир мусиқачи ва шоир бўлган.

Абу Наср Форобий 950 йилда Дамашқ шаҳрида вафот этган.

Абу Райҳон Беруний

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний қомусий олим, файласуф, ботаник, математик, мунажжим, табиатшунос, физик, шоир, адабиётшунос ва ёзувчи. У 973 йилда Хоразмнинг қадимий пойтахти Қиёт шаҳри яқинидаги қишлоқда туғилган. (Беруний — "ташқи шаҳарда яшовчи киши".) Унинг илм-фанга қизиқиши ёшлигидан кучли бўлган. Ўша пайтда Хоразмда кўплаб машҳур олимлар яшаган. У Шарқнинг бой маданиятини пухта эгаллаган. Қадимги юнон илми билан танишган. Абу Райҳон араб, суғд, форс, юнон, яҳудий тилларини билган. Ҳиндистонда яшаган вақтида санскрит тилини ўрганган. Буюк олим 1035—36-йилларда ўз илмий ишларининг рўйхатини тузган. Унинг барча асарлари 152 та. Лекин олимларимизга фақат 28 таси маълум. Абу Райҳон Беруний 1048 йилда вафот этган. Олимнинг "Қадимги халқлардан қолган ёлгорликлар", "Доривор ўсимликлар ҳақида китоб", "Ҳиндистон", "Маъданшунослик" (Минералогия) каби асарлари машҳурдир.

1973 йили бутун инсоният олим туғилган кунининг 1000 йиллигини нишонлади.

Абу Али ибн Сино

Жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган машҳур қомусчи олим, табиатшунос, файласуф, мунажжим, мусиқашунос, ҳуқуқшунос, ахлоқшунос, филолог, ёзувчи, шоир, табиб ва жарроҳ. Мағрибда "Авиценна", Машриқда "Табиблар шоҳи" номлари билан машҳур бўлган. Ибн Сино 980 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона (ҳозирги Исфана) қишлоғида туғилган. Асл исми Ҳусайн, отасининг исми Абдулло. Кейинчалик улар Бухорога кўчиб боришган. Ибн Сино зеҳнли ва қобилиятли бола бўлган, шунинг учун отаси унинг ҳар томонлама илм олишига эътибор берган. У 10 ёшида "Қуръон"ни ёддан ўқир эди. Ибн Сино 18 ёшида машҳур табиб бўлиб етишган. Унинг ўзи дорилар тайёрлаган ва тажрибалар ўтказган. Ибн Сино

1000 йилда Бухородан чиқиб кетган. Юртма-юрт кезиб 1037 йилда Ҳамадон шаҳрида вафот этган.

Ибн Сино 280 дан ортиқ асар ёзган, бизгача фақат 160 таси етиб келган. Ибн Синонинг машҳур асарларидан: "Шифо китоби", "Инсоф китоби", "Нажот китоби", "Тиб қонунлари" бизга маълумдир. 1980 йилда буюк олим туғилган кунининг 1000 йиллиги нишонланди.

44.

Маҳмуд Кошғарий

Маҳмуд ибн ул Ҳусайн ибн Муҳаммад ил Кошғарий тилшунослик илмининг асосчиси, қомусчи олим. У XI асрнинг бошларида Баласоғун шаҳрида туғилган. Унинг бобоси асли кошғарлик бўлган. Шу сабабли Маҳмуд ўзига Кошғарий тахаллусини олган. Маҳмуд ёшлигидан тил илмига қизиққан. Араб тилини қунт билан ўрганган. Маҳмуд Юқори Чиндан Хоразмгача яёв юриб "Девону луғотит турк" (Туркий сўзлар тўплами) асарини ёзган. Унинг иккинчи асари "Жавоҳиру — ун наҳв фи луғотит турк" (Туркий тиллар синтаксиси асослари). Унинг иккинчи асари ҳали топилгани йўқ.

Маҳмуд Кошғарий "Девону луғотит турк" асарига ўзи тузган дунё харитасини илова қилади. Бу харита ҳозирги шарқий ярим шарга тўғри келади. Маҳмуд Кошғарийнинг бу асари ўрта асрлар илмий мероси ва тарихини ўрғанишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

45.

Аҳмад Яссавий

Аҳмад Яссавий тасаввуф (суфийлик) адабиётининг вакилларида бири. Буюк шайх ва аллома. У Ясси (Туркистон) шаҳрида туғилган. Унинг отаси Иброҳим ота Ясси ва Сайрамда шайхлик қилган. Аҳмад Яссавийнинг авлоди Муҳаммад пайғамбарнинг қизлари Фотима биби наслига бориб тақалади. Аҳмад Яссавийнинг ёшлиги Сайрамда ўтган. Отасининг вафотидан сўнг у Арслонбоб эшон қўлида тарбия олган. Арслонбоб эшоннинг вафотидан кейин Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган ва тасав-

вуф оламидаги буюк шайхлардан бири бўлиб етишган. Аҳмад Яссавий 63 ёшида ертўлага тушиб умрининг охиригача ер остида яшаган. Амир Темура ҳазратлари Аҳмад Яссавийни ўзининг устози деб билган ҳамда 1395-1397 йилларда унинг қабри устига мақбара қурдирган.

Ғазал

Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,
Инонмағил молинга, бир кун қўлдан кетаро.
Ото-оно, қариндош, қаён кетти, фикр қил,
Тўрт аёғлик чўбин от бир кун сенга етаро.
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,
Мардона бўл, ғариб бош, умринг елдек ўтаро.
Қул Хожа Аҳмад тоат қил, умринг билмом неча йил,
Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро. (А.Ясса.)

46.

Али Қушчи

Мавлоно Аловуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий 1403 йилда туғилган. Али Қушчи Улуғбекнинг шогирди, машҳур олим ва мунажжимдир. У аввал Самарқанд, кейин Карманада таълим олган. Али Қушчи ўз даврида жаҳондаги энг замонавий ҳисобланган Улуғбек расадхонасида илмий тадқиқотлар олиб борган. У Улуғбекнинг "Қўрагоний юлдузлар жадвали" асарини охирига етказган. Улуғбек вафотидан сўнг Али Қушчи ҳам Самарқанддан кетган. У аввал Табризда, сўнг Истанбулда яшаган. Али Қушчи Истанбулда мадраса мударриси ва бош мударрис бўлиб ишлаган.

Али Қушчи жаҳонда биринчи бўлиб Ой ва Қуёш планеталарининг тутилиш сабабларини илмий асослаб берган. У "Арифметикага оид рисола", "Қаср сонлар ҳақида рисола" ва бошқа кўпгина асарлар ёзган. Али Қушчи 1474 йилда Истанбулда вафот этган.

Атоий

Атоий XV асрнинг биринчи ярмида яшаган шоир. Унинг асл ва тўла исми, туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Мавлоно Атоий Балхда яшаган. У Хўжа Аҳмад Яссавийнинг Иброҳим ота исми укасига неvara бўлган. Унинг ижоди ҳақида Алишер Навоий "Мажолисун нафос" тазкирасида маълумот берган. Атоийнинг ижодига халқ оғзаки ижоди кучли таъсир қилган. У ўз даврининг олим ва фозил кишиларидан бири бўлган. Бизга Атоийнинг 260та ғазалдан иборат бир девони етиб келган. Унинг бошқа жанрлардаги асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келган бўлса ҳам ҳали номаълум. Атоий ғазалларида Куръони карим, пайғамбарлар, фаришталарнинг образлари, табиат тасвири, илоҳий ва инсоний муҳаббат ғоялари юқори ўрин эгаллаган. Атоий туркий (халқ қўшиқлари жанри)да ижод қилган.

Ғазал

Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,
 Гул очилди, гулистон вақти бўлди.
 Қилай нола, боқиб гулдек юзунгга,
 Чу булбулларга афғон вақти бўлди...
 Ўқуб гул бахтини мажлисда ҳар дам,
 Булуб сархуш, гул афшон вақти бўлди.
 Муганнийларга булбуллар бикин зор,
 Ҳазорон навъи илҳон вақти бўлди.
 Бу дамким, гул қилур булбулға алтоф,
 Атоийга ҳам эҳсон вақти бўлди.

Моҳларойим (Нодира)

Шарқ адабиётида Робиа (XI аср), Мутриба (XII аср), Жаҳонхотун (XIV аср), Мунажжима (XV аср), Гулбаданбегим, Гулчеҳрабегим (XVI аср), Нуржаҳонбегим, Зебунисо (XVI-XVII аср), Увайсий, Нодира (XVIII-XIX аср), Муаззамхон (XIX-XX аср) каби шоираларнинг ўзига хос ўрни бор.

Нодирабегим 1792 йилда Андижонда шаҳар ҳокими оиласида дунёга келган. У миллий мактабда ўқиб савод чиқарган. Ана шу пайтларда Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Фузулий, Бедил каби шоирларнинг асарларини ўқиган ва шеър ёза бошлаган. У 1808 йилда Қўқон хони Олимхоннинг укаси Умархонга турмушга чиққан. 1810 йилда Умархон Қўқонга хон бўлган. Улар оиласи билан Қўқонга кўчиб келишган. Қўқонда Нодирабегим хонлик кугубхонасидан жуда унумли фойдаланган. Моҳларойим (Нодира) ўзбек ва тожик тилида шеърлар ёзган. Ўзбекча шеърларига Нодира ва Комила, тожикча шеърларига эса Макнуна таҳаллусини қўйган. 1822 йилда Умархон вафот этган. 1842 йилда эса Бухоро амири Насрулло Қўқонга бостириб келган, унинг ўғиллари Султон Маҳмудхон ва Муҳаммад Алихонни ҳамда набираси Муҳаммад Аминхонни қатл қилган. Фожиадан ғабланган Нодира Амирни лаънатлаган. Шундан сўнг Амир Насрулло Нодирабегимни ҳам маҳрамлари билан биргаликда ўлдиртирган.

Ғазал

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.
Ул париваш васлидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.
Ёр учун агёр дардин тортаман,
Курмадим бир ёрни агёрсиз.
Тан бузулди, энди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмади деворсиз.
Берма нисбат қаддига, эй боғбон,
Сарвдур бу боғ аро рафторсиз.
Нодира аҳволидин огоҳ бўлинг,
Эй мусоҳибларки, қолмиш ёрсиз.

49.

Маҳмудхўжа Беҳбудий

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг раҳбари, журналист, ёзувчи ва жамоат арбоби бўлган.

Бехбудий 1875 йилда Самарқандда руҳоний оиласида туғилган. У ёшлигидан араб, форс-тожик ва туркий тилларни кунт билан ўрганган. Бехбудий аввал мактабда, кейин мадрасада таълим олган. Сўнг Бехбудий Самарқанддаги қозихоналарнинг бирида мирзалик ва муфтилик қилган. У Арабистон, Туркия, Русия, Татаристон ва Бошқирдистонга сафар қилган ва халқ ҳаёти билан танишган.

Бехбудий янги усулдаги мактаблар очиб ўз ҳисобидан болаларни ўқитган. Бехбудий "Болалар учун китоб", "Янги ҳисоб", "Исломнинг қисқача тарихи" каби дарсликлар ёзиб, уларни ўзбек ва тожик тилларида ўз уйида chop қилдирган. Бундан ташқари у "Самарқанд" рўзномасини ва "Ойна" журналинини ҳам нашр қилдирган. Бехбудий "Падаркуш" драмасини ёзиб ўзбек драматургиясига асос солган. Бехбудий маориф ва давлат ҳужжатчилик ишларинини амалга оширишда фаол хизмат қилган. Биринчи бўлиб ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини талаб қилиб чиққан. Бехбудий 1919 йилда Қарши шаҳрида қатл қилинган.

50.

Фитрат

Абдурауф Фитрат биринчи ўзбек профессори, олим, ёзувчи шоир ва драматург. У 1886 йилда Бухорода зиёли оиласида туғилган. Аввал мактабда сўнг Бухоро ва Истанбул мадрасаларида таҳсил олган. Кейин Истанбул университетиде ўқиган. Дорилфунунда таълим олган вақтида унга Фитрат (Донишманд) тахаллусини беришган. Фитратнинг биринчи шеърий тўплами "Сайҳа" ("Чорлов") 1911 йилда нашр этилган. У ўзининг асарларида маърифатпарварлик гояларини тарғибот қилган. Кейинчалик Фитрат миллийлик, ҳурфикрлик гояларини акс эттирган "Темир сағанаси", "Або Муслим", "Турк тили", "Тўлқин" каби асар ва драмаларини яратган. Унинг "Абулфайзхон", "Арслон" каби драмаларида янгиликка, гўзалликка интилиш гоялари илгари сурилган. Фитрат адабиётшунос сифатида ҳам бир қанча асарлар ёзган. Булар: "Аруз ҳақида", "Адабиёт қондалари" кабилардир. Фитрат 1921—23-йилларда Республика Маориф Вазири бўлиб ишлаган. Москва ва Петербург

университетларида маърузалар ўқиган. Фитрат "Ўзбек тили грамматикаси" (II том), "Ўзбек тили" дарсликларини ёзган. Фитрат 1938 йилнинг 4 октябрида қатл қилинган.

51.

Абдулла Қодирий (1894-1938)

"Дунёда беишта, яъни фаранг, рус, инглиз, олмон ва ҳинд романчилик мактаблари бор эди. Абдулла Қодирий олтинчи мактаб — ўзбек романчилик мактабини яратди..." Е.И. Бертельс.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) 1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида боғбон оиласида дунёга келган. Аввал эски мактабда, кейин рус-тузем мактабда ўқиган. А. Қодирий дастлаб шўро идораларида котиблик қилган. 1925—26-йилларда Москвадаги Адабиёт институтида ўқиган. Кейинчалик "Озиқ ишлари", "Муштум" ойнамаларида муҳаррир бўлиб ишлаган.

Ижодини кичик ҳикоялар, фельетон ва ҳажвий ҳикоялар ёзиш билан бошлаган. Унинг йирик бадиий асарлари: "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" тарихий романларидир. Абдулла Қодирий ёзувчи, журналист ва таржимон. Абдулла Қодирий Н.В. Гоголнинг "Ревизор" комедиясини, А.П. Чехов асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ёзувчи "Амир Умархоннинг канизини" романини ёзиб тугатган, бироқ роман қатағон даврида йўқолган. Абдулла Қодирийнинг асарлари инглиз, олмон, фаранг, араб, уйгур, рус ва бошқа кўпгина тилларга таржима қилинган.

Абдулла Қодирий 1938 йилда "миллатчи", "халқ душмани" тамғалари билан отилган.

52.

Чўлпон

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон буюк ўзбек шоири, ёзувчи, журналист ва таржимон. У 1897 йилда Андижонда зиёли оиласида туғилган. Аввал миллий мактабда, сўнг Андижон ва Тошкент мадрасаларида таҳсил олган. Уша пайтда араб, форс ва турк тилларини пухта ўрганган. "Қуръони карим"ни ёд олган, ислом тарихи ва фалсафасини чуқур ўзлаштирган. Чўлпон Андижондаги рус-тузем мактабини ҳам битирган, рус тили ва адабиё-

тини яхши ўрганган. Унинг шеър ва ҳикоялари Оренбург, Уфа, Қозон, Боқчасарой шаҳарларида чивданган рўзнома-журналларда "Уйғонини", "Булоқлар", "Тонг сирлари" шеърий тўпламлари нашр этилган. "Қўлдан муҳтарияти" шафқатсизларча бостирилгандан сўнг Чўлпон эри-севарлик ғоясини очиқчасига куйдай бошлади. Чўлпон "Ёрқиной", "Чўрининг исёни", "Хужум" каби кўнгина драмалар ҳам ёзган. 1927 йилдан матбуотда Чўлпоннинг ижодини қораловчи мақолалар чиқа бошлади. Бу жараён ўн йилдан ортиқ вақт давом этди. Шунга қарамай Чўлпон "Кеча ва кундуз" романини ёзди. "Сўз" тўпламини нашр эттирди. Бир қанча асарларни ўзбек тилига таржима қилди. Чўлпон 1938 йилнинг октябрида отиб улдирилган.

53.

Ғафур Ғулом

Таниқли ўзбек шоири, академик Ғ. Ғулом 1903 йилнинг 10 майида Тошкент шаҳрида меҳнатқан оиласида туғилган. У 9 ёшида отасидан етим қолган. Ғафур Ғулом аввал миллий мактабда, сўнгра эса рус-тузем мактабида ўқиган. Ундан сўнг муаллимлар тайёрлов курсини битириб, ўқитувчилик қилган. Кейинчалик болалар уйида мудири, тарбиячи бўлиб ишлаган. Ғафур Ғулом бир қанча рўзномаларнинг муҳарририятларида ҳам хизмат қилган. Унинг биринчи шеърий тўплами "Динамо" 1931 йилда нашр этилган. Ғафур Ғулом шеърлар билан бир қаторда шеърий поэмалар ҳам ёзган. 30-йилларда Ғафур Ғулом ҳикоя, очерк, фельетонлар билан бир қаторда "Нетай", "Ёлғор", "Тирилган мурда" каби қиссаларини ҳам нашр эттирган. Ғафур Ғуломнинг 20га яқин шеърий тўпламлари чоп этилган. Ғ. Ғулом 1946 йилда "Мен Шарқдан келаётirman" тўлами учун Иттифоқ Давлат мукофотига сазовор бўлган. Ғафур Ғулом 1943 йилда Ўзбекистон ФАнинг ҳақиқий аъзоллигига сайланган. Адиб 1966 йилда вафот этган.

54.

Мақсуд Шайхзода

Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, шоир ва драматург М.Шайхзода 1906 йилда Озарбайжон

нинг Оқтош шаҳрида туғилди. У аввал миллий мактабда ўқиган. Кейин муаллимлик қилган. Баку Олий педагогика институтини сиртдан ўқиб битирган. У 1928 йилда Тошкентга келган. М.Шайхзода дастлаб рўзнома ва журнал муҳарририятларида, сўнг (1935—38-йилларда) ЎзР ФАнинг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаган. У 1938 йилдан Низомий номли ТошДПИнинг ўзбек (мумтоз) адабиёти кафедрасини бошқарган.

М.Шайхзоданинг шоирлик фаолияти 1929 йилдан бошланган. Унинг 1932 йилда "Ўн шеър", 1933 йилда "Ундошларим", 1934 йилда "Учинчи китоб", 1935 йилда "Жумҳурият" номли шеърий тўпламлари босилиб чиққан. Мақсуд Шайхзоданинг уруш йилларида "Кураш нечун" (1941), "Жанг ва қўшиқ" (1942), "Капитан Гастелло" (1941) каби шеърий тўпламлари, "Жалолиддин Мангуберди" тарихий драмаси нашр этилган. Кейинги йилларда шоир қатор шеърий тўпламлар, "Тошкентнома" (1958) лирик достони, "Мирзо Улуғбек" (1960) трагедиясини ёзган. У шунингдек, "Абу Райҳон Беруний" шеърий драмасини ҳам ёзган, бироқ бу асар йўқолган. М. Шайхзода Пушкин, Лермонтов, В. Шекспир ва Н.Ҳикмат асарларини ўзбек тилига таржима қилган. У 1967 йилда оламдан ўтган.

Мундарижа

Сўз боши	3
Мустақил давлат	5
Кириш	6
Фонетика	9
Орфоэпия	13
Графика ва орфография	14
Ўзак-негиз ва қўшимчалар имлоси	15
Қўшма сўз ва сўз бирикмалари имлоси	17
Бўгин кучирилиши	19
Бош ҳарфларнинг ишлатилиши	20
Лексикология	21
Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари	22
Лексикадаги ўз ва ўзлашган қатлам	25
Тарихий жиҳатдан ўзбек тили лексикаси	26
Умумий ва чегараланган лексика	27
Фразеология	29
Лексикография	30
Морфсемика	31
Сўз ясалиши	32
Морфология	37
Сўз туркумлари	39
От	40
Сифат	42
Сон	46
Олмош	48
Феъл	54
Равиш	64
Кўмакчи	66
Боғловчи	68
Юклама	70
Ундов	71
Тақлид сўз	72
Синтаксис	73
Сўз бирикмаси	73
Содда гап	74
Қўшма гап	79
Илова	83

81.2Ўз
И 37

нин
уқи
инс
кет
му
ни
ни
ўз

Исмоилов А.Қ., Лафасов Ҳ.П.

Ўзбек тили (машқлар тўплами). Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юр்தларининг русийзабон гуруҳлари талабалари учун қўлланма.— Т.: «Ўзбекистон».—2002.—104 б.

ББК 81.2Ўз

бс
дс
х
с
"
и
д
г
г

**Анвар Исмоилов
Ҳуроқбой Лафасов**

**ЎЗБЕК ТИЛИ
машқлар тўплами**

Бад. муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техн. муҳаррир *У. Қим*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Мақсудова*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Теришга берилди 29.08.2002. Босишга руҳсат этилди 27.11.2002.
Бичими 84x108¹/₃₂. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма т. 5,46.
Нашр т. 4,22. Нусхаси 3000. Буюртма № 101.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриети, 700129, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 99-2002.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 1-босмахонасида
босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк куча, 2-уй.

959c

THE
LIBRARY OF THE
MUSEUM OF
ART AND HISTORY
NEW YORK



81.243

Р-33

ШАВКАТ РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИНИ ҚИЁСЛАШ

(ҚИСҚАЧА БАЁН)

*Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртлирининг
"Ўзбек тили ва адабиёти"
ҳамда "ўзбек мактабларида
рус тили ва адабиёти"
ихтисосликлари бўйича таҳсил
кўраётган талабалари учун ўқув
қўлланма сифатида тавсия этган*



Тошкент — "Ўзбекистон" — 1993

Ушбу қўлланмада ўзбек тили билан рус тилининг товуш тузумидаги, грамматик қурилишидаги ўзаро ўхшаш нуқталар таъкидланиб, асосий эътибор бу икки тил тузумидаги энг муҳим фарқларни қиёсан баён этишга қаратилди.

Қўлланма Ўзбекистон республикаси олий ўқув юрларида "ўзбек тили ва адабиёти" ихтисослиги бўйича, шунингдек "ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти" ихтисослиги бўйича таълим оладиган талабаларга мўлжалланган. Бу қўлланмадан ўрта мактабнинг рус синфларида ўзбек тилидан ва ўзбек синфларида рус тилидан дарс берувчи ўқитувчилар ҳам фойдаланади.

Тақризчилар: доцентлар С. ФУЗАИЛОВ, С. СУЛТОНСАИДОВА

Муҳаррир З. Каримова

ISBN 5-640-01317-6

Р 6020000000-48 93
М 351 (04) 93

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1993 й.

КИРИШ

Тилни ўрганиш ва тавсифлаш турлича амалга оширилади. Бунда бир тил ёки икки тил (тадқиқотнинг мақсадига кўра иккидан ортиқ тил ҳам) ўрганилиши, тавсифланиши мумкин. "Ҳозирги ўзбек адабий тили", "Ҳозирги рус адабий тили" курслари — бир тилни тавсифлаш намунаси. Бунда тил структураси (тил қурилиши) фақат бир тилга мансуб ҳодисалар асосида баён этилади, бошқа тилга мансуб ҳодисаларга одатда мурожаат қилинмайди. Тилни бундай усулда тавсифлайдиган тилшунослик хусусий тилшунослик деб қўрилади. Хусусий тилшуносликлар эришган натижалар асосида умумий тилшунослик (назарий тилшунослик) шаклланиди ва ривожланади. Умумий тилшуносликда, тилнинг иктомий моҳиятига доир муҳим масалалар билан бирга, тиллар орасидаги ўхшашлик ва фарқлар ҳам ўрганилиб, шу асосда дунёдаги тиллар турли жиҳатдан таснифланади.

Тилшунослар биринчи галда тиллар орасидаги ўхшашликларга эътибор беради. Бир неча тилга мансуб ҳодисаларни маълум тарихий тараққиёт жараёнини ҳисобга олган ҳолда қиёслаш йўли билан бу тилларнинг қардош (бир оилага мансуб) тиллар экани ёки ноқардош (бошқа-бошқа оилага мансуб) тиллар экани белгиланади. Тилларнинг қардош эканини исботлашга хизмат қиладиган метод (усул) қиёсий-тарихий усул деб қўрилади, шундай усул билан ўрганиш натижасида дунёдаги тилларнинг генсалогик таснифи амалга оширилади.

Улар ўхшашлик фақат қардош тиллар орасида эмас, балки ноқардош тиллар орасида ҳам мавжуд. Ноқардош тиллар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни ўрганиш натижасида маълум тил ҳодисаларининг қиёсланаётган тилларда бор-йўқлиги аниқланади; бор бўлса, улар орасидаги ўхшашлик ва фарқлар белгиланади, фарқларнинг моҳияти очилади; қиёсланаётган тиллардан бирида йўқ ҳодисанинг табиати изоҳланади. Ноқардош тилларни бундай

ўрганиш усули қиёсий-тарихий усулдан фарқлаш мақсадида чоғиштириш усули деб юритилади. Бундай усул билан ўрганиш натижасида дунёдаги тилларнинг морфологик таснифи амалга оширилади.

Асли ҳар икки усул ҳам қиёсга асосланади; фарқ шуки, бирида қардош тиллар қиёсланса, иккинчисида ноқардош тиллар қиёсланади, биринчисида тилларга мансуб ҳодисаларнинг адекватлиги (айнанлиги) исботланса, иккинчисида эквивалентлик (муқобиллик) даражаси белгиланади.

Ушбу қисқача баёнда ҳозирги ўзбек адабий тили билан ҳозирги рус адабий тилига хос энг муҳим ҳодисаларгина ихчам ва содда тарзда чоғиштирилади. Асосий мақсад — ўзбек ва рус тилларининг товуш тузумига, грамматик қурилишига хос хусусиятларни таъкидлаш. Шу сабабли қайси тил ҳодисасини олдин ёки кейин баён қилишнинг аҳамияти йўқ. Тавсифлашда бирор тилни олдин қўйиш маълум бир тилга мансуб ҳодиса бошқа бир тилга қандай таржима қилинишини аниқлашда муҳим. Бундай ёндашув икки тил қурилишини қиёсан баён этишнинг ўрнини боса олмайди.

ҚИЁСИЙ ФОНЕТИКАНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

УМУМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Тилимиз — товуш тили. Нутқ товуши тилнинг қурилиш материалли (ашёси) бўлиб хизмат қилади. Нутқ товуши — табиий, уни ёзувда акс эттирадиган ҳарф эса — иккиламчи, шартли. Маълумки, товушни эшитамиз, ҳарфни кўрамиз. Бундай ёндашувда товуш нутқ аъзоларининг маълум фаолияти натижасида юзага келадиган физиологик ҳодиса сифатида баҳоланади.

Тилда мавжуд ҳар бир товушга хос артикуляция кўникмаси тил хотирасида (мияда) маълум бир образлар (излар) тарзида ташғилланган бўлади. Шуни ҳисобга олиб нутқ товушлари тил бирликларига тенглаштирилади. Асли нутқ товушини тил бирликлари учун қурилиш бирлиги деб баҳолаш тўғрироқ. Чунки тил хотирасида бевосита ҳар бир товушга хос излар эмас, балки тил бирликларига хос излар (образлар) тамғаланади, ана шу тил бирликларига хос тамғалар учун товушларга хос излар қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Тил бирликлари деб морфемага, лексемага айтилади, нутқ товуши туб лексема ва морфема учун қурилиш ашёси бўлади.

Тил қурилишининг сағхланишида остки сатҳ бирлиги устки сатҳ бирлиги учун қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан нутқ товушлари — бирламчи қурилиш ашёси. Лекин нутқ товушининг қурилиш ашёси сифатидаги табиати бошқа лингвистик бирликларнинг (лисоний бирликларнинг) шундай хизмати билан фарқ қилади: лексема билан морфеманинг бирлашуви оқибатда сўзформани (сўзшаклни), сўзшаклларнинг бирлашуви эса боғланмани юзага келтиради; лекин туб лексема ёки морфема товушларининг бирлашуви натижасида юзага келади деб бўлмайди. Бу ерда лексема ёки морфема маълум товуш(лар)га маълум бир мавзунининг биркитилиши билан юзага келиши ҳақида гапирилади.

Хуллас, тил бирлиги маълум ифода плани (ифода жиҳати) билан маълум мазмун планининг (мазмун жиҳатининг) бир бутулигидан иборат бўлади, ана шундай туб тил бирлигининг ифода жиҳати бўлиб нутқ товуши хизмат қилади. Нутқ товушлари тил хотирасида ўзича айрим-айрим жой олмайди, улар тил бирликларини акс эттирадиган тамғалар (излар) таркибида мавжуд бўлади. Нутқ товушларининг бундай қарам ҳолатини ҳисобга олсак, тилнинг алоҳида, мустақил фонетик сатҳи ҳақида гапириш ўзини оқламаслиги аён бўлади, тўғриси, тилнинг фонетик тузуми ҳақидагина гапириш ўринли бўлади.

Адабиётларда тилнинг фонологик сатҳи ҳам ажратилади. Асли фонетика ҳам, фонология ҳам нутқ товушларини текширади; фарқи шуки, фонетикада нутқ товушларига артикуляцион-акустик тавсиф берилса, фонологияда фонетикага суянган ҳолда нутқ товушларининг ижтимоий қиймати (яъни лисоний бирликларнинг ифода жиҳати бўлиб келиши) баҳоланади. Қуйида ўзбек ва рус тилларининг фонетик тузуми бўйича сўз юритилади, фонологик тузум эса энг зарур ўринлардагина тилга олинади.

Аввало, товуш ва ҳарфни бир-биридан аниқ фарқлаш лозим. Чунки кўпчилик алифбеларда, шу жумладан рус ва ўзбек алифбеларида, товуш билан ҳарф орасида "бир товушга бир ҳарф" тенглиги йўқ. Рус алифбесига (ё ҳарфини ҳам ҳисобга олсак) 33 график шакл бор, шулардан 31 таси ҳарф, иккитаси белги. Маълумки, белги товуш кўрсатмайди. 31 та ҳарфдан тўрт ҳарф (е, ё, ю, я) ҳар икки вазифасида янги бир товушни эмас, балки алифбедаги бошқа ҳарфлар билдирадиган товушни кўрсатади: бир вазифада икки товушни — й+э, й+о, й+у, й+а товушларини — кўрсатишга хизмат қилса, иккинчи вазифасида э, о, у, а унлиларини кўрсата туриб, ўзидан олдинги ундошнинг юмшоқ эканини ҳам кўрсатади. Хуллас, бу тўрт графема ўзича алоҳида товушларнинг ҳарфи эмас. Демак, рус алифбесига 31 ҳарф 27 товушни кўрсатишга хизмат қилади (фонемалар ҳисоби бошқача, албатта; буни қуйироқда гапирамиз).

Ўзбек алифбеси рус алифбеси асосида яратилгани сабабли юқоридаги тўрт ҳарф (е, ё, ю, я) бу ерда ҳам ўзича алоҳида товушни кўрсатмайди. Ўзбек алифбесининг ўзига хос бошқа томонлари ҳам бор:

1) тилда товуш бўла туриб, унга алифбеда ҳарф олинмаган: ң товуши икки ҳарф (нг) билан кўрсатилади;

2) икки бошқа-бошқа товушни кўрсатиш бир ҳарфга юкланган:

а) о ҳарфи ўзбекча э товушини ҳам, ўзлаштирама сўзлар таркибида кириб келган русча о товушини ҳам кўрсатади;

б) ж ҳарфи аффрикат (қоришиқ) ʒ товушини ҳам, ўзлаш-тирма сўзларда эса фрикатив (сирғалувчи) ж товушини ҳам аффрикатида;

3) ўзбек тили алифбесида тўрт товуш учун махсус ҳарф қабул қилинган: ў, қ, ғ, ҳ;

4) рус алифбесидаги икки ҳарф ўзбек алифбесига олинмаган: ъ, џ.

Хуллас, ҳозирги ўзбек алифбесида 33 ҳарф ва 2 белги мавжуд бўлиб, бу 33 ҳарф 32 товушни кўрсатишга хизмат қилади:

35 шакл	- 2 белги (ь, ъ)	= 33 ҳарф
33 ҳарф	- 4 ҳарф (е, ё, ю, я)	= 29 ҳарф
29 ҳарф	+ 2 товуш (ɔ, z)	= 31 товуш
31 товуш	+ 1 товуш (нг)	= 32 товуш


Агар фақат ўзлашган сўзларда қатнашадиган ц ва о товушларини, шунингдек ж сирғалувчи товушини ҳам ҳисобга олмасак, ҳозирги ўзбек тилида 30 товушдан иборат товуш тузуми мавжуд бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, товуш кўрсатиш нуқтаи назаридан в, ё, ю, я ҳарфлари ва ь, ъ белгилари ортиқча бўлса ҳам, лекин фонемаларни кўрсатиш нуқтаи назаридан рус графикаси учун бу ҳарфлар ва белгилар мутлақо зарур.

Онди товушларнинг умумий таснифи билан ганишайлик. Барча тилларда товушлар дасглаб унли ва ундош деб иккига гуруҳланган. Бу — тўлиқ зидланиш эмас, албатта. Бундай гуруҳ-лашда анвало товушларнинг таркибий қисми бўлиб хизмат қиладиган овоз ва шовқиннинг қатнашуви ва мяқдоридан келиб чиқилади, ички тасниф ҳам шу асосда давом эттирилади.

Рус ва ўзбек тилларида товушларнинг умумий таснифи қуйидагича берилди:

Унлилар (гласные)		
Ун-дош-лар (согласные)	Сонорлар (сонорные)	
	Шовқинчи-лар (шумные)	Жаранглилар (звонкие)
		Жарангсизлар (глухие)



Назарий жиҳатдан товушларни биринчи босқичдаёқ уч гуруҳга бўлиш тўғрироқ бўлар эди:

Унлилар (гласные)		
Ундошлар (согласные)	Сонорлар (сонорные)	
	Жаранглилар (звонкие)	
Шовқинлилар (шумные)		

Мактабда сонор товушлар ажратилмай, жаранглилар ичида берилади. Шунда ҳам товушларни бирваракайига учга таснифлаш қулай кўринади:

Унлилар (гласные)	
Ундошлар (согласные)	
Шовқинлилар (шумные)	

Тил ўқитишдаги кўп асрлик анъана билан ҳисоблашиш туфайли биринчи тур тасниф ҳануз сақланиб келади.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИНИНГ УНЛИ ТОВУШЛАРИ

Адабий рус тилида 6 унли мавжуд, ана шу 6 унли ёзувда 10 ҳарф билан кўрсатилади: а, э, о, у, и, ы, я, е, ё, ю. Бу ерда охирги 4 ҳарфнинг бир вазифаси — унлини кўрсата туриб, ўзидан олдинги ундошнинг юмшоқ эканини ҳам кўрсатиш вазифаси — назарда тутилади.


Адабий ўзбек тилида ҳам унлилар 6 та. Ўзбек алифбесига асос қилиб рус графикаси олингани сабабли бу ерда ҳам 6 унлини кўрсатишда юқоридаги 10 ҳарф хизмат қилади. Лекин я, е, ё, ю ҳарфларининг унлини кўрсата туриб, юмшоқ ундошдан кейини ёзилиши фақат рус тилидан ўзлашган сўзларда учрайди.

Шуни таъкидлаш керакки, унли товушларнинг ҳар икки тилда миқдоран тенг келиб қолиши — тасодифий ҳолат. Бундан қатти назар, ҳар икки тилнинг унлилари сифат жиҳатидан ўзаро фарқларга эга.

Унли товушларга қуйидаги тўрт жиқатдан тавсиф берилади: 1) товуш оралигининг ҳосил бўлиш ўрнига кўра (по ряду), 2) пастки жағнинг (тил билан биргаликда) ҳаракатига кўра (по подъёму), 3) лабларнинг фаол иштирок этиш-этмаслигига кўра (по степени лабиализации), 4) товушнинг қисқа-чўзиқлигига кўра (по длине звучания).

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар бир товушнинг талаффуз қилинишида нутқ аъзолари тўлиқ қатнашади, фақат ҳар бир товушнинг шаклланишида маълум бир нутқ аъзолари, нутқ аъзоларининг маълум бир қисми ҳал этувчи деб қаралади ва товуш шу фаол қатнашадиган нутқ аъзоси ёки шундай нутқ аъзосининг маълум бир қисми асосида номланади.

Рус ва ўзбек тилларининг унли товушларини уч бурчакка қуйидагича жойлаб кўрсатиш мумкин:



Ушбу уч бурчакларга суяниб қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) рус тилида ўрта қатор ы унлиси бор, ўзбек тилида бундай унли йўқ;

2) ўзбек тилида ортқи кенг э унлиси бор (ёзувда о ҳарфи билан кўрсатиш қабул қилинган), рус тилида бундай унли йўқ;

3) рус тилида а унлиси ўрта қаторга мансуб дейилади, ўзбекча и унлиси эса олдинги қаторга мансуб; қиёсланг: русча *май* (ой номи) — ўзбекча *май* (шароб);

4) русча о ва ўзбекча ў унлилари ҳам сезиларли фарқ қилади: ўзбекча унли русча унлига қараганда бир оз олдингироқ, ёпиқроқ, лабланиш даражаси ҳам кучсизроқ; қиёсланг: русча *сом* (балиқ номи) — ўзбекча *сўм* (пул бирлигининг номи);

5) ўзбекча и унлиси русча и унлисидан жиддий фарқ қилади: ўзбекча унли бир оз ортқироқ ва анчагина қисқа; қиёсланг: русча *тишь* (тинчлик)— ўзбекча *тиш* (зуб);

6) ўзбекча у унлиси русча у унлисига нисбатан олдингироқ, лабланиш ҳам кучсизроқ; қиёсланг: русча *туз* (қарта ўйинида)— ўзбекча *туз* (модда номи);

7) энг оз фарқланиш русча ва ўзбекча э унлиларида: ўзбекча э унлиси олдингироқ;

8) айтилганлардан қатъи назар, ўзбек тили унлилари рус тили унлиларига нисбатан қисқароқ (ўзбекча сўзларда унлининг чузиқлиги иккиламчи ҳодиса деб қаралади);

9) лабланмаган унлилар рус тилида тўрт аъзоли бўлса (и — ы — э — а), ўзбек тилида уч аъзоли (и — э — а); аксинча, лабланган унлилар рус тилида икки аъзоли (о — у), ўзбек тилида эса уч аъзоли (— ў — у);

10) тил олди ва тил орқа унлилари рус тилида иккитадан, ўзбек тилида эса учтадан;

11) рус тили ва ўзбек тили унлилари нутқ оқимида турли ўзгаришларга дучор бўлиши жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади; масалан, русча о унлиси билан ўзбекча ў унлисининг, русча а унлиси билан ўзбекча а унлисининг нутқда ўзгариш даражасини кўз олдингизга келтиринг. Умуман, ўзбек тили унли товушларида нутқ оқими таъсири билан рўй берадиган ўзгариш рус тилидаги ҳолатга нисбатан жуда оз.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИНИНГ УНДОШ ТОВУШЛАРИ

Рус тилидаги 27 товушдан 6 таси — унли, қолган 21 таси — ундош. Булардан ц, ш ундошлари доим қаттиқ, ч, щ ундошлари, шунингдек й ундоши доим юмшоқ талаффуз қилинади деб таъкидланади. Қолган ундошлар эса ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ талаффуз қилиниб, тил бирликларини ўзаро фарқлашга хизмат қилади, шунга кўра фонематик зидланиш ҳосил этади. Ушбу ҳодисани ҳисобга олсак, рус тилида ундош фонемалар 37 та деб белгиланади: 21 ҳарф — 5 ҳарф (ц, ш, ч, щ, й) = 16 ҳарф × 2 (қаттиқ-юмшоқлик) = 32 фонема + 5 фонема = 37 фонема.

Баъзи манбаларда щ товуши ш товушига юмшоқ-қаттиқлик жиҳатидан зидланиш ҳосил этади деб қаралади; унда фақат ц товуши доим қаттиқ, ч, й товушлари эса доим юмшоқ талаффуз қилинадиган товуш бўлиб қолади; қолган ундошлар қаттиқ ва юмшоқ талаффуз этилиши жиҳатидан иккита фонемага тенг бўлади; бундай ёндашувда ҳам рус тилидаги ундош фонемалар-

нинг миқдори 37 та бўлиб чиқади: 21 ҳарф — 3 ҳарф (ц, ч, й) × 18 ҳарф — 1 ҳарф (ш + щ) = 17 ҳарф × 2 (қаттиқ-юмшоқлик) = 34 фонема + 3 фонема (ц, ч, й) = 37 фонема.

Ўзбек тили ундошларида қаттиқ-юмшоқликка асосланган фонематик зидланиш йўқ. Лекин рус тилидан кўплаб сўз ўзлаштириш натижасида ва уларни айнан талаффуз қилиш талаби сабабли юқорида айтилган фонематик зидланиш ўзбек тилида ҳам пайдо бўла бошлади. Ўзбек тили товушлар тузумига ёт бу ҳолнинг назардан соқит қилсак, лунингдек ц ундошии ҳам ҳисобга олмасак, ўзбек тилида 24 ундош товуш (ундош фонема) бор: 32 товуш — 1 товуш (ц) = 31 товуш — 7 унли (а, с, о, ў, ё, и, у) = 24 ундош.

Ўзбекча к — қ, г — ғ товушларини ўзаро қаттиқ ва юмшоқ товушлар деб тушунтириш нотўғри. Рус тили ундошларида юмшоқлик ундошнинг артикуляциясида қўшимча равишда ўрта тағайинишнинг иштирок этиши билан ҳосил бўлади (т — т' каби). Ўзбекча к — қ, г — ғ товушларида эса ҳар бир товуш артикуляциясининг ўзи ҳар хил.

Рус тилининг қаттиқ ва юмшоқ ундошларига қийсласак, ўзбек тили ундошлари асосан рус тилининг қаттиқ ва юмшоқ ундошлари оралигида, лекин юмшоқ ундошларига яқинроқ талаффуз қилади:

русча т — т'
ўзбекча т

Рус ва ўзбек тиллари ундошларининг умумий қийсидан яна қуйидагилар маълум бўлади:

1. Ўзбек тилида рус тилидаги ц, щ ундошлари йўқ (шу сабабли ўзбек ц ўрнига с, щ ўрнига ш, баъзангина шч талаффуз қилади).

2. Рус тилида ўзбек тилидаги қ, ғ, ҳ, җ, ң ундошлари йўқ (шу сабабли руслар бу товушларни тўғри талаффуз қила олмайди ва ўз тилидаги товушга алмаштириб айтади).

3. Рус ва ўзбек тилларидаги бошқа ундошлар ўзаро муқобил, лекин уларнинг артикуляцияси, барибир, ўзро фарқланиб туради (буларни қуйроқда, ундошларнинг ички таснифини баён этишда қисман айтиб ўтамиз).

Ўзбек ва рус тилларида сонорлар. Сонор товушлар бошқа тур ундошлардан овоздорлиги билан фарқ қилади. Булар айна вақтда пайдо бўлиш усулига кўра (по способу образования) ҳам бошқа ундошлардан ажралиб туради. Сонорларга одатда бурун товушлари, ён товуш ва титроқ товуш киритилади.

Қаттиқ-юмшоқликни назардан соқит қилиб туриб гапирсак, л ён товуши, р титроқ товуш рус ва ўзбек тилларида деярли бир хил талаффуз қилинади. Худди шундай ҳолат м, н бурун товушларига ҳам хос. Рус тилидан фарқли ҳолда, ўзбек тилида яна бир бурун сонор товуши мавжуд: ң (ёзувда нг ҳарфлар тизмаси билан ифодаланади). Кўринадики, бурун товушлари рус тилида икки аъзоли зидланиш ҳосил этса, ўзбек тилида уч аъзоли зидланиш ҳосил этади. Баъзи адабиётларда сонорлар қаторига й товуши ҳам киритилади (бу фикр ҳар икки тил товушига тааллуқли, албатта). Бундан ташқари, ўзбек тилидаги лаб-лаб (билабиал) w ундошини сонор деб қараш ҳам мавжуд (воли сўзидаги каби). Кейинги фикрларга қўшилсак, ўзбек тилида сонор ундошларнинг миқдори еттитага этади.

Жарангли ва жарангсиз ундошлар. Ундошларнинг жарангли ва жарангсиз эканлиги асосида жуфтлик ҳосил этиши ҳар икки тилда анчагина. Асли бундай жуфт товушларнинг ҳар иккиси овоз пайчаларининг иштирокига кўрагина фарқланади, бошқа жиҳатдан уларнинг артикуляцияси бир хил. Ҳар икки тилда п — б, т — д, к — г, ф — в, с — з, ш — ж жуфт ундошлари мавжуд. Ўзбек тилида, юқоридагилардан ташқари, яна ч — ҷ, х — ғ жарангли-жарангсиз жуфт ундошлар ҳам бор. Демак, ўзбек жарангли ва жарангсиз жуфт ундошлар рус тилидаги шундай жуфт ундошлардан кўпроқ. Рус тилида х, ц ундошлари, ўзбек тилида эса қ, җ ундошлари юқоридагича жуфтлик ҳосил этмайди: бу жарангсиз ундошларга рус ва ўзбек тилларида жарангли жуфт йўқ. Сонорларга, аксинча, жарангсиз жуфт йўқ.

Рус ва ўзбек тиллари ундошларининг баъзи бошқа фарқли томонлари:

1. Ўзбек тилида бўғиз ундоши (гортанный согласный звук) мавжуд, бундай товуш рус тилида йўқ. Демак, ўзбек тили ундошларини ҳосил этишда оғиз ва бурун бўшлиқларигина (полость рта и носа) эмас, балки бўғиз усти бўшлиғи (надгортанная полость) ҳам иштирок этади.

2. Рус ва ўзбек тилларининг лаб ундошларида фарқланиш қуйидагича: рус тилида в, ф ундошлари асли лаб-тиш (лабиодентал) ундошлар, ўзбек тилида эса булар — лаб-лаб (билабиал) ундоши, лскин кейинги йилларда бу ўзбек товушларининг талаффузида ўзгариш бўлаётир (лаб-тиш товуши сифатида талаффуз этиш учрамоқда, бу ҳодиса талаффузнинг қулайлиги билан изоҳланса керак).

3. Тил ундошлари (язычные согласные) ичида кескин фарқ тил орқа ундошларида мавжуд: рус тилида иккита саёз тил орқа

ундоши бор бўлиб (к, г), ўзбек тилида бундай ундошлар учта (к, г, н) булардан ташқари, ўзбек тилида чуқур тил орқа ундошлари (қ, ғ) ҳам бор. Адабиётларда русча х товуши саёз тил орқа ундошлари қаторига, ўзбекча х товуши чуқур тил орқа ундошлари қаторига киритилади. Кўринадики, ўзбек тили ундошларини ҳосил этишда тилнинг орқа қисмидан самарали фойдаланилади.

4. Ундош товуш ҳосил этишда тилнинг олд қисми ҳар икки тилда энг кўп қатнашади: ундошлардан 12 таси тилнинг олд қисми иштирокида ҳосил бўлади. Бу ундошларнинг кўп қисми рус ва ўзбек тилларида баъзи жузъий фарқлар билан талаффуз қилинади (ҳар бир тил ундошининг артикуляциясида озми-кўпми фарқ бўлади). Русча ц, щ ундошлари ва ўзбекча җ ундоши ҳақда юқорида гапирилди.

5. Ундошлар орасида таркиби содда ва қоришиқ товушлар ҳам бор. Қоришиқ (аффрикат) товушлар тилда оз бўлиб, рус ва ўзбек тилларида бундай ундошлар ҳам фарқ қилади: рус тилида ч, ц қоришиқ товушлари мавжуд (баъзилар шулар қаторига щ товушини қўшиб қўяди), ўзбек тилида эса қоришиқ товушлар учта: ч, җ, ц.

6. Рус ва ўзбек тиллари ундошларининг юқорида таъкидланганидан бошқа фарқли белгилари ҳам бор, албатта (масалан, ундошлар нутқ оқимида товуш ўзгаришларига турлича учрайди).

РУСЧА ВА ЎЗБЕКЧА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ БЎГИН ТУЗИЛИШИ

Бўгин, товуш каби сегмент бирлик. Товуш каби, бўгин ҳам сўзшакл таркибида ажратилади. Ўзбек тилида ҳар қандай сўз камида бир бўгинга тенг бўлади; бундай хусусият мустақил туркум сўзларига ҳам, ёрдамчиларга ҳам хос. Рус тилида ҳам истаган сўзшакл камида бир бўгинга тенг бўлади. Ёрдамчилардан предлоглар орасидагина бўгинга эмас, якка товушга (ундошга) тенглари ҳам мавжуд: с, к, в каби.

Ўзбек тилида истаган ўзак (туб асос) камида бир бўгинга тенг бўлади. Рус тилида эса ўзакнинг (туб асоснинг) бирор кўриниши бўгинга тенг бўлмаслиги мумкин: *тр-и, тр-ойка, т-а, т-у* (лекин *тот-и*) *пт-ица, пт-ашка* каби (кейинги мисол боғлиқ ўзакли).

Бир бўгинли сўзлар (асли лексемалар) товуш тузилиши жиҳатидан рус ва ўзбек тилларида қуйидагича:

1) Ҳар икки тилда кўпинча ундош — унли — ундош (СГС) товуш тузилишли бўлади: *рез-, воз-, рук-*; *бер-, бор-, бур-* каби. Лекин бундай товуш тузилишли лексемалар ўзбек тилида биринчи ўринда турса, рус тилида иккинчи ўринда туради.

2) Рус тилида биринчи ўринда ундош — ундош — унли — ундош (ССГС) товуш тузилишли лексемалар туради: *брат, стол* каби; ўзбек тили лексемаларига бундай товуш тузилиши хос эмас (ўзбекча лексема икки ва ундан ортиқ ундош билан умуман бошланмайди).

3) Рус тилида ундош — унли — ундош — ундош (СГСС) товуш тузилишли лексемалар учинчи ўринда туради: *мост, горб* каби; бундай ўзбекча лексемалар кўп эмас: *тўрт, сирт, торт* каби (ўзлаштирама лексемалар орасида анчагина бор: *жисм, нақл, сабр* каби).

4) Ўзбекча бир бўғинли лексемалар орасида унли — ундош (ГС) товуш тузилишлари иккинчи ўринда туради: *иш, ош, эш, уз, оз, ўз* каби; бундай товуш тузилишли лексемалар рус тили учун деярли хос эмас (*он*).

5) Адабиётларда бўғинлар очиқ (открытый) ва ёпиқ (закрытый) турларга ажратилади. Бундан ташқари, бўғинлар берк (прикрытый) ва ноберк (неприкрытый) деб ҳам фарқланади. Шунга кўра очиқ бўғин ҳам, ёпиқ бўғин ҳам ўз навбатида берк бўғин ва ноберк бўлиши мумкин: берк очиқ бўғин (русча *на, ты*, ўзбекча *ма, ҳа* каби); берк ёпиқ бўғин (русча *дом, соль*, ўзбекча *кел, туз* каби); ноберк ёпиқ бўғин (русча *он*, ўзбекча *ал, иш, ўн* каби); ноберк очиқ бўғин (фақат бир унли товушга тенг бундай лексема йўқ қисоб). Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам берк ёпиқ бўғинли лексемалар кўпчиликни ташкил этади.

б) Икки бўғинли лексемаларда "берк очиқ бўғин — берк очиқ бўғин" тури ва "берк очиқ бўғин — берк ёпиқ бўғин" тури кўп учрайди: *дело, рука, вода; киши, қора, дала; новый, теперь; дағал, мушук, совун* каби.

7) Русча ва ўзбекча лексемаларнинг иккинчи ва кейинги бўғинида ноберк бўғин (унли билан бошланадиган ёки бир унлига тенг бўғин) учрамайди (бундай тузилишли лексема ўзлаштирама бўлиб чиқади: *пионер, коинот* каби).

8) Кўп бўғинли сўзларни бўғинга ажратишда фарқ мавжуд:


а) СГСГ тузилишли бўлса, рус ва ўзбек тилларида бўғинлар бир хил ажратилади: *де-ло, ки-ши* каби;

б) СГССГС тузилишли бўлса, ўзбек тилида сўз ичидаги икки қатор ундошдан ҳар бири олдинги ва кейинги бўғинники деб қаралади: *қиш-лоқ, муш-тум* каби; рус тилида эса, очиқ бўғин назариясига амал қилиб, сўз ичидаги ҳар икки ундош кўпинча кейинги бўғинга мансуб деб қаралади: *ни-тка, во-лна* каби (лекин сонорлар келса, *вол-на* каби ажратишга ҳам йўл қўйилади).

Хуллас, ўзбек ва рус тилларини ўрганишда бўғин билан боғлиқ ҳодисаларга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур.

Урғу суперсегмент ҳодиса бўлиб, бўғинга, аниқроғи, бўғин билан отувчи унли товушга асосланади. Сўзшакл таркибидаги бирор бўғиннинг бошқа бўғин(лар)га қараганда бирор усул билан фариқлашиб талаффуз этилиши лексик урғу дейилади. Лексик урғу фониетик сўзнинг яхлитлигини таъминлайди (конститутив, яъни таркибловчи вазифа бажаради), шу орқали сўзшакллар чегарасини кўрсатишга эътибор қилади (синтагматик, яъни бирлаштириш ва шу орқали ажратиш вазифасини бажаради).

Рус ва ўзбек тилларидаги лексик урғу ўз табиатига кўра аниқлик урғу (зарб урғуси): сўзшакл таркибидаги урғусиз бўғин(лар) урғули бўғин атрофига шу бўғинга бериладиган зарб бўғиннинг кучлироқ айтилиши) воситасида бирлашади:




Рус тилида лексик урғунинг квантитатив (миқдорий) хусусияти шундан ҳам таъкидланади: урғули бўғин урғусиз бўғинга нисбатан кўчроқ айтилади; урғусиз бўғин (асосан бундай бўғин таркибидagi унли товуш), аксинча, қисқароқ айтилиб, редукцияга учиради.

п е — р е — в о д — ч и к
 1 2 3 1

Квантитатив хусусият ўзбек тили лексик урғусида у қадар сезиларли эмас, шу сабабли ўзбекча сўзшаклларда урғусиз бўғинга редукция у қадар кучли бўлмайди (урғусиз бўғиндаги унли ўз сифатини асосан сақлайди):

б о ш — л а н — ғ и ч
 2 2 3

Лексик урғу сўзшаклнинг қайси бўғинига тушиши жиҳатидан ҳам рус ва ўзбек тиллари кескин фарқ қилади. Ўзбек тилида,



баъзи истиснолардан ташқари (булар асосан урғу олмайдиган бирликларга, баъзи ўзлаштирама сўзларга тўғри келади), урғу сўзшаклнинг охириги бўғинида бўлади (боғли урғу — одностное ударение): *иш-чи, қу-рил-ма, ку-за-тув-чи* каби. Рус тилида урғу сўзшаклларнинг истаган бўғинида бўла олади (эркин урғу — разноместное ударение): *сло-го-вой, од-но-слож-ный* каби.

Ўзбек тилида лексик урғу кўчма (подвижное): сўзшакл янги бўғин қўшилса, урғу шунга кўчади (урғу охириги бўғинга тушиши қоидасига амал қилинади): *иш-чи — иш-чи-лар — иш-чи-ла-ри-миз* каби. Рус тилида лексик урғунинг кўчма бўлиши умумий ҳодиса эмас, балки чекланган даражада воқе бўлади, шунда ҳам ўзбек тилидаги ҳолатдан фарқ қилади: рус тилида урғунинг кўчиши ҳам олдинги бўғинга томон, ҳам кейинги бўғинга томон содир бўла олади: *у-чить, у-чу, ў-чишь; про-фе-ссор, про-фе-ссо-ра* каби.

Рус тилида урғу ўрнининг ҳар хиллиги бир лексеманинг грамматик шакллари фарқлашга ҳам хизмат қилади: *ру-ки* ва *ру-ки, ли-ца* ва *ли-ца, стра-ны* ва *стра-ны, ку-ри-те* ва *ку-ри-те* каби. Ўзбек тилида лексик урғу бундай хусусиятга молик эмас.

Рус тили лексик урғусида юқоридаги каби кўчмалик хусусияти мавжудлигидан қатъи назар, бу тилда лексик урғу асосан кўчмас урғу (неподвижное ударение) ҳисобланади. Лексик урғу 91 фон сўзшаклларда асосга тушади (на основе), 7 фоиз сўзшаклларда тугалланмага тушади (на окончании): *под-виг, под-ви-гу, под-ви-ги, под-ви-гам; статъ-я, статъ-и, статъ-ям* каби (Современный русский язык. Теоретический курс. Фонетика. "Русский язык". М.: 1985, 96).

Сўзшакл таркибидаги маълум маъноли қисмга (асосга ёки тугалланмага) биркитилиш кўп бўлгани сабабли рус тилида лексик урғу грамматик (морфем) табиатга молик деган фикр билдирилади. Ўзбек тилида лексик урғу бундай хусусиятга эга эмас.

Юқоридаги изоҳлардан маълум бўладикки, лексик урғунинг вазифаси ҳам рус ва ўзбек тилларида фарқ қилади. Ҳар икки тил учун умумий бўлган икки вазифадан (конститутив ва синтагматик вазифалардан) ташқари, рус тилида лексик урғу парадигматик вазифани ҳам бажаради.

Лексик урғунинг рус ва ўзбек тилларида жиддий фарқларга эга экани бу ҳодисага алоҳида диққат билан ёндашувни талаб қилади.

Ўзшакл таркибидagi лексик маъно англатадиган қисмга лексема дейилади. Демак, мустақил туркумларга мансуб бирликларгина лексема бўлади (олмошлар бу жиҳатдан ажралиб туради, буларни олимпиадоччи лексемалар деб аташ мумкин).

Лексемалар тузилиш жиҳатидан содда, қўшма, жуфт, боғланмага тенг лексемалар деб гуруҳланади. Содда лексемалар биринча лексемадан иборат бўлади. Булар ўз навбатида туб лексема ва ясама лексемага ажратилади: *срок* — *сроч-н(ый)*, *иш* — *иш-чи* каби. Лексема ясовчи бунда сўзшаклга (*машина*) эмас, балки лексемага (*машин-*) қўшилади: *машин-н(ый)* каби; ҳосила ҳам лексемага тенг бўлади: *машинн-* каби. Ўзбек тилида ҳам худди шундай: *туз* + *ла* = *тузла-* каби.

Қўшма лексема одатда икки лексемадан тузилади: *кратк-осрочн(ый)*, *сверх-срочн(ый)* каби. Биринчи мисолда қўшма лексеманинг қисмлари ўзаро о туташтирувчи товуши воситасида бирлашган, бунда қўшма лексеманинг биринчи қисми асосга (лексемага) тенг бўлади. Рус тилида қўшма лексемалар асосан шундай усул билан ҳосил қилинади. Иккинчи мисолда қўшма лексеманинг биринчи қисми сўзшаклга тенг, бундай қўшма лексема қисмлари орасида туташтирувчи товуш қатнашмайди.

Ўзбек тилида қўшма лексемаларнинг қисмлари орасида туташтирувчи товуш бўлмайди, чунки қўшма лексеманинг биринчи қисми одатда сўзшаклга тенг бўлади: *оқуруғ-* (қовун тури), *канишқўруғи-* (узум тури) каби.

Рус тилида ва ўзбек тилида қўшма лексемаларнинг бошқача тузилишли турлари ҳам мавжуд: *сорвиголова*, *гурскетти* (қовун тури) каби.

Жуфт лексемалар ҳар икки тилда мавжуд, лекин ўзбек тилида булар кўп *пути-дорога*, *руки-ноги*; *ота-она*, *савдо-сотик*, *оч-ялганч*, *асти-секин* каби. Қўшма лексема қисмлари тобе алоқа асосида бирлашса, жуфт лексема қисмлари тенг алоқа асосида бирлашмайди, шунда ҳам асли лексемалар эмас, балки сўзшакллар бирлашмайди, ҳосил эса лексемага тенг бўлади. Қиёс қилинг: *пути-дорога*, *пути-дороги*, [(*ота*) = (*она*)] = + *лар* + *га* каби.

Такрорланувчи қисмлар ҳам одатда сўзшаклга тенг бўлади, бундан такрор кўпинча янги лексемани юзага келтирмайди, балки грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қилади: *еле-еле*, *ярга-ярга* каби.

Боғланмага тенг тузилишли лексемалар "сўзларнинг турғун бирлиги", "қосанли сўз" каби терминлар билан номланади.



Асли булар лексикализациялашган синтагма бўлиб, уларни лексосинтагма деб аташ мумкин: *трудова я книжка — меҳнат биттарчаси, қишлоқ хўжалиги — сельское хозяйство, рабочан* каби. Бундай лексосинтагмалар ҳар бир тилининг ўз грамматик андозалари асосида тузилади: юқоридаги русча мисоллар мослашув алоқасини акс эттирса, ўзбекча мисоллар мувофиқлашув (координация) алоқасини акс эттиради (мувофиқлашув алоқаси ҳақида қўлланманинг синтаксис қисмида гапирилади).

Рус тилида *завод-автомат, врач-педиатр, матч-реванш* каби "сифатланмиш-сифатловчи" тузилишли лексемалар ҳам мавжуд бўлиб, ўзбек тилида буларга "сифатловчи-сифатланмиш" бирлик маси (*терапевт врач*) ёки изофа бирикмаси (*реванш матч*) тўғри келади (изофа бирикмаси ҳақида қўлланманинг синтаксис қисмида гапирилади), баъзан эса бундай лексема ўзбек тилида русча шаклида ўтади (*завод-автомат*).

Лексемани маъноли қисмларга ажратиш тил бирлиги таркибининг таҳлили бўлиб, сўзясаш таҳлили деб юритилади. Асосан лексематик таҳлил дейиш тўғрироқ, чунки лексеманинг таркибида, лексема ясовчидан ташқари, баъзи шакл ҳосил қилувчи қисмлар қатнашуви мумкин. Масалан, ўзбекча *буюртма* — от лексемаси *буюрт* — асосига *-ма* лексема ясовчисини қўшиб ҳосил қилинади. *буюрт* — асоси таркибида эса *буюр* — феъл лексемаси ва *-т* орттириш аффикси (шакл ҳосил қилувчи аффикс) ажратилади. Кўриналишидек сўзясаш таҳлили дейиш бундай ҳолатларга тўғри келмайди. Шунингдек русча *сорвиголова* каби лексемаларга нисбатан қандайдир "лексематик таҳлил" терминида фойдаланиш ўринли, чунки бундай лексема таркибини маъноли қисмларга ажратишда ҳақиқатан тугалланма билан (*сорв-и*) дуч келинади.

Лексема ясалиши ҳақида гапириш учун лексема ясовчи аффикс ва у қўшиладиган асос (лексема яшаш асоси) мавжуд бўлмаган керак: *иш-чан, круг-л(ый)* каби. Бундай қисмлар қўшма лексемаларда йўқ: қўшма лексема қисмларини бир-бирига нисбатан яшаш асоси ва ясовчи деб белгилаб бўлмайди. Шу сабабли қўшма лексемаларга нисбатан лексема яшаш ҳақида эмас, балки лексема тузиш ҳақида гапирилади: қўшма лексема ёки икки лексемадан ёки икки сўзшаклни, ёхуд сўзшакл билан лексемани бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинади.

Жуфт лексемаларга нисбатан ҳам лексема яшаш ҳақида эмас, балки лексема тузиш ҳақида гапириш ўринли: жуфт лексемадан икки сўзшаклни қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

Демак, том маънодаги лексема ясалиши деб аффиксация тан танлиги, композиция усули эса лексема тузиш деб қаралади. Маънода исмида ва лексема тузишда лексик бирлик ҳосил қилиниши, лекин усул грамматик бўлгани сабабли дариватология маънода ҳам грамматиканинг бир қисми деб қаралади.

ЎЗБЕКНИНГ МОРФОЛОГИЯНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА СЎЗШАКЛЛАРНИНГ ТАРКИБИ

Рус ва ўзбек тилларида сўзшаклларнинг табиати, аввало, рус тилининг флектив тил, ўзбек тилининг агглютинатив тил экани билан белгиланади.

Рус тилидаги сўзлар ҳам, ўзбек тилидаги сўзлар ҳам маълум синтактиксинтактикларни исҳида грамматик тўдаларга (разрядларга) бўлиштирилади, туркумланади. Сўз туркумлари дастлаб мустақил сўзлар, ёрдамчилар, модал сўзлар, ундовлар ва мимемалар деб ажратилади. Булардан шакл ўзгартириш хусусияти фақат мустақил сўз туркумларига хос, лекин барчасига эмас. Равишларда ўзгартириш йўқ. Олмошларнинг лексик-грамматик тўдалари ҳар бир шакл ўзгартиришнинг бор-йўқлиги жиҳатидан рус ва ўзбек тилларида фарқ қилади (бу ҳақда ўз ўрнида гапирамиз). Сифат, лекин туркумларига рус тилида шакл ўзгартириш хос бўлса, ўзбек тилида эмас (отлашсагина, демак, иккиламчи ҳодиса сифатланган), шакл ўзгартириш воқе бўлади). Хуллас, шакл ўзгартириш ҳар икки тилда от ва феъл туркумларида намоён бўлади.

Шакл ўзгартириш отларга нисбатан турланиш (склонение) ва, феълларга нисбатан эса тусланиш (спряжение) деб юритилади.

Сўзшакл таркибида шакл ўзгартиришнинг кўрсаткичи бўлиб қилинадиган қисм рус тилшунослигида окончание (флексия) деб номланган (бу ҳодиса ўзбек тилшунослигида тугалланма деб юритилади). Тугалланма синтактик алоқа тугайли қўшиладиган ва синтактик валифани кўрсатадиган қисм бўлиб, шакл ўзгартириш ва туркум сўзшаклларида ажратилади. Бундай тур сўзшаклларда қўшилганга ажратилганидан кейин қолган қисмга основа (асос) айланади. Масалан, рус тилида от, сифат, феъл сўзшакллар ҳар бир алоқа шундай икки қисмга — асос ва тугалланмага — ажратилади: *книга, хорош-ая, читай-у* каби.

Русча сўзшакл таркибида, шакл ўзгартирувчидан ташқари, бундай ҳодиса қилувчи морфема ҳам қатнашиши мумкин. Масалан,

рус тилида феълнинг ўтган замон шакли -л аффикси билан ҳосил қилинади, шунда сўзшакл қуйидагича қисмларга ажратилади: *чита-л-а* каби. Бу ерда тугалланма род ва сон маъноларини ифодалайди, шахс жиҳатидан бетараф бўлади.

Читала каби сўзшаклларда асос деб *читал-* қисми белгиланади, аслида *чита-* қисми ҳам асосга тенг, чунки -л аффикси ўтган замон ясовчиси, шакл ҳосил қилувчи аффикс. Демак, рус тилида сўзшаклларининг маълум турларида, шакл ўзгартирувчини ажратиб олишдан (шакл ўзгартириш асосини ажратишдан) ташқари, шакл ҳосил қилувчини (шакл ҳосил қилиш асосини) ҳам ажратиш мумкин бўлади.

Рус тилида грамматик маъно ифодаладиган асосий кўрсаткич — окончание (тугалланма), лекин, шу билан бир қаторда грамматик маъно аффикс (суффикс, префикс) билан ҳам ифодаланади: *открыть — открывать, строить — построить* каби. Бундай вазифадаги аффикс шакл ҳосил қилади ва қўшиладиган асосни шакл ҳосил қилиш асоси деб юритиш мумкин бўлади.

<i>бумага-</i>		—	—а
<i>свет-</i>	—л	—е	—
<i>сверл-</i>	—и	—л	—а
ўзак	лексема ясовчи	шакл ҳосил қилувчи	шакл ўзгартирувчи
+ + + +			
туб асос	дериватив	форматив	форматив

ясама лексема			

шакл ҳосил қилиш асоси			

шакл ўзгартириш асоси			

Лексема ҳам, морфема (аффикс, окончание) ҳам — тил бирлиги, булар тилнинг сегмент бирликлари ҳисобланади. Сўзшакл эса икки хил баҳоланади: а) агар сўзшаклнинг модели (андозаси) назарда тутилса, тил бирлиги (лекин суперсегмент бирлиги дейилади), б) агар шундай андозанинг лексема ва морфема билан тўлдирилган ҳолати назарда тутилса, нутқ бирлиги дейилади (бундай бирлик, ўз-ўзидан, сегмент бирлик бўлади). Бу фикр амалда шундай кўрсатиш мумкин:

рус тилида:	от лексема	+	тугалланма (род, сон, келишик маъноларини ифодаладиган кўрсаткич)
	<i>школ</i>	+	<i>а</i>
ўзбек тилида:	от лексема	+	сон кўрсаткичи
	<i>мактаб</i>	+	<i>лар</i>
			келишик кўрсаткичи
			<i>ки</i>

Хуллас, сўзшаклнинг лексик маъно англатадиган қисми ясама бўлса, унинг таркибида лексема ясаш асоси ажратилади; грамматик маъно ифодаладиган қисми фақат тугалланмадан иборат бўлса, бундай сўзшакл таркибида шакл ўзгартириш асоси ажратилади; агар бундай сўзшакл таркибида шакл ҳосил қиладиган форматив қатнашса, шакл ҳосил қилиш асоси ажратилади. Бу фикр рус тили ҳодисаларига ҳам, ўзбек тили ҳодисаларига ҳам асосан тўғри келади. Фарқ шуки, ўзбек тилида префиксация учун оз учрайди: *беиш, нотўғри* каби (префикслар асли тожик тилидан ўзлашган лексемалар таркибида кириб келиб, кейинчалик ушунга бирлари ўзбекча сўзларга ҳам қўшила бошлаган). Яна бир фарқ шуки, шакл ҳосил қилувчи формативлар ўзбек тилида рус тилидагига нисбатан кўп.

Рус тили — флектив тил, шунга кўра унда грамматик маъно асосан тугалланма ёрдамида ва қисман аффикс (суффикс, префикс) ёрдамида ифодаланади. Ўзбек тили — агглютинатив тил, шунга кўра унда грамматик маъно асосан суффикс ёрдамида ифодаланади.

Русча от сўзшакл таркибида одатда тугалланма мавжуд бўлади: *гайк -а* каби. Бундай от сўзшакл тугалланмасиз (*гайк-*) лексемага тенг бўлиб, бунда лексемани тил бирлиги сифатида баҳолаш мумкин, лекин бу лексема шу шаклида нутқда намоён бўла олмайди, унга албатта тугалланма қўшилади. Шу сабабли бундай лексемага мустақиллик хос эмас дейилади. Ҳақиқатда, лексема сўзшакл учун асос вазифасини бажаради, нутқда лексема сўзшакл тусида намоён бўлади. Бу жиҳатдан лексемаларнинг сифати рус ва ўзбек тилларида деярли фарқ қилмайди.

Русча ва ўзбекча от сўзшакллар орасидаги фарқ сўзшаклларнинг грамматик маъно ифодаладиган қисмида намоён бўлади: рус тилида лексемага асосан тугалланма қўшилса, ўзбек тилида аффикс қўшилади. Тугалланма ҳам суффикс деб қаралади, лекин тугалланманинг ўзига хос хусусияти бор экани ҳам таъкидланади. Тугалланма (флексия) асли айни бир вақтда бир неча грамматик категориянинг (грамматик маънонинг) кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Масалан, рус тилининг от сўзшакларида тугалланма айни вақтда уч грамматик категорияга (родга, сонга, келишикка) хос маъноларни ифодалайди.

Суффикс, тугалланмадан фарқли ҳолда, одатда бир грамматик категориянинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Масалан, ўзбек тилида от лексемаларга грамматик сон ва келишик категориялар мансуб ва бу грамматик категорияларнинг маъноси алоҳида алоҳида кўрсаткич билан ифодаланади: *олим-лар-га* каби. Бу о сўзшакл таркибидаги *олим-* қисми сон (кўплик) шаклини ҳосил қилиш асоси бўлиб, *олимлар-* қисми эса келишик шаклини қўшиш асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилида род грамматик категорияси йўқ. Жинсни фарқлаш имконияти баъзи ўзлаштирама лексемаларда намойиш бўлади: *олим-а* каби. Кўринадики, бундай сўзшакл таркибида ҳар у грамматик маъно алоҳида-алоҳида кўрсаткич билан ифодаланади: *олим-а-лар-га* каби.

Ўзбек тилида грамматик сон категориясининг бирлиги ва келишик категориясида эса бош келишик — ноль кўрсаткичли шу сабабли бу ерда от лексема (*олим-*) ва от сўзшакл (*олим* товуш (ҳарф) тузуми жиҳатидан тенг келади, лекин грамматик жиҳатдан кескин фарқ қилади. Қиёсланг:

олим-

олим + Ø I (бирлик кўрсаткичи) + Ø II (бош келишик кўрсаткичи)

Ўзбек тилидаги бу ҳодисага рус тилидаги *дом-, дом-Ø* каби ҳолат тўғри келади: *дом* сўзшакли ноль кўрсаткичли тугалланмага эга дейилади. Шу сабабли *робот* каби сўзшакллар ўзбек тил грамматикасига тўғридан-тўғри мослашиб кетаверади: *роботларни* каби. Тугалланмаси товуш ифодалари *майка* каби сўзшаклла эса, ўзбек тилига ўзлашгач, бир бутун ҳолда (тугалланманга қамраб олган ҳолда) лексемага тенг деб қаралади (*майка-*) ва унга сон ҳамда келишик кўрсаткичлари қўшилади: *майка-лар-ни* каби.

Дом сўзшаклида ноль кўрсаткич белгисини битта, *олим* сўзшаклида эса иккита қўшишга сабаб шуки, русча сўзшакл таркибидаги маъноли қисмлар синтагматикасида тугалланма бир позицияни (ўринни) эгаллайди, ўзбекча сўзшаклда эса сон кўрсаткичи ва келишик кўрсаткичи алоҳида-алоҳида ўринни эгаллайди. Қиёсланг:

дом-Ø

дом-а

олим-Ø I—Ø II

олим-лар-га

Биз юқорида сўзшаклларнинг рус тилида ва ўзбек тилида қандай тузилишли бўлиши бўйича баъзи умумий фикрларни баён қилдик, бу фикрлар ҳар бир туркум тавсифида яна тўлдирилади.

Сўз туркумлари рус ва ўзбек тилларида асосан бир хил ажратилса ҳам, ҳар бир тилда уларнинг ўзига хос белги-хусусиятлари бор. Фарқ аввало ёрдамчи сўзлар тўдасида кўринади: рус тилида предлог мавжуд бўлса, ўзбек тилида кўмакчи (подлог) мавжуд. Мустақил туркумлар тўдасида рус тилшунослари бош сўзларини (предикативларни) ажратадилар, ўзбек тилшунослигида эса бундай сўзлар ҳали ажратилаётгани йўқ.

Яна бир фарқ феъл туркумига боғлиқ ҳолда содир бўлаётир: рус тилшунослигида сифатдошни, равишдошни ўзича мустақил туркумлар деб қараш мавжуд, ўзбек тилшунослигида сифатдош ва равишдош феъл туркумига мансуб функционал шакллар деб қаралади.

Флексив тилда ҳам, агглютинатив тилда ҳам грамматик маъно асосан аффикс ёрдамида ифодаланади, шунга кўра рус ва ўзбек тилларида сўзлар аввало грамматик кўрсаткичлар асосида туркумланади. Бу жиҳатдан рус тилида сўз туркумлари ўзбек тилига нисбатан яққол фарқланиб туради. Масалан, рус тилида сифат — аниқлашчи туркум, унинг ўзига хос тугалланмалар тузуми бор; рус тилида эса — ўзгармайдиغان туркум, лекин, барибир, рус тилида равишнинг ҳам ўзига хос грамматик кўрсаткичи бор (барча равишларда эмас, албатта); натижада бу икки туркум сўзлари рус тилида ўз-ўзидан фарқланиб туради.

Ўзбек тилида эса манзара бошқача: сифатда ҳам, равишда ҳам шакл ўзгариши йўқ, шу сабабли сифат билан равишни ажратилиши бошқа белги-хусусиятларга суяниб иш тутиш лозим бўлади. Баъзи манбаларда сифат ва равишни синтактик мезон (синтактик вазифа) асосида ажратиш таклиф қилинади. Бу йўл нобобий натижага олиб келмайди, чунки айни бир сўз (масалан, *яхши* сўзи) сифатловчи бўлиб келса, сифат деб, ҳол бўлиб келса, равиш деб аталиши, демак, икки туркумга мансуб сўзлар деб иккита сўз деб қаралиши лозим бўлиб қолади. Ваҳоланки, ҳеч қачон ўзбек тилида иккита *яхши* сўзи бор демайди. Демак, *яхши* ўзи битта, шунга кўра уни бир туркумга — сифатга мансуб қилиш, *яхши* ўқимоқ каби боғланишида сифат ҳол вазифасида қолдирилади, холос. Хуллас, туркум билан бўлак муносабатини тўғри белгилашимиз лозим.

Кўринадики, синтактик вазифа шу туркум сўзи учун бирламчи шу туркум табиатидаги келиб чиқадиган синтактик вазифа бўлиши ёки иккиламчи (бошқа туркум табиатига мос) синтактик вазифа бўлиши мумкин. Масалан, *тез гапирмоқ* боғланмасида *тез*

равиши ҳол бўлиб келади, бу — raviш учун бирламчи синтактик вазифа; *тез одам* боғланмасида *тез* raviши сифатловчи бўлиб келади, бу — raviш учун иккиламчи синтактик вазифа. Демак, бирор сўзни маълум бир туркумга мансуб дейишда ҳар қандай синтактик вазифани эмас, балки сўзнинг семантик-грамматик табиатига мос синтактик вазифани асосга олиш зарур.

Рус тилида от ҳам, сифат ҳам (ҳатто баъзи бошқа туркум сўзлари ҳам) турланади, лекин, бу умумийликка қарамай, от билан сифат ўз-ўзидан фарқланиб туради, чунки ҳар икки туркумнинг ўзига хос турланиш парадигмаси мавжуд.

Ўзбек тилида от ва сифат дастлабки шаклида фарқ қилмайди дейдилар. Шу фикр асосида ўзбек тилида от билан сифатни ўзаро ажратиш қийин дейилади. Бу фикр от ва сифат сўзларнинг фақат дастлабки шаклигагина нисбатан ўринли, чунки бошқа шаклларида от сўз сифат сўздан ўз-ўзидан фарқланиб қолади.

Асли фарқланиш от ва сифатнинг дастлабки шаклидаёқ мавжуд. От сўзнинг дастлабки шакли бирлик ва бош келишик маъносини ифодалайди деймиз, сифатда эса на сон ва на келишик йўқ. Гап шундаки, ўзбек тилида бирлик соннинг ва бош келишкнинг шакли — ноль кўрсаткичли. Ҳали ноль кўрсаткич тан олинмаган пайтларда айтилган фикр ҳозир нотўғри бўлиб чиқади.

Хуллас, ноль кўрсаткични ҳисобга олсак, ўзбек тилида от билан сифат дастлабки шаклида ҳам фарқ қилади: *талаба*-Ø I (бирлик) -Ø II (бош келишик) — *яхши*-Ø III (оддий даража) каби. Демак, от билан сифат ўзбек тилида морфологик кўрсаткичлар асосида ажралиб туради.

Баъзи туркумларни ажратишда асосий мезон бўлиб семантик белги хизмат қилади. Масалан, олмошларнинг турлари шакл кўрсаткичлари ва синтактик вазифалари жиҳатидан ўзаро кескин фарқланади, лекин уларнинг барчаси семантик белги — лексик маъно англатмаслиги, балки лексик маъно англатадиган бирликларнинг ўрнига алмашиб келиши — асосида бир туркумга бирлаштирилади.

Асли чуқурроқ мулоҳаза юритсак, семантик, морфологик, синтактик мезонлар орасида энг қамровлиси, ҳал этувчиси семантик мезон экани аён бўлади; бу ҳолат морфологик мезон иш бермаган ўринларда айниқса очиқ кўринади. Семантик мезон деганда лексик маъно эмас, балки шу лексик маъно асосида мавжуд бўладиган туркумлик семаси назарда тутилади (туркумлик семасини категориал маъно деб юритиш ҳам мавжуд).

Юқорида сўзларни туркумлаш бўйича баъзи умумий мулоҳазаларни айтиб ўтдик. Бу мулоҳазалар ҳар бир туркум доирасида яна тўлдирилади.

Сўзларни туркумлашда бир неча мезонлар ҳисобга олинади. От туркумини мансуб сўзлар аввало "предметлик" маъносини билдириши, лексик маъно мундарижасида "предмет" семаси бор бўлиши диния (семантик-грамматик мезон). Бу ерда "предметлик" маънони аниқ тушунилади.

Бу сўзлар лексик-грамматик гуруҳларга рус ва ўзбек тилларида агарчи бир хил ажратилади: турдош отлар ва атоқли отлар, шунингдек отлар ва абстракт (мавҳум) отлар, яқка отлар ва жанобдор отлар ваби.

Рус тилида отлар жонли предметларни ва жонсиз предметларни динантишига кўра ҳам гуруҳланади. Ўзбек тилида эса отлар диниюни ёки покишини (нарсани) англайтиши асосида гуруҳланади. Бундай гуруҳлашлар дунёни англаш-билиш жараёнида аниқ этиради: бир тил жамоасида жонли мавжудотлар (шу жумладан ёши ҳам) жонсиз мавжудотларга зид қўйилса, иккинчи бир тил жамоасида киши бошқа барча мавжудотларга зид қўйилади. Умуман, отларнинг ҳар бир лексик-грамматик гуруҳида грамматик жиҳатдан ҳам маълум фарқ намоён бўлади (булар аққон диния грамматик категориялар баёнида гапирамиз).

От туркумини таърифлаганда "предметлик" маъноси рус тилида яқка ва жонли шаклларида рўёбга чиқиши таъкидланади; ўзбек тилида эса "предметлик" маъноси сон, эгалик, келиш шаклларида рўёбга чиқади дейиш мумкин.

Рус тилида род, сон, келиш категориялари фақат от туркумига мансуб эмас, албатта. Айни вақтда рус тилида от туркумида бу грамматик категорияларсиз тасаввур қилиб бўлаётган ҳам. Ўзбек тилида ҳам асли шундай: сон, эгалик, келиш категориялари, от туркумидан ташқари, от олошларга ва феълнинг ҳаракат номи шаклига ҳам мансуб; айни вақтда от туркумини бу грамматик категорияларсиз тасаввур қилиб бўлаётган ҳам.

Шунингдек, сўзларни туркумлашда маълум сўзлар тўдасига ўзига ўзига грамматик категориянинг мансублиги барча ҳолларда ҳам отларни оқид бўлавермайди; бундай ўринларда масалани бунданроқ виданиб қал этиш лозим бўлиб қолади.

От туркумига мансуб сўзларнинг муҳим белгиси шуки, ўзига синтактик боғланади. Бундай синтактик боғлашув (сочетание) рус ва ўзбек тилларида турлича намоён бўлади, албатта. От тўда аниқ вазифасида ўзига феълни боғлаб келиши ҳам белги тўдасида таъкидланади, лекин бу хусусият фақат от сўзларгагина

хос эмас: эга от билан ҳам, бошқа туркум сўзи билан ҳам ифодалана олади. Демак, синтактик боғлашув жиҳатидан сифатловчи олиб келиш — от туркумига хос синтактик белги.

Синтактик белги сифатида от сўзларнинг кўпинча эга, тўлдирувчи вазифасида келиши таъкидланади. Бу ерда, албатта, бирламчи синтактик вазифа назарда тутилади. Синтактик вазифада келиши жиҳатидан от сўзлар рус ва ўзбек тилларида айрим фарқларга эга. Рус тилида от сўз бошқа бир от сўзга сифатловчи бўлиб келмайди, ўзбек тилида эса отларнинг маълум маъно турлари сифатловчи вазифасида кела олади: *олтин соат, гишт девор* каби. Сифатловчи вазифасида келган бундай от асли сифат сўзшаклга тенглашади (сифат сўзшакл андозасига тушади, яъни сон ва келишик шаклларида холи бўлади).

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТ ТУРКУМИГА МАНСУБ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР

Отларга рус тилида род, сон, келишик категориялари, ўзбек тилида эса сон, эгалик, келишик категориялари мансуб. Рус тилида бу уч грамматик категория айни вақтда ягона грамматик кўрсаткич — тугалланма — билан ифодаланади: келишик шакллари бирликда род ва сон билан боғлиқ ҳолда, кўplikда эса сон билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Асли турланиш (склонение) — келишикда ўзгариш, лекин келишик шакллари (турловчилар тузуми) бир-биридан родга, сонга боғлиқ ҳолда фарқланиб туради.

Ўзбек тилида сон, эгалик, келишик маъноси айрим-айрим грамматик кўрсаткич билан ифодаланади: от лексемага олдин сон кўрсаткичи, кейин эгалик кўрсаткичи (агар шундай маънони ифодалаш талаби бўлса) ва охирида келишик кўрсаткичи қўшилади. Демак, рус тилида отларга мансуб грамматик категорияларнинг ифодаланиши синкретик бўлса, ўзбек тилида — дискретик.

Маълумки, рус тилида эгалик категорияси (нисбатланиш) йўқ, ўзбек тилида эса род категорияси йўқ, шунга кўра бу ўринда чоғиштириш ҳам йўқ (фақат таржима масаласи бор: бир тилдаги маълум бир маъно бошқа бир тилда қандай воситалар билан ифодаланиши ўрганилади). Шу сабабли рус тилидаги род категорияси ҳақида ва ўзбек тилидаги эгалик категорияси ҳақида махсус бўлим ажратмадик, бу ҳодисаларни зарур бўлган ўринда бошқа ҳодисаларга боғлаб изоҳлаймиз.

Тилларни чоғиштиришда эмас, балки иккинчи тилни ўрганишда она тилида йўқ ҳодисаларга алоҳида эътибор билан ёндашиш ва бу ҳодисаларни жиддий ўрганиш зарур.

ОТЛАРДА СОН КАТЕГОРИЯСИ

Отларда сон категорияси рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бирлик ва кўплик шакллариининг зидланишидан иборат. Рус тилида сон категориясининг бирлиги род ва келишик категориялари билан биргаликда, кўплиги эса келишик категорияси билан биргаликда ифодаланади (чунки кўпликда род жиҳатидан фарқланмиш йўқолади). Демак, рус тилида алоҳида сон кўрсаткичи йўқ, тугалланма айни вақтда род, сон, келишикни ёки сон ва келишикни ифодалайди. Ўзбек тилида эса сон маъноси алоҳида кўрсаткич билан ифодаланади ва бу кўрсаткич эгалик ҳамда келишик кўрсаткичларидан олдин қўшилади.

Ўзбек тилида бирлик — ноль кўрсаткичли; бу ҳодиса русча *студент, стол* каби отлардаги ҳолатга тўғри келади: бундай русча отларда тугалланма — ноль кўрсаткичли.

Рус тилида тугалланмаси бор отларда бош келишик, бирлик шакли родга боғлиқ ҳолда бир неча хил тугалланма билан ифодаланади: *стран-а, земл-я (-а, -я), мест-о, пол-е (-о, -е)* каби. Турланишнинг турига қараб бирликдаги от барча келишиклар бўйича маълум тугалланмалар тузумига эга: *стран-а, стран-ы, стран-е, стран-у, стран-ой, (о) стран-е* каби. Худди шундай кўрсаткичлар тузуми бош келишик, бирликда ноль кўрсаткичли тугалланмаси бор отларда ҳам мавжуд: *стол-Ø, стол-а, стол-у, стол-Ø, стол-ом, (о) стол-е* каби. Айни вақтда род ва келишик маънолари ҳам ифодаланишидан қатъи назар, бу тугалланмалар бирлик сон кўрсаткичлари ҳисобланади. Кўпликда эса ўз тугалланмалар тузуми бор (булар айни вақтда келишик кўрсаткичи бўлиб ҳам хизмат қилади): *стол-ы, стол-ов, стол-ам, стол-ы, стол-ами, (о) стол-ах* каби.

Ўзбек тилида кўплик *-лар* аффикси билан ифодаланади, келишик учун алоҳида кўрсаткич қўшилади: *стол-лар-ни* каби.

Кўринадики, агглютинатив тил бўлганлиги сабабли ўзбек тилида сон категорияси ўзига ҳос кўрсаткичларга эга, шу билан бирга, бу категориянинг кўрсаткичлари рус тилидагидан фарқли ҳолда ягона кўринишда бўлади: *стол + лар +.. — стол + Ø l..* каби.

Сон категорияси от туркуми учун умумий дейилса ҳам, отларнинг лексик-грамматик турлари бўйича бу категориянинг намоян бўлиши фарқ қилади. От лексемаларининг асосий қисми сон категориясининг ҳар икки шаклида ишлатила олади; айрим отлар фақат бирлик шаклида, айрим отлар эса фақат кўплик шаклида ишлатилади. Бу ерда рус ва ўзбек тиллари орасидаги

асосий фарқ шуки, рус тилида доим кўплик шаклида ишлатиладиган отлар мавжуд: *брюки, ножницы* каби. Ўзбек тилида бундай отлар йўқ (рус тилидаги бундай сўз ўзбек тилига ўзлаштирилса, ўзбек тили қондасига бўйсундирилади: *сутки* → *сутка* каби; кейин *-лар* қўшиш мумкин).

Айрим русча отларда бирлик маъноси *-ин* суффикси ва тугалланма билан ифодаланади, кўпликда эса бу суффикс ташланиб, кўплик тугалланмаси қўшилади: *граждан-ин* → *граждан-е, татар-ин* → *татар-ы* каби. Ўзбек тилида бирлик маъносини ифодалайдиган бундай суффикс йўқ; ўзбек тилига бундай русча сўз ўзлаштирилса, ўзбек тили қондасига бўйсундирилади: *гражданин* сўзи таркибида суффикс ажратилмайди, лекин кўпликда бу суффикс ташланиб, *-лар* аффикси қўшилади: *граждан-лар* каби.

Хуллас, сон категорияси рус тилида ўзбек тилидагига нисбатан анча мураккаб ифодаланади, шу сабабли қунт билан ўрганишни талаб қилади.

КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам от лексемалар турланади. Ҳар икки тилда олти келишкли тузум мавжуд, лекин бу келишиклар ўзаро фарқ қилади.

Рус тилида келишик сон ҳамда род билан биргаликда ифодаланади ва турланишнинг асосий уч тури ажратилади; ҳар бир турланиш турининг ўз тугалланмалар тузуми мавжуд ва булар ўз навбатида асоснинг қаттиқ ёки юмшоқ ундош билан тугашига қараб ҳам фарқ қилади. Хуллас, рус тилида турловчилар жуда мураккаб тузумни ҳосил этади (турланиш жадваллари дарсликларда берилган).

Юқоридаги сабабларга кўра ҳар бир келишикни шакллантиришда бир неча тугалланма хизмат қилади. Масалан, тушум келишигининг тугалланмаси бўлиб биринчи турланишда қуйидагилар хизмат қилади: *-а (сын-а), -я (кон-я), Ø (пень-Ø); -о (окн-о), -е (пол-е), -ё (руж-ё)* (бирликда); *Ø (сыновей-Ø), -ы (океан-ы), -ей (кон-ей), -и (пн-и), -ев (гени-ев), -а (окн-а), -я (пол-я)* (кўпликда). Кўринадики, сонга, родга ва асоснинг қандай товуш билан тугашига қараб бир келишикнинг ўзи ҳар хил тугалланма билан ифодаланади. Бу тугалланмалар ўзаро вариант ҳолатида (*-а, -я, -и — -ы* каби) ёки мустақил морфема ҳолатида (*-ей, -ев* каби) бўлади. Бундай бир неча формативлар билан ифодаланиш рус тили келишикларининг деярли барчасига хос.

Ўзбек тилида келишик сон ва эгаликдан холи, алоҳида ифодалангани сабабли ана шу икки категориянинг кўрсаткичларидан кейин ўзича қўшилади; ўзбек тилида рус тилидаги каби турланиш турлари йўқ. Ҳар бир келишикнинг кўрсаткичи бўлиб одатда бир морфема хизмат қилади. Масалан, бош келишик нолий кўрсаткичли морфема билан, ўрин келишиги *-да* морфемаси билан ифодаланади. Айрим келишикларнинг шаклида вариантланиш бор. Масалан, тушум келишиги асосан *-ни* аффикси билан, баъзан *-и*, *-и* аффикси билан ифодаланади, булар ўзаро морфологик вариантлар деб қаралади. Баъзи келишик шакллари талффузда бир неча фонетик вариант ҳосил қилади: *-дан — -тан, -га — ка — қа* каби. Бундай вариантланишлардан қатъи назар, ўзбек тилида ҳар бир келишик одатда битта морфема билан ифодаланади ва улар ягона турланиш тузумини ташкил қилади.

Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, айрим келишикларнинг формативи қатнашмаслиги, яширилиши мумкин; бундай хусусият рус тилида йўқ. Масалан, ўзбек тилида тушум ва қаратқич келишикларининг формативини яшириш жуда кўп учрайди: *Китобни ўқидим* деб ҳам, *Китоб ўқидим* деб ҳам ишлатилади, лекин *Укамни кўрдим* деб ишлатиш шарт; *шаҳарнинг ҳокими* деб ҳам, *шаҳар ҳокими* деб ҳам ишлатилади, лекин *укамнинг ҳовлиси* деб ишлатиш шарт.

Баъзи манбаларда бу масалага юзаки ёндашиб, рус тилидан андоза олиб, ўзбек тилининг ўзига хос бу хусусияти билан ҳисоблашмайдилар: аффикси аслида йўқ келишикдан (бош келишикдан) аффикси қатнашмаган, яширилган келишикни (тушум, қаратқич келишигини) фарқламайдилар. Ваҳоланки келишик аффиксини яшириш имконияти (бу ҳодиса "белгили келишик" ва "белгисиз келишик" деб юритилади) ўзбек тилининг тарихий тараққиёти давомида рўёбга чиққан жуда катта қулайлик деб баҳоланиши лозим.

Ўзбек тилининг рус тилидан фарқли яна бир хусусияти шуки, уюшиқ қаторни ташкил этадиган от сўзшаклларнинг грамматик маъно ифодаладиган қисмини (шу жумладан келишик кўрсаткичини) умумлаштириш, гўё қавслардан ташқарига чиқариш мумкин: *Гилосларимизни ва ўрикларимизни пайванд қилганмиз.* → *Гилосларимиз ва ўрикларимизни...* → *Гилослар ва ўрикларимизни...* → *Гилос ва ўрикларимизни...* каби. Бундай имконият рус тилида йўқ.

Рус тилида келишик билан предлогнинг ўзаро муносабати — жуда муҳим масалалардан бири. Шу жиҳатдан келишикларни учга гуруҳлаш мумкин: 1) предлогсиз ишлатиладиган келишик:

именительный падеж, 2) предлогли ишлатиладиган келишик: предложный падеж, 3) предлогсиз ҳам, предлогли ҳам ишлатиладиган келишиклар: родительный, дательный, винительный, творительный падежлар.

Асли келишиклар тузумини тасвирлашда учинчи гуруҳ келишикларнинг предлогсиз ишлатилишигина келтирилади. Демак, келишик категорияси доирасига асли предлог кирмайди. Предложный падеж эса доим "предлог + .. окончание" тарзида ифодаланади, демак, предлог бу ерда келишик шаклининг таркибий қисмига айланган (шунинг учун ҳам номи "предложный падеж").

Рус тилидаги предлогга ўзбек тилида кўмакчи тўғри келади. Лекин ўзбек тилида кўмакчи келишик шаклининг таркибий қисми бўлиб келмайди, шунга мувофиқ ўзбек тилида рус тилидаги каби предложный падеж ҳақида гапирилмайди.

Рус тилида предлог келишик маъносини ифодалашга хизмат қилади, дейилади. Айни вақтда предлог келишик маъносини конкретлаштиришга, аниқлаштиришга хизмат қилиши ҳам таъкидланади. Шу билан бирга, предлогнинг у ёки бу келишикка биркитилган бўлиши ҳам айтиб ўтилади: кўпчилик предлоглар бир келишикка биркитилган бўлади (*к* — дат. п., *без* — род. п. каби), баъзи предлоглар икки келишикка (*за*, *под* — вин. п. ва тв. п. каби), ҳатто уч келишикка (*с* — род. п., вин. п. ва тв. п. каби) биркитилган бўлади.

Бу ерда аксинча фикр юритиш ҳам мумкин: предлог маълум бир келишик шаклига биркитилган бўлмайди, балки предлог ўзи қўшиладиган сўзшаклнинг маълум келишик шаклида келишини талаб қилади. Агар шундай фикр юритсак, предлогсиз келган тушум келишигида синтактик муносабат келишик кўрсаткичи билан ифодаланиши, предлог қатнашганида эса асли синтактик муносабат предлог билан ифодаланиши очиқ кўринади (кейинги ҳолатда келишик кўрсаткичи ҳақиқатда пучаяди, ўз семантик-синтактик моҳиятини йўқотади, предлог билан биргаликда битта грамматик шаклга тенг бўлади).

Ана шундай фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, ўзбек тилида кўмакчи келишик тузумига киритилмайди. Ўзбек тилида ҳам кўмакчи ўзи қўшиладиган сўзшаклнинг маълум бир келишикда бўлишини талаб қилади, лекин шу асосда, масалан, *дарсдан кейин* каби қурилма кўмакчили чиқиш келишиги деб қаралмайди, балки грамматик шаклнинг кўмакчи билан ифодаланиши дейилади. Бундан қатъи назар, ўзбек тилида ҳар бир кўмакчи бир келишик шаклидаги сўзшакл билан ишлатилади.

Рус тилида келишикларнинг предлогли ишлатилишини назардан соқит қилган ҳолда ўзбек тили келишикларига чоғиштирсак, қуйидагилар намоён бўлади:

1. Рус тилидаги предложный, творительный падежларга муқобил келишик ўзбек тилида йўқ; ўзбек тилидаги ўрин, чиқиш келишикларига муқобил келишик рус тилида йўқ.

2. Вазифа жиҳатидан энг ўхшаш келишиклар — именительный падеж ва бош келишик: бу келишикдаги сўзшакл рус ва ўзбек тилларида асосан эга, атов гап, ундалма каби вазифаларда келади.

3. Бу икки тил келишиклари орасида вазифа жиҳатидан винительный падеж ва тушум келишиги ҳам жуда ўхшаш: бу келишикдаги сўзшакл ҳар икки тилда воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади. Фарқланиш рус тилида винительный падеж предлог билан ишлатилганида воқе бўлади (*весь в отца, поставитъ на окно* каби).

4. Русча дательный падеж ва ўзбекча жўналиш келишиги ҳам ўзаро ўхшаш, лекин рус тилида бу келишик от билан ҳам бошқарилиши таъкидланади (*служение родине, письмо родителям* каби). Мисоллардан кўриниб турибдики, бундай от феълдан ясалган бўлиб, унинг маъно мундарижасидаги "ҳаракат" семаси туфайли дательный падежни бошқариш хусусияти сақланади.

5. Рус тилидаги родительный падеж билан ўзбек тилидаги қаратқич келишиги орасида фарқ анча сезиларли:

а) аввало, шаклий фарқни таъкидлаш лозим: рус тилида бу келишикнинг кўрсаткичи бўлиб тугалланманинг ўзи хизмат қилади; ўзбек тилида эса қаратқич келишигининг кўрсаткичи деб *-нинг* аффикси таъкидланади, аслида *-нинг* аффиксининг ёлғиз ўзи ишлатилмайди, бу аффикс қўшилган сўзшакл боғланган иккинчи сўзшаклга нисбатловчи қўшилади, шундагина қаратқич келишиги тугал шакланган бўлади;

б) рус тилида родительный падеждаги сўзшакл от билан ҳам (*книга брата* каби), феъл билан ҳам (*отрезать хлеба, бояться волков, не написал письма* каби) боғлана олади; асосий ҳолат — от билан боғланиш, албатта. Ана шу боғланишида родительный падеж ўзбек тилининг қаратқич келишигига ўхшайди. Бундан қатъи назар, ўзбек тилида қаратқич келишигидаги сўзшакл феълга боғланмайди.

Рус тилида келишик шакллари орасидаги муносабатга биринчи ва учинчи турланишда жонли-жонсизлик категорияси таъсир кўрсатади: а) жонли предметни англатадиган отда родительный падеж винительный падежлар бир хил ифодаланади: род. п. *сын-а* —

вин. п. *сын-а* каби; б) жонсиз предметни англатадиган отда эса именительный ва винительный падежлар бир хил ифодаланади: им. п. *дверь* — вин. п. *дверь* каби.

Ўзбек тилида от лексемалар кишини ёки нарсани англиштиш асосида гуруҳланади, лекин бу ҳодиса келишиклар билан турланишга таъсир қилмайди.

Рус ва ўзбек тиллари орасида келишик билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган яна бир фарқ шуки, рус тилида турланмайдиган отлар мавжуд: *дорогое пальто, дорогого пальто; заплатить за пальто, выйти в пальто, подойти к пальто* каби. Қўринадики, бундай от сўзшакл қайси келишикда экани унинг сифатловчиси ёрдамида ёки предлоги ёрдамида белгиланади. Демак, бундай сўзшаклнинг ўзида шакл ўзгариши содир бўлмайди-ю, лекин бошқа воситалар асосида бундай сўзшакл ҳар хил келишикда деб қаралади.

Ўзбек тилида турланмайдиган от лексемалар йўқ; бундай лексема рус тилидан олинса, ўзбек тилининг қонуниятига бўйсуниб, турланади: *пальто, пальтони* каби.

Хуллас, келишик категорияси грамматик кўрсаткичлари тузуми жиҳатидан, келишикдаги сўзшаклларнинг боғлашув имконияти жиҳатидан ва бошқа айрим хусусиятлари билан рус ва ўзбек тилларида талай фарқларга эга, шу сабабли бу грамматик категорияни ўзлаштириш учун тил ўрганувчи қунт билан меҳнат қилиши лозим.

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА СИФАТ ТУРКУМИ

Сифат предметнинг белгисини билдиради. Рус тилида белгининг предметга тобе эканлиги сифатловчи бўлиб келадиган сифатнинг род, сон ва келишикда сифатланмиш отнинг шакли билан мослашувида намоён бўлади деб таъкидланади. Қўринадики, рус тилида сифатга род, сон ва келишик категориялари мансуб, яъни рус тилида сифат — ўзгарувчи туркум. Ўзбек тилида эса сифат ўзгармайдиган туркум бўлиб, унга сон ва келишик категориялари хос эмас: сифат сўзшаклга тўғридан-тўғри, синтактик вазифа туфайли бирор форматив қўшилмаган ҳолда, яъни битишув йўли билан боғланади.

Рус тилида сифат сўзшакл икки синтактик вазифада — сифатловчи ва кесим вазифасида келади: *У тебя легкая рука. У тебя рука легкая* каби. От билан род, сон ва келишикда мослашув сифат сифатловчи бўлиб келганида воқе бўлади. Сифат кесим бўлиб келганида эса бундай кесим эга билан родда (III шахсда)

ва сонда мувофиқлашади-ю, лекин келишида турланмайди. Асли кесим вазифасидаги сифат боғламасиз ишлатилганидан имени-теги м. падежда келади ва эга билан (эганинг келишиги билан) мувофиқлашади, шу сабабли кесим вазифасидаги сифатда келишими ўзгармайди. Кесим вазифасида боғлама олиб келган сифат творительный падежда бўлади: Я (ты, он) был счастливым каби. Кесим бўлиб келган сифатга рус тилида шахс тусловчиси қўшилмайди (ҳар уч шахс учун умумий бўлади): Я || ты || он счастливый каби.

Ўзбек тилида сифат асосан сифатловчи бўлиб келади ва бунда у шакл ўзгартирувчига эга бўлмайди; кесим бўлиб келганида эса тусловчи (шахс-сон кўрсаткичи) қўшилади: Мен бахтлиман. Биз бахтимиз каби.

Ўзбек тилида сифат, рус тилидан фарқли ҳолда, ҳол вазифасида ҳам кела олади; бундай вазифада ҳам сифатга синтактик вазифа туфайли бирор форматив қўшилмайди: Яхши студент яхши ўқийди каби. Бу жумлада яхши сифат лексемаси сифатловчи ва ҳол вазифаларида келган.

Рус тилида сифат ҳол вазифасида келиши муносабати билан тарихан махсус форматив олган ва сифат туркумидан ажралиб, равиш туркумига қўшилган: красивый — красиво, плохой — плохо каби. Демак, рус тилида сифат ўз тугалланмалар тузуми билан бундай равиш ўз грамматик шакли билан бир-биридан яққол фарқланиб туради; ўзбек тилида эса сифатларни сифат туркумидан фарқловчи грамматик кўрсаткич йўқ.

Ҳар икки тилда сифатлар аслий ва нисбий сифат деб тусловланади. Фарқ шундаки, рус тилида сира сон (тартиб сон) нисбий сифатлар қаторига киритилади, ўзбек тилида эса сира сон сон туркумига мансуб деб қаралади. Шунингдек рус тилида нисбий сифатлар орасида притяжательные прилагательные (нисбатлов сифатлари) ажратилади: гусиное перо, сестрин муж каби; ўзбек тилида бундай нисбий сифат йўқ.

Рус тилида аслий сифатларнинг асосий қисми, тўлиқ шаклдан шакллари, қисқа шаклга ҳам эга: добрый — добр, пугливая — пуглива, низкое — низок, длинный — длинен каби. Демак, рус тилида сифатнинг кесим вазифасида келиш учун хосланган махсус шакли (қисқа шакли) мавжуд. Ўзбек тили сифатларида бундай шакл йўқ.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам аслий сифатлар одатда ифодаланади. Фарқ орттирма даражанинг ифодаланишида ўринади: рус тилида бу даражани -ейш (г, к, х товушидан кейин -айш) аффикси билан (аффиксал) ифодалаш мавжуд:

великий — величайший каби. Ўзбек тилида сифатларнинг ортма даражаси аффикс билан ифодаланмайди.

Ўзбек тили сифатларида *қоп-қора, ям-яшил* каби интенсификация формалари (кучайтирув шакли) ясаши бор, рус тилида бундай маъно префикс ёрдамида ифодаланади: *синее-пресинее небо* каби.

Хуллас, сифат туркуми рус ва ўзбек тилларида, маъно жиҳатида ўхшаш томонлардан ташқари, бир қанча муҳим фарқларга эга.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА РАВИШ ТУРКУМИ

Равиш ҳам, сифат сингари, белги англатади. Сифат предикатнинг белгисини англатса, равиш асосан жараённинг белгисини англатади ва шунга кўра ҳол вазифасида келади. Бу жиҳатдан равиш рус ва ўзбек тилларида бир хил.

Равиш рус тилида отга ҳам боғланади: *рубашка навый, яйцо всмятку, кофе по-турецки* каби. Бундай вазифадаги равиш рус тилшунослигида мослашмайдиган сифатловчи деб юритилади. Равишнинг бундай вазифада келишига сабаб унинг сифат эътибори йўқлиги деб таъкидланади (*турецкий кофе* ва *кофе по-турецки* каби бирикмаларда сифат ва равиш ҳар хил маънони англатади).

Равиш ўзбек тилида ҳам отга боғланиб келади, бундай сифатловчи деб қаралади: *кўп гап, тез одам* каби. Мисоллар: *кўринадикки, ўзбек тилида бундай вазифада сифат равишлар миқдор равишлари, рус тилида эса бундай вазифада одатда қарама-қарши равишлари (сравнительно-уподобительные наречия) келади.*

Рус ва ўзбек тилларида равиш кесим вазифасида ҳам келадиган бундай вазифада кела оладиган равишлар оз: *У меня денег много. — Менда пул кўп (Менинг пулим кўп)* каби.

Равишнинг сифатга, равишга боғланиб келиши ҳар икки тилда мавжуд, лекин жуда оз учрайди: *царственно спокойно (гармония), совсем по-актёрски (выступать); бутунлай оз* каби. Ўзбек тилларида *очень, жуда, ғоят* каби сўзлар сифат равиш билан бирга ишлатилади, лекин булар асли кучайтирувчи маъносини ифодалайди, шунга кўра шакл ясовчи бўлиб хизм қилади: *очень хороший, очень строго; ғоят гузал, жуда эркак* каби. Асли *очень, жуда* кабилар равиш (мустақил сўз) деб эмас, кучайтирувчи сўз (ёрдамчи сўз) деб баҳоланганини тўғри.

Равиш ҳар икки тилда — ўзгармайдиган туркум. Айрим равишларда шакл ўзгариши бордек кўринадикки: *вечером, утром, сегодня, сразу; бирдан, эртага, кунда, кечаси* каби. Аслида бундай равишлар фақат маълум бир шаклда от туркумидан (баъзан бошқа туркумдан) ажралиб чиққан бўлади, улар худди шу бир грамматик

шаклда қотиб қолган бўлади. Демак, бундай равишларга нисбатан шакл ўзгариши ҳақида гапириш мумкин эмас.

Рус тилидан фарқли ҳолда ўзбек тилидаги баъзи равишлар келиши, келишик кўрсаткичини олиши мумкин: *бугундан қолдирмаслик, эртадан бошламоқ* каби.

Ўзбек тилшунослигида *у ерга, у ердан, у ерда* каби мисолларга асосланиб, "Баъзи равишлар макон келишикларида турланади", — деган фикр билдирилади. Бундай фикр юритишга русча *туда* равишига ўзбек тилида *у ерга, оттуда* равишига *у ердан, там* равишига *у ерда, здесь* равишига *шу ерда* тўғри келиши асос бўлган. Асли *у ер* — от бирикма ва шунга мувофиқ келишикларда турланади: *у ер, у еринг, у ерни, у ердан, у ерга, у ерда*. Кўринадикки, бундай от бирикманинг олти келишик шаклидан учтасини равиш деб ажратиш ўта сунъий: *ер* сўзи ва макон келишиклари "ўрин" маъносини билдириши *у ерда* каби равишларни равиш деб белгилаш учун етарли асос бўла олмайди. Хуллас, ўзбек тилида уч келишик доирасида турландирган равишлар йўқ.

Рус тилшунослигида равишлар икки катта гуруҳга ажратилади: 1. Определительные наречия (буларни ўзбек тилида таъсиф равишлари деб номлаш мумкин). 2. Обстоятельственные наречия (буларни ўзбек тилида ҳолат равишлари деб номлаш мумкин). Ўзбек тилшунослигида равишларни бундай гуруҳлаш амалга оширилмаган.

Определительные наречия деб гуруҳланган равишлар ўз навбатида қуйидаги маъно турларига ажратилади:

1) Качественные наречия (булар ўзбек тилида ҳолат равишлари номи билан юритилади; асли буларни сифат равишлари деб номлаш ўринли): *хорошо, медленно, громко, замечательно, иронически, блестяще; секин, дарров, қўққисдан* каби.

2) Количественные наречия (булар ҳам ўзбек тилида ҳолат равишлари номи билан юритилади; асли миқдор равишлари деб номлаш маъқул): *много, мало, немало, приблизительно, почти; кўп, оз, пича* каби. Рус тилида, ноаниқ миқдорни билдирадиган бундай равишлардан ташқари, аниқ миқдорни билдирадиган равишлар ҳам мавжуд: *двое, трое, дважды, трижды* каби. Ўзбек тилида бундай равишлар йўқ.

3) Наречия образа и способа действия: *верхом, лёжа, вплавь, вручную, поперебой, шёпотом* каби. Бундай равишлар ўзбек тилида жуда оз бўлиб, ҳолат равишлари қаторига киритилади; шунинг учун улар маълум ҳолда номламоқчи бўлсак, буларни усул равишлари деб номлаш мумкин: *пиеда, яёв, отлиқ* каби.

4) Сравнительно-уподобительные наречия: *по-весеннему, волчьи, по-отечески, по-немецки* каби. Кўринадики, рус тили бундай равишлар маълум грамматик андоза асосида ҳосил қилинади (*по-...ски*). Ўзбек тилида бу тур равишларни қиёс равишлари деб номлаш мумкин (баъзи адабнётларда булар ўхшаш равишлари деб юритилади): *оталарча, қадрдонларча, ўзбекча* каби.

Ўзбек тилида *ўзбекча* каби сўзлар феълга ҳам, отга боғланаверади, шунга кўра ҳол ва сифатловчи вазифасида келадиган *ўзбекча гапирмоқ, ўзбекча нутқ* каби. Рус тилида бу равишлар асосан феълга боғланиб, ҳол вазифасида келади.

Ўзбек тилида *пахтадай (оқ), ойдай (гузал), бугунгидай (саффо осмон)* каби сўзларда *-дай (-дек)* аффикси равиш ясовчи деб қаралади. Аслида *-дек* — шакл ясовчи: *мендек, укамдек, далаларимиздагидек* каби. Кўринадики, *-дай (-дек)* аффикси сифат, олмош сўзларнинг ўхшатиш шаклини ясайди; шу аффикс билан сўзда маъно тараққиёти юз берса, шундагина у равиш айланади: *сутдек (оқ)*—“ўта даражада”; *додамдай (тарвуз)*—“даражада катта” каби.

5) Наречия совместности: *вдвоем, втроем, десятером, парами* каби. Ўзбек тилида бундай равишлар бор, лекин айрим сифатида ажратилмаган; асли бу тур равишларни ўзбек тили билан биргалик равишлари номи билан ажратиш мумкин: *икковлашиб, учовлашиб* каби.

2. Рус тилшунослигида обстоятельственные наречия деб ўрнатилади пайт, сабаб, мақсад равишлари бирлаштирилади.

Сабаб ва мақсад равишлари ҳар икки тилда жуда оз: *сдвинувшись, спьяна, сгоряча, поневоле; нарочно, умышленно, назло; атайлаб, жўрттага* каби.

Пайт равишлари ҳар икки тилда анчагина ва улар деярлик тенг: *прежде, теперь, вскоре, сначала, сперва, завтра, утра, сейчас, хозир, энди, доим, ҳаммиша, олдин, кейин, кеча, бугун, эрта, кунинди, индинга, эрталаб, саҳарлаб* каби. Рус тилидан фарқли ҳол пайт равишлари ўзбек тилида жуфт ҳолатда ҳам ишлатилади: *эрта-индин, бугун-эрта, эрта-кеч, ҳали-бери* каби.

Ўрин равишлари рус тилида анчагина: *здесь, там, вверху, внизу, вдалеке, издалека, изнутри, сюда, везде* каби. Ўзбек тилида эса том маънодаги ўрин равишлари йўқ; русча равишларига ўзбек тилида сифатнинг, от бирикманинг мазмун келишигидаги шакли тўғри келади: *здесь — шу ерда, там — он ерда* каби.

Рус тилида равишларнинг кўп қисми сифатлардан ажралиб қолган бўлиб, *-о* формативи билан яққол тўдаланиб туради: *ясал(ий) — оесел-о, темн(ый) — темн-о* каби. Сифат асосида равиш ҳосил қиладиган бундай форматив ўзбек тилида йўқ. Шу билан равишлар шаклан сифатлардан кўпинча фарқ қилмайди. Буни шу сабабли сифат ҳол вазифасида ва равиш сифатловчи вазифасида кела олади: *яхши студент, яхши ўқимок; кўп гапирмоқ, кўп даромад* каби. Рус тилида *-о* билан шаклланган равиш отга боғланиб, сифатловчи бўлиб келмайди.

Равишлар рус ва ўзбек тилларида ясовчи аффикслари билан фарқ қилади. Рус тилшунослигида махсус равиш ясовчи аффикс ҳақида гапирилмайди. Равишлик белгиси бўлган *-о* формативидан (*дружно* каби), *-е* формативидан (*искренне* каби), *-ски* андозасидан ташқари, кўпчилик равишлар турли келиш шаклидаги мустақил сўзнинг предлог билан қўшилиб турганини орқали ҳосил бўлган (буларга нисбатан ясалиш ҳақида кўпроқ, балки равишга кўчиш ҳақида гапириш ўринли): *сверху, снизу, вконец, кряду* каби.

Ўзбек тилида ҳам бошқа туркумлардан равишга кўчган сўзлар маънога эга: *кеча, эртага, қасддан* каби. Шу билан бирга, ўзбек тилида равиш ясовчи махсус аффикслар ҳам бор: *-ча — эскича, кичкинача* каби; *-часига — қаҳрамончасига, очиқчасига* каби; *-ига (ига)*— *аралашига, чаппасига* каби; *-ларча — йиртқичларча, бетларча* каби; *-лай(ин) — бутунлай, тириклайин* каби; *-лаб (лаб)*— *лашналаб, ҳовучлаб, саҳарлаб* каби. Булардан ташқари, равишлар шаклини бирлаштирилган сўзлар таркибида уқилиб, ажратилмаган *-она* аффикси ҳам бор: *одилона, фақирона* каби. Ўзлаштира сўзларда равишлик белгиси деб *-ан* аффикси ҳам таъкидланади: *жавобан, қилган, расман* каби. Кўринадики, ўзбек тили махсус равиш равишлари борлиги билан рус тилидан фарқ қилади.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам равишларнинг маълум қисмига даража ясалиши хос. Равишларда даража сифатлардаги равиш ясалади. Бунда, албатта, ҳар бир тилнинг ўз воситалари билан равишларни хизмат қилади: *сильно — сильнее, рано — раньше, мало — меньше, выше — выше; более тихо, более дружески; глубоко — глубочайше; выше всего, выше всех; кўпроқ, кўпроқ, энг тез, энг кўп* каби.

Рус ва ўзбек тилларида равишлар баҳо шакллари ясалиши равишларнинг маъно ва таркибидан ҳам фарқ қилади. Бу ерда ҳам рус тилининг равишлари ўзбек тилининг имкониятидан бой: *поздно — поздно, трудно — труденько, стороной — сторонкой, мило —*

премило каби. Ўзбек тилида баҳо шакли ясовчиси бўлиб -ги аффикси хизмат қилади: *кечагина, кўпгина* каби.

Хуллас, равишлар рус ва ўзбек тилларида турлича таснифнишидан қатъи назар, бу туркум сўзларининг табиатида ўзаўхшаш томонлар ҳам, фарқли томонлар ҳам мавжуд.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОН ТУРКУМИ

Санокни, предметларнинг аниқ миқдорини билдирадиган сўзлар сон туркумига мансуб бўлади. Предметнинг саногига кўтартиб билинган сўзлар (сира сон, порядковое числительное) рус тилида грамматик-семантик табиати асосида сифатлар қаторига қўшилади, ўзбек тилида эса сонларнинг маъно турларидан бири деб қаралади.

Сон туркумининг асосини ташкил этувчи сўзлар у қадар кўп эмас: тўққизта бирлик сон, тўққизта ўнлик сон, тўртта катта миқдор сонларидан (*юз, минг, миллион, миллиард*) иборат. Рус ва ўзбек тиллари орасидаги фарқ аввало 11 дан 19 гача бўлган миқдорни ифодалайдиган сонларда кўринади: рус тилида бу сонлар аслида тўққизта бирлик сони ва ўн сонидан ташкил топган бўлади ҳам, ҳозирги тилда аффиксация йўли билан ясалган сон (*один* ясама сон) деб баҳоланади: *один на десять* → *один + надцать* каби. Ўзбек тилида эса 11 дан 19 гача бўлган миқдор сонлар ўнликлар орасидаги миқдорни ифодалайдиган бошқа состав (*тузма*) сонлардан фарқ қилмайди: *ўн бир, йигирма бир* каби.

Рус тилида *сто* сонидан бошқа юзлик сонлари қўшма сифатлар деб қаралади (*қўшиб ёзилади*), ўзбек тилида эса булар *туз* сон: *пятьсот, беш юз* каби.

Рус тилида сонларнинг миқдор сон, жамловчи сон маъно турлари ажратилади: *один, два; двое, трое* каби. Ўзбек тилида булардан ташқари (*икки, иккала* каби), *дона* сон (*иккита* каби), *чама* сон (*олтитача* каби), тақсим сон (*учтадан* каби) маъно турлари ҳам мавжуд.

Жамловчи сон миқдор сондан ясалади: рус тилида *два* (*два-о — [j]-е, четыре — четв-ер-о* каби; ўзбек тилида *уч-ов, уч-а* каби). Жамловчи сон ясалиши жуда чекланган: рус тилида *икки* сонидан *ўн* сонига довр миқдор сонларидан ясалади; ўзбек тилида эса *-ов* аффикси билан *икки* сонидан *етти* сонига довр миқдор сонларидан, *-ала* аффикси билан эса одатда *икки* сонидан *беш* сонига довр миқдор сонларидан ясалади.

Рус тилида жамловчи сон кўпинча отга (*ёки отлаш* сифатга) боғланиб келади: *трое детей, двое суток, тр*

шток, четверо смелых каби. Ўзбек тилида бундай хусусият аффикси билан ясаладиган жамловчи сонларга хос: *иккала* каби; -ов аффикси билан ясаладиган жамловчи сон эса да нисбатловчининг кўплик шаклини ва келишик кўрсатини олиб келади: *тўртовимизга* каби (бундай ишлатилиш аффикси билан ясаладиган жамловчи сонга ҳам мансуб: *мамилга* каби).

Ўзбек тилида дона сон ясовчиси бор: *иккита* каби; рус тилида маъно *штука* каби нумератив ёрдамида ифодаланади: *две* каби.

Ўзбек тилида тақсим сон дона сонга -дан аффиксини қўшиб қилинади: *иккитадан* каби. Тақсим сон дона сонни билан йўли билан ҳам ҳосил қилинади: *иккита-иккита* каби. Рус тилида тақсим маъноси миқдор сон олдидан пологини келтириш билан ифодаланади: *по два* каби.

Чама сон ясалиши ўзбек тилида анча тараққий этган: а) дона сонга -ча қўшиб ясалади: *ўнтача* каби; б) миқдор сонга -лаб қўшиб ясалади: *ўнлаб* каби (ўнлик ва катта миқдор сонларидан иборат); в) миқдор сонга -ларча қўшиб ясалади: *юзларча* (фақат *минг, миллион, миллиард* сонларидан ясалади); г) сонларни билан йўли билан ҳосил қилинади: *бир-икки, ўн-ўн беш, юз-юз* каби. Рус тилида чама маъноси махсус сўз ёрдамида ифодаланади: *пятидесяти* каби), боғланма аъзоларининг тартиби ёрдамида (килограммов *пять* каби), баъзангина сон категориясининг маъноси шакли ёрдамида (*сотни студентов* каби) ифодаланади.

Ўзбек тилида, рус тилида чама сон ясовчи морфема йўқ. Рус тилида ўзбек тилларида бутун сонлар ва каср сонлар ҳам ифодланади. Бутун сонлар юқорида баён қилинди, шу сабабли каср сонларга мисол келтирамиз: *одна треть, учдан бир, семь десятых, ўндан етти* каби.

Бутун сон каср сон билан биргаликда келса, касрли сон ҳосил қилинади: *уч бутун ўндан икки ёки уч-у ўндан икки* каби. Рус тилида каср соннинг бундай сонлар "неправильная дробь" деб номланган (*две целых три сотых* каби).

Ўзбек тилида, рус тилида каср сон ва касрли сон ҳар икки тилда махсус грамматик конструкция (қурилма) асосида шаклланади. Бундан ташқари назар, каср маъноси *ярим, чорак, половина, четверть* каби билан ҳам ифодаланади: *икки ярим, икки-ю чорак, с половиной, два с четвертью* каби.

Ўзбек тили билан ўзбек тили сонлари орасидаги энг муҳим фарқ шуки, рус тилида сонлар турланади, ўзбек тилида эса

одатда турланмайди (от ҳукмида бўлсагина турланади; жамло сон соннинг от тури бўлгани сабабли турланади).

Рус тилида сонларнинг турланиши ўта мураккаб: 1) *один* сон (*один* билан тугайдиган тузма сонлар ҳам) сифатланмиш от билан бирликда, сонда, келишиқда мослашади: *одна книга, одну книгу* каби; *один* сонидан бошқа сонларга род ва сонда ўзгариш мансуб эмас, улар фақат келишиқда турланади холос; 2) *два, три, четыре* сонлари отга именительный ва винительный падежларда боғланган келса, бундай от бирликдаги родительный падежда шаклланиши (*два стола* каби), қолган падежларда бундай сон от билан келишиқда мослашади (*двум студентам, двух студентов* каби); 3) *пять* ва ундан ортиқ миқдорни ифодалайдиган сонлар (*пять, три, четыре* сонларига тугайдиган тузма сонлардан ташқари) именительный ва винительный падежда келса, ўзи боғланган отнинг кўпликдаги родительный падежда шаклланишини ташқар қилади (*пять студентов* каби), бошқа падежларда эса мослашмоқче бўлади; 4) тузма сон таркибидаги ҳар бир сон турланади: им. п.— *двести двадцать четыре*, род. п.— *от двухсот двадцати четырёх*, дат. п.— *к двумстам двадцати четырёх* каби бошқалар.

Хуллас, сон туркуми ҳар икки тилда саноқли сўзлардан иборат эканига қарамай, грамматик табиати жиҳатидан анча мураккаб айниқса рус тили сонларига хос турланиш субпарадигмаси ўзлаштириш анчагина меҳнат талаб этади.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛМОШ ТУРКУМИ

Ўзбек тилшунослигида бу туркум рус тилшунослигига нисбатан кенгроқ номланган: *местоимение* — *олмош*. Рус тилшунослигида терминнинг мундарижасидан келиб чиқиб ("вместо имён"), "олмош — от, сифат, сон ўрнига ишлатиладиган сўзлар", — деб таърифланади. Ваҳоланки ҳодиса бу уч туркум доирасига сиғмайди. Маълумки, сўроқ синтактик булак вазифасида келган ҳар бир сўзга қўйилади, демак, сўроқ олмошлари орасида равиш билан ифодаланган булакнинг ҳам сўроғи бор (рус тилшунослигида "олмош равишлар" — "местоименные наречия" — ажратилади ҳам).

Кўринадики, олмош — номловчи туркум сўзларини олмошлар келадиган сўзлар туркуми. Демак, олмошда номлаш вазифаси йўқ, шундай экан, олмош лексик маъно англатмайди. Олмошнинг маъноси ўта мавҳум бўлиб, аниқ бир мундарижага бевосита нутқнинг ўзида эга бўлади.

Олмош туркумига мансуб сўз ўз номига мувофиқ бошқа туркум сўзи ўрнига (алмашиб) келиши керак, лекин бундай хусусият олмош туркумига бирлаштириладиган сўзларнинг маълум бир қисмигагина хос (асли шундай хусусиятли сўзларгина том маънода олмош, бошқаларини олмошлар қаторига киритиш шартли).

Рус тилида олмошларнинг тўққиз тури ажратилади: личные местоимения (кишилиқ олмошлари), возвратное местоимение (қалиқ олмоши), указательные местоимения (кўрсатиш олмошлари), притяжательные местоимения (эгаліқ олмошлари), определительные местоимения (белгилаш олмошлари), вопросительные местоимения (сўроқ олмошлари), относительные местоимения (нисбий олмошлар), отрицательные местоимения (булишсиэлик олмошлари), неопределенные местоимения (гумон олмошлари).

Ўзбек тилида рус тилидаги притяжательные местоименияга муқобил лексик-грамматик тур йўқ; ўзбек тилида относительные местоимения тури ҳам ажратилмайди. Бундай алоҳида тур олмошлар асли рус тилида ҳам йўқ; қўшма гап аъзоларини боғлашга хизмат қиладиган нисбий сўзлар вазифасида ёлғиз сўроқ олмоши эмас, балки сўроқ олмоши ва кўрсатиш олмоши бирликда келади. Демак, агар олмошларнинг алоҳида тури сифатида относительные местоименияни ажратмоқчи бўлсак, бу тур олмош бирликларини *кто...*, *тот...*; *ким...*, *у...* каби икки қисми қолатда келтиришимиз лозим.

Асли том маънодаги олмошлар — сўроқ олмошлари. Сўроқни асли номловчи туркум сўзларигагина эмас, ҳатто олмошларнинг ўзига қарата ҳам бериш мумкин. Шу сабабли сўроқ олмошлари кенг қамровли: улар орасида от тур олмошлар ҳам, сифат тур олмошлар ҳам, сон тур олмошлар ҳам, равиш тур олмошлар ҳам мавжуд.

Рус тилида олмошлар турланади. Ўзбек тилида эса от тур олмошларига турланади. Олмошлардаги шакл ўзгаришларини ва бошқа белги-хусусиятларни ҳар бир лексик-грамматик тур бўйича кўриб чиқиш зарур.

Кишилиқ олмошлари. Булар асли кишини англатадиган сўзлар ўрнига ишлатилади, бирлик ва кўпликдаги уч шахсдан биридаги кишини билдиради. Том маънодаги кишилиқ олмошлари — I, II шахс олмошлари; III шахс олмоши асли кўрсатиш олмошидан ўсиб чиққан: *он, она, оно, они, у, улар*. Шу сабабли бу олмошларни кишилиқ-кўрсатиш олмошлари деб юритадилар. Аслида бу олмошларни уларнинг келиб чиқишини эмас, балки ҳозирги маъно миқёсини ҳисобга олиб номлаш маъқулроқ. III

шахс олмоши кишинигина эмас, балки нарсани англатадиган сўзларни ҳам алмаштиради; шунини ҳисобга олиб, III шахс олмошини кишилик-нарса олмоши деб номлаган тўғрироқ (бу олмош у кўрсатиш олмоши билан омоним).

I, II шахс кишилик олмошлари рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бошқа-бошқа сўзлар билан ифодаланади:

я — мы	мен — биз
ты — вы	сен — сиз

III шахс олмоши бу жиҳатдан ҳам фарқ қилади:

он-Ø		он-и	у-Ø	— улар
он-а				
он-о				

Рус тилида ва ўзбек тилида булар — бир олмошнинг турли шакллари.

Кўринадики, рус ва ўзбек тиллари орасидаги фарқ III шахсда намоён бўлади: рус тилида бирлик олмошларига род бўйича ўзгариш хос; ўзбек тилида, табиий, бундай хусусият йўқ.

Яна бир фарқ ўзбек тили олмошлари туфайли воқе бўлади. Ўзбек тилида *мен* олмошигина фақат шу (бирлик) шаклида ишлатилади, бошқа кишилик олмошларига эса *-лар* аффикси қўшиш мумкин; натижада кишилик олмошларининг ички тузуми анча мураккаб тус олади:

<i>мен</i>	—	—	—	<i>биз</i>	—	<i>бизлар</i>
<i>сен</i>	—	<i>сенлар</i>	—	<i>сиз</i>	—	<i>сизлар</i>
<i>у</i>	—	—	—	<i>улар</i>	—	—

Кўпчилик адабиётларда кишилик олмошлари икки маънони — шахс ва сон маъносини — ифодалаши таъкидланади. Ваҳоланки бу ерда учинчи маъно — модал маъно ҳам ифодаланади. Шу жиҳатдан ҳам рус ва ўзбек тиллари фарқ қилади: модал маъно ифодалаш ўзбек тили кишилик олмошларида жуда авж олган. Рус тилида *мы*, *вы*, *они* олмошлари, кўплик учун ишлатилишдан ташқари, бирлик учун ҳам ишлатилади ва бунда модал маъно ифодаланади: *мы* — "бирлик + камтарлик" ёки "бирлик + магрурлик"; *вы*, *они* — "бирлик + сизлаш". Ўзбек тилида ҳам *биз*,

сил, улар олмошлари худди шундай маъноларни ифодалашга қўйилган қилади. Ўзбек тилида II шахс бирлик олмоши кўплик аффикси билан ишлатилади: *сенлар*. Бу шаклдаги олмош "кўплик + сизлаш" маъносини ифодалайди. Бундай хусусият рус тили олмошида йўқ.

Ўзбек адабий тилининг огзаки шаклида *биз, сиз, улар* олмошларини "бирлик + сизлаш" маъноси билан ишлатиш рус тилида *мы, вы, они* олмошларини шундай маънода ишлатишга қараганда жуда кучли. Шу сабабли бўлса керак, ўзбек тилида *биз, сиз* олмошларига *-лар* қўшиб ишлатиш мавжуд: *бизлар, сизлар* (шу бўл билан кўплик маъносини аниқ ифодалашга эришилади). Бундай хусусият рус тили олмошларида йўқ.

Кишилик олмошлари от тур олмошлар бўлгани сабабли ҳар икки тилда турланади. Бу ердаги фарқлардан бири шуки, рус тилида кишилик олмошларининг именительный падеж ва бошқа падежлар асоси супплетив (бошқа-бошқа ўзак билан) ифодаланади: *я — меня, ты — тебя, он, оно — его, она — её, мы — нас, вы — вас, они — их* каби. Ўзбек тилида кишилик олмошлари ишона турланиш асосига эга: *мен — менга, сен — сендан* каби.

Рус тилида III шахс олмоши олдида предлог келса, олмош бошланишига н товуши қўшилади: *ему — к нему* каби. Бу ерда н товуши асли талаффуз қулайлиги учун қўшилади. Шунга ўқшаб кетадиган ҳодиса ўзбек тилида ҳам бор: у олмошига қўшилиш, чиқиш, ўрин келишиklarининг аффикси қўшилганида бу олмош *ун-* шаклида бўлади: *унга, ундан* каби. Ўзбек тилшунослигида рус тилшунослигига тақлидан бу ерда ҳам гўё товуш ортириш воқе бўлади деб тушунтириш мавжуд; аслида эса н товуши ўзбек тилида асоснинг ўзиники: *ул → ун-*. Кўринадики, асос таркибидаги л товуши н товушига алмашган холос. Бу товуш асли фақат бош келишида қатнашмайди, бошқа барча келишиklarда қатнашади: *ун-инг, ун-и* каби. Лекин ҳозирги тилда бу олмошнинг қаратқич ва тушум келишиги шакллари *ун-нинг, у-ни* тарзида ажратилади.

Ўзбек тилида *мен, сен* олмошларига қаратқич ва тушум келишиklarининг аффикси қўшилганида қатор келган икки н товушидан бири тушиб қолади (ташланади) деган изоҳ мавжуд: *мен + нинг → менинг, сен + нинг → сенинг* каби. Аслида эса қеч қандай товуш тушиши воқе бўлмайди, балки бу ерда қаратқич ва тушум келишиklarининг аффикси *-инг, -и* шаклида қўшилади (аслида *унинг, уни* олмошларида ҳам шундай: *ун-инг, ун-и*). Хуллас, ўзбек тили кишилик олмошларининг турланишида

товуш орттириш ёки товуш ташлаш ҳақида эмас, балки асос ва аффикснинг турли шакллари ҳақида гапириш тўғрироқ.

Ўзлик олмоши. Олмошларнинг бу лексик-грамматик тури биргина сўздан иборат деб қаралади. Рус тилида возвратное местоимение деб *себя* олмоши кўрсатилади. Бундан ташқари, притяжательные местоимения орасида возвратное притяжательное местоимение деб *своей* сўзи ажратилади. Определительное местоимение деб изоҳланган *сам* олмоши ҳам ўз табиатига кўра *себя*, *своей* олмошларига яқин туради. Кўринадики, ўзлик олмоши рус тилида, ҳарҳолда, битта эмас. Ўзбек тилида ҳақиқатда ўзлик олмоши битта: юқоридаги уч олмошга (*себя*, *своей*, *сам*) ўзбек тилида ўз олмоши тўғри келади.

Себя олмоши род ва сон шаклларида ўзгармайди; турланишида ҳам ўзига хос томон бор: именительный падеж шакли йўқ, шунга кўра доим тўлдирувчи вазифасида келади; шахс ва сон маъносини ўзича ифодаламайди, бу маънолар эга вазифасида келган сўзга қараб белгиланади: *Я (ты, он) не доволен собой. Мы (вы, они) не довольны собой* каби.

Ўзбек тилида *себя* олмошига ўз олмошининг нисбатловчи ва турловчи аффиксини олиб ишлатиладиган шакли тўғри келади. Бунда нисбатловчиларнинг ҳар уч шахс бирлик ва кўплик аффикслари қўшилади, шу аффикслар ёрдамида олмошнинг ўзида шахс-сон маъноси ифодаланади: нисбатловчи ўз олмошига эга вазифасидаги сўздан англашиладиган шахс-сон маъносига мувофиқлашиб қўшилади: *Мен ўзимдан норозиман. Сен ўзингдан норозисан* каби. Худди рус тилида бўлганидек, бу вазифадаги ўз олмоши бош келишикда ишлатилмайди. Рус тилидан фарқ шундаки, бу ерда олмошнинг бош келишик шакли мавжуд, лекин бу шакл бошқа маъно ва вазифага хосланган (буни қуйироқда айтамиз). Бундан ташқари, ўз олмоши бу вазифада қаратқич келишигида ҳам ишлатилмайди (ушбу олмошнинг қаратқич келишиги шакли ҳам бошқа маъно ва вазифага хосланган).

Своей олмоши ҳам, *себя* олмоши каби, ҳар уч шахсга нисбатан ишлатилади, лекин бирлик ва кўплик шакллари бор: *Я люблю (ты любишь) свою родину. Я изложил (Мы изложили) свои мысли весьма откровенно* каби. Кўринадики, *своей* олмоши сифатловчи вазифасида келади, шу сабабли грамматик шакли ва синтактик вазифаси сифатланмишига қараб белгиланади. *Своей* олмошига ўзбек тилида ўз олмошининг қаратувчи вазифасида келиши муқобил: *свою работу — ўз ишимни* каби. Бу вазифада ўз олмоши кўпинча қаратқич келишиги аффикси яширилган ҳолда ишлатилади (келишик аффикси қатнашмаса, ундан олдин

қўшиладиган нисбатловчи ҳам қатнашмайди). Ҳурни билан ўз олмоши ўзимнинг каби шаклда ҳам келади: *Сен аввал ўзингнинг иродангни тарбияла, кейин бошқалардан талаб қил* каби. Ҳуринадики, *сен ўзингнинг иродангни* каби синтактик қурилмада ўз олмошига нисбатловчи (шахс-сон маъносини ифодалайдиган аффикс) эгага (*сен*) ва қаралмишга (*иродангни*) қараб қўшилади (ушунга билан шахс-сонда мувофиқлашув, қаралмиш билан эса мослашув воқе бўлади).

Сам олмоши рус тилшунослигида определительное местоимение деб келтирилса ҳам, ўз табиатига кўра *себя* олмошига яқин туради. Сам олмоши асли таъкид маъносини ифодалашга хизмат қилади: *я (ты, он) сам, она сама; мы (вы, они) сами; меня (тебя, его) самого, нас (вас, их) самих* каби. Ҳуринадики, сам олмоши шахслар бўйича бетараф, келишиги (III шахсда роди ҳам) ўзи боғланган сўзнинг келишигига (родига) мослашиб туради.

Ўзбек тилида *сам* олмошига ҳам ўз олмоши муқобил: *именительный падеждаги я сам* каби боғланмага ўзбек тилида *мен* йили каби боғланма тўғри келади. Рус тилида бундай боғланманинг аъзолари сонда мувофиқлашади, келишикда мослашади, шахс жиҳатидан эса *сам* олмоши бетараф; ўзбек тилида нисбатловчи туфайли шахс-сонда мувофиқлашув содир бўлади. Ўзбекча боғланма келишик жиҳатидан ўзгача тузилиши бошқа келишикларда очиқ кўринади: *меня самого — менинг ўзимни* каби. Рус тилида бундай боғланманинг аъзолари айни сон ва келишикда бўлади, айни бир синтактик вазифада келади. Ўзбек тилида эса бундай боғланманинг аъзолари қаратувчи-қаралмиш муносабатида бўлади, келишик аффикси бундай боғланмага яхлитлигича қўшилади ва шунга мувофиқ ҳолда синтактик вазифа белгиланади: (*менинг ўзим*)ни каби. Асли *мен ўзим* кўринишли боғланма ҳам шундай тузилишли (*менинг ўзим*), лекин ҳозирги нутқда бундай боғланманинг биринчи аъзоси қаратқич келишиги аффиксини олмаган ҳолда ишлатилади, шу сабабли бу сўзнинг шакли бош келишик шаклига тенг келиб қолади.

Юқоридаги чоғиштиришлардан аён бўладики, рус тилида олмошларнинг уч лексик-грамматик турига мансуб деб талқин қилинадиган *себя, свой, сам* сўзларига ўзбек тилида ўз сўзининг турли синтактик боғланишлардаги ҳар хил шаклланиши тўғри келади.

Кўрсатиш олмошлари. Булар — ҳар икки тилда сифат тур олмошлар. Фарқ шуки, рус тилида кўрсатиш олмошлари сифатлар каби турланади, кўпчилик кўрсатиш олмошларига бирлик ва

кўплик шакллари ҳам хос, лекин *столько* кўрсатиш олмоши *именительный падежда* сифатланмиши билан сон жиҳатдан молашмайди. Ўзбек тилида эса кўрсатиш олмошлари (сифатла каби) ўзгармайди, сифатловчи вазифасида келади. Рус тилида кўрсатиш олмошлари бошқа сўзга мослашув йўли билан боғланса, ўзбек тилида битишув йўли билан боғланади.

Жузый фарқлардан бири шуки, рус тилида *оба* (*обе*) кўрсатиш олмоши мавжуд (аслида бу сўз олмошдан кўра сонга яқин). Бундан қатъи назар, ўзбек тилида *оба* (*обе*) сўзига муқобил йўқ.

Рус тилида *этот* (*эта*)—*тот* (*та*) олмошлари кўрсатиш лаётган предмет яқин ёки узоқроқ жойда эканига қараб танлаш ишлатилади; ўзбек тилида бу русча олмошларга бу — у олмошлари тўғри келади. Бундан ташқари, ўзбек тилида *шу*—*ўша* олмошлари ҳам бор. Бу ва *шу* олмошлари орасидаги фарқ сезиларсизилмас, лекин биринчи марта кўрсатишда бу, такроран кўрсатишда *шу* ишлатилади. У билан *ўша* орасидаги фарқ ўзгача *ўша* олмоши эслатиш билан кўрсатади. Хуллас, ўзбек тилида кўрсатиш олмошларининг айримлари рус тилидаги муқобилларига қараганда мураккаброқ маъно муносабати ҳосил этади.

Белгилан олмошлари рус тилида определительные местоимения деб номланган. Рус тилидаги *сам* олмоши ва унинг ўзбекча муқобили ҳақида юқорида гапирдик. Рус тилидаги *самый* сўзи ҳам белгилан олмошлари қаторида келтирилади, лекин бу сўзнинг асосий хизмати кучайтириш маъносини ифодалаш бўлиб, сифатларнинг орттирма даражасини ясайди (шакл ясовчи бўлиб хизмат қилади): *самый смелый* каби (ўзбек тилида *самый* сўзига *энг* кучайтирувчи сўзи тўғри келади: *энг жасоратли* каби).

Асосий белгилан олмошлари деб рус тилида *каждый*, *иной*, *всякий*, *весь* (*все*) кабиларни, ўзбек тилида *ҳар бир*, *ҳар қандай*, *ҳар қайси*, *ҳамма*, *барча* кабиларни кўрсатиш керак. Бу олмошлар рус тилида ўзгарувчи, ўзбек тилида эса ўзгармас экани билан фарқ қилади. Лекин ўзбек тилида *ҳамма*, *барча* каби олмошлар нисбатловчи ва турловчи олиб ҳам ишлатилади: *ҳаммамизга*, *барчага* каби.

Рус ва ўзбек тилларида белгилан олмошлари тузилиши жиҳатидан ҳам қисман фарқ қилади: русча олмошлар содда сўзга тенг; ўзбек тилидаги баъзи олмошлар икки сўздек ёзилади-ю, аслида қўшма сўзга тенг: *ҳар қандай* каби. Бу ерда белгилан олмоши ҳосил этувчи бўлиб *ҳар* сўзи хизмат қилади (бу сўз ёлғиз ўзи ҳам белгилан олмоши бўлиб кела олади: *ҳар баҳорда* каби).

Сўроқ олмошлари. Бу олмошларнинг юқорида баён қилинган олмош турларидан фарқи шуки, ҳар тўрт туркум (от, сифат, сон, равиш) олмошлари бор. Сўроқ олмошларининг асосий маъноси — сўроқ ифодалаш, асосий синтактик вазифаси — сўроқ гап таркибида ишлатилиш (қўшма гап аъзоларини боғлашда нисбий сўз бўлиб келиши — иккиламчи вазифа).

Кто, что от сўроқ олмошлари жонли ва жонсиз предметларга хосланган; ўзбекча *ким, нима* от сўроқ олмошлари эса киши ва нарсга хосланган. Рус тилида *кто, что* олмошлари род ва сон шаклларига эга эмас; бу олмошлар ўзига хос тугалланмалар олиб турланади: им.п.— *кто, что*, р. п. *к-ого, ч-его*, д.п. *к-ому, ч-ему*, в. п. *к-ого, что*, т. п. *к-ем, ч-ем*, п. п. *(о) к-ом, (о) ч-ем*.

Ўзбек тилида *ким, нима* олмошлари кўплик шаклида ҳам ишлатилади: *кимлар, нималар*; баъзан нисбатловчи билан ҳам ишлатилади: *Бу киши киминг бўлади? Ейишга ниманг бор?* каби; турланиши эса отларнинг турланишидан фарқ қилмайди.

Какой, который, чей сифат сўроқ олмошлари сифатловчи вазифасида келиб, сифатланмиш от билан мослашади: *какая книга?, в какой город?* каби; ўзбек тилида эса бундай олмошлар сифатланмишига битишув йўли билан боғланади: *қандай китоб?, қайси шаҳарга?* каби. Жузьий фарқ шуки, ўзбек тилида русча *чей* олмошига муқобил олмош йўқ (*чей* олмошининг маъноси ўзбек тилида *ким, нима* олмошларининг қаратқич келишиги шакли билан ифодаланади: *чей ребёнок?*— *кимнинг боласи?* каби).

Сколько сўроқ олмоши именительный ва винительный падежда келганида ўзи боғланган сўзнинг родительный падежда бўлишини талаб қилади, бошқа келишикларда одатдаги мослашув воқе бўлади: *сколько студентов?, сколько им студентам?* каби. Ўзбек тилида бу русча олмошга *қанча, неча* олмошлари муқобил бўлиб сифатланмишига битишув йўли билан боғланади, бунда сифатланмиш от бирликда ишлатилади.

Бўлишсизлик олмошлари ҳар икки тилда сўроқ олмошлари асосида ҳосил қилинган: рус тилида сўроқ олмошларига *ни, не* инкор юктамаларини қўшиш билан юзага келган (қўшиб ёзилишини ҳисобга олиб *ни-, не-* приставка деб ҳам юритилади): *никто, ничто, никакой, ничей, нечего, некого*.

Ўзбек тилида эса бўлишсизлик олмошлари сўроқ олмошларига ҳеч инкор сўзини бириктириш билан ҳосил қилинган: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қачон, ҳеч қандай* каби.

Фарқлардан бири шуки, ўзбек тилида русча *чей* сўроқ олмошига муқобил йўқ бўлганидек, русча *ничей* бўлишсизлик олмошига ҳам муқобил йўқ. Ўзбек тилида русча *некого, нечего* бўлишсизлик олмошларига ҳам муқобил йўқ.

Рус тилида бўлишсизлик олмоши предлог билан келса, олмош таркибидаги инкор юкламаси ва сўроқ олмоши айрим ёзилади, чунки предлог шулар орасида келади: *ничем* — *ни с чем* каби (бундай ҳодиса *ничто* каби олмошлар таркибидаги *ни* қисминини юклама деб қараш тўғри эканини тасдиқлайди).

Гумон олмошлари. Олмошларнинг бу тури ҳам ҳар икки тилда сўроқ олмошлари асосида ҳосил қилинган. Рус тилида булар сўроқ олмошлари олдидан *не-*, *кое-* приставкаларини ёки кетидан *-то*, *-либо*, *-нибудь* постфиксларини қўшиб ҳосил қилинган (булар частица деб ҳам юритилади): *некто, нечто, некоторый, несколько, некий; кое-кто, кое-что; кто-то, чей-то, кто-либо, что-нибудь* каби.

Ўзбек тилида гумон олмошлари сўроқ олмоши олдидан *алла* морфемасини ёки кетидан *-дир* юкламасини қўшиб ҳосил қилинган: *аллаким, кимдир* каби.

Рус тилида гумон олмошлари таркибидаги *не-* приставкаси бевосита қўшиб, бошқа приставка ва постфикслар эса дефис орқали қўшиб ёзилади; ўзбек тилида эса *алла-* морфемаси ҳам *-дир* юкламаси ҳам сўроқ олмошига бевосита қўшиб ёзилади.

Гумон олмошлари рус тилида асосан турланади. Лекин *некто* олмоши фақат именительный падеж шаклида, *нечто* олмоши эса именительный ва винительный падеж шаклида ишлатилади.

Русча постфиксли гумон олмошлари турланганда уларнинг сўроқ олмошига тенг қисми ўзгаради: *кто-то, кого-то, что-нибудь, чему-нибудь* каби.

Ўзбек тилида ҳам гумон олмошларининг *-дир* қўшиб ҳосил қилинган турида келишик кўрсаткичи (сон кўрсаткичи ҳам) сўроқ олмошига тенг қисмига қўшилади: *кимдир, кимгадир, кимларгадир* каби. Бу ҳодиса *-дир* ўз юкламалик табиатини сақлаганидан далолат беради (шу асосда асли *-дир* ёрдамида ҳосил қилинган гумон олмошларининг қисмларини дефис орқали қўшиб ёзиш тўғри бўлади: *ким-дир, кимга-дир* каби).

Хуллас, олмош туркумига мансуб сўзлар миқдоран у қада кўп бўлмаса ҳам, табиати жиҳатидан жуда ранг-баранг. Шу сабабли рус ва ўзбек тилларида олмошлар, айрим ўхшаш томонларидан ташқари, турлича белги-хусусиятлари билан фарқланиб туради.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛ ТУРКУМИ

Феъл — ҳар икки тилда грамматик категорияларга энг бой, сифатига табиати энг мураккаб туркум. Феъл туркумига мансуб ҳар жараёни билдиради. Жараён деганда турли ҳодисалар кўрилади: ҳаракат (*бегать, югурмоқ* каби), ҳолат (*радоваться, шаймоқ* каби), маълум бир белгининг ўзгариши (*стареть, шаймоқ, свистеть, оқармоқ* каби), ўйлаш-сезиш (*понимать, шаймоқ, слышать, эшитмоқ* каби), ҳиссий муносабат (*любить, сенимоқ, уважать, ҳурмат қилмоқ* каби) ва бошқалар.

Рус тилида феълга вид, залог (даража), шахс, сон, род, замон, ва грамматик категориялари мансуб бўлиб, булар феълларнинг турли шаклларида турлича намоён бўлади. Ўзбек тилида феълга жанр, бўлишли-бўлишсизлик (мавжудлик), майл, замон, шахс-категориялари мансуб бўлиб, булар феълнинг турли шаклларида турлича намоён бўлади.

Шундан маълум бўладики, рус тилида бўлишли-бўлишсизлик грамматик категория сифатида ажратилмайди, чунки бўлишсизлик номи *не* инкор юкламаси билан гўё сўзшаклдан ташқарида қилинади деб қаралади: *работает — не работает* каби. Ўзбек тилида эса феълнинг бўлишсизлиги асосан *-ма* аффикси билан қилинади, шунга кўра грамматик категория ҳисобланади: *ишлади — ишламади* каби. Ўзбек тилида бўлишлиликнинг нолий таъкидчи шакли бўлишсизликнинг *-ма* аффикси билан ясалган шакли билан ўзаро зидланиш ҳосил қилади, ҳар икки тилда бир тузумга бирлашиб, грамматик категорияни юзага келтиради.

Ҳар икки тилда феълларга ўтимли-ўтимсизлик хос. Шу асосда рус тилида ўзига турли тўлдирувчиларни боғлай олади. Бундан рус тилида феълларнинг турли шакллари, ҳол бўлак ҳам одатда феълга боғланади. Кесим вазирлардан келган феъл эса эгага боғланади.

Рус тилшунослигида феълларнинг ноаниқ шакли (инфинитив) рус тилида турли шакллари ажратилади (*работать — работаю* каби); рус тилида ва равишдош айрим адабиётларда феълнинг функционал турли шакллари деб, айрим адабиётларда эса булар мустақил туркумлар ҳисобланади қилинади. Ўзбек тилшунослигида феълларнинг турли шакллари ажратилади: тусланувчи шакл, сифатдош, равишдош, равишдош номи.

Рус тилида саналган ҳодисаларни ўзаро чоғиштиришдан олдин рус тилида муҳим тафовутни таъкидлаш лозим. Ўзбек тили феълларида рус тилида ҳосил қилиш асоси ягона, барча шакл ҳосил қилувчилар билан кетин шу асосга қўшилади. Рус тили феълларида эса

одатда икки асос мавжуд бўлади: ўтган замон шакли бо асосдан, ҳозирги замон шакли эса бошқа асосдан ҳосил қилини *делать: дела-л, дела-й-у* каби.

Рус тилида бу асосларнинг биринчи тури инфинитив а деб (шунингдек ўтган замон асоси деб ҳам), иккинчи тури ҳозирги замон асоси деб юритилади. Ҳозирги замон а инфинитив асосига нисбатан иккиламчи, ҳосила асос ҳисоблана *читать: чита-л, чита-й-у; пить: пе-л, по-й-у* каби. Бу ерда а асос ҳосил қилувчи форматив бўлиб келади. *Крича-л, кри кабиларда* эса ҳозирги замон асоси а унлисини ташлаш ба ҳосил қилинади. Ҳар икки асос шаклан тенг келиб қолганда ҳозирги замон асоси ҳосила асос деб қаралади: *везти: вез- вез-у* каби.

Кўринадики, рус ва ўзбек тилларида феълларнинг шакл ҳ қилиш асослари кескин фарқ қилади. Бу ҳодиса рус тилида мураккаб бўлиб, алоҳида эътибор билан ёндашишни талаб қил

РУС ТИЛИДА ИНФИНИТИВ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲАРАКАТ НО

Рус тилида феълнинг махсус инфинитив шакли мавжуд бу, бу шакл асосан *-ть* суффикси билан (*говори-ть* каби), қис *-ти* суффикси билан (*рас-ти* каби), баъзан *-чь* суффикси би (*бере-чь* каби) ҳосил қилинади. Инфинитивни феълнинг ноа шакли (неопределенная форма) деб ҳам юритадилар, феъллик кўпчилик грамматик категориялари бу шаклда ҳали нам бўлмайди. Феълнинг турли шакллари, ҳатто ҳозирги замон а ҳам, шу ноаниқ шакл асосидан ҳосил қилинади.

Инфинитив рус тилида феълларни лугатга киритиш ша сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, инфинитивдан қат буйруқ, ман этиш маъносини ифодалашда фойдаланил *Встать! Молчать* каби. Инфинитив *бы* юкламаси билан и тилиб, сослагательное наклонение маъносини ифодалайди: *Ех бы нам* каби. Инфинитив *надо, нужно, можно, нельзя, неоп димо* каби модал маъноли предикатив сўзлар билан ишлати, шахсиз гапнинг бош бўлаги таркибида қатнашади: *Нам неоп димо много читать* каби. Энг муҳими, инфинитив кел замоннинг аналитик (мураккаб) шаклини ҳосил қилишда ишти этади: *буду работать* каби. Кўринадики, инфинитив фе лугатга киритиш шаклигина бўлмай, бошқа бир неча вазис ҳам бажаради. Барча ҳолларда инфинитив ҳеч қандай форм олмайди, демак, ўзгармайдиган феъл шакли ҳисобланади.

Ўзбек тилида асли рус тилидаги инфинитивга тенг келадиган а йўқ. Феълни лугатга киритиш шакли сифатида *-моқ* фикси билан ҳосил қилинадиган шаклдан фойдаланамиз *қарамоқ* тилида, масалан, *-в* аффикси билан ҳосил қилина *кел* шаклдан фойдаланилади). Асли *-моқ* аффикси — ҳаракат асосини уч аффиксдан (*-моқ, -ш, -в*) бири. Бу аффикслар а феълнинг субстантив (от) шаклини (одатда от лексема қаралиган вазифага мосланган шаклини) ҳосил қилади. Шу билан ўзбек тилида ҳаракат номи, рус тилидан фарқли ҳолда, иривчи шакл бўлиб, унга нисбатловчи ва турловчи қўшилади: *келганимиз, келишимиз, келувимиз лозим* каби.

Ҳозирги ўзбек нутқида энг кўп *-ш* аффикси билан ҳосил аналитик шакл, энг оз *-моқ* аффикси билан ҳосил қилинадиган а ишлатилади. Феълни лугатга киритиш шакли сифатида *-моқ* аффиксининг танланиш сабабларидан бири — унинг нутқда оз қатнашиши. Бошқа баъзи хусусиятлари ҳам рус тилидаги инфинитивга ҳаракат номининг *-моқ* шакли яқин туришини кўрсатади: айрим шакл ясовчи мураккаб аффикслар шу *-моқ* аффиксиниширокида юзага келган: *-моқда* — аниқ ҳозирги замон а феъли шаклини ҳосил қилувчи аффикс, *-моқчи* — истак а феъли шаклини ҳосил қилувчи аффикс (кўпчилик манбаларда бу аффикс келаси замон мақсад шаклини ҳосил этиши таъкидлана-

Кўринадики, рус тилидаги инфинитив ва ўзбек тилидаги а ҳаракат номи ўзаро кескин фарқ қилади. Булардан ҳар бири ўз тилига асос ҳодисалар; ўзбек тилида инфинитив шаклини ажратиш и ҳеч қандай асос йўқ.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ВИД ҲАМДА ҲАРАКАТНИНГ УСУЛИ

Рус тилида вид энг кенг қамровли грамматик категория бўлиб, а бир феъл шакли вид маъносини ифодалаб туради. Вид ва а маъноси ўзаро боғлиқ, шунга кўра вид категориясининг аниқ категориясига таъсири катта. Замон шакллари тузуми аниқ видига қараб турлича бўлади: совершенный виддаги анинг ҳозирги замон шакли йўқ, келаси замон шакли эса аналитик (синтетик) ифодаланади: *прид-у* каби; несовершенный вид- а феълнинг ҳозирги замон шакли бор: *прихож-у* каби; келаси аналитик шакли эса мураккаб ифодаланади: *буду приходит* каби. Вид сифатдошнинг замон шакллари ясалишига ҳам таъсир қилади: совершенный виддаги феълдан сифатдошнинг ҳозирги замон шак-

ли ҳосил қилинмайди: *читающий, читаемый, читавший*; лекин *фаҳат прочитавший*.

Вид ҳаракатнинг маълум бир замонда ўз интиҳосига етмаганини, якунланган-якунланмаганини ифодалайди (шунинг учун кўра асли *совершенный, несовершенный* терминларига қараганда *завершенный, незавершенный* терминлари ҳодисани аниқ номлашга ёрдам беради).

Вид рус тилида жуда мураккаб ифода воситаларига эга бўлади. 1) суффиксал ифода: *выбросить — выбрасывать* каби; 2) префиксал ифода: *варить — сварить* каби; 3) префиксал-суффиксал ифода: *сажать — посадить* каби; 4) супплетив ифода: *брать — взять* каби. Вид категориясида асосий ўринни аффиксал ифода эгаллайди.

Баъзи тилшунослар ўзбек тилида вид бор деса, кўпчилик олимлар вид йўқ дейди. Ҳақиқатда, ўзбек тилида феъл асосий ҳаракатнинг бирор замондаги интиҳосини ифодалаш жиҳатида бетараф. Шунга кўра ҳар бир феъл лексемадан замон категориясининг барча шакллари ҳосил қилинаверади.

Кейинги вақтларда рус тилшунослигида вид категориясида ҳаракатнинг усули (способ действия) ҳодисаси ажратилди (ҳодисани ҳаракатнинг оқими деб номлаш ҳам мумкин). Рус тилида феълларда, вид маъносидан ташқари, одатда ҳаракатнинг миқдорий ва даврий белги-хусусияти ҳам ифодаланади: *запеть, пожать* (начинательный СД), *прореветь* (длительно-ограничительный СД), *отговорить* (финитный СД), *приговаривать* (сопроводительный СД) ва бошқалар. Кўринадики, ҳаракатнинг усули маъноси рус тилида асосан префикс ёрдамида ифодаланади.

Вид феълнинг барча шакллари мансуб бўлади, ҳаракатнинг усули эса барча феълларни қамраб олмайди, бундай маъно тилда феълларда ифодаланмайди.

Ўзбек тилидан вид категориясини қидирувчи тилшунослар бундай ҳодиса деб *қувмоқ — қувамоқ, туртмоқ — турткиламоқ, кулмоқ — кулумсирамоқ, оқармоқ — оқаришмоқ* каби аффикс ясалишларни, *туртмоқ — туртиб юбормоқ, оқармоқ — оқариб қолмоқ* каби ёрдамчи феъл ишлатишларни келтирар эди. Ҳозирги кунда равшан бўлишича, бу ерда вид эмас, балки ҳаракатнинг усули ифодаланади. Юқоридаги мисолларда келтирилган суффиксал ҳаракат усулининг миқдорий белгисини ифодалайди. Ўзбек тилида даги йигирматача ёрдамчи феъл эса асосан ҳаракат усулининг даврий ва бошқача белгисини ифодалайди.

Ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти шуки, айна бир феъл юқоридаги ҳар икки ифода ўз аксини топиши мумкин: *турткила-*

турмоқ, кулумсираб қўймоқ, қуваб кетмоқ, оқаришиб қолмоқ каби. Ўзбек тилининг ўзига хос яна бир хусусияти шуки, бир лексемага айна вақтда икки, ҳатто уч ёрдамчи феъл қўшиб ишлатилади: *айтиб бериб турмоқ, айтиб бериб қўя қолмоқ* каби. Бунда ҳаракатнинг усули айна вақтда бир неча жиҳатдан аниқланади.

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ЎТИМЛИ-ЎТИМСИЗЛИК

Феъллар ўтимли ёки ўтимсиз деб иккига гуруҳланади. Тўғриликларда ўтимлилик ёки ўтимсизликнинг махсус кўрсаткичи бўлиб, шу сабабли ўтимли-ўтимсизлик семантик ҳодиса деб қаралади, лекин, айна вақтда ўтимлилик синтактик ҳодиса экани тан олинади ҳам. Шунга кўра ўтимли-ўтимсизликни асли семантик-синтактик ҳодиса деб баҳолаш тўғри.

Ўтимли-ўтимсизлик ҳаракат билан шу ҳаракат ўтадиган объект (предмет) орасидаги муносабат асосида белгиланади: ҳаракат объектга ўтса, бундай феъл ўтимли ҳисобланади, ўтмаса, ўтимсиз ҳисобланади. Ҳаракат ўтган объектни англатадиган сўзшакл тушум келишигида шаклланиб, воситасиз тўлдирувчи вазифасини амалга оширади: *выпить молоко, сут[ни] ичмоқ* каби.

Воситасиз тўлдирувчи одатда тушум келишигидаги сўзшакл билан ифодаланади. Лекин баъзан бошқа келишикда ҳам бўлади. Ўзбек тилида ҳаракат объектга қисман ўтганлиги ифодаланса, воситасиз тўлдирувчи винительный падеж ўрнига родительный падежда шаклланади: *выпить молока* каби. Шундай маъно ўзбек тилида тушум келишиги ўрнига чиқиш келишиги билан ифодаланади: *сутдан ичмоқ* каби. Демак, "қисман" маъносини ифодалашда рус ва ўзбек тиллари бошқа-бошқа келишикдан фойдаланади. Рус тилининг ўзига хос яна бир хусусияти шуки, инкор қилинамаси қатнашган феълдан кейин ҳам воситасиз тўлдирувчи винительный падежда шаклланади: *не пил молока* каби. Ўзбек тилида феълнинг бўлишсиз шакли воситасиз тўлдирувчининг келишигига таъсир қилмайди: *сутни ичмоқ, сутни ичмаслик* каби.

Ясама феълларда ўтимли-ўтимсизликни кўпинча лексема ясовчи аффикс кўрсатиб туради. Ўзбек тилида феъл ясовчи аффикснинг кўпи ўтимсиз феъл ясайди: *оқ-ар(моқ), кўп-ай(моқ), кул-сира(моқ), кеч-ик(моқ), ялт-ира(моқ), тинч-и(моқ)* каби. Баъзи лексема ясовчилар яшаш асосининг маъносига боғлиқ ҳолда ўтимли феъл ҳам, ўтимсиз феъл ҳам ясайди: *тиш-ла(моқ) — тинч-ла(моқ), дужур-ла(моқ) — ўтимсиз; сон-а → сана(моқ) — ўтимли, сан-а(моқ) — ўтимсиз* каби.

Рус тилида ҳам лексема ясовчи аффикс ўтимсиз феъл ясади: *обед-а(ть)*, *слесар-нича(ть)*, *усерд-ствова(ть)*, *риск-ова(ть)* каби. Биргина ҳолатда ясовчилар ўтимли ёки ўтимсиз феъл ясади: жиҳатидан зидланиш ҳосил қилади: *-е* аффикси ўтимсиз феъл ясайди: *бел-е(ть)* каби; *-и* аффикси эса ўтимли феъл ясайди: *бел-и(ть)* каби. Демак, бу ерда лексема ясовчилар ўтимли ўтимсизликка кўра зидланиш ҳосил этади; лекин бунини грамматик шакллар зидланиши деб бўлмайди.

Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, ўтимсиз феъл ўзим ўзим ўтимли феълга айлантирадиган шакл ясаши мавжуд: *юрт-чи* (ким ёки нима) — *юрғизмоқ* (ким нимани), *ёл-чи* (нимани) — *ёндирмоқ* (ким нимани) каби. Ўзбек тилшунослигида орттима даража (орттирма нисбат) деб юритиладиган бу шакл ясалганда ўтимсиз феълдан ташқари, ўтимли феълда ҳам воқе бўлади: *юрт-чи* ўзим ўзим ўтимли феълни яна ўтимлилаштиради: *ёзмақ* (ким нимани) — *ёздирмоқ* (ким ким орқали нимани кимга) каби.

Орттирма ясовчиси ўтимсиз феълга қўшилганда ташқари бажарувчи келади, мавжуд бажарувчи (эга) объектга (воситали тўлдирувчига) ўтади:

<i>тўхтамоқ</i>		ким ёки нима
		↓
<i>тўхтатмоқ</i>	ким	кимни ёки нимани
	↑	

Орттима ясовчиси ўтимли феълга қўшилганда эса ташқари бажартирувчи келади, мавжуд бажарувчи (эга) эса объектга (воситали тўлдирувчига) ўтади; воситасиз тўлдирувчи эса оддий ўзи сақланади:

<i>ичмоқ</i>		ким	нимани
		↓	↓
<i>ичирмоқ</i>	ким	кимга	нимани
	↑		

Бу ҳодисага мазмунан рус тилидаги *пить* — *поить* муносабати ўхшайди:

<i>пить</i>		кто	что (в. п.)
		↓	↓
<i>поить</i>	кто	кого	чем
	↑		

булар рус тилида жуда оз учрайди. Поишь каби
лар рус тилшунослигида каузативные глаголы деб юритилади.
бу тилидаги орттирмани ҳам каузатив деб номлаш мавжуд,
бу ном орттирманинг ўтимли феъллардан ясалишига мос
дир.

Ўзбек тилида орттирма ясовчиси бир феълга бирин-кетин
орта қўшилиши мумкин:

туфта-т-тир(моқ) ким кимга нимани
ич-ир-тир(моқ) ким ким орқали кимга нимани

Қуддис, орттирма ясалиши туфайли ўзбек тилида барча
феъллар ўтимли феълга айланади. Бундай ҳодиса рус
тилда йўқ. Ўтимлиликнинг ўзбек тилида бундай аффиксал
маланишини ҳисобга олсак, бу ҳодисани бемалол грамматик
сия деб қараш мумкин.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЗАЛОГ (ДАРАЖА)

Залог категориясининг ўзбекча номи (*даража, нисбат*) мақбул
дир (Мен қаратма терминини тавсия қилдим, лекин у расман
қўл қилинмаган, шу сабабли *даража* терминидан фойдалана-
ман).

Феълларда даража категорияси ҳаракатнинг субъект ва объект-
муносабатини билдиради дейилади. Асли бу ерда ҳар қандай
феъл эмас, балки ҳаракат ўтадиган объектгина назарда тутилади
шунинг объект синтактик сатҳда воситасиз тўлдирувчига тенг
дир. Демак, даража категорияси бажарувчи билан ҳаракат
ўтадиган объект асосида белгиланар экан, унда даражаланиш
дат ўтимли феълларга хос хусусият бўлиб чиқади. Даражала-
ни бажарувчи билан ҳаракат ўтадиган объект орасидаги муно-
сабат таъсир этади, шу муносабатда ўзгариш воқе бўлади:

- 1) *Занятие проводит преподаватель.*
- 2) *Занятие проводится преподавателем.*
- 1) *Машғулоти ўқитувчи ўтказида.*
- 2) *Машғулоти ўқитувчи томонидан ўтказилади.*

Биринчи гапда бажарувчини англатадиган сўзшакл бош кели-
да бўлиб, эга вазифасида келган, ҳаракат ўтадиган объектни
англатадиган сўзшакл эса тушум келишигида бўлиб, воситасиз
тўлдирувчи вазифасини бажаради. Иккинчи гапда эса биринчи
гапга нисбатан қуйидаги ўзгаришлар содир бўлади: воситасиз

тўлдирувчи вазифасидаги сўзшаклнинг тушум келишиги келишикка алмашади ва бу сўзшакл эга вазифасига бажарувчини англатадиган сўзшаклнинг бош келишиги рус творительный падеж билан алмашади ва бу сўзшакл яси тўлдирувчига айланади; ўзбек тилида эса бундай нос тўлдирувчи *томонидан* ёрдамчиси билан шаклланади. Ну айтиқса ўзбекча нутқда, бундай воситали тўлдирувчи ку қатнашмайди, натижада ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ қолади, мажҳуллашади. Шу сабабли бу даража ясашиш ма даража (страдательный залог) дейилади, синтактик қурилма мажҳул қурилма (страдательная конструкция) деб юрити. Мажҳул даража яшаш учун хизмат қилган асос рус т действительный залогда деб, ўзбек тилида эса аниқ даражада қаралади, шунга кўра бундай синтактик қурилма ҳам дей тельная конструкция (аниқ қурилма) деб юритилади.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам залог (даража) кат ясининг заминини аниқ ва мажҳул даражалар зидланиши таи этади. Ҳар икки тилда аниқ даражанинг аффикси йўқ (кўрсаткичи шакл). Мажҳул даража эса рус тилида *-ся* постфикс билан ясалади: *выполняют — выполняться* каби. Ўзбек т мажҳул даража асосан *-(и)л* аффикси билан (*Мажлис оч каби*), баъзан *-(и)н* аффикси билан (*Бу фикр кўп ма тақрорланди каби*) ясалади.

Рус тилида мажҳул даража фақат ўтимли феъллардан ясал Ўзбек тилида эса, бундан ташқари, мажҳул даража ортти ясашиши туфайли ўтимлилашган феъллардан ҳам ясалади: *ёнд ёндирди — ёндирилди* каби. Демак, ўзбек тилида мажҳул дар аниқ даражадаги феъллар билангина эмас, балки ортти ясовчисини олган феъллар билан ҳам зидланиш ҳосил эи Шунинг оқибатида даражаланиш (мажҳулланиш) доирасига ўтимсиз бўлган феъллар ҳам қамраб олинади. Рус тилида бу хусусият йўқ.

Рус тилида *-ся* постфикси, мажҳул даражадан ташқари, ў даражанинг кўрсаткичи бўлиб ҳам хизмат қилади. Ўзлик дар ҳам ўтимли феълдан (аниқ даражадаги феълдан) ясалади, н жада ўтимли феъл ўтимсизлашади: *мыть — мыться* каби. даража ясашишида бажарувчи билан ҳаракат ўтадиган об орасидаги муносабатда мажҳул даражадагидан бошқача ўзга ноқе бўлади: бажарувчи ўз ҳаракатининг объекти ҳам бўла Ўзлик даражанинг ясашиши чекланган бўлиб, у ҳар қан ўтимли феълдан эмас, балки ҳаракат бажарувчининг ўзига об сифатида қаратилиши мумкин бўлган ўтимли феълдангина

лаши. Демак, ўзлик даражани мажҳул даража билан тенг қўйиб бўлмайди.

Ўзбек тилида ҳам ўзлик даражанинг табиати юқоридагича. Рус тилидан фарқи шуки, ўзбек тилида ўзлик даражанинг ўз ясовчиси бор, буни қуйидагича зидланишлар аниқ кўрсатади: *яна-и-ди* — мажҳул даража, *юв-ин-ди* — ўзлик даража каби.

Таркибида *-ся* постфикси қатнашадиган феъл рус тилида яна қуйидаги маъноларни ҳам (ўзлик даражага яқин турадиган маъноларни ҳам) ифодалашга хизмат қилади: 1) "общевозвратное значение" (бунда *сам, самому* олмошлари билан ишлатилади): *поднялся сам, остановиться самому каби*; 2) "косвенно-возвратное значение": *убраться (в квартире), собраться (в дороге) каби*; 3) "взаимно-возвратное значение": *обняться, ругаться каби*.

Ўзбек тилида ҳам *-(и)н* аффикси қатор феъллардан том маънодаги ўзлик даража ясамайди, чунки бу феълларда бажарувчининг ўзига қаратиладиган ҳаракат эмас, балки ўз-ўзича амалга оширадиган ҳаракат ифодаланади: *эркала-н-моқ, яхшила-н-моқ каби*.

Бир қанча ясама феълларда лексема ясовчи аффикс ўз таркибига кўра мураккаб бўлиб, том маънодаги лексема ясовчи билан даража ясовчисининг бирлашиб кетиши натижасида юзага келган; ана шундай мураккаб аффикс билан ясалган феълларда ҳам асли "ўзлик" маъноси эмас, балки "ўз-ўзича" маъноси ифодаланади: *завқ-лан-моқ, роҳат-лан-моқ, жаҳл-лан-моқ каби*. Шундай феълларда *-н* аффиксини *-ла* аффиксидан ажратиб бўлмагани сабабли, феъл яшаш *-лан* аффикси билан амалга оширилгани ҳисобга олиниб, баъзи манбаларда бундай феъллар *-ла* аффикси билан ясалган феълларга ноҳақ тенглаштирилади ва аниқ даражадаги феъл деб тушунтирилади. Ваҳоланки бундай феъллардан "ўз-ўзича" маъноси ифодаланади ва бу маъно *-лан* аффикси таркибидаги *-н* қисми туфайли ифодаланади. Бундай феълларда *-н* аффиксини ажратиш мумкин эмаслиги уларни аниқ даражада деб ҳукм чиқариш учун далил бўла олмайди. Бундай феъллардан мажҳул даража ясалмайди, шунинг ўзиёқ бундай феълларни аниқ даражада деб қараш нотўғри эканини кўрсатади.

Юқорида *-ся* постфиксини олган баъзи феъллар "взаимно-возвратный" маъносини ифодалашни айтилди. Бундай маъно, худди ўзлик даража маъносининг гавдаланишида бўлганидек, феъл лексеманинг семантик табиатига боғлиқ ҳолда юзага келади: феъл лексема ўзаро бир-бирига ўтадиган ҳаракатни билдирса, шундангина "биргалик" маъноси ифодаланади: *обниматься каби*.

Ўзбек тилида "биргалик" маъноси махсус шакл ясовчи аффикс билан ифодаланади: *қучоқла-ш-моқ* каби. Бу ерда икки бажарувчининг ўзаро бир-бирига қаратилган ҳаракати содир бўлади. Биргалик даража деб номланган бундай шакл ҳам, худди мажбурий даражада бўлганидек, ўтимли феълдан ясалади, натижада ўтимли феъл ўтимсизлашади: *қучоқла-моқ* (ким кимни) — *қучоқла-ш-моқ* (кимлар ўзаро) каби.

Ўзбек тили баён қилинган манбаларда биргалик даражани ифодаловчи маъноси деб "кўмаклашиш" маъноси ҳам келтирилади (кўмаклаш-юв-иш-моқ, экинчи чоп-иш-моқ каби). Асли бу ясалиш ҳаракатни бажарувчи ортади ва у тенг бажарувчи эмас, балки кўмаклашадиган бажарувчи бўлади, ҳаракатни қисман бажарувчи

<i>кир ювмоқ</i>	<i>ким</i>	<i>нимани</i>
	↓	↓
<i>кир ювишмоқ</i>	<i>ким</i>	<i>кимга нимани</i>
	↑	

Кўринадики, бу ерда орттирма ясалишида бўладиган ўзгариш юзага келади, демак, бундай маънони биргалик даражани ифодаловчи маъноси дейиш маъбул эмас.

Ўзбек тилида *-(и)ш* аффиксининг яна бир ишлатилиш ҳолати бор: *бор-иш-ди, ухла-ш-ди, мақтан-иш-ди, тушунтир-иш-ди, муштаклаш-иш-ди* каби. Мисоллардан кўринадики, бу ердаги *-(и)ш* аффикси, биринчидан, барча даража ясовчиларидан кейин (демак ўтимли феълга ҳам, ўтимсизлашган феълга ҳам, ҳатто ўтимсизлашган феълга ҳам) қўшилаверади, ваҳоланки даража ясовчиси фақат ўтимли ёки ўтимлилашган феълга қўшилади; иккинчидан, бундай *-(и)ш* аффикси фақат III шахсда қатнашади, I, II шахсларда қатнашмайди: *ухлашдим, ухлашдинг* каби ишлатилмайди; даража ясовчиси эса ҳар уч шахсда бирдек қатнашади: *қучоқлашдим, қучоқлашдинг* каби; учинчидан, бундай *-(и)ш* аффикси содир кўплик маъносини ифодалаб, *-лар* аффиксига синоним бўлиб келади: *ухлашди = ухладилар* каби; тўртинчидан, бундай *-(и)ш* аффикси, *-лар* аффикси сингари кўпинча модал маънони ("сизлаш" маъносини) ифодалашга хизмат қилади. Айтилганлар асосида бундай *-(и)ш* аффиксини даража ясовчиси деб эмас, балки шахс-сон категориясининг III шахс кўплик кўрсаткичи деб қараш тўғри.

Бир қанча ясама феъллар, худди *-лан* аффиксида бўлганидек, *-лаш* мураккаб аффикси билан ясалади: ана шундай ясама феълларда кўпинча "биргалик" маъноси эмас, "ўз-ўзича" маъноси

ифодаланади: *ялқов-лаш-моқ, хароб-лаш-моқ, мураккаб-лаш-моқ, тилчка-лаш-моқ, бегона-лаш-моқ* каби. Мисоллардан кўринадики, бундай маъно ифодалайдиган ясама феъл сифатдан ясалади. Бу мураккаб аффикс от лексемадан феъл ясаганида кўпинча "биргалик" маъноси ифодаланади: *мусобақа-лаш-моқ, ваъда-лаш-моқ* каби. Ҳар икки маъно ("ўз-ўзича", "биргалик") бу мураккаб аффикс таркибидаги *-ш* қисми туфайли ифодаланади (*-ш* аффиксининг "ўз-ўзича" маъносини ифодалаши уни худди шундай маънони ифодалайдиган *-н* аффиксига тенглаштириш имконини беради). Мураккаб *-лаш* аффикси таркибидаги *-ш* қисмини даража ясовчиси деб ажратиб бўлмайди, лекин у одатда *-ш* даража ясовчиси ифодалайдиган маънони билдириб туради. Бундай ясама феъл ўтимсиз бўлади, демак, ундан мажҳул даража ясалмайди, шунга кўра бундай ясама феълни аниқ даражада дейиш мумкин эмас.

Рус тилида *-ся* постфикси баъзан ўтимсиз феълга ҳам қўшилади, лекин бунда даража ясаши воқе бўлмайди, балки бундай феълнинг ўтимсизлиги янада таъкидланади ёки шахссиз феъл (безличный глагол) ҳосил бўлади: *стучать — стучаться (в дверь); здесь хорошо спится* каби.

Ўзбек тилида ҳам мажҳул даража ясовчиси ўтимсиз феълга (шунингдек ўтимсизлашган феълга ҳам) қўшилади: *Ишга соат таққизда борилади. Аввал қучоқлашилади, кейин қўл қисиб кўришилади* каби. Бундай ясаишларда даража маъноси эмас, балки "шахссизлик" маъноси ифодаланади. "Шахссизлик" маъносини ўрни билан мажҳул даражадаги феъл ҳам ифодалаб келади: *Бирор асар аввал танишиб чиқиш учун ўқилади, кейин қайтадан синчиклаб ўрганилади* каби.

Хуллас, даража категорияси рус тилида аввало ўтимли феълларга хос, демак, шу тилдаги барча феълларни қамраб олмайди; ўзбек тилида ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантирадиган шакл ясаиши (орттирма) мавжуд бўлиб, шу сабабли даража категорияси доирасига ўтимсиз феъллар ҳам тортилади.

Рус тилининг тусланувчи феъл шаклларида даража ясовчиси назифасини ягона *-ся* постфикси бажаради: мажҳул даража ҳам, ўзлик даража ҳам шу постфикс билан ясалади; ўзбек тилида эса ҳар бир даражанинг ўз ясовчиси мавжуд: *-(u)л* — мажҳул даража ясовчиси, *-(u)н* — ўзлик даража ясовчиси, *-(u)ш* — биргалик даража ясовчиси. Даражалар қаторига қўшиладиган орттирма эса асли алоҳида ҳодиса бўлиб, унинг ясовчилари бир неча: *-тир (-дир), -т, -ир (-ар), -из (-аз), -гиз (-ғиз, -киз, -қиз)*.

Уч грамматик категория — майл, замон, шахс-сон категориялари — ўзаро зич боғланган, шу туфайли бирини баён қилишда албатта иккинчиси ҳам тилга олинади. Бу уч грамматик категория кесимни шаклантиради, шунга кўра кесимлик категориялари деб ҳам юритилади.

Майл категорияси ҳаракат билан воқелик орасидаги алоқасузловчининг муносабатини билдиради. Бунда ҳаракатнинг баъзирилиши (бажарилмаслиги) буйруқ, истак, шарт кабилар билан боғлиқ эканлиги ифодаланади.

Рус тилида асосан уч майл ажратилади: изъявительное наклонение (индикатив), сослагательное наклонение (конъюнктив), повелительное наклонение (императив). Баъзи адабиётларда шарт майли (условное наклонение) ҳам ажратилади, баъзи адабиётларда эса у сослагательное наклонениега қўшиб юборилади.

Ўзбек тилида одатда уч майл ажратилади: аниқлик майли, шарт майли, буйруқ майли. Баъзи адабиётларда шартли майл мақсад майли ҳам ажратилади.

Рус тилида том маънодаги майл деб буйруқ майл кўрсатилади. Бу майлда II шахс шаклигина мавжуд бўлиб, тингловчидан маълум бир ҳаракатни амалга ошириш (ёқоширмаслик) қатъий талаб қилинади ёки илтимос қилинади. *Открой дверь! Не торопись высказывать свои мысли вслух.* Буйруқ майлини ҳосил қиладиган махсус форматив йўқ, тусловчи айни вақтда майл кўрсаткичи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ўзбек тилида ҳам том маънодаги буйруқ майли II шахс тўғри келади, лекин ўзбек тилида уч шахс ва бирлик ҳамда кўплик аффикслари тузуми мавжуд бўлиб, I, III шахсда истак маъноси ифодаланади. Шу сабабли ўзбек тилшунослигида буйруқ аффикслар тузуми билан ҳосил қилинадиган шакллар бир бутун ҳолда буйруқ-истак майли деб юритилади. Ўзбек тилида ҳам буйруқ майлини ҳосил қиладиган махсус форматив йўқ, тусловчилар айни вақтда майл кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади (тусловчилар тузумини шахс-сон категориясининг баёнида келтирдик).

Рус тилида условное наклонениенинг махсус формативи йўқ. Бу майл келаси замон шаклидаги феълни *если* боғловчиси билан ишлатиш орқали ифодаланади: *Если ты придешь до двух часов дня, то сможешь встретиться с отцом.* Рус тилида шарт майлидаги феъл эргаш гапнинг кесими вазифасида келади.

Ўзбек тилида шарт майли *-са* аффикси билан ҳосил қилинади: *Мен келсам, албатта сизни ахтариб топаман.* Ўзбек тилида ҳам шарт майлидаги феъл эргаш гапнинг кесими бўлиб келади. Агар бу шаклдаги феъл содда гапнинг кесими бўлиб келса, шарт маъноси эмас, балки истак маъноси ифодаланади: *Эртага бир келиб ухласам.*

Қурилишида, ўзбек тилида истак маъносини буйруқ-истак майлидаги феълнинг I, III шахс-сон шакллари ҳам, *-са* аффикси билан ҳосил қилинган феъл шакли ҳам ифодалайди; шунга кўра рус тилида истак майлини мустақил майл сифатида ажратиш мумкин.

Рус тилида сослагательное наклонениенинг махсус формативи йўқ. Бу майлнинг маъноси ўтган замон шаклидаги феълни буюлмагани билан, шунингдек *если бы, хотя бы* каби боғловчи шаклини ишлатиш орқали ифодаланади: *Позвал бы своего друга. Хотел бы он извиниться. Если бы он пригласил, то мы поехали бы к нему в гости.*

Рус тилидаги сослагательное наклонениега ўзбек тилида *-са* аффикс формативлари билан ҳосил қилинадиган феъл шакли тўғри келади: *Рухсат берсангиз эди, мен ўз мулоҳазаларимни айтган эдим.* Баъзи манбаларда шартли майл деб номланган бу феъл шакли тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасини бажаргани, бунда бош гапнинг кесими бўлиб *-(а)р эди* формативлари билан ҳосил қилинган феъл шакли келади.

Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, мақсад майлини ажратиш ҳам бор: *Бугун раҳбарим билан учрашмоқчиман* каби. Ҳуқуқчилик манбаларда *-моқчи* аффикси майл шаклини ҳосил қилувчи деб эмас, балки замон шаклини ҳосил қилувчи деб кўриш қилинади.

Буйруқ, истак, шарт каби модал маънолар майл маънолари билан ифодалади. Изъявительное наклонениеда (аниқлик майлида) худди шундай маънолар ифодаланмайди. Бу ерда ҳаракатнинг маълум замонда воқе бўлиши (ёки воқе бўлмаслиги) билдирилади. Изъявительное наклонениенинг (аниқлик майлининг) махсус формативи йўқ, ҳаракатнинг воқеликка муносабати замон шакллари ҳосил қиладиган формативлар орқали билдирилади. Шунга кўра аниқлик майлининг тасвири замон категориясининг тасвири бўлиб қолади (замон категориясини қуйида чақиштирамиз).

Хуллас, рус ва ўзбек тилларида майл категорияси турларга ажратилишида катта фарқ қилмаса ҳам, майлларнинг ифода усулларида фарқланиб туради.

Замон категорияси ҳаракатнинг нутқ онига муносабативи билдиради. Бу категориянинг одатда уч асосий тури ажратилади: ҳозирги замон, ўтган замон, келаси замон.

Ҳар қандай ҳаракат маълум замон ва маконда содир бўлади. Бундай ёндашувда замон фалсафий категория ҳисобланади. Тилда эса замон — грамматик категория. Замон грамматик категорияси ҳақида гапириш учун замон маъносини ифодалайдиган формативлар тузуми мавжуд бўлиши, шундай шакллар зидланиши мавжуд бўлиши лозим. Бундай хусусият барча феъл шаклларига хос эмас. Замон категорияси аввало буйруқ майлида йўқ. Бу феъл шакли нутқ онидан кейин содир бўлиши кутиладиган ҳаракатни билдиради, лекин замон шаклларининг зидланиши (тузуми) йўқ, демак, замон категорияси бу майлга мансуб эмас. Бу ҳодиса рус ва ўзбек тилларида бир хил.

Рус тилида сослагательное наклонение ўтган замон шакли асосида ҳосил қилинади, лекин бу ерда ҳам бошқа замон шакллари йўқ, демак, замон категорияси бу майлга ҳам мансуб эмас.

Замон категорияси шарт майлига ҳам хос эмас деб қаралади. Рус тилида шарт маъноси феълнинг келаси замон шаклини *если* боғловчиси билан ишлатиш орқали ифодаланади, демак, бу ерда ҳам замон шаклларининг зидланиши (тузуми) йўқ. Ўзбек тилида шарт майли махсус форматив — *-са* аффикси билан ҳосил қилинади ва бунда келаси замон маъноси ифодаланади. Рус тилидан фарқли ҳолда, ўзбек тилида шарт майлининг ўтган замон шакли ҳам мавжуд. Қиёс қилинг: *келсанг — келган бўлсанг* каби. Шарт майлининг ҳатто *келаётган бўлсанг, келадиган бўлсанг* каби шакллари ҳам мавжуд. Кўринадики, ўзбек тилида шарт майли феълига замон категорияси мансуб.

Замон категорияси тўлиқ маънода изъявительное наклонениега (аниқлик майлига) хос, лекин бу ерда рус ва ўзбек тиллари ўзаро кескин фарқ қилади.

Маълумки, рус тилида замон категорияси вид категориясига боғлиқ: несовершенный вид феълларига ҳар уч замон тури мансуб: *разговариваю, буду разговаривать, разговаривал* каби; совершенный вид феълларига эса келаси замон ва ўтган замон турлари мансуб, ҳозирги замон тури йўқ: *напишу, написал* каби. Кўринадики, рус тилида ҳозирги замоннинг ва ўтган замоннинг биттадан шакли мавжуд, келаси замонда эса икки шакл — синтетик шакл ва аналитик шакл — мавжуд. Рус тилида узок

Ушбу замон давом феъли ҳам бор, лекин бу замон шакли ҳозирги рус тилида жуда оз ишлатилади: *Мать часто сживала в своей комнате. Раньше отец хаживал по этим тропинкам.*

Ўзбек тилида замон турларининг ҳар бири бир неча шаклга эга:

1. Ҳозирги замон турининг шакллари қуйидагича ҳосил қилинади:

1) Аниқ ҳозирги замон шакли: а) *-ётир* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетаётирман* каби; б) *-ётиб* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетаётибман* каби; в) *-яп* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетаяпман* каби; г) *-моқда* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетмоқдаман* каби; д) мустақил феълнинг *-(и)б* равишида шаклига *ёт, ўтир, тур, юр* ёрдамчи феълларидан бирини *(и)б* шаклида қўшиш билан ҳосил қилинади: *ўқиб ётибман, ўқиб турабман* каби. Ҳозирги замоннинг бу шакллари ўзаро нозик фарқларига ва услубий фарқларга эга.

2) Ҳозирги замон гумон шакли *-ётган* аффиксини *-дир* моддаси билан ишлатиш орқали ҳосил қилинади: *кетаётган-дирман* каби.

3) Ҳозирги-келаси замон шакли *-(а)й* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетаман, ўқийман* каби. Бу шакл ҳозирги замондан кўра кўпинча келаси замонни, умумзамонни ифодалашга хизмат қилади.

2. Келаси замоннинг шакллари қуйидагича ҳосил қилинади:

1) қатъий келаси замон шакли (буни аниқ келаси замон деб атайдилар) *-ажак (-яжак)* аффикси билан ҳосил қилинади (бу замон шакли ҳозирги ўзбек тилида жуда оз ишлатилади): *кетаажакман, ишляажакман* каби;

2) келаси замон гумон шакли *-(а)р* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетарман, ўқирман* (бўлишсизлик аффиксидан кейин қўшилади: *кетмасман*) каби;

3) келаси замон лозим шакли *-диган* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетадиганман* каби;

4) келаси замон мақсад шакли *-моқчи* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетмоқчиман* каби (бу замон шакли баъзи манбаларда мақсад майли деб номланган).

Кўринадики, келаси замон шакллари, замон маъноси билан бир қаторда, модал маънони ("қатъий", "гумон", "лозим", "мақсад" каби маъноларни) ҳам ифодалайди. Бу ерда ифодаланадиган модал маънолар майл категориясида ифодаланадиган модал маънолардан фарқ қилади, албатта. Юқорида тасвирланган тўрт

шаклни модал маъноли келаси замон шакллари деб баҳолаш ўринли.

3. Ўтган замоннинг шакллари қуйидагича ҳосил қилинади:

1) яқин ўтган замоннинг аниқ шакли (буни аниқ ўтган замон шакли деб юритадилар) *-ди* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетдим* каби;

2) яқин ўтган замоннинг эслатиш шакли (буни узоқ ўтган замон шакли деб юритадилар) *-ган* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетганман* каби;

3) узоқ ўтган замон шакли *-ган эди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетган эдим* каби (бу ерда *эди* формативи яқин ўтган замонни узоқ ўтган замонга айлантиради);

4) ўтган замон ҳикоя шакли *-(и)б* аффикси билан ҳосил қилинади: *кетибман* каби (бу шаклни ўтган замон эшитилганлик шакли деб юритадилар);

5) узоқ ўтган замон ҳикоя шакли *-(и)б эди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетиб эдим* каби (бу ерда *эди* формативи ўтган замонни узоқ ўтган замонга айлантиради);

б) узоқ ўтган замон давом шакли *-(а)р эди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетар эдим* каби (бу ерда *эди* формативи келаси замоннинг гумон шаклини узоқ ўтган замонга айлантиради); бу замон шаклининг ўзига хос хусусияти шуки, *эди* формативидан ташқари, *экан*, *эмиш* формативлари билан ҳам ишлатилади: *кетар эканман*, *кетар эмишман* каби (бунда *эди* "аниқ", *экан* "эслатиш", *эмиш* "шубҳа" маъносини ифодалашга хизмат қилади);

7) узоқ ўтган замоннинг ҳозирги замон давом шакли:

а) *-ётир эди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетаётир эдим* каби;

б) *-ётиб эди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетаётиб эдим* каби;

в) *моқда эди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетмоқда эдим* каби (юқоридаги ҳар уч замон шаклида аффикс ифодалайдиган ҳозирги замон маъноси сақланади ва унга *эди* формативи ифодалайдиган узоқ ўтган замон маъноси қўшилади);

г) *-ётган эди* формативлари билан ҳосил қилинади: *кетаётган эдим* каби (бу ердаги ўзгариш бир оз мураккаброқ: ҳозирги замон гумон шакли таркибида қатнашадиган *-дир* формативини ташлаш ва *эди* формативини қўшиш билан ҳосил қилинади; маъно ифодалаши юқоридагача).

Кўринадики, ўтган замон шакллари ўзбек тилида жуда мураккаб тузумни ташкил этади.

Тасвирдан маълум бўладики, ўзбек тилида фақат замон шаклини ҳосил этишга хизмат қиладиган *-ётир*, *-ётиб*, *-ял*, *моқда*, *-ди* аффикслари мавжуд. Булардан ташқари, замон шаклини ҳосил этишда *эди* формативи (қисман *экан*, *эмиш* формативлари) ҳам хизмат қилади. Замон шакллари *-а(-й)*, *-(и)б*, *-(а)р*, *-ган*, *-ётган*, *-диган* аффикслари билан ҳам ҳосил қилинади; замон шаклини ҳосил этиб келганида бу аффиксларни *сифатдош*, *сифатдош аффикслари* деб бўлмайди.

Хуллас, ўзбек тилидаги замон категорияси рус тилидаги замон категориясига қараганда анча мураккаб бўлиб, қунт билан рағбатини талаб қилади.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАХС-СОН

Шахс-сон категорияси бажарувчи билан ҳаракат орасидаги муносибати билдиради, кесимда эгага (бажарувчига) боғлиқ бўлган шакл ўзгариши худди шу шахс-сон категориясида намоён бўлади.

Рус тилида шахс-сон шакллари асосан феъл кесимга хос: *иди*, *придешь*, *буду приходит*, *будешь приходит* каби. От кесимда эса боғлама ишлатилсагина шахс-сон ифодаланади (*буду приходит* каби), боғлама қатнашмаса, фақат сон маъноси ифодаланади (*Я учитель*, *Мы учителя*, *Ты учитель*, *Вы учителя* каби).

Ўзбек тилида эса, феъл кесимдан ташқари, от' кесим ҳам шахс-сонда тусланади: *Мен ўқитувчиман*, *Сен ўқитувчисан* каби. Рус тилидан яна бир фарқ шуки, эга кўпликда бўлишидан қатъи назар, кесим вазифасидаги от бирликда ҳам, кўпликда ҳам бўла олади, шундан кейин келадиган шахс-сон аффикси эса эгадан ифодаландиган шахс-сонга мувофиқ қўшилади: *Биз ўқитувчимиз*, *Они ўқитувчилармиз* каби.

Шахс-сон категорияси уч шахс ва бирлик ҳамда кўплик маъносини ифодалайдиган формативлар тузумидан иборат бўлиб, булар замон категорияларига боғлиқ ҳолда турлича намоён бўлади.

Рус тилида шахслар бўйича ўзгариш барча феъл шаклларида намоён эмас. Аввало, ўтган замон шакли шахслар бўйича ўзгармайди, фақат сонда, III шахс бирликда эса родда ҳам ўзгаради: *Я // он // она // он читал*; *Она читала*. *Мы // вы // они читали* каби. Бунда шахс маъносини феъл кесимнинг ўзи эмас, балки кесимнинг вазифасидаги сўзшакл ифодалайди. Рус тилшунослигида шахс маъносининг бундай ифодаланиши аналитик ифодаланиш деб

юритилади (тугалланма билан ифодаланиш эса синтетик ифодаланиш дейилади). Бу ҳодисани синтетик ва аналитик шакл билан қориштирмаслик учун асли морфологик ва синтаксис ифодаланиш деб номлаш маъқул булар эди.

Ўзбек тилида феълнинг барча замон шакллари шахс-сонга ўзгаради.

Рус тилида уч шахс-сонда тусланиш изъяснительное наклонениенинг ҳозирги ва келаси замон шакллари хос. Бу тугалланма таркибидаги унлига қараб I тусланиш ва II тусланиш ҳақида гапирилади. Бу икки тусланишда I шахс бирлик тусланишлари бир хил: I тусланишда: *прид-у, начинай-у*; II тусланишда: *ухож-у, сморг-ю* каби. I шахснинг кўплигида ва II, шахс-сонда эса бу тусланиш турларининг кўрсаткичлари унлиларига кўра фарқ қилади: бирликда: II шахсда: *прид-е, уход-ишь*, III шахсда: *прид-ет, уход-ит*; кўпликда: I шахсда: *прид-ем, уход-им*, II шахсда: *прид-ете, уход-ите*, III шахсда: *прид-ут, уход-ят* каби. Кўриниб турибдики, шахс-сон морфемасининг ифода планида ундош фонема таянч бўлиб хизмат қилади унли эса феъл асосининг табиатига қараб вариантланади. Демак, рус тилида асли тусловчиларнинг ягона тузуми ҳақида гапириш мумкин.

Тусловчилар ўзбек тилида уч тузумни ташкил этади: I тусланишда: *-ман, -сан, -ди* ёки \emptyset ; *-миз, -сиз, -ди(лар)* \emptyset (*лар*); II тусланишда: *-м, -нг, \emptyset*; *-к, -нгиз, \emptyset* (*лар*); III тусланишда: *-(а)й/ин*; *-гин* ёки \emptyset , ёки *-(и)нг; син; -(а)й/ин; -(и)нгиз* ёки *-(и)нглр; -син(лар)*.

III тусланиш ўзбек тилида буйруқ-истак майлига хосланган (*бор-ай/ин*), *бор-\emptyset*, *бор-гин, бор-инг; бор-айлик, бор-ингиз, бор-инглр, бор-син(лар)* каби. Кўринадики, ўзбек тилида буйруқ-истак майлига хосланган тусловчилар бир бутун тузумни ташкил этиб туради.

Рус тилида буйруқ майлининг фақат II шахс шакли маъқул шу сабабли бу ерда тусланиш ҳақида гапириб бўлмайди: шахс-сон кўрсаткичи *бор-у*, лекин шахс-сон кўрсаткичлари тузуми рус тилида I, III шахсга қаратилган истак, илтимос кўрсаткичлари маънолар ҳозирги ва келаси замон шаклларини махсус оҳанг билан талаффуз қилиш орқали ифодаланади: *Бежим в аудитории! Будьте вежливы друг с другом. Пусть он больше опаздывает* каби.

Буйруқ майлининг II шахс бирлик шакли рус тилида феълнинг ҳозирги замон (сонда келаси замон) асосига: I) *-и* суффикси қўшилиш билан ҳосил қилинади: *напиши(ут)*—*напиши-и* каби.

и поля кўрсаткичли суффикс билан ҳосил қилинади: *бросай* (уст) — *бросай-Ø*, *сяд* (уст) — *сядь-Ø* каби. Кейинги тур ифодаланишида буйруқ майли шакли ташқи кўринишда феъл асосига тенг бўлиб қолади. Юқоридаги икки усулдан ташқари, буйруқ майлининг бу шакли бошқачароқ усул билан ҳам ҳосил қилинади: *дай* (уст) — *дай(уст)* — *давай*, *бей* (уст) — *бей(уст)* — *бей*, *есть* — *есть* каби.

Рус тилида буйруқ майлининг кўплик шакли бирлик шаклига тенг суффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади: *напишите*, *бросайте* каби.

Кўринадики, рус тилида буйруқ майли, аввало, II шахс-соннинг ўзи билан чекланган, иккинчидан, шу шахснинг бирлигида буйруқ шакли феъл асосининг табиатига қараб бир неча усул билан ҳосил қилинади. Ўзбек тилида ҳам II шахснинг бирлик шакли бир неча хил ифодаланади, лекин булар асоснинг табиатига боғлиқ эмас, балки ўзаро фарқли маънони ифодалашга қаратилган қилади: *бор* — қатъий буйруқ, *боргин* — илтимос, *борин* — "сизлаш" (аввалги иккисида "сенлаш" маъноси ифодаланади).

Ўзбек тилида II тусланиш шарт-истак майлига ва аниқлик маъносидagi яқин ўтган замоннинг аниқ шаклига хосланган (*эди* формативи қатнашадиган феъл шаклларида ҳам, табиий, шу услончилар қатнашади): *борса-м*, *борса-нг*, *борса-Ø*, *борса-к*, *борса-нгиз*, *борса-лар*; *борди-м*, *борди-нг*, *борди-Ø*, *борди-к*, *борди-нгиз*, *борди-(лар)*; *борган эди-м*, *борган эди-нг* каби.

Маълумки, рус тилида сослагательное наклонение ўтган замон шакли асосида ҳосил қилинади. Ўтган замон шакли эса рус тилида тусланмайди, шу сабабли сослагательное наклоненида тусланиш йўқ.

Ваъзи манбаларда условное наклонение сослагательное наклонение билан бирлаштириб юборилади, ваҳоланки буларни айрим-айрим сақлаган маъқул, чунки сослагательное наклоненида тусланиш йўқ; условное наклонение эса келаси замон шакли асосида ҳосил қилинади, шу туфайли бу майлда тусланиш бор: *Эли ты придешь*, *Если он придет* каби.

Ўзбек тилида шарт майлидаги феъл ҳам, шартли майлдаги феъл ҳам шахс-сонда тусланади: *Агар сен келсанг*, *ишимиз юришиб кетади*. *Сен келсанг эди*, *ишимиз юришиб кетар эди* каби.

Ўзбек тилидаги I тусланиш аниқлик майлига хосланган (фақат бу суффикси билан ясаладиган, *эди* формативи қатнашадиган замон шакллари бундан мустасно): *бора-ман*, *бора-сан*, *бора-ди*,

бора-миз, бора-сиз, бора-ди(лар); борган-ман, борган-сан, бора-
Ø, борган-миз, борган-сиз, борган-Ø(лар) каби. От кесимга
шу тусловчилар қўшилади: ўқитувчи-ман, ўқитувчи-сан, ўқит
чи-Ø каби.

Ўзбек тилидаги I тусланиш аффикслари кишлолик олмо
ридан ўсиб чиққани аниқ кўриниб туради. Асли II тусла
аффикслари ҳам I тусланиш аффиксларининг қисқариши н
жасида юзага келган дейилади. Бундан қатъи назар, ҳар и
тусланиш кўрсаткичларининг манбаи бир. Буйруқ-истак ма
тусловчиларининг келиб чиқиш манбаи ўзгача.

Хуллас, рус ва ўзбек тилларида феъл шакллари турл
тусланади; тусловчилар рус ва ўзбек тилларида ҳар хил тус
ларни ташкил қилади ва уларнинг кўрсаткичлари ҳам ўзига
хусусиятлари билан фарқланиб туради.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СИФАТДОШ

Сифатдош жараёни предметнинг белгиси сифатида билдири
шунга кўра, феъллик хусусиятларидан ташқари, сифатлик ху
сиятларига ҳам эга дейилади. Илгари рус тилшунослигида
фатдош феълнинг бир шакли деб қаралар эди, ҳозир эса феъл
алоҳида туркум деб қараш кучаймоқда.

Рус тилида сифатдош: 1) жараёни билдиради, феъл
жараёни билдиради; 2) сифатдош фақат феълдан ҳосил қили
ди, демак, феълликнинг ўз доирасида юзага келадиган ҳод
3) сифатдош ўзи ясалган феъл билан айна бир лексик маъно
англатади (янги лексик маъно англатилмас экан, демак, я
лексик бирлик, янги туркум бирлиги юзага келмайди); 4) сиф
дошда унга асос бўладиган феълнинг ўтимли-ўтимсизлик хус
яти сақланади; 5) сифатдошда унга асос бўладиган феъл
даражаси (залог) сақланади; 6) сифатдошда ҳам, феъл
бўлганидек, вид, замон категориялари мавжуд; 7) вид категори
тусланувчи феълнинг замон шакллари ясалишига қандай таъ
қилса, сифатдошнинг замон шакллари ясалишига ҳам шун
таъсир қилади; 8) сифатдошда унинг ясалишига асос бўлади
феълнинг бошқарув хусусияти, ўзига ҳол бўлакни боғлаш ху
сияти айнан сақланади. Юқорида таъкидланган хусусиятлар
фатдошнинг феъллик белгилари деб келтирилади. Аслида
булар — сифатдош феъл эканини, феълнинг бир шакли экани
тасдиқлайдиган далиллар.

Қуйидагилар сифатдошнинг сифатлик белгилари деб келти
лади: 1) сифат каби предметнинг белгисини билдиради (ле

1) предметнинг доимий белгисини билдирса, сифатдош вақтин-
белгисини билдиради); 2) сифат каби сифатловчи вазифасида
дан; 3) сифат каби сифатланмиши билан род, сон, келишиқда
яниб ўзгаради; 4) сифат каби турланади; 5) сифатдошда ҳам
қат мажҳул сифатдошда), сифатларда бўлганидек, қисқа шакл
ва у кесим вазифасига хосланган (*растегнутая рубаха* —
са *растегнута* каби).

Предметнинг белгисини билдириши, сифатловчи вазифасида
ни, турланиши — бундай хусусиятлар сонларга ҳам, олмош-
нинг айрим турларига ҳам хос, лекин шу асосда улар сифат
қаралмайди; демак, бундай белгилар сифатдошни алоҳида
қум деб ажратиш учун етарли далил бўла олмайди. Сифат
ни сифатдошни ҳақиқатда яқинлаштирадиган хусусият — қисқа
нинг мавжудлиги, лекин бу ҳам асли туркумлик белгиси
май, балки синтактик вазифа (кесимлик вазифаси) талаби
ни юзга келган шакл.

Қуллас, сифатдошнинг феъллик белгилари шу қадар салмоқли
сифатлик белгилари шу қадар умумийки, ҳеч қандай икки-
май сифатдошни феълнинг бир шакли деб талқин этишни
иб-қувватлаймиз.

Ўзбек тилида ҳам сифатдош юқоридагича белги-хусусиятларга
(бунда, албатта, рус тилининг ўзига хос вид, қисқа шакл,
яниши хусусиятлари назардан соқит қилинади). Ўзбек тилшу-
нида сифатдош феълнинг бир функционал шакли деб қара-

сифатдош ҳосил қиладиган формативлар рус ва ўзбек тилла-
и ўзига хос тузум ташкил этади; сифатдошнинг ясалиши рус
ўзбек тилларида ўзига хос қонуниятларга бўйсунди.

Рус тилида сифатдошнинг ясалиши аввало вид категориясига
иқ; несовершенный вид феълларидан сифатдошнинг ҳозирги
ўтган замон шакллари (*сидящий, сидевший* каби), совершен-
ий вид феълларидан эса сифатдошнинг фақат ўтган замон шакли
ида (*просидевший* каби). Қўринадики, рус тилида сифатдош-
а икки замон тури — ҳозирги замон ва ўтган замонгина —
суб (келаси замон сифатдоши ясалмайди).

Сифатдошларда ҳам даража ясалиши феълнинг ўтимли-
исизлигига асосланади ва ўзига хос хусусияти бор: ўтимли
дан аниқ даража сифатдошлари ҳам (*раскрывающий, рас-*
крывший каби), мажҳул даража сифатдошлари ҳам (*раскры-*
тый, раскрываемый каби) ясалади; ўтимсиз феълдан эса фақат
қ даража сифатдоши ясалади (*сидящий, сидевший* каби).
вратный глаголлардан ҳам сифатдош худди юқоридагича яса-

лади (*улыбающийся, улыбавшийся, улыбнувшийся* каби). Сифатдошларда ҳам даражаланиш асли ўтимли феълдан ясалишлар мавжуд. Ўтимсиз феълдан ясалишларни аниқ даража сифатдошлари дейиш шартли (чунки мажҳул сифатдош билан зидланмай йўқ).

Рус тилида сифатдош ҳосил этувчи формативлар даража замон ва феълларнинг тусланиш синфлари асосида биркирилган. 1) аниқ даражада: а) ҳозирги замонга: *-ущ (-ющ)* — I тусланишда, *-ащ (-ящ)* — II тусланишда; б) ўтган замонга: *-вши* (ўтган билан тугайдиган асосда), *-ш* (ундош билан тугайдиган асосда). 2) мажҳул даражада: а) ҳозирги замонга: *-ни, -ени, -т* (ҳар бир айрим-айрим феъл турларига). Кўринадики, рус тилида ҳар бир сифатдош ясовчи аффикс даража ва замон жиҳатидан хосяланган бўлади.

Ўзбек тилида сифатдош ясалишига феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлиги, даражаси таъсир кўрсатмайди, сифатдош ясовчи аффиксларда бу жиҳатдан хосяланиш йўқ. Масалан, *-ган* сифатдош ясовчиси ўтимсиз феълга ҳам, ўтимли феълга ҳам, аниқ даражадаги феълга ҳам, мажҳул даражадаги феълга ҳам қўшилаверади: *келган, берган, берилган* каби.

Ўзбек тилида вид категорияси йўқ, шунга кўра сифатдош ясалишида замон жиҳатидан чекланиш ҳам йўқ, ҳар уч замон тури мавжуд: *-ган* аффикси ўтган замон сифатдошини ясайди, *-ётган* аффикси ҳозирги замон сифатдошини ясайди, *-ди* аффикси келаси замон сифатдошини ясайди; кўкоридagi аффикс ўзаро замон ясовчилари сифатида зидланиш ҳосил этади. Булардан ташқари, ўзбек тилида сифатдош яна *-(а)р* (феълнинг бўлишсиз асосида эса *-с*), *-ажак*, *-гуси* аффикслари билан ясаллади, булар барчаси келаси замон сифатдошларини ҳосил қилади.

Рус ва ўзбек тиллари орасида энг муҳим фарқлардан бири шуки, рус тили сифатдошларида шакл ўзгариши мавжуд: сифатдошнинг тўлиқ шакли сифатловчи вазифасида келади ва сифатланмиши билан род, сон, келишида мослашади; ўзбек тилида эса бундай вазифада келган сифатдош ўзгармади, сифатланмишига бигишув йўли билан боғланади. Қиёслаган: *проходящая конференция, проходящую конференцию; утаётган конференция, утаётган конференцияни* каби.

Рус тилида сифатдошнинг тўлиқ шакли сифатловчи бўлиб, келиб, ўз сифатланмишидан олдин ҳам, кейин ҳам жойлаштирилади: *выступивший вчера на собрании товарищ... — товарищ выступивший вчера на собрании...* каби. Сифатдош ўзи

ингалиниб келган сўзлар билан биргаликда ёйиқ бўлакка тенг бўлади, бундай ёйиқ бўлак сифатдош оборот деб юритилади.

Ўзбек тилида ҳам сифатдош ўзига боғланган сўзлар билан биргаликда ёйиқ бўлак (сифатдош оборот) ҳосил этади: *кечаги келишида сўзлаган ўртоқ... каби.*

Рус тилида сифатдош кесим вазифасида ҳам келади, лекин бу вазифада сифатдошнинг асосан қисқа шакли келади: *Картофчи убран. Сено скошено. Деревья окопаны* каби. Кўринадики, бундай вазифасига хосланган бундай қисқа шакл род ва сонда ўзгариб, эга билан шу жиҳатдан мувофиқлашади (келишик синтактик алоқада қатнашмайди).

Ўзбек тилида кўпчилик сифатдош ясовчиларидан кейин тусловчи (шахс-сон кўрсаткичи) қўшилади ва бундай сўзшакл кесим вазифасида келади: *ўқиганман, ўқийдиганмин, ўқирман* каби. Лекин бундай сўзшакллар сифатдош деб эмас, балки тусловчилик феъл деб (спрягасмый глагол деб) қаралади, бундай сўзшакл таркибида қатнашадиган *-ган, -диган, -(а)р* аффикслари сифатдошнинг аффикс деб эмас, балки замон ясовчи аффикс деб баҳоланади. Аслида бу аффикслар — сифатдош ясовчиси, лекин кесим вазифасидаги тусланган феъл таркибида бошқача грамматик вазифани бажаради. Демак, ўзбек тилида *-ган* каби аффиксларнинг нуқтаи назардан, яъни сифатдош ясовчиси сифатида ва замон ясовчиси сифатида баҳоланиши лозим.

Ўзбек тилида сифатдош турловчи олиб ҳам келади: *Ўқитувчининг гапиргани эсимда. Машиғулотларнинг давом этаётганини билмаман. Унинг ишига бормайтганидан хабарим йўқ* эди каби. Бундай шаклда ишлатилиш сифатдош учун бирламчи эмас, балки кўпламчи, яъни синтактик трансформация оқибатида воқе бўлаётгани ҳолат: *Ўқитувчи гапирди → Ўқитувчининг гапиргани...* каби.

Бундан қатъи назар, ўзбек тилида сифатдош ясовчисидан кейин тусловчи, нисбатловчи, турловчининг қўшила олиши рус ва ўзбек тилларида сифатдошларнинг яна бир муҳим тафовути борлигини кўрсатади: рус тилида сифатдош феълликнинг боши берк шохобчаси бўлиб, сифатдош ясовчисидан кейин (тугалланмадан ташқари) янада бирор форматив қўшилмайди; ўзбек тилида эса сифатдош боши берк шохобча эмас, ундан кейин маълум мақсад ва сабабларга кўра грамматик кўрсаткич қўшила олади, шу туфайли сифатдош грамматик тили грамматик тузумида кенгроқ ўрин эгаллайди.

Қуллас, олимларнинг сифатдошни феълликнинг бир шакли деб баҳолашида бир туркум деб икки хил талқин этишидан қатъи назар, рус ва ўзбек тилларидаги бу грамматик ҳодиса орасида янагина жиддий фарқлар мавжуд.

Равишдош жараённи бошқа бир жараённинг белгиси сифати ёки иккиламчи жараён сифатида билдиради, шунга кўра, феъл хусусиятларидан ташқари, равишлик хусусиятларига ҳам дейилади.

Илгари рус тилшунослигида равишдош феълнинг бир шакли деб қаралар эди, ҳозир эса феълдан алоҳида туркум деб қаралган ҳам мавжуд.

Рус тилида равишдош: 1) жараённи билдиради, феъл хусусияти жараённи билдиради; 2) равишдош фақат феълдан ҳосил қилинади, демак, феълликнинг ўзи доирасида юзага келадиган ҳодиса; 3) равишдош ўзи ясалган феъл билан айни бир лексик маъно англатади (янги лексик маъно англатилмас экан, янги туркум бирлиги ҳам юзага келади); 4) равишдошда унга асос бўладиган феълнинг види сақланади; 5) равишдошда унга асос бўладиган феълнинг ўтимли-ўтимсизлик хусусияти сақланади; 6) равишдошда унга асос бўладиган феълнинг даражаси (залог) сақланади; 7) равишдошда унга асос бўладиган феълнинг бошқарув хусусияти, ўзига хос бўлакни боғлаш хусусияти сақланади.

Юқорида таъкидланган хусусиятлар равишдошнинг феъллик белгилари деб келтирилади; аслида эса булар — равишдош феъллик эканлиги, феълнинг бир шакли эканлиги қатъий тасдиқлайдиган далиллар.

Қуйидагилар равишдошнинг равишлик белгилари деб келтирилади: 1) жараённинг белгисини билдира олади; 2) ҳол вазифасини кела олади; 3) форма ўзгариши йўқ.

Юқорида саналган барча белги-хусусиятлардан маълум бўладики, равишдошнинг феълнинг бир шакли деб қараш тўғрисида Равишдошнинг ўзбек тилидаги табиати бу фикрни янада қатъийроқ айтиш ҳуқуқини беради.

Ўзбек тилида ҳам равишдошга худди юқоридагича белги-хусусиятлар мансуб (рус тилига хос вид, табиий, назардан соқил қилинади).

Равишдош ҳосил қиладиган формативлар рус ва ўзбек тилларида ўзига хос тузумни ташкил этади. Рус тилида равишдошнинг ясалиши вид категориясига боғлиқ: 1) Несовершенный вид равишдоши феълнинг ҳозирги замон асосидан *-а(-я)* суффикси билан ясалади: *говор(ят)*— *говор-я*, *уч(ат)*— *уч-а*, *рад(ют)ся*— *раду-я-сь* каби. Бу суффикс баъзи феълларнинг инфинитив асосини ҳам қўшилади: *встава(ть)*— *встава-я* каби (*быть* феълдан экинчи суффикси билан ясалади: *будучи*). 2) Совершенный вид

равишдоши феълнинг инфинитив асосидан *кўпичча* -*в* суффикси билан, қисман *-вши, -ши* суффикси билан ясалади: *прочита(ть)*— *прочита-в, исчезну(ть)*— *исчезну-вши, изнемо(чь)*— *изнемо-ши* каби (*кўпгина* феълларда ҳар икки суффикс билан маънави мавжуд: *прочитав, прочита-вши* каби). Баъзи феъллардан соғиртенниий вид равишдоши *-а(-я)* суффикси билан ясалади: *прочт(ут)*— *прочт-я* каби.

Полиратный глаголлардан бу тур равишдош фақат *-вши, -ши* суффикси билан ясалади: *обня-вши-сь, задер-ши-сь* каби.

Ўзбек тилида равишдош шакли барча феъллардан ясалавради. Равишдош ясовчиси бўлиб қуйидаги аффикслар хизмат қилади: 1) *-а* (унидошдан кейин), *-й* (унлидан кейин): *кел-а, ўқи-й* каби; 2) *-(и)*: *кел-иб, ўқи-б* каби; 3) *-гач (-қач)*: *кел-гач, эк-қач, оқ-қач* каби; 4) *-гани (-кани, қани, баъзан -гали)*: *ўқи-гани (келдим), эк-кани (келдик), (қўйларни) боқ-қани (кеттишди), Айр-гали ҳуснингни зор-у... каби*. Ҳозирги ўзбек тилида *-гани* равишдош ясовчиси билан *-ган* сифатдош ясовчисининг III шахс имбатловчисини олган ҳолати ўзаро омоним: *Ўқигани келдим* (бу ерда *-гани* битта аффиксга тенг, тарихан *-гали* бўлган)— *ўқигани келди* (бу ерда иккита аффикс— *-ган* ва *-и* аффикслари— катташаётир).

Рус тилида равишдошнинг бўлишсиз шакли унинг олдидан *не* инвэр юкламасини ишлатиш билан ифодаланади: *В эту пору пальто сидеть не закутавшись теплым одеялом. Он стоял у порога, не говоря ни слова о причине своего прихода* каби.

Ўзбек тилида равишдош феълнинг бўлишсиз шаклидан ҳосил қилинади: *Бундай пайтларда иссиқ кўрпага ўранмай ўтириб ўйламади. У остонада келишининг сабаби ҳақида бир сўз демай тўраверди* каби. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти шуки, равишдош феълнинг бўлишсиз шаклидан доним *-й* аффикси билан ҳосил қилинади: *ўраниб — ўранмай, деб — демай* каби. Ўзбек тилида феълнинг бўлишсиз шаклидан равишдош *-сдан* мураккаб аффикси билан ҳам ҳосил қилинади: *ўранмай — ўранмасдан* каби. Бу ерда аффикслар синонимияси мавжуд.

Рус тилида равишдош: 1) равиш ҳоли вазифасида келади: *Она сидела нахмурившись* каби; 2) ажратилган ҳол бўлиб келади, бунда у равишдош оборотга тенг бўлади: *Они, обучаясь в университете, занимались также на специальных курсах английского языка; Окончив университет, мы будем преподавать русский язык в узбекских группах* каби.

Ўзбек тилида равишдошнинг вазифалари анчагина мураккаб: 1) *-гач, -гунча, -гани* аффикси билан ясаладиган равишдош ҳол

вазифасида келади: *-гач* ва *-гунча* аффикслари билан ясаладиган равишдош пайт ҳоли бўлиб, *-гани* аффикси билан ясаладиган равишдош эса мақсад ҳоли бўлиб келади: *У ўз дардиний кучи чиққач айтди. Сиз мен келгунча кетиб қолманг. Сизни тўғри айтгани келдик* каби. Адабиётларда *-гач*, *-гунча* аффикси билан ясаладиган равишдош пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ҳам таъкидланади ва *Баҳор келгач, табиат уйғонади* каби мисоллар келтирилади. Аслида бундай гапларда ҳам равишдош ҳол вазифасидаги боғланмани шакллантиради. Юқоридаги гапни *Табиат баҳор келгач уйғонади* деб тузсак, бу фикрнинг тўғри экани очиқ куринади.

Маълумки, *-гани*, *-гач*, *-гунча* аффикси билан ясаладиган равишдошлар тусланмайди. Шу жиҳатдан асли бу равишдошлар — тусловчили феъл шаклига нисбатан иккиламчи шаклда *Баҳор келади* → *Баҳор келгач* каби. Куринадики, юқоридаги аффикслар феъл лексемани ҳол булак вазифаси учун мос шакллантиради.

Ўзбек тилшунослигида *-а(-й)*, *-(и)б* аффикси билан ясаладиган равишдошлар тусланувчи равишдош шакллари деб юритилган. Аслида бу аффикслар равишдош ясаганида тусловчи олмайди, чунки ҳол вазифасида келиб, ҳолланмишига битишув йўли боғланади: *Уйнаб гапирсанг ҳам, уйлаб гапир. Уйламай гапирсанг оғримай улар* каби. Агар *-а(-й)*, *-(и)б* аффиксларидан кейин тусловчи қўшилса, энди равишдош ҳақида эмас, балки тусланувчи феъл ҳақида гапириш лозим; бунда энди *-а(-й)*, *-(и)б* аффикслар равишдош ясовчиси бўлиб эмас, балки замон ясовчиси бўлиб хизмат қилади, равишдош ясовчилари гуруҳининг вакили эмас, балки замон ясовчилари гуруҳининг вакили бўлади: *келаман, ўқийман, келибсан, ўқибди* каби.

Демак, *-а(-й)*, *-(и)б* аффикслари равишдош ясашга хизмат қилса, бундай сўзшакл тусловчи олмайди, равиш ҳоли вазифасида келади.

Шу ерда *-а(-й)* аффикси билан ясаладиган равишдош шаклининг ўзинга хос хусусиятини айтиб ўтиш ўринли: равишдошнинг бу шакли одатда такрорланган ҳолатда ишлагилати: *кула-кула гапирмоқ, йиғлай-йиғлай марза олмақ* каби. Такрорланмага ҳолда камдан-кам учрайди, шунда ҳам равишга тенглашиш қолади: *Кела қозон-товоққа ўришиб кетади. Тура қочиб қолади* каби.

-(и)б аффикси билан ҳосил қилинадиган феъл шакли кесими вазифасида ҳам келади: *Тонг ёришиб, қушлар сайрай бошлади* каби. Бу гапни *Тонг ёришди ва қушлар сайрай бошлади* деб ҳам

қўшиш мумкин. Кўринадикки, бундай қўшма гап аъзоларининг кесими айни бир майл ва замонда бўлади. Бундай қўшма гап биринчи аъзосининг кесимини *-(u)б* равишдоши шаклига киритиш билан унинг майл ва замони бетарафлашади, қўшма гаптаги иккинчи аъзонинг кесимига шу жиҳатдан қарам бўлиб қолади. Демак, бундай қўшма гапта равишдош иккиламчи кесимни шакллантириб келади. Майл, замон, шахс-сон маъноларини ифодаламаслиги бу ерда *-(u)б* аффикси равишдош ясовчиси эканини тасдиқлаб туради.

-(u)б, -a(й) аффикслари ўзбек тилида "муस्ताқил феъл + сўйлабчи феъл" қурилмасида муस्ताқил феълни шакллантириб ҳам шакллантириб *ўқиб бўлмақ, ўқий қолмоқ* каби. Бундай қурилмаларда равишдош аффикси синтактик вазифа кўрсатмайди, фақат икки феълни ўзаро бирлаштиришга хизмат қилади. Шунга қарамай, бундай қурилмаларда *-(u)б, -a(й)* аффикслари равишдош ясовчиси деб қаралади.

-a(й) равишдош ясовчиси ҳатто аффиксни феъл асосига қўшишда ҳам хизмат қилади: *кел-а-диган, ўқи-й-диган, кел-а-ётган, кел-а-ётиб(ман), кел-а-ётир(сан)* каби. Келтирилган мураккаб аффиксларнинг бош қисми асли ёрдамчи феъл бўлган (*-ди* ва *тур; ёт*); бу қисмнинг сўзга тенглик белгиларидан бири — равишдош аффикси келишини талаб қилиш хусусияти — сақланиб қолган. Бундай вазифада *-a* аффикси равишдош ясовчиси хусусиятини деярли йўқотган.

Демак, *-a(й), -(u)б* аффикслари равишдош шакллари ҳосил бўлишига ҳам, замон шакллари ҳосил этишига ҳам хизмат қилади.

Рус тилида равишдош англатадиган ҳаракатнинг замони видига шундай ҳолда ифодаланади: 1) Несовершенный вид равишдошлари асосий феъл англатадиган ҳаракат билан бир вақтда содир бўладиган ҳаракатни ифодалайди: *Он дремал сидя на диване* каби; 2) Совершенный вид равишдошлари асосий феъл англатадиган ҳаракат билан ҳар хил вақтда (асосан олдин) содир бўладиган ҳаракатни ифодалайди: *Прочитав эту статью, я сразу вспомнил наши споры по этому вопросу* каби.

Ўзбек тили равишдошларида замон маъносининг ифодаланиши бундай: 1) *-гани* аффикси билан ясаладиган равишдошда замон маъноси ифодаланмайди; 2) *-гач, -гунча* аффикси билан ясаладиган равишдош асосий феъл англатадиган ҳаракатдан олдин содир бўладиган ҳаракатни ифодалайди; 3) *-a(й)* аффикси билан ясаланиб, такрорланган ҳолатда ишлатиладиган равишдош асосий феъл англатадиган ҳаракат билан бир вақтда содир бўладиган ҳаракатни ифодалайди; 4) *-(u)б* аффикси билан ясаладиган ра-

вишдош эса гапнинг мазмунига, шароитга қараб асосий фе
англатадиган ҳаракатдан олдин бўладиган ҳаракатни ҳам, кейин
бўладиган ҳаракатни ҳам ифодалаб келади: *уйлаб гапирмо*
Олдин маслаҳатлашиб, кейин иш бошлаганимиз маъқул каби.

Хуллас, равишдош рус ва ўзбек тилларида бир қанча белг
хусусиятлари билан ўзаро жиддий фарқланиб туради.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЁРДАМЧИ ТУРКУМЛАР

Рус ва ўзбек тилларида модал сўз, юклама, боғловчи, унд
табиати жиҳатидан деярли бир хил. Бошқа туркумлард
бўлганидек, булар ҳам маълум даражада фарқланиб туради
албатта. Масалан, модал сўзларни фанда кенг тушуниш ва то
тушуниш мавжуд, шунга кўра адабиётларда бундай сўзлар
турлича ҳажм билан баёи қилинади. Барча адабиётларда модал
сўз деб талқин қилинадиган бирликлар семантик турларга бир
хил ажратилади ва уларнинг синтактик табиати рус ва ўзбек
тилларида деярли фарқсиз.

Худди шундай фикрни юкламаларга нисбатан ҳам айтиш
мумкин. Юкламаларнинг маъно турлари ҳар икки тилда асли
бир хил, лекин улар рус ва ўзбек тилида бошқачароқ тасни
қилинади. Бу ердаги фарқ шуки, рус тилида указательные
частицы (*вот, вон, это* каби) маъно тури ажратилади, ўзбек
тилида эса бундай сўзлар (*ана, мана*) юклама деб эмас, балки
кўрсатиш олмоши деб изоҳланади. Яна бир фарқ шуки, рус
тилида составли (кўп қисмли) юкламалар анчагина (*как раз*
только лишь, куда там, где там, как же, хоть бы, вовсе не
каби). Ўзбек тилида бундай кўп қисмли юкламалар деярли йўқ
(*ҳатто... ҳам; фақат...-гина* каби ишлатишларни шундай юк
ламалар деб қараш мумкин).

Юқоридагиларга ўхшаш ҳолат боғловчиларда ҳам мавжуд. Бу
ердаги фарқлардан бири шуки, рус тилида боғловчиларнинг
алоҳида маъно тури сифатида пайт муносабатини кўрсатувчи
боғловчилар ажратилади (*когда, как только, после того как, с*
тех пор как, прежде чем как каби). Ўзбек тилида боғловчи
ларнинг бундай маъно тури йўқ (уларнинг маъноси ўзбек тилида
турли воситалар билан берилади).

Ёрдамчилар қаторида баён қилинадиган тақлидий сўзлар бошқа
ёрдамчи сўзлардан ажралиб туради. Тақлидий сўзлар рус ва ўзбек
тилларида сезиларли фарқ қилади. Рус тилида товушга тақлидий
сўзлар (звукоподражательные слова) ҳақидагина гапирилади:
день-день-день, ник-чирик, тук-тук каби. Ўзбек тилида эса,

бундан ташқари (*тиқ, шув, қағ* каби), образга тақлидий сўзлар ҳам мавжуд: *ялт, ялт-юлт, лапанг-лапанг* каби. Умуман, ўзбек тилида тақлидий сўзлар рус тилидаги тақлидий сўзлардан кўп. Ўнги лексик бирлик ҳосил этишда тақлидий сўзлар ҳар икки тилда фаол қатнашади, лекин рус тилида тақлидий сўзлар асосида асосан феъллар ҳосил қилинса, ўзбек тилида кўпинча қўшма феъллар ҳосил қилинади: *мяукать, шушукать, хохотать; ялт этмоқ, ялтирамоқ, қарс этмоқ, қарсилламоқ, чурқ этмаслик* каби.

Маълумки, айрим туркумлар сифатида рус тилида предлог, ўзбек тилида кўмакчи мавжуд. Рус тилида бундай сўзларга бошқа сўздан олдин келишига қараб ном берилган, ўзбек тилида эса бундай сўзлар ўта кенг номланган (кўмаклашиш фақат кўмакчига ҳосил эмас). Предлог билан кўмакчи орасидаги асосий фарқ уларнинг ўзи бирлашадиган сўздан олдин ёки кейин келиши эмас, албатта. Рус тилидаги предлог ва ўзбек тилидаги кўмакчи ўз грамматик моҳиятига кўра бошқа ёрдамчи сўзлардан кескин фарқ қилади.

Кўмакчи, шунингдек предлог сўзлар орасидаги турли-туман муносабатларни билдиради дейилади. Асли фақат синтактик муносабатни билдириш боғловчига хос. Кўмакчининг, предлогнинг вазифаси — ўзи қўшиладиган қисмни грамматик шакллантириш ва шу орқали бу қисмнинг бошқа бир мустақил қисм билан синтактик боғланишини таъминлаш. Кўмакчи ҳам, предлог ҳам, бошқа ёрдамчилардан фарқли ҳолда, сўзшаклнинг таркибига кирилади, демак, грамматик шакл ҳосил этишга хизмат қилади.

Албиётларда кўмакчи, предлог келишик маъносини ифодалайди дейилади. Аслида эса кўмакчи ҳам, предлог ҳам келишик каби синтактик шакл ҳосил этади, лекин булар ифодаладиган маъно ҳақ қачон келишик маъносига тенг келмайди. Кўмакчи, предлог маълум келишикдаги сўзшаклга бирлашади, лекин бу бирлашишда келишик синтактик вазифаси ва маъноси жиҳатидан бетарафлашади, маълум грамматик маънони ифодалаш ва синтактик вазифани кўрсатиш кўмакчига, предлогга мансуб бўлади.

Рус тили предлогга анча бой, ўзбек тилида кўмакчилар ҳам анчагина, лекин предлогларга қараганда, ҳарҳолда, оз.

Предлоглар предмет билан предмет, предмет билан белги, предмет билан ҳаракат орасидаги муносабатни билдиришда қатнашади: *ключь от квартиры, вредный для здоровья, выйти из дома* каби. Кўмакчилар эса асосан предмет билан ҳаракат орасидаги муносабатни билдиришга хизмат қилади: *укаси билан*

келмоқ, кун сайин қимматлашмоқ, тушиликдан кейин учрашмоқ каби.

Рус тилида предлоглар маълум бир келишик шаклидаги сўзга бирлашади: 1) кўпинча родительный падеждаги сўзга бирлашади: *без, для, из, до, от, возле* ва ҳоказолар; 2) дательный падеждаги сўзга бирлашади: *к, вопреки, согласно, благодаря* каби; 3) винительный падеждаги сўзга бирлашади: *про, через, спустя* каби; 4) творительный падеждаги сўзга бирлашади: *между, над, пер* каби; 5) предложный падеждаги сўз доим. предлог билан шаклланади: *о, при* каби.

Рус тилидаги айрим предлоглар икки, ҳатто уч келишикдаги сўзга бирлаша олади: а) *за, под* — винительный ва творительный падеждаги сўзга; б) *между* — родительный ва творительный падеждаги сўзга; в) *с* — родительный, винительный ва творительный падеждаги сўзга бирлашади.

Ўзбек тилида ҳам кўмакчилар маълум бир келишикдаги сўзга бирлашади: 1) бош келишикдаги сўзга: *билан, учун, каби, орқаси* каби; 2) жўналиш келишигидаги сўзга: *қадар, томон, қарши, қараганда* каби; 3) чиқиш келишигидаги сўзга: *бурун, илгаридан, кейин, бери, бошқа, кўра* каби.

Кўринадики, рус тилида предлог фақат именительный падеждаги сўзга бирлашмайди, предложный падеждаги сўз эса доим. предлогли бўлади, қолган тўрт келишикдаги сўз эса предлог билан ҳам, предлогсиз ҳам ишлатилади.

Ўзбек тилида, аввало, барча келишикдаги сўзлар кўмакчиси билан ишлатила олади, иккинчидан, кўмакчи ўзбек тилида бош келишикдаги жўналиш, чиқиш келишикларидagi сўзларгагина бирлашади, тўртинчидан шум ва ўрин келишигидаги сўзга бирлашмайди. Тўғри, ҳозирги бош келишикдаги сўзга бирлашадиган баъзи кўмакчилар асли қаратқич келишигидаги сўзга бирлашган (*сенинг учун* каби), лекин ҳозирги тилда бундай ишлатиш деярли учрамайди.

Рус тилида, содда (бир қисмли) предлоглардан ташқари (булар туб ҳам, ясама ҳам бўлади: *в, вблизи* каби), кўп қисмли предлоглар ҳам мавжуд: *начиная с, в сравнении с, по направлению к, в отношении к* каби. Ўзбек тилида бундай кўп қисмли кўмакчи йўқ.

Ўзбек тилида, соф кўмакчилардан ташқари, кўмакчи отлар ҳам ажратилади. Булар асли от сўзлар бўлиб, макон келишикларидан кўмакчи вазифасини бажариши айтилади (бундай сўзларнинг келишикдан олдин нисбатловчи ҳам қўшилади): *олдида, олдидадан, олдидага, орасида, орасидан, орасига* каби. Булар маъно ифодалиши жиҳатидан рус тилидаги локал (пространственные) предлогларга

муқобил, лекин лексик-семантик табиати жиҳатидан улардан фарқ қилади. Қиёсланг: *подойти к дому* — *уйнинг олдида келмоқ, остановиться около дома* — *уйнинг олдида тўхтамоқ, подмести перед домом* — *уйнинг олдини сунуриб қўймоқ* каби. Булар уч мисолнинг русча қисмида предлог қатнашади (*к, около, перед*). Ўзбекча мисоллардан биринчи, иккинчисида қатнашган сўзга олдида, олдида сўзлари кўмакчи от дейилади, лекин ҳеч қим қинчи мисолдаги олдини сўзини кўмакчи от демайди. Кўринадики, бундай сўзлар ўрин маъносини англатадиган мустақил от бўлиб, уларнинг уч келишик шаклини сунъий равишда кўмакчи деб ажратиш ўзини оқламайди. Бундай ўрин отларини кўмакчилар қаторига киритиш натижасида ўзбек тилида кўмакчиларнинг бир қисмига шакл ўзгариши хос (кўмакчилар ўзгарувчи сўз бўла олади) деган фикр ҳам айтилаётир. Модомики бирор от (бу ерда — ўрин оти) нисбатловчи ва турловчи олиб қўлиниши йўқотмаган экан, уни кўмакчилар қаторига киритиш тўғри бўлмайди. Адабиётларда келтирилган ҳодисалар орасида кўмакчига тўғрисида, ҳақида, хусусида сўзлари энг яқин туради. Булар, аввало, ўрин маъносини англатмайди, иккинчидан, бу сўзлар лексик маънонинг мавҳумлашуви аниқ сезилади, учинчидан, бу сўзлар макон келишикларидан бошқа келишикда ишлатилмайди, ишлатилса, бошқа сўзга (отга) тенг бўлиб қолади; тўртинчидан, булар асосан нарсани англатадиган сўзга бирлашади, шу сабабли нисбатловчиси ҳам ўзгармайди (доим III шахс нисбатловчиси билан келади). Ана шу хусусиятлари асосида бу сўзларни кўмакчилар қаторига қўшиш мумкин. Кўмакчи от деб саналадиган ўрин отлари эса асли мустақил туркумга мансуб сўзлигини йўқотмайди.

ҚИЁСИЙ СИНТАКСИСНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Синтаксисда мустақил туркумларга мансуб сўзларнинг (лексемаларнинг) тилнинг грамматик ҳодалари асосида ўзаро боғланиши, қўшилиши ўрганилади. Сўзларнинг боғланиши тобе-ҳокимликка, қўшилиши эса тенгликка асосланади. Масалан, *Кун иссиқ; иссиқ кун; куннинг иссиғи* каби синтактик бирликларнинг алоқлари тобе-ҳокимлик асосида боғланма боғланма ҳосил бўлади (бундай синтактик бирликлар синтагма деб ҳам айрилади). Боғланма аъзолари орасидаги тобе алоқани кўнайтирув аломати билан кўрсатиш мумкин: *Кун × иссиқ, иссиқ × кун* каби.

Сўзларнинг тенг алоқага киришуви боғланмани (синтагма) эмас, балки уюшиқ қаторни (однородный рядни) юзага келтиради. *тўғри ва ҳаққоний (талаб), кенг ва текис (йўл)* каби. Худ шундай алоқа асосида тузиладиган синтактик бирликларнинг қўшилма деб аташ ўринли. Уюшиқ қатор аъзолари орасида тенг алоқани қўшув аломати билан кўрсатиш мумкин: *кенг текис (йўл)* каби.

Синтаксис асосида тобе алоқа ётади. Шунга қарамай, те алоқа ҳам эътибордан соқит қилинмайди.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА УЮШИҚ ҚАТОР

Авваллари уюшиқ бўлақлар, уюшиқ бирикма деб юритилган ҳодиса ҳозир уюшиқ қатор деб номланаётир. "Уюшиқ бўлақлар десак, маълум бир бўлақнинг бирдан ортиқ экани тушунилади. ваҳоланки одатда бўлақ битта бўлади, фақат у уюшиқ қатор билан ифодаланади. Масалан, *Ҳозир бозорда гўштнинг, ёғнинг нархи кўтарилиб кетди* гапида эга *гўштнинг, ёғнинг нархи* бирикмаси билан ифодаланган бўлиб, унинг таркибидаги қаратувчи (*гўштнинг, ёғнинг*) уюшиқ қатор билан ифодаланган. Шунингдек *Укам кулди, лекин индамади* гапида кесим уюшиқ қатор билан ифодаланган. Юқоридаги каби гапларда иккита қаратувчи бўлақ, иккита кесим бўлақ ҳақида эмас, балки иккита тенг қисмли битта қаратувчи бўлақ, битта кесим бўлақ ҳақида гапириш ўринли. Чунки биринчи гапдаги *нархи сўзи гўштнинг, ёғнинг* сўзларига алоҳида-алоҳида эмас, ҳар иккисига биргаликда тааллуқли; иккинчи гапдаги *Укам сўзига кулди, лекин индамади* сўзлари биргаликда тааллуқли.

"Уюшиқ бўлақ" десак, уюшувчилар битта бўлақ эканини таъкидлаб, ҳодисага ташқи жиҳатдан (синтактик вазифа жиҳатидан) баҳо берамиз, ички синтактик қурилиш эса эътибордан четда қолади. Асли "якка сўз билан ифодаланган бўлақ", "бирикма билан ифодаланган бўлақ" дегандек, "уюшиқ қатор билан ифодаланган бўлақ" деб юритиш тўғри.

Уюшиқ қаторни боғланма (синтагма) деб бўлмайди, чунки унинг аъзолари тенглик асосида бирлашади; боғланмада эса унинг аъзолари тобелик асосида боғланади, шунга кўра боғланманинг тобе аъзоси ҳоким аъзосининг табиатига ва ўзи қайси туркумга мансублигига қараб грамматик шаклланади. Уюшиқ қаторда эса тобелик алоқаси йўқ, шу сабабли унинг аъзолари қайси грамматик шаклда келиши уюшиқ қаторнинг ўзи доирасида равшан бўлмайди, грамматик шакл уюшиқ қаторнинг бошқа синтактик

граммик билан боғланиши асосида белгиланади (грамматик ўзгариш шуб туркум сўзларида, албатта): *Олча ва олхўри гуллади. Олчани ва олхўрини қуритиб олдик. Олчанинг ва олхўрининг олган шоҳларини кесиб ташладик* каби.

Уюшиқ қаторни ташкил этадиган аъзолар одатда бир хил грамматик шаклда бўлади: *Сабзини, пиёзни қишга етарли ғамлаб олишдик* гапида уюшиқ қаторни ташкил этган *сабзини, пиёзни олишдик* шакллари — тушум келишигида. Шунингдек *Мы имеем достаточный запас моркови и лука на зиму* гапида ҳам уюшиқ қаторни ташкил этган *моркови и лука* сўзшакллари — родителъный келишикда.

Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, бундай уюшиқ қатор аъзоларининг грамматик шакли умумлаштирилиши, грамматик кўрсаткич уюшиқ қаторга яхлитлигича қўшилиши мумкин, бунда уюшувчи аъзоларнинг грамматик кўрсаткичи қавслардан ташқарига чиқарилади. Масалан, *ўқитувчиларимизни ва талабаларимизни* уюшиқ қаторида грамматик кўрсаткичларнинг умумлаштирилишини қавслардан ташқарига чиқариб шундай ифодалаш мумкин:

(*ўқитувчиларимизни*) ва (*талабаларимизни*)
 [(*ўқитувчиларимиз*-) ва (*талабаларимиз*-)] ни
 [(*ўқитувчилар*-) ва (*талабалар*-)] имизни
 [(*ўқитувчи*-) ва (*талаба*-)] ларимизни

Кўринадик, биринчи мисолда грамматик шаклланиш ҳар бир уюшувчи қисмда мустақил амалга ошади, улар икки мустақил шакл тарзида грамматик шаклланади; иккинчи мисолда уюшувчи қисмлар сонланиш ва нисбатланиш жиҳатидан мустақил шаклланиди, лекин келишиги умумлашади; учинчи мисолда эса бу қисмлар сонланиш жиҳатидан мустақил шаклланиб, нисбатланиши ва келишиги умумлашади; тўртинчи мисолда эса ҳар уч грамматик категориянинг кўрсаткичлари умумлашади.

Уюшувчи сўзшакллар таркибидаги грамматик кўрсаткичларни шундай умумлаштириш рус тилига хос эмас: ҳар бир уюшувчи сўзшакл ўзича тўлиқ грамматик шаклланган бўлади: *наших преподавателей и студентов, нашим преподавателям и студентам* каби.

Ўзбек тилида уюшиқ қатор аъзоларини шакллантирадиган шаклларни ҳам умумлаштириш мумкин: (*ўқитувчиларимиз билан*) ва (*талабаларимиз билан*)—[(*ўқитувчиларимиз*) ва (*талабаларимиз*)] билан каби. Рус тилида ҳам уюшиқ қатор аъзоларини

шакллантирадиган предлогни умумлаштириш мавжуд: *для (не преподавателей и студентов)* каби.

Феълларнинг аналитик шаклларида ёрдамчини умумлаштириш ҳар икки тилда мавжуд: *будешь (учиться и работать)*, (*не только понять, но и осмыслить*); (*ҳам ўқиб, ҳам иш турибман; (ҳам ўқиётган, ҳам ишлаётган)*) эмиш каби ҳодиса ўзбек тилида жуда кўп учрайди.

Демак, рус тилида умумлаштиришга аналитик грамматик шаклларда йўл қўйилса, ўзбек тилида, бундан ташқари, синтаксис грамматик шаклларда ҳам воқе бўлади.

Ўзбек тилининг уюшиқ кесимларида ўзига хос хусусият шунки охириги аъзо тусланган феъл шакли билан ифодаланиб, олдинги аъзо эса *-(и)б* равишдоши шаклида бўлиши мумкин: *Мен кўни ишлаб, кечқурун ўқиётиман* каби. Бунда биринчи аъзо шундай тартибда, замон, шахс-сон жиҳатидан бетарафлашади, бу маънолар тўғрисида надиған аъзога қараб белгиланади. Кўринадики, ўзбек тилида уюшувчи аъзоларнинг грамматик кўрсаткичларини умумлаштиришдан ташқари, олдин жойлашган аъзони бетараф шаклида киритиш ҳам мавжуд.

Рус тилида уюшиқ феъл кесимнинг ҳар бир аъзоси синтаксис мустақил грамматик шаклланади: *Я днём работаю, а вечером учусь* каби. Бундай гапларда биринчи феълни деспричастный шаклида ишлатиш мумкин, лекин унда деспричастный оложоғи юзага келади: *Я, работая днём, учусь вечером* каби.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПРЕДИКАТИВ БОГЛАНМА

Богланма икки мустақил лексик бирликнинг синтаксис алоқага киришуви билан юзага келишини айтдик. Богланма моҳиятига кўра аввало икки турга ажратилади: предикатив богланма ва нопредикатив богланма.

Предикатив богланмада фикр (ҳукм) билдирилади, унинг тартиби тенг бўлади, ёйиқ гапнинг эса асосини ташкил қилади: *Мен кўни бошланди. Сиртқи бўлимда дарслар ҳали бошланмади* каби.

Нопредикатив богланмада тушунча англатилади, бундай богланма одатда номлаш вазифасини бажаради ва бирор синтаксис бўлак учун қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади: *кечки боғ мамлакатнинг иқтисодий аҳволи* каби.

Предикатив бирлик богланма билан ҳам, яқка сўзшакл билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *укам келди* — предикатив богланма; *келди* — предикатив сўзшакл. Демак, энг кичик

предикатив бирлик (кенгроқ олсак, энг кичик синтактик бирлик) сўзшакл билан ифодаланади; бундай предикатив бирлик кўпинча оғзимга тенг бўлади.

Предикатив боғланма икки аъзоли бўлиб, одатда "ҳоким аъзо × тобе аъзо" андозаси асосида шаклланади; бунда ҳоким аъзо эга бўлак бўлиб, фикр субъектини билдиради; тобе аъзо эса ҳоким бўлиб, фикр предикатини билдиради: *Сув музлади. Вода кипела* каби.

Эга предмет тушунчаси билан боғлиқ бўлгани сабабли асосан шакл билан, от тур олмош билан, феълнинг ҳаракат номи шакли билан ифодаланади: *Поезд прибыл. Поезд келди. Я закончиваю. Мен тугатаётирман* каби. Бошқа бирликлар эга вазифасида боғланма учун отлашади. Жумладан, ўзбек тилида сифатнинг боғланма кўп учрайди, отлашган сифатнинг эга бўлиб келиши ҳам анчагина: *Яхши етар муродга, ёмон қолар уятга. Таржимони: Хороший достигнет желаемой цели, плохой будет опозорен.* Рус тилида бундай ҳолларда кўпинча *хороший человек* каби боғланма ишлатилади. Бундан қатъи назар, отлашган сифатнинг эга бўлиб келиши ҳам учрайди: *Красивое всегда привлекает* каби.

Рус тилида феълнинг инфинитив шакли эга бўлиб кела олади: *Вредить вредно* каби. Ўзбек тилида эса бундай эга феълнинг ҳаракат номи шаклида (асосан ҳаракат номининг *-иш* аффикси билан ҳосил қилинадиган шаклида) ифодаланади: *Чеккиш зарарли* каби (*Чекмоқ зарарли* каби ифодалаш — ўзбек тили учун ўта қўлқўл).)

Ўзбек тилида эга барча ҳолларда бош келишида шаклланади (бу келишик ўзбек тилида ноль кўрсаткичли). Рус тилида ҳам, тўқланмайдиган отларни назардан соқит қилсак, бошқа сўзшакллар эга вазифасида келса, одатда именительный падежда шаклланади (тугалланма ифодалайдиган род, сон маънолари эгани шакллантириш жиҳатидан бетараф): *Зима пришла. Ты (Она) исчезла. Вставать запрещается* каби.

Рус тилининг ўзбек тилидан яна бир фарқи шуки, эга, именительный падеждан ташқари, маълум шарт-шароитда родителный падежда ҳам шаклланиши мумкин: а) эга "саноқ сон (одди сонидан ташқари) × от + родительный падеж" тузилишли инопредикатив боғланма билан ифодаланади: *Уехали три друга. Объединились пять друзей* каби; б) эга "ноаниқ миқдорни билдирадиган сўз × от + родительный падежнинг кўплиги" тузилишли инопредикатив боғланма билан ифодаланади: *Прошло много времени* каби. Булардан ташқари, эга *Пришло*

меньше ста человек, Прошло больше часа, Детей было много. Каби шаклларда ҳам ифодаланеди. Охирги тур мисоллар родительный падеждаги сўзшаклни эга деб қараш мунозар дейилади.

Кесим предметнинг белги-хусусияти билан боғлиқ бўлиши сабабли асосан феъл билан, сифат билан ифодаланеди. Кесимнинг феъл билан, шунингдек бошқа туркум бирликлари билан ифодаланганиши оз учрайди.

Ифода ашёсига қараб феъл кесим ва от кесим ажратилиши рус ва ўзбек тилларида бундай ажратиш қисман фарқ қилинади. Рус тилида феъл кесим деб барча майллардаги феъл билан шунингдек инфинитив шаклидаги феъл билан ифодаланган шаклларга айтилади; феълдан бошқа туркум сўзи билан, шунингдек сифатдош билан ифодаланган кесимга от кесим дейилади (рус тилида равишдош кесим вазифасида келмайди).

Ўзбек тилида барча майлларнинг тусланувчи феъл шакллари шунингдек равишдош шаклидаги кесимга ҳам феъл кесим дейилади; феълдан бошқа туркум сўзи билан, шунингдек феълдан ҳаракат номи шакли билан ифодаланган кесимга от кесим дейилади.

Яна бир фарқ шундаки, рус тилида сифатнинг, сифатдошнинг тўлиқ ва қисқа шакллари мавжуд бўлиб, кесим вазифасида кўпинча қисқа шакллар келади: *Он молод. Ты расстроен*. Ўзбек тилида сифатнинг, сифатдошнинг қисқа шакли мавжуд эмас. Сифат шу бир шаклда туслувчи олиб кесим вазифасида келади: *Мен ёшман* каби. Сифатдош эса ўзбек тилида кесим бўлиб келмайди, чунки кесим вазифасидаги сўзшакл ушбу тилида туслувчи олади, натижада сифатдош туслувчи феълга айланади.

Кесимлар рус ва ўзбек тилларида шахслар бўйича тусланиши-тусланмаслиги жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Рус тилида изъявительное наклонениедаги феълларнинг ҳозирги ва келажакдаги замон шаклларида шахслар бўйича тусланади, демак, тусланиши феъл кесимларнинг бир қисмигагина мансуб. Изъявительное наклонениенинг ўтган замон шаклидаги феъл билан ифодаланган кесим эса шахслар бўйича тусланмайди (сонда, қисман родительный падеж билан мослашув воқе бўлади). Худди шу ўтган замон шакли билан асосланган сослагательное наклонениеда ҳам, табийий, шахслар бўйича тусланиши йўқ.

Ўзбек тилида эса барча майллардаги феъл шакллари тусланади; равишдош билан ифодаланган феъл кесимгина тусланмайди.

Рус тилида боғламасиз шаклланган от кесимлар ҳам шахслар бўйича тусланмайди; боғлама ишлатилган от кесимлардагина тусланиши воқе бўлади. Ўзбек тилида от кесим, боғлама ишлатилгани-ишлатилмаслигидан қатъи назар, тусланади.

Рус тилида боғлама ишлатилмаган от кесимларда ноль боғлама (нуль-связка) ҳақида гапирилади. Ўзбек тилида эса от кесимнинг вазифасида келадиган сўзга туслувчи қўшилади, демак, боғламага ноль ишлатилмайди. Ўзбек тилида боғлама шахс-сон маъносини билдириши мумкин эмас, балки майл, замон маъноларини ифодалаш зарур.

Боғлама бўлиб келадиган бирликлар ҳам рус ва ўзбек тилларида фарқ қилади. Рус тилида боғлама бўлиб, аввало, *быть* феълнинг феълни келади: *Утро было хмурое. Он всегда будет таким другом тебе*. Боғлама вазифасини ҳали лексик маъносини билдирмаган *делаться, стать, становиться, являться, считать, называться* каби феъллар ҳам бажаради: *Жизнь становится тяжелее. Хатто приходится, притти, вернуться, стоять, ждать* каби ҳаракат-ҳолат феъллари ҳам рус тилида боғлама бўлиб келиши мумкин: *Книга на столе лежала раскрытым. Сегодня стоит холодная* каби.

Ўзбек тилида боғлама вазифасини одатда *булмоқ* ёрдамчи феъл билан бажаради: *Сен қачон яхши мутахассис буласан? Мен қачонда механизатор булдим* каби (ўзбек тилида *булмоқ* ёрдамчи феъл билан, боғлама бўлишдан ташқари, бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Масалан, *Мен заводда инженер бўлиб ишлайман* гапида *булмоқ* ҳол бўлакни шакллантиришга хизмат қилади).

Рус тилидаги *был* боғламасига ўзбек тилида *гуё эди* ёрдамчиси тусланиши келади: *Он был нашим куратором. — У бизнинг кураторимиз эди*. Аслида русча *был* боғламасига *булмоқ* ёрдамчи феълнинг ўтган замон шакли муқобил; *эди* ёрдамчиси эса замон шаклини ясовчи деб қаралиши тўғри. Қуйидаги тур мисоллар тусланиши очиқ кўрсатади: *У бизнинг кураторимиз булган эди*. Айни замонда ҳам *булмоқ* ёрдамчисининг, ҳам *эди* ёрдамчисининг қатнашуви улардан фақат бири боғлама эканидан далolat беради: *Мен ўқитувчи булдим. Мен ўқитувчи булмоқчиман. Мен ўқитувчи булган эдим. Мен ўқитувчи булмоқчи эдим. Мен ўқитувчи булар булдим* каби. Шунингдек *экан, эмиш* ёрдамчилари қатнашадиган шаклларда ҳам булар ўтган замонни модал маъно билан ифодалашга хизмат қилади, демак, булар ҳам асли боғлама эмас. *Эди, экан, эмиш* ёрдамчилари от кесимлар таркибининг асосини эмас, феъл кесимлар таркибида ҳам қатнашади; энди булар уларни боғлама деб булмайди: *ўқир эди, ўқир экан* каби.

Боғламанинг ўзи тааллуқли сўзнинг грамматик шаклига тасири ҳам рус ва ўзбек тилларида ҳар хил. Рус тилида боғламани ўзи тааллуқли отнинг, тўлиқ шаклдаги сифатнинг творитель падежда келишини талаб қилади: *Он был студентом* каби. Француз тилида кўрсаткичли боғлама қатнашса, бундай кесим именитель падежда бўлади: *Он студент* каби. Ўзбек тилида боғламани кесимнинг келишигига таъсир қилмайди: *Мен студентман. Мен студент бўлман. Мен студент бўлдим. Укам уйда. Укам бўлади* каби.

Умуман, боғламанинг табиати ўзбек тилшунослигида ҳали етарли ўрганилмаган.

КЕСИМНИНГ ЭГА БИЛАН МУВОФИҚЛАШУВИ

Предикатив боғланмада эга ҳам, кесим ҳам одатда турли грамматик шаклланган бўлади — сўзшакл билан ифодаланган. Эгада синтактик вазифа кўрсатиш келишикка хос. Бундан ташқари, эгада шахс, сон, баъзан род маънолари ҳам ифодаланади. Худди шу маънолар кесимнинг шаклланишига таъсир қилади: кесимнинг қайси шахсда, сонда, ўрни билан қайси рол бўлишини эга вазифасидаги сўзшакл белгилайди (айрим сўзлар билан ифодаланган эга қатнашмаса, кесимдаги бу маънолар назарда тутилган бажарувчи шахс асосида белгиланади). Демак, кесим ифодалайдиган шахс, сон, род маънолари — тобе маъно шунга кўра предикатив боғланмани тобе алоқанинг бир кўриниши дейиш тўғри (баъзи адабиётларда предикатив боғланма аъзоси деб бири иккинчисига на тобе, на ҳоким бўлмайди деган фикр қўйилди), чунки предикатив боғланмада кесимнинг шахс, сон, қисман род жиҳатдан шаклланиши эга томонидан белгиланади, лекин эганинг грамматик шаклланишига кесим таъсир қилмайди.

Эга билан кесим орасидаги синтактик алоқага мослашув дейилар эди, ҳозир координация дейилмоқда (буни ўзбек тилида мувофиқлашув деб номладик). Ҳақиқатда, эга билан кесимнинг синтактик алоқаси том маънода мослашув эмас. Мослашувда боғланманинг тобе аъзоси ҳоким аъзосининг грамматик шаклига мос ҳолда шаклланади ва ўзгаради, мослик одатда боғланма аъзоларининг грамматик маъно ифодалайдиган қисми (грамматик кўрсаткичлар орасида) воқе бўлади: *полезная книга* (полезную книгу) каби.

Предикатив боғланмада бундай эмас: синтактик алоқада эга билан, кесимдан англашиладиган грамматик маъноларнинг бири қисмигина қатнашади. Эга вазифасидаги сўзшаклнинг келиши-

красивыми || учителями. Мы будем || Вы будете || Они будут || красивые || учителями каби; 2) эга ва кесим бирлик келса: а) сон маъноси эгада ноль кўрсаткичли тугалланма билан кесимда товуш кўрсаткичли тугалланма билан ифодаланади: \emptyset *работает* (\leftarrow —) *Они работают*). *Он* \emptyset *будет работать* (\leftarrow —) *Они будут работать*); б) сон маъноси эгада ҳам, кесим ҳам ноль кўрсаткичли тугалланма билан ифодаланади: *Он работал* \emptyset (\leftarrow —) *Они работали*). *Он* \emptyset *должен* \emptyset *работать* (\leftarrow —) *Они должны работать*). *Он* \emptyset *учитель* \emptyset (\leftarrow —) *Они учителя*). *Он* \emptyset *был* \emptyset *учителем* || *красивым* (\leftarrow —) *Они были учителями* || *красивыми*) каби; в) сон маъноси кесимда тугалланма билан, эгада эса асоснинг ўзи билан ифодаланади: *я работаю. Ты работаешь. Я буду работать. Ты будешь работать. Я || Ты красивый || красивая*; г) сон маъноси кесим ноль кўрсаткичли тугалланма билан, эгада эса асоснинг ўзи билан ифодаланади: *Я || Ты работал* \emptyset (\leftarrow —) *Мы || Вы работали* || *Я || Ты должен* \emptyset *работать* (\leftarrow —) *Мы || Вы должны работать*). *Я || Ты был* \emptyset *учителем* || *красивым* (\leftarrow —) *Мы || Вы были учителями* || *красивыми*) каби.

Кўринадики, эга билан кесим алоқасида сон маъноси кўпик грамматик кўрсаткичлар билан ифодаланади ва бундай ифодаланишни мослашув деб қараш керак. Шу билан бирга, сон маъносининг эгада асос билан, кесимда грамматик кўрсаткич билан ифодаланиши ҳам мавжуд ва бундай ифодаланишни мослашув деб бўлмайди. Лекин эга билан кесим алоқасида жиҳатдан мослашув устун, шу туфайли предикатив боғланма сон маъносига суяниб туриб мослашув алоқасидан ажратиб олинган қийин.

Предикатив боғланмада шахс маъносининг ифодаланиши қуйидагича: 1) шахс маъноси кесимда ифодаланмайди (бетараф) эгада асоснинг ўзи билан ифодаланади: *Я || Ты || Он работает* || *Она работала. Мы || Вы || Они работали. Я || Ты || Она учитель* || *красивый*; *Она учительница* || *красивая. Я || Он || Она* || *Он был учителем* || *красивым*; *Она была учительницей* || *красивой. Мы || Вы || Они учителя* || *красивые. Мы || Ты || Он || Она* || *Они были учителями* || *красивыми* каби; 2) шахс маъноси кесимда тугалланма (грамматик кўрсаткич) билан, эгада эса асос билан ифодаланади: *Я работаю. Я буду работать. Ты работаешь. Ты будешь работать. Он работает. Он будет работать. Она работает. Она будет работать. Мы будем работать* ҳоказо.

Кўринадики, шахс маъноси кесимнинг айрим турларида бетараф бўлади, айрим турларида эса грамматик кўрсаткич билан ифодаланadi; эгада шахс маъноси доим грамматик кўрсаткич билан эмас, балки асоснинг ўзи билан ифодаланadi. Демак, ҳар икки ҳолда ҳам мутаносиблик грамматик кўрсаткичлар орасида воқе бўлмайди, шунга кўра эга билан кесим алоқасида шахс маъносининг ифодаланишини мослашув деб қараш мумкин эмас. Лекин предикатив боғланмани мослашувдан ажратиб, мувофиқлашув деб баҳолашда — шахс маъносининг ифода усули ҳал қилувчи омиллардан бири.

Хуллас, предикатив боғланма аъзолари орасида шахс жиҳатидан, қисман сон жиҳатидан мутаносиблик асос билан грамматик кўрсаткич орасида воқе бўлади (родда мутаносиблик миклашувни акс эттиради); эгада ва кесимда ифодаланadиган бошқа грамматик маънолар эга билан кесим алоқасида қатнашмайди. Шуларни ҳисобга олиб, эга билан кесим мослашмайди, балки мувофиқлашади деймиз.

Ўзбек тилида предикатив боғланма аъзолари орасидаги алоқада ҳам шахс, сон ҳисобга олинади. Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, род маъноси йўқ; ўзбек тилининг ўзига хос суусуияти шуки, эга билан кесим алоқасида модал маънонинг ифодаланиши жуда кучли, шу сабабли модал маъно жиҳатидан мутаносибликни ҳисобга олиш керак.

Кесимга ўзбек тилида доим тусловчи қўшилади (равийдош шакли билан ифодаланган кесимдан ташқари), фақат *Мен келишим йўқ*, *Мен келишим керак* каби қурилмалар кесимида шахс-сон нисбатловчи билан ифодаланadi, бунда нисбатловчи тусловчи вазифасини бажаради. Эгада шахс маъноси асос билан ифодаланadi. Демак, ўзбек тилидаги предикатив боғланма аъзоларида шахс жиҳатидан мутаносиблик асос билан грамматик кўрсаткич орасида воқе бўлади; шахс жиҳатдан мутаносиблик грамматик кўрсаткичлар орасида воқе бўлмас экан, предикатив боғланмада мувофиқлашув ҳақидагина гапириш мумкин.

Предикатив боғланманинг маълум бир туридагина эга шахс жиҳатидан бетараф бўлади: *Ўқитувчи менман II сенсан II у Ø* каби.

Ўзбек тилида *Ўзим келдим*, *Ўзим ўқитувчиман*, *Ҳаммамиз келдик*, *Икковимиз келамиз* каби қурилмалар ҳам мавжуд бўлиб, буларнинг ҳар икки аъзосида шахс-сон маъноси грамматик кўрсаткич билан ифодаланadi. Лекин бундай қурилма таркибида келадиган бош келишиктаги сўзшакл (*Ўзим*, *ҳаммамиз*, *икковимиз* каби) — эга эмас, балки таъкидловчи (бундай вазифадаги сўзшакл-

ни одада изоҳловчи деб атайдилар); асли эга вазифасини бажариши лозим бўлган кишилик олмоши ишлатилмайди, шу сабабли таъкидловчини эгага тенглаштириш содир бўлади: *Мен ўзим келдим* → *Ўзим келдим* каби. Кўринадики, *Ўзим келди* каби қурилмалар ҳам умумий қоидадан истисно эмас. Хуллас, ўзбек тилида эга билан кесим шахсда мувофиқлашади.

Предикатив боғланма аъзоларида сон маъносининг ифодаланиши қуйидагача:

1) Кесим сон жиҳатидан бетараф бўлади, бирликдаги эга билан ҳам, кўпликдаги эга билан ҳам ишлатилаверади: *У* || *Улар келсин* || *келади* || *келди* || *келган* || *ўқитувчи* || *келгани йўқ* || *келиши керак* каби. Кўринадики, бундай ҳолат III шахсдагина содир бўлади, чунки ўзбек тилида III шахс тусловчиси фақат шахс кўрсаткичи бўлиб, сон жиҳатидан бетараф (бирлик — кўплик зидланиши йўқ). Ўзбек тили бу хусусияти билан рус тилидан фарқланиб туради. Вақтли матбуотда, кўпинча рус тилидан таржималарда кесимни III шахс кўплигида эга билан сон жиҳатидан мослашга интилиш бор: *Усмонов ва Убайдуллаев ўртоқларнинг бригадалари ҳаммадан олдинда бормоқдалар* каби (Газетадан). Бундай ҳолларда кесимни кўпликда ишлатиш ўзбек тилига табиий хос хусусиятни бузиш бўлади.

2) Сенлар *кел[гин]* || *келдинг* || *келсанг* || *келасан* || *келгансан* || *ўқитувчисан* || *келганинг йўқ* || *келишинг керак* каби "сенлаш" ифодаланадиган предикатив боғланмаларда, эга кўплик шаклида бўлишига қарамай, кесимга бирлик тусловчиси қўшилади, натижада сон жиҳатидан мутаносиблик йўқолади: тусловчи шаклан II шахснинг бирлигига тенг бўла туриб шу шахснинг кўплигини ифодалашга хизмат қилади. Рус тилида бундай ҳолат йўқ.

3) Маълум қурилмаларда сон жиҳатидан мослашув воқе бўлади (сон маъноси эгада ҳам, кесимда ҳам грамматик кўрсаткич билан ифодаланади): *Сизлар келингиз* || *келинглар* || *келдингиз* || *келсангиз* || *келганингиз йўқ* || *келишингиз керак*; *Сенлар келинглар* || *келларинг* || *келдинглар* || *келдиларинг* || *келсаларинг* || *келганларинг йўқ* || *келишларинг керак*; *Бизлар келайлик* || *келдик* || *келсак* || *келамиз* || *келганмиз* каби.

4) Маълум предикатив боғланмаларда эса сон жиҳатидан мувофиқлашув воқе бўлади (сон маъноси эгада асос билан, кесимда грамматик кўрсаткич билан ифодаланади): *Мен келай* [ин] || *келдим* || *келсам* || *келаман* || *келганман* || *ўқитувчиман* || *келганим йўқ* || *келишим керак*; *Биз келайлик* || *келдик* || *келсак* || *келамиз* || *келганмиз* || *ўқитувчимиз*

|| келганимиз йўқ || келишимиз керак; Сен кел [гин] ва ҳоказо; Сиз келингиз ва ҳоказо (бундай қурилмаларда модал маъно йўқича ҳам мувофиқлашув содир бўлади).

5) Қуйидаги тур предикатив боғланмаларда ҳам сон жиҳатидан мувофиқлашув воқе бўлади, лекин модал маъно жиҳатидан мослашув юз беради: *Опамлар келсинлар || келдилар || келсалар || келадилар || келганлар || ўқитувчилар || келганлари йўқ || келишлари керак; Опамлар келишсин || келишди || келишса || келишади || келишган || келишгани йўқ.*

Предикатив боғланмаларда модал маънонинг ифодаланиши қуйидагича: а) эга мен, сен, у олмошлари билан, шунингдек кўплик маъносидаги биз, сиз, улар олмошлари билан ифодаланган боғланмаларда модал маъно ифодаланмайди: *Мен келай[ин] ва ҳоказо;* б) баъзи боғланмаларда модаллик фақат кесимда ифодаланади: *Опам келсинлар || келишсин ва ҳоказо;* в) модал маъно гада ҳам, кесимда ҳам грамматик кўрсаткич билан ифодаланади, лемак, мослашув воқе бўлади: *Опамлар келсинлар || келишсин || ва ҳоказо; Сизлар келингизлар ва ҳоказо; Сенлар келинглар || келларинг ва ҳоказо; Улар (бирлик) келсинлар || келишсин ва ҳоказо;* г) айрим боғланмаларда модал маъно шахс маъноси билан биргаликда эгада асос билан, кесимда эса грамматик кўрсаткич билан ифодаланади, натижада мувофиқлашув воқе бўлади: *Биз (бирлик) келайлик (бирлик) ва ҳоказо; Сиз (бирлик) келдингиз (бирлик) ва ҳоказо.*

Кўринадики, модал маънонинг ифодаланишида асосан мослашув, қисман мувофиқлашув юз беради.

Юқоридаги тасвирлардан маълум бўладики: 1) Рус тилидаги предикатив боғланмаларнинг маълум бир қисмида кесим шахс жиҳатидан бетараф бўлади; ўзбек тилида эса равишдош билан ифодаланган кесимдан бошқа барча кесимларда шахс маъноси ифодаланади. Шу сабабли шахс маъносининг ифодаланишида мувофиқлашув рус тилидан кўра ўзбек тилида кўпроқ; 2) Сон маъноси русча предикатив боғланмаларнинг қар икки аъзосида ифодаланади; ўзбекча предикатив боғланмаларда ҳам асосан шундай; лекин, шу билан бирга, ўзбек тилида кесимнинг сон жиҳатидан бетараф бўлиши, эга билан кесим муносабатида сон жиҳатидан мутаносибликнинг йўқолиши ҳам бор. Бундай истиснолардан қатъи назар, эга билан кесимнинг сон жиҳатидан мувофиқлашуви ўзбек тилида рус тилидагидан кўра кўпроқ; эга билан кесимнинг сон жиҳатидан мослашуви эса рус тилида ўзбек тилидагидан кўра кўпроқ; 3) Русча предикатив боғланмаларда род маъносининг ифодаланиши мослашувни акс эттиради; ўзбек

тилида модал маънонинг ифодаланиши асосан мослашувни, кесимман мувофиқлашувни акс эттиради; 4) Предикатив боғланмаларнинг баъзиларида фақат мувофиқлашув алоқаси, баъзиларида эса фақат мослашув алоқаси мавжуд бўлиб, қолган турларида эса мувофиқлашув билан мослашув биргаликда содир бўлади; 5) Булардан қатъи назар, предикатив боғланмаларда унинг аъзолари ифодалайдиган грамматик маънолар синтактик алоқада тўлиқ қатнашмайди: эгада келишик, кесимда майл, замон кабилар эди билан кесим мутаносиблигида иштирок этмайди, шу сабабли мослашув алоқаси ҳақида гапириб бўлмайди. Мослашув алоқаси қай даражада қатнашувидан қатъи назар, предикатив боғланма аъзолари орасида мувофиқлашув алоқаси воқе бўлади.

Хуллас, предикатив боғланма моҳият жиҳатидан рус ва ўзбек тилларида асосан бир хил бўлса ҳам, бундай боғланма аъзоларининг грамматик шаклланишида ва ўзаро синтактик муносабатида ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НОПРЕДИКАТИВ БОҒЛАНМАЛАР

Нопредикатив боғланма доим икки аъздан таркиб топади, улардан бири тобе, иккинчиси эса ҳоким бўлади. Предикатив боғланмада унинг ҳоким аъзоси одатда олдин, тобе аъзоси кейин жойлашади, нопредикатив боғланмада, аксинча, тобе аъзо кўпинча олдин, ҳоким аъзо эса кейин жойлашади. Муҳим фарқ шуки, предикатив боғланмада унинг ҳар икки аъзоси сўзшакл билан ифодаланади, шунга кўра ҳар иккиси синтактик бўлак (эга, кесим) сифатида шаклланади. Нопредикатив боғланмаларда эса унинг тобе аъзоси кўпинча сўзшакл билан ифодаланади, шунга кўра шу аъзогина синтактик бўлак (масалан, тўлдирувчи) сифатида шаклланади.

Нопредикатив боғланмалар (булар бирикма деб ҳам юритилди) турлича тасниф қилинади, шулардан бири тобе аъзосининг синтактик моҳияти асосида таснифлаш бўлиб, бунда сифатловчи бирикма, тўлдирувчи бирикма, ҳолли бирикма каби боғланмалар ажратилади.

Бирикмаларнинг тобе аъзоси (сифатловчи, тўлдирувчи, ҳол) гапнинг иккинчи даражали бўлаги деб юритилар эди, кейинги йилларда сўвчи бўлак деб талқин қилинмоқда. Бундай ёндашувга кўра аввал предикатив боғланма (гап) тузилади, кейин кесимга, эгага доир сўвчи бўлак қўшилади (киритилади), ўз навбатида бу сўвчи бўлак яна ёйилиши мумкин. Агар бу фикрга қўшилсак, синтактик бўлак учун қурилиш ашёси бўлиб сўзшаклдан йирик

синтактик бирикнинг (бирикманинг, гапнинг) кела олишини ишкор этган бўламиз. Аслида синтактик бўлакнинг ёйилиши ҳақида эмас, балки синтактик бўлакнинг, сўзшаклдан ташқари, турли-туман боғланмалар билан ифодаланиши ҳақида гапириш ўришли. Гап қурилишида бирор бўлакнинг бошқа бир бўлакка ёки гапга бир бутун ҳолда тааллуқли бўлиши алоҳида масала бўлиб, бу масалани ҳал этишда ёювчи бўлак тушунчасига зарурият йўқ.

Бизнингча, предикатив боғланмани ташкил этадиган эга билан кесимни гапнинг бўлаги деб, бирикманинг тобе аъзосини бирикманинг бўлаги деб номлаш тўғри (гап қурилишида бирикма бўлагининг мавқеи ўзгариши мумкин, бу ҳақда кейинроқ гапиримиз).

1. Тўлдирувчи бирикмалар рус ва ўзбек тилларида моҳият жиҳатидан бир хил. Тўлдирувчи тўлдирилмишига бошқарув усули билан боғланади: тўлдирилмиш бўлиб келган лексеманинг маъноси унга боғланадиган тўлдирувчи қайси синтактик шаклда келишини белгилайди.

Тўлдирувчининг икки тури ажратилади: воситасиз тўлдирувчи (прямое дополнение) ва воситали тўлдирувчи (косвенное дополнение).

1. Воситасиз тўлдирувчи ўтимли феъл томонидан бошқарилади ва ҳаракат ўтган объектни билдиради. Воситасиз тўлдирувчи рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосан тушум келишигида шаклланади: *читать книгу — китобни ўқимоқ* каби. Ҳаракат объектга қисман ўтса, бундай воситасиз тўлдирувчи рус тилида родительный падежда, ўзбек тилида эса чиқиш келишигида шаклланади: *выпить молоко — выпить молока; сутни ичмоқ — сутдан ичмоқ* каби.

Рус тилида родительный падеж бўлишсиз шаклдаги ўтимли феъл бошқарган воситасиз тўлдирувчини ҳам шакллантиради: *не покупать карандаша, не писать письма, ничего не делать* каби. Ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчининг келишигига феълнинг бўлишли-бўлишсизлиги таъсир этмайди: *китобни ўқимоқ — китобни ўқимаслик* каби. Рус тилидан фарқли ҳолда ўзбек тилида қаратқич келишиги тўлдирувчини шакллантирмайди.

Ўзбек тилида тушум келишиги белгили (аффикс қатнашади: *пахтани термоқ* каби) ёки белгисиз (аффикс қатнашмайди: *пахта термоқ* каби) ишлатилади, шунга кўра воситасиз тўлдирувчи икки кўринишда намоён бўлади. Рус тилида бундай хусусият йўқ.

2. Воситали тўлдирувчи ҳар икки тилда деярли бир хил ифодаланади. Асосий фарқ шуки, рус тилида воситали тўлдирувчи родительный падежда шаклланиши мумкин (Ўзбек тилида эса қаратқич келишиги тўлдирувчини шакллантиришга хизмат қилмайди): 1) феълларнинг маълум маъно гуруҳи (глаголы удаления, лишения, достижения, желания) родительный падеждаги воситали тўлдирувчини бошқаради: *бояться холода, лишиться уюта, ждать ответа* каби; 2) бундай ҳолат родительный падеждаги сўзшаклни бўлишсиз шаклдаги феъл бошқарганида ҳам воқе бўлади: *не хватает мяса* каби; 3) предметларнинг белгисини қиёслашда (сифат бошқарувида) ҳам воситали тўлдирувчи родительный падеждаги сўзшакл билан ифодаланади, ўзбек тилида эса бундай воситали тўлдирувчи чиқиш келишигидаги сўзшакл билан ифодаланади: *Сталь прочнее железа. — Пудат темирдан мустаҳкам* каби.

Кўринадики, рус тилининг родительный падежи ўз синтактик моҳияти жиҳатидан ўзбек тилининг қаратқич келишигидан жиддий фарқ қилади.

II. Ҳолли бирикмалар ҳам рус ва ўзбек тилларида моҳият жиҳатидан бир хил. Ҳол билан ҳолланмиш орасидаги синтактик алоқа икки хил: 1) Ҳол вазифасида шакл ўзгариши йўқ бирлик (равиш, raviшдош; ўзбек тилида сифат ҳам) келса, ҳолланмишига битишув усули билан боғланади: *узоқ || яхши || мириқиб дам олмоқ; стоять долго || облокотившись на перила* каби; 2) Ҳол вазифасида маълум келишикда ёки кўмакчи (рус тилида предлог) билан шаклланган сўзшакл келса, ҳолланмишига бошқарув усули билан боғланади: *У университетга кетди. — Он ушел в университет. Бу йил баҳорда ёгингарчилик кўп бўлди. В этом году весной осадков было много* каби.

Ҳолнинг маъно турлари рус ва ўзбек тилларида деярли бир хил ажратилади, фарқ, ўз-ўзидан, ҳолнинг ифода ашёсида намоён бўлади. Бу жиҳатдан энг муҳим фарқлар қуйидагича:

1. Равиш ҳоли (обстоятельство образа действия) рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам асосан raviш билан ифодаланади: *говорить тихо — секин гапирмоқ* каби; рус тилидан фарқли ҳолда бундай ҳол ўзбек тилида сифат билан ҳам ифодаланади: *говорить красиво — чиройли гапирмоқ* каби.

Рус тилида именительный падеж ҳол бўлакни шакллантирмайди. Асли ўзбек тилида ҳам шундай, лекин бирикма билан ифодаланадиган ҳолнинг маълум турлари бош келишикда шаклланади: *ўша йили, шу кун; бу гал, ҳар сафар* каби.

3. Ўзбек тилида феълнинг сифатдош, ҳаракат номи шакллари маълум келишида ёки кўмакчи билан ишлатилиб, ҳол вазифасида келиши кўп учрайди: *Уйимиздан факультетга етиб келиш учун 45 дақиқа етарли. Қолган гапларни уйга келганингизда жоплашамиз* каби. Рус тилида сифатдош ҳол вазифасида келмайди; ўзбек тилидаги ҳаракат номига муқобил ҳодиса эса рус тилида йўқ. Рус тилининг ўзига хос хусусияти шуки, ҳол бўлак инфинитив билан ифодаланиши мумкин: *Она пришла послушать музыку* каби.

4. Ҳар икки тилда ҳол равишдош билан ифодаланади: *Уйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.— Хотя и говоришь играючи (не чувствуя ответственности), говори обдумав* каби. Фарқ шундаки, ўзига тааллуқли сўзшакл билан ёйилган равишдош ҳол бўлак ўзбек тилида ҳолланмиши олдида келади ва одатда ажратилмайди: *Мени чин кўнгилдан севиниб қарши олди* каби. Рус тилида эса ўзига тааллуқли сўзшакл билан ёйилган равишдош ҳол бўлак кўпинча ҳолланмишидан кейин келади, шунга кўра ажратилади: *Он лег в постель, закутавшись ватным одеялом* каби.

III. Сифатловчили бирикмалар рус ва ўзбек тилларида кескин фарқ қилади. Рус тилида сифатловчилар мослашадиган ва мослашмайдиган сифатловчи деб иккига ажратилади.

1. Асли том маънодаги, яъни ҳам грамматик, ҳам семантик жиҳатдан сифатловчи деб қарашга лойиқ сифатловчи — мослашадиган сифатловчи. Чунки бундай сифатловчи вазифасида предметнинг белгисини англатадиган туркум лексемаси келади ва у сифатланмиш отнинг грамматик шаклига мос ҳолда грамматик кўрсаткич олади ҳамда мослашиб ўзгаради: *чистая бумага, чистую бумагу* каби.

Рус тилида сифатловчили бирикманинг тобе аъзоси (сифатловчи) ҳоким аъзосига (сифатланмишига) қараб грамматик кўрсаткич олади, грамматик кўрсаткичлар орасида мутаносиб ўзгариш юз беради. Лекин бирикма доирасида на ҳоким аъзонинг, на тобе аъзонинг грамматик шакли аниқ бўлмайди, бундай бирикманинг аъзолари нутқда аниқ бир грамматик шакл касб этади. Тўғри, сифатловчили бирикмани алоҳида бирлик сифатида таяаффуз этиш зарур бўлса, уни маълум род, бирлик, бош келишик шаклида айтанимиз, чунки шундай грамматик шакл сифатловчили бирикма учун бош шакл деб қабул қилинган: *черный карандаш, большая лампочка, синее небо* каби. Бундай боғланмада тугалланмаларни тўртбурчакка олсак, қолган қисм бирикманинг асосига тенг бўлади: *черный|, карандаш |Ø|,*

больш|а́я|, лампочк|а|, син|е|е|, неб|о|. Тилда бундай сифатловчилар бирикманинг андозаси бор: (асос + тугалланма) × (асос + тугалланма), бу андозада қайси тугалланмалар (ўз-ўзидан, қайси лексемалар ҳам) қатнашуви нутқдагина аниқ бўлади. Демак, рус тилида сифатловчилар бирикманинг тобе аъзоси бирикма доирасида грамматик шаклланиб етмайди; бундай бирикманинг ҳоким аъзоси ҳам (асли бирикманинг ўзи ҳам) нутқда тугал грамматик шаклланади.

Ўзбек тилида сифатловчилар бирикманинг тобе аъзоси ҳоким аъзосига битишув усули билан боғланади: сифатловчи вазифасида келадиган бирликка сифатланмиши билан синтактик алоқага киришуви туфайли бирор грамматик кўрсаткич қўшилмайди: *қора қалам, катта лампочка, мовий осмон* каби. Бунда тобе аъзо бирикманинг ўзи доирасида тугал грамматик шаклланади, сўзшаклга тенг бўлади; ҳоким аъзонинг (асли бирикманинг яхлитлигича) грамматик шакли эса нутқда аниқлашади, шунга кўра ҳоким аъзо (асли сифатловчилар бирикма) навбатдаги синтактик алоқага киришгунгача асосга тенг бўлади. Юқориди айтилганларни қавслар ёрдамида шундай кўрсатиш мумкин: [(қора) × (қалам =)] = . Демак, рус тилида сифатловчилар бирикманинг ҳам тобе, ҳам ҳоким аъзоси айна бир вақтда нутқнинг ўзида грамматик шакл олади; ўзбек тилида эса тобе аъзо бирикма доирасида мустақил шаклланади, ҳоким аъзо (асли бирикма яхлитлигича) нутқда грамматик шакл олади.

Рус тилида сифатловчи вазифасида шакл ўзгариши бор туркум бирликлари (сифат, сифатдош, сифат тур олмош, сон) келади. Булардан сон билан ифодаланадиган сифатловчи алоқида хусусиятга эга. Бошқа туркум бирликлари билан ифодаланадиган сифатловчи сифатланмиши билан барча шаклларида мослашади, сон билан ифодаланадиган сифатловчи эса асосан мослашади-ю, лекин баъзи шаклларида гуё бошқарув рўй беради: 1) Сифатловчи бўлиб келган *два, три, четыре* сонлари именительный ва винительный падежларда сифатланмиши родительный падежнинг бирлигида шаклланишини талаб қилади: *четыре студента* каби; 2) Сифатловчи бўлиб келган *пять* ва ундан йирик сон (*два, три, четыре* сонларига тугайдиган мураккаб сонлардан ташқари) именительный ва винительный падежларда сифатланмиши родительный падежнинг кўплигида шаклланишини талаб қилади: *пять студентов* каби. Бошқа ҳолларда сон билан ифодаланган сифатловчи сифатланмиши билан мослашади.

Ўзбек тилида барча сонлар сифатланмишига битишув усули билан боғланаверади.

Яна бир фарқ шуки, рус тилида *два* ва ундан йирик сон сифатловчи бўлиб келганида сифатланмиш от асосан кўплик шаклида ишлатилади: *два студента*, лекин *двух студентов*; *пять студентов* каби; ўзбек тилида, сифатловчи қайси сон билан ифодаланишидан қатъи назар, сифатланмиш от бирлик шаклида ишлатилади: *икки студент*, *ўн студент* каби.

Рус тилидан фарқли ҳолда ўзбек тилида сифатловчи бўлиб келган равиш ҳам келади: *кўп гап*, *оз гап*, *тез одам* каби. Қуринадики, бу вазифада сифат тур равишларгина кела олади. Рус тилида равиш сифатловчи бўлиб келмайди.

Ўзбек тилида сифатловчи от билан ҳам ифодаланади: *олтин одам*, *гишт девор* каби. Бундай вазифада асосан жисм отлари келади. Сифатловчи вазифасида келган бундай от грамматик шакли жиҳатидан сифатга тенглашади: сон ва келишик шаклларига эга бўлмайди.

2. Рус тилида сифатловчининг мослашмайдиган тури ҳам ажратилади. Бундай сифатловчи асосан сифатланмишидан кейин жойлашиб: а) родительный падежда шаклланади: *дом соседа*, *труд ученого*, *белизна снега*, *стая волков*, *водитель транвая* каби; б) предлог билан шаклланади (предлог именительный падеждан бошқа келишикдаги сўзшакл билан биргаликда аналитик грамматик шакл ҳосил этади): *дом из кирпича*, *дорога в Чиназ*, *чай с молоком*, *книга без твердой обложки* каби.

Мослашмайдиган сифатловчи сифатланмишига бошқарув усули билан боғланади. От сўзшакл билан ифодаланган бундай сифатловчи, белги англатишдан ташқари, табиий, тўлдирувчига, ҳолга мансуб баъзи маъноларни ҳам (объект, ўрин, пайт ва ҳоказо маъноларни ҳам) ифодалайди. Демак, мослашмайдиган сифатловчи шаклан бошқарувни акс эттиради, мазмунан эса мураккаб бўлиб, белги маъносини бошқача маъно билан биргаликда ифодалайди; шунга кўра бундай вазифадаги сўзшаклни сифатловчи дейиш ўзини қисмангина оқлайди. Ўзбек тилида рус тилидаги мослашмайдиган сифатловчига муқобил ҳодиса йўқ.

IV. Ўзбек тилининг рус тилидан фарқли ҳодисаларидан бири — қаратувчили бирикма: *душманинг ҳужуми*, *қовунининг уруғи*, *шаҳарнинг чекаси* каби. Бундай бирикма рус тилидаги *наступление врага*, *семена дыни*, *окраина города* каби бирикмаларга энг яқин туради, лекин тенг эмас. Бу тур бирикманинг тобе аъзоси ўзбек тилида қаратқич келишигида, рус тилида родительный падежда шаклланади (шу нуқтада ўзбек ва рус тилларининг бу келишиклари ўзаро ўхшаш), бу тобе аъзолар бирикма донрасида тугал грамматик шаклланади; ҳоким аъзонинг (асли

яхлитлигича бирикманинг) тугал грамматик шаклланиши нутқда кейинги синтактик алоқа туфайли воқе бўлади:

(шаҳарнинг) × (чека + Ø I + си) + да
на (окраин) + е × (города)

Мисоллардан кўриниб турибдики, рус тилида бундай бирикманинг ҳоким аъзосига тобе аъзо билан синтактик боғланиш туфайли бирор грамматик кўрсаткич қўшилмайди, ўзбек тилида эса ҳоким аъзога нисбатловчи қўшилади, бундай нисбатловчи қўшилгунга қадар бирикма аъзолари етарли грамматик шаклланимаган бўлади (бу қондадан маълум истиснолар бор, албатта). Нисбатловчи тобе аъзонинг талабига кўра танлаб қўшилади, лекин синтактик вазифани кўрсатмайди (синтактик вазифани нисбатловчидан кейин қўшиладиган келишик кўрсатади).

Тасвирланаётган бирикманинг тобе аъзоси қаратувчи деб ҳоким аъзоси қаралмиш деб юритилади. Ҳозиргача қаратувчи билан қаралмишнинг синтактик алоқаси мослашув деб келинади. Аслида эса том маънодаги мослашув эмаслиги аллақачон таъкидланган эди-ю, лекин узил-кесил янги талқин берилмади. Ҳақиқатда, қаратувчили бирикмада ҳоким аъзо тобе аъзонини грамматик шаклига тўлиқ мослашмайди. Ҳоким аъзога қўшиладиган нисбатловчи тобе аъзога мутаносиб ҳолда танлаб қўшилади, лекин бундай мутаносиблик бу аъзоларнинг грамматик шакллари орасидагина воқе бўлмайди. Масалан, шам маъноси тобе аъзо вазифасидаги сўзшаклнинг асосидан англашिलाди, ҳоким аъзода эса бу маънони грамматик кўрсаткич (нисбатловчи) ифодалайди. Фақат қаратувчи ўз сўзи билан ҳамма каби олмош билан, икки каби сон билан ифодаланадиган бирикмаларда мослашув воқе бўлади: *ўзимнинг уйим, ҳаммамизнинг уйимиз, иккимизнинг уйимиз* каби. Кўринадики, бундай қаратувчи билан қаралмиш таркибида айни бир нисбатловчи қатнашади. Агар бундай қурилма асли уч аъзоли эканини ҳисобга олсак (*менинг ўзимнинг уйим* каби), унда тушириладиган аъзо асл қаратувчи эканини, қатнашадиган аъзо эса таъкидловчи эканини сезиш қийин эмас. Демак, бундай қурилмаларда ҳам асли қаралмиш таркибидаги нисбатловчи шам жиҳатидан қаратувчи вазифасидаги сўзшаклнинг асосига мутаносиб қўшилади. Модомики мутаносиблик грамматик кўрсаткичлар орасида эмас, балки асос билан аффикс орасида содир булар экан, энди бундай синтактик алоқани мослашув деб бўлмайди.

Қаратувчили бирикма аъзоларида сон маъносининг ифодаланishi ҳар хил: 1) қаралмиш сон жиҳатил^{ри}ч бетараф бўлади, бундай хусусият III шахс нисбатловчисига хос: *унинг уйи — марнинг уйи каби*; 2) қаратувчи билан қаралмиш сон жиҳатидан мослашади: *сизларнинг уйингиз, сенларнинг уйларинг, бизларнинг имимиз каби*; 3) сонда мослашув йўқолади (кўплик фақат қаратувчида ифодаланади): *сенларнинг уйинг каби*; 4) сонда мувофиқлашув воқе бўлади: *менинг уйим, сенинг уйинг каби* (қаратувчи билан қаралмиш орасидаги мутаносиблик модал маъно бўйича ҳам мавжуд).

Демак, қаратувчили бирикманинг айрим кўринишларида сон жиҳатидан мослашув воқе бўлади ёки сон жиҳатидан мутаносиблик йўқолади, қолган кўринишларида эса сон жиҳатидан мувофиқлашув содир бўлади. Ҳам шахс, ҳам сон жиҳатидан мувофиқлашув юз берадиган бирикмалар билан бирга, шахсда мувофиқлашув, сонда мослашув воқе бўладиган бирикмалар ҳам бор. Мослашув қай даражада мавжуд бўлишидан қатъи назар, қаратувчили бирикмада синтактик алоқани мувофиқлашув деб баҳолаш тўғри. Бу фикрни тасдиқлайдиган муҳим далиллардан яна бири шуки, қаратувчи билан қаралмиш орасидаги мутаносибликда қаратувчининг келишик шакли ва қаралмишнинг сон шакли қатнашмайди, яъни мутаносиблик икки аъзога мансуб бирча грамматик шакллар орасида эмас, балки айрим грамматик шакллар орасида ва асос билан грамматик шакл орасида содир бўлади.

Хуллас, қаратувчили бирикма ўзбек тилининг ўзига хос синтактик боғланма бўлиб, унга муқобил бирикма рус тилида йўқ.

V. Ўзбек тилида қаратувчили бирикмага жуда ўхшаш яна бир синтактик қурилма мавжуд: *Тошкент шаҳри, куз фасли каби*. Бундай боғланма қаратувчили бирикмадан жиддий фарқ қилади: 1) тобе аъзо доим от билан ифодаланади; 2) шунга кўра ҳоким аъзо доим III шахс нисбатловчисига олиб келади; 3) тобе аъзо ҳам, ҳоким аъзо ҳам бирликдаги от билан ифодаланади; 4) энг муҳими — тобе аъзо бош келишикдаги сўзшакл билан ифодаланади: бу аъзога ҳар қандай шарт-шароитда *-нинг* аффиксини қўшиб бўлмайди, демак, бу ерда белгисиз қаратқич келишиги ҳақида гапириш ноўрин. Бу ҳодисадан келиб чиқадиган назарий хулоса шуки, бош келишик боғланманинг ҳоким аъзосинигина эмас, балки тобе аъзосини шаклантириб кела олади.

Тасвирланаётган бирикмани қаратувчили бирикмадан ажратиб изофа бирикмаси деб номлади. Изофа бирикмасида ҳозир аъзодаги нисбатловчи шахс маъносини ифодалайди ва у тобе асосидан англашиладиган шахс маъносига мутаносиб қўшилади. Сон жиҳатидан гўё мослашув юз берали, аслида эса III нисбатловчиси сон маъносини ифодалаш жиҳатидан бетартиб демак, мослашув йўқ; тобе аъзодаги келишик шакли, ҳозир аъзодаги сон шакли эса бирикма аъзолари орасидаги мутаносибликда қатнашмайди. Демак, изофа бирикмаси аъзолари мувофиқлашув усули билан боғланади.

Хуллас, ўзбек тили бирикмаларида синтактик алоқани мустақил тури сифатида мослашув йўқ; ҳозиргача мослашув деб талқин қилинган ҳодисалар асли мувофиқлашув алоқаси тенг; мослашув ана шу мувофиқлашув алоқаси қарамоғига қатнашади.

VI. Рус тилида ва ўзбек тилида изоҳловчили бирикмадан ажратилади. Бундай бирикма икки от лексеманинг тобе алоқаси асосида тузилади. Изоҳловчили бирикма изофа бирикмасига жуда ўхшаш, лекин фарқли: изоҳловчили бирикмада синтактик алоқаси тугалли иккинчи аъзога нисбатловчи қўшилмайди. Асли ташқи кўриниши жиҳатидан изоҳловчили бирикма сифатловчиси билан ифодаланган бирикмага ўхшайди, лекин бу ердаги фарқ шуки, от билан ифодаланган сифатловчи таркибида сон келишик қатнашмайди.

Изоҳловчили бирикма одатда атоқли от билан турдош отдан тузилади: *Раҳима она, Тўйчи ҳофиз, Карим гуррак; уста Олиқдоцент Фузаилов* каби. Бундай боғланишда, олдин ёки кейин келишидан қатъи назар, турдош от изоҳловчи, атоқли от изоҳланмиш бўлади. Изоҳловчили бирикманинг биринчи аъзоси бош келишикдаги сўзшакл билан ифодаланади, иккинчи аъзо (асли яхлитлигича бирикма) тугал грамматик шаклга нутқда навбатдаги синтактик боғланиш натижасида эга бўлади: [(*Раҳима*) × (*она-*)]-, [(*доцент*) × (*Фузаилов-*)]-. Кўринадики, ушбу тилида изоҳловчи бош келишикдаги сўз билан ифодаланади деган фикр изоҳловчи бундай бирикманинг биринчи аъзоси бўлиб келган ҳолатга нисбатангина тўғри.

Рус тилида изоҳловчи одатда изоҳланмишидан олдин келадиган *тетя Лиза, президент Буш, лейтенант Иванов* каби. Бундай бирикмаларда турдош от изоҳловчи бўлиб келади ва у имениевительный падежда деб қаралади. Аслида бундай бирикмадан изоҳловчи ва изоҳланмиш ўзаро мослашиб турланади: *лейтенант Иванова, лейтенанту Иванову* каби. Демак, рус тилида

бундай бирикмаларнинг аъзолари, худди сифатловчили бирикмада
грамматик кўрсаткичларни нутқда олади, бирикма-
нинг ўзи доирасида на изоҳловчи ва на изоҳланмишнинг кели-
ши аниқ бўлмайди: (лейтенант|ул) × (Иванов|ул) каби.

Кўринадики, лейтенант Иванов каби бирикма ўзбек тилида
қилинув усули билан, рус тилида эса мослашув усули билан
шаклланади.

Рус тилида озеро Байкал, журнал "Работница" кабилар ҳам
сифатловчили бирикмалар қаторига киритилади. Асли изоҳловчи
шаклланган предметга қўшимча ном бўлиб хизмат қилади.
Рус тилидаги тур бирикмада эса қўшимча ном бериш эмас, балки
сифатловчи номнинг ўзини келтириш воқе бўлади. Бундан қатъи
назар, озеро Байкал каби бирикма грамматик табиати
назардан ҳам лейтенант Иванов каби бирикмадан фарқ
қилади: (озер|л) × (Байкал). Кўринадики, бу тур бирикмада
сўзлар от сўзшакл билан ифодаланади, шунга кўра ўз шаклини
сўзсиз қилмайди; турдош от эса (асли яхлитлигича бирикма)
шаклидагина тугал грамматик шаклланади. Русча озеро Байкал
каби бирикмаларга ўзбек тилида Байкал кўли каби изофа
бирикмаси тўғри келади.

РУСЧА ВА ЎЗБЕКЧА СОДДА ЁЙИҚ ГАПНИНГ ВА ҚЎШМА ГАПНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

1. Содда гапда бўлақларнинг ўрни ва тартиби. Одатда гап
сўзлардан таркиб топади дейилади, асли гап бўлақлардан таркиб
топади дейиш тўғрироқ. Синтактик бўлақнинг ифода ашёси
сўзлар билан одатда сўзшакл хизмат қилади (бундай синтактик бирлик
сўзлар деб юритилар эди); шу билан бирга, синтактик бўлақ
боғланма билан ҳам ифодаланади. Кейинги ҳолат ҳисобга
олинганда, гап сўзлардан (сўзшакллардан) таркиб топади дейиш
тўғри бўлавермайди. Асли гап бўлақлардан таркиб топади, бўлақ
сўзлар ўз навбатида сўз билан (тўғрироғи — сўзшакл билан) ёки
боғланма билан ифодаланган бўлиши мумкин. Масалан, *Ҳозир
III курсда 96 студент ўқийди. Сейчас на III курсе обучаются
96 студентов* гаплари тўрт бўлақдан таркиб топган: 1) *ҳозир
ўқийди*, 2) *III курсда* (на III курс), 3) *96 студент* (*96
студентов*), 4) *ўқийди* (*обучаются*). Бунда биринчи ва
иккинчи бўлақ якка сўзшакл билан, иккинчи, учинчи бўлақ
боғланма билан ифодаланган.

Гап таркибида гапнинг бўлаги (эга, кесим), бирикманинг
сифатловчи (сифатловчи, қаратувчи, изоҳловчи, тўлдирувчи, ҳол) ва

гап бўлаклари билан синтактик алоқага киришмайдиган бўлак (ундалма, кириш) қатнашувини ҳам ҳисобга олсак, "гап бўлакларининг тартиби" дейишдан ҳам кўра "синтактик бўлакларининг тартиби" дейишимиз тўғри.

Икки ҳодисани фарқлаш лозим: синтактик бўлакнинг ўрни бор ва бу ўринни ўзгартириш имконияти бор. Ўрни қатъий белгиланган бўлакка нисбатан тартиб ҳақида гапириб бўлмайди. Одатдаги ўрнини ўзгартиришга йўл қўядиган бўлакдагина тартиб эркинлиги мавжуд. Синтактик бўлакларнинг ўрнини ва тартибини белгилашда насрий адабий нутқ асосга олинади.

Предикатив боғланмада рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам аввал эга, кейин кесим жойлашади. Услубга боғлиқ ҳолда ёки бошқа бирор мақсад ва сабаб билан эга кесимдан кейинги кўчирилиши мумкин: *Ведь пришел же я! Келдим-ку ахир мен каби.*

Сифатловчилари бирикмада аввал сифатловчи, кейин сифатланмиш жойлашади: *широкая дорога, кенг йўл каби.* Рус тилидаги мослашмайдиган сифатловчи сифатланмишидан кейин жойлашади: *суп с фрикодельками* каби. Сифатловчиларда тартиб эркинлиги йўқ. Ўзбек тилидаги қаратувчиларда ҳам тартиб эркинлиги йўқ.

Тўлдирувчи ўзбек тилида тўлдирилмишидан олдин, рус тилида эса кўпинча кейин жойлашади. Ҳам воситасиз, ҳам воситали тўлдирувчи келса, ўзбек тилида тўлдирилмиш олдида воситасиз тўлдирувчи жойлашади, воситали тўлдирувчи эса воситасиз тўлдирувчидан олдин жойлашади (тўлдирилмишга воситасиз тўлдирувчи яқин жойлашади); рус тилида эса тўлдирилмишдан кейин одатда воситали тўлдирувчи, ундан кейин воситасиз тўлдирувчи жойлашади (тўлдирилмишга воситали тўлдирувчи яқин жойлашади): *ўқувчиларга топшириқ бермоқ — дать ученикам задание* каби. Лекин гап таркибида тўлдирувчи турли тартибда жойлаша олади.

Ҳол ўзбек тилида ҳолланмишидан олдин, рус тилида эса зсосан кейин жойлашади. Бундан қатъий назар, ҳолнинг маъно турларида ўрин ва тартиб ҳар хил: ҳолланмишга энг яқин равиш ҳоли, ундан олдин (кейин) миқдор ҳоли, мақсад ҳоли, ундан ҳам олдин (кейин) ҳолнинг бошқа турлари жойлашади. Гап таркибида булар, ўз-ўзидан, турлича жойлаша олади.

Ёйиқ гапда аввал эга состави (эга дастаси), кейин кесим дастаси жойлашади. Тўлдирувчи ва ҳол одатда кесим дастасига мансуб бўлади, лекин гап таркибида нисбий мустақиллик қозониб, гапга бутунлигича тааллуқли бўлиши, шу сабабли гапнинг бош

қисмида (эгадан олдин) жойлашуви мумкин. Бундай хусусият тўлдирувчиларга, ҳолнинг эса айрим маъно турларига (асосан шайт ва ўрин ҳолларига) хос.

Гапга бир бутун ҳолда тааллуқли ана шундай синтактик бўлакка детерминант дейилмоқда (тик чизиқ билан бирламчи тақдирда ажратилган синтактик бўлақларнинг чегарасини кўрсатдик): *Уч кундан сўнг | Шоқосим | тиланчиликдан | қутулди* (Ойбек). *В начале июня | часто | шли | необычные для лета дожди* (Шолохов).

Бундан қатъи назар, тўлдирувчи ва ҳол гапда турлича ўринда сола олади, демак, бирикманинг бўлаги ҳолатидан гапнинг бўлаги ҳолатига кўтарила олади (булар бирикманинг бўлаги ҳолатида қолиши ҳам мумкин, бундай ҳодиса синтактик бўлак боғланма билан ифодаланганида юз беради): *Бу жувозкашдан | Йўлчи | ва хўжайинининг сизир-бузоқлари учун | баъзи вақт | кунжари олиб, у билан таниш бўлган эди* (Ойбек). *В степи за хутором | слыла | прозрачная тишина* (Шолохов).

Хуллас, эга, кесим, тўлдирувчи, шунингдек ҳолнинг маълум турлари тартиб эркинлигига эга; сифатловчида, қаратувчида, қисман изоҳловчида бундай хусусият йўқ, шу сабабли булар тин таркибига ўз сифатланмиши, қаралмиши, изоҳланмиши билан биргаликда киради ва биргаликда бир синтактик бўлак таърифасини бажаради. Тартиб эркинлиги бор синтактик бўлақларда уларнинг жойлашуви маъно ва услуб талабига кўра турлича бўлади. Ёйиқ содда гапда синтактик бўлақларнинг одатдаги жойлашуви бўйича асосий фарқ шуки, рус тилида кесим эгадан кейин, лскин тўлдирувчилардан олдин жойлашади, ўзбек тилида эса кесим ҳамма бўлақлардан кейин, гапнинг охирида келади.

II. Ажратилган бўлак. Содда гапга мураккаб тус берадиган ҳодисалардан бири — ажратилган бўлак. Ажратилган бўлак гапнинг бирор бўлак билан синтактик алоқада бўлади, шу бўлакка ажратилган ҳолда боғланиб, уни таъкидлашга, мазмунан кучайтиришга хизмат қилади. Бирор бўлак ажратилиши учун кўпинча унинг одатдаги ўрни ўзгартирилади (одатда кейинга кўчирилади), гапда ўзига хос интонация билан айтилади (бошқа бўлақлардан пауза билан ажратилади).

Ажратилган бўлак рус тилида анчагина учрайди ва мазмунан иккига гуруҳланади: 1) яримпредикатив ажратилган бўлак, 2) изоҳ ажратилган бўлак.

Яримпредикатив ажратилган бўлак ўз навбатида ажратилган сифатловчи, ажратилган ҳол деб иккига гуруҳланади. Ажратилган

сифатловчиларнинг ўзи бош аъзосига қараб уч турга бўлинади: сифатдош оборот, сифат оборот, от оборот.

Ажратилиш одатда бир неча аъзоли бирликка хос, бундан бирликнинг бош аъзоси (сифатдош, сифат, от) ўзига тааллуқли сўзшакл(лар) билан биргаликда, бир синтактик вазифада келади, шу сабабли бундай бирлик оборот деб юритилади.

Рус тилида сифатдош оборот (причастный оборот) ўзи тааллуқли сўзшаклдан олдин жойлашса, одатда ажратилмайди, кейин жойлашса, ажратилади: *Прочитанный им доклад стал предметом бурных дискуссий.— Доклад, прочитанный им, стал предметом бурных дискуссий.* Ўзбек тилида сифатдош оборот жуда кўп учрайди, лекин улар деярли ажратилмайди: *Ернинг намини ҳочирмай экилган чигит тез униб чиқади.*

Сифат оборот (адъективный оборот) ҳам рус тилида асосан сифатланмишидан кейин келади ва ажратилади: *Я прожил жизнь, полную неожиданностей и предательств* (Паустовский). Ўзбек тилида сифат оборот жуда оз учрайди ва одатда ажратилмайди: *Шердан кучли ҳайвон йўқ.*

От оборот (субстантивный оборот) деб рус тилида икки ҳодиса кўрсатилади: а) ажратилган мослашмайдиган сифатловчи, б) ажратилган изоҳловчи. Ажратилган мослашмайдиган сифатловчи якка сўзшакл билан ҳам, бирикма билан ҳам ифодаланиши мумкин: *Эту кашу, без мяса и моркови, как можно называть пловом?!* Ўзбек тилида сифатловчининг бундай тури йўқ.

Ажратилган изоҳловчи ҳам рус тилида юқоридагича ифодаланади: *Мы, студенты III курса, прослушали лекции по курсу "Сопоставление русского и узбекского языков".* Ўзбек тилида бундай ажратилган изоҳловчи кўпинча рус тилидан таржима сабабли учрай бошлади: *Биз, III курс талабалари, "Рус ва ўзбек тилларини қиёслаш" курси бўйича лекциялар тингладик.*

Ажратилган ҳолнинг ўзи икки хил: а) ажратилган равишдош оборот, б) ажратилган от оборот. Рус тилида равишдош ўзига тааллуқли сўзшакл(лар) билан биргаликда равишдош оборот ҳосил этади ва одатда ажратилган бўлак бўлиб келади: *Напившись чаю и отдохнув, она вышла погулять* (Чехов). *Восток неизвестно ясенел, отражая свой слабый свет на подернутом тонкими тучами своде неба* (Л. Толстой).

Ўзбек тилида равишдошнинг ўзига тааллуқли сўзшакл(лар) билан биргаликда оборот ҳосил этиши жуда кўп учрайди, лекин, рус тилидан фарқли ҳолда, равишдош оборот ўзбек тилида асосан ажратилмайди: *Эрталабдан бери кетмон чопиб чарчадик.* Ўзбек тилида равишдош, ҳол бўлак вазифасида келишдан ташқари,

кесим вазифасида ҳам келади: *Қалин қор ёғиб, ҳамма ёқни оқ* турта қоплади. *Ҳафтада тўрт кун ишлаб, уч кун дам оламан.* Рашидшош кесим вазифасида келса, ажратилган бўлак, рашидшош бирот юзага келмайди.

Ажратилган ҳолнинг от оборот тури *несмотря на, вследствие, благодаря, вопреки, в случае, во избежание* каби предлог ёки предлогли қурилма ёрдамида шаклланади: *За исключением поездки по делам зимой, большую часть времени он проводил дома* (Л. Толстой). Бундай қурилмали ҳол ажратилмаслиги ҳам мумкин: *Заметки в случае необходимости подлежат сокращениям и стилистическим изменениям* (Чехов). Ўзбек тилида бундай ажратилган ҳол деярли учрамайди.

Изоҳ ажратилган бўлак (уточняющие обособленные члены) деб талқин қилинаётган ҳодиса асли ажратилган бўлаклик таълабларига қисман жавоб беради, шу сабабли буларни туғридан-туғри изоҳ бўлак деб юритавериш маъқул кўринади.

Рус тилида изоҳ бўлак ўзи тааллуқли бўлакка кўпинча *то есть, иначе* каби боғловчи, *особенно, даже, в частности, в том числе, например* каби сўзлар ёрдамида боғланади: *В этом отношении случилось даже одно очень важное для них событие, именно встреча Кити с Вронским* (Л. Толстой). *Все вокруг, даже пепельница из розовой раковины, говорило о мирной и долгой жизни* (Паустовский). Рус тилида изоҳ бўлаклар қаторига *кроме, помимо, наряду с, в отличие от, в противоположность* каби предлог ёки предлогли қурилма билан шаклланидиган бўлаклар ҳам киритилади: *В денежном ящике, кроме денег, хранится и деловая корреспонденция* (Салтыков-Щедрин).

Ўзбек тилида изоҳ бўлакни кўпинча *яъни, шу жумладан, айниқса, ҳатто, масалан* каби ёрдамчилар шакллантиради: *Кечқурун, яъни соат саккиздан кейин келсанг, мени шу ердан топасан.*

Хуллас, ажратилган бўлак — русча нутқда кўп учрайдиган, ўзбекча нутқда эса жуда оз учрайдиган ҳодиса. Изоҳ бўлак ўз табиатига кўра ажратилган бўлакдан фарқланиб туради. Изоҳ бўлак, гарчанд русча нутқдаги даражада бўлмаса ҳам, ўзбекча нутққа ҳам хос.

Ш. Қўшма гап рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам тузилиши ва мазмунига кўра ўта мураккаб бўлиб, ҳар бир тилнинг ўз имкониятлари доирасида намоён бўлади. Тузилиш жиҳатидан алоҳида таъкидлашга лойиқ ҳодиса шуки, ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, эргашган қўшма гапларнинг маълум

турида эргаш гапнинг кесими шахсли (тусланган) фсъл билан эмас, балки равишдош билан ифодаланади: *Эшик очилиб, Чуллонойнинг онаси кўринди* (П. Қодиров). Рус тилида эса қўшма гап таркибидаги ҳар бир предикатив қисмининг кесими шахсли (тусланган) фсъл билан ифодаланади: *Благодаря тому что мы строго соблюдаем график движения поездов, количество перевозок значительно увеличивается* (Газетадан).

Рус тилида эргашган қўшма гаплар "сложноподчиненные предложения нерасчлененной структуры" ва "сложноподчиненные предложения расчлененной структуры" деб иккига ажратилади. Биринчи тур қўшма гапда эргаш гап бош гапдаги от билан ифодаланган булакка бевосита тааллуқли бўлади, шу булакни аниқлайди (сифатлайди); бошқа тур сифатловчилардан фарқи шуки, таркибида эга булак қатнашади, демак, тузилиши жиҳатидан гапга тенг бўлади. Қиёс қилинг: *Он взял книги, которые нужны ему.— Он взял книги, нужные ему.* Биринчи мисол аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга, иккинчи мисол эса сифатдош оборотли содда гапга тенг.

Кўринадики, бу қисмлар синтактик алоқа нуқтаи назаридан бир хил; бирини гап, иккинчисини булак деб белгилашда уларнинг ички синтактик қурилишидан келиб чиқилади. Бундай эргаш гапли қўшма гапда асли икки предикатив боғланманинг тенг мавқедаги алоқаси содир бўлмайди, эргаш гап бошқа бир гапга эмас, балки ўша гап таркибидаги маълум бир сўзшаклга тааллуқли бўлади. Фақат предикативлик белгиларига тўлиқ эга эканлиги (тўлиқ шаклланган эга ва кесимнинг мавжудлиги) туфайли уни гап деб тан олиш лозим бўлади.

Ўзбек тилида сифатловчи одатда сифатланмишидан олдин жойлашади, бундай ҳолат сифатловчи якка сўзшакл билан ифодаланганда ҳам, бирикма билан ифодаланганда ҳам бирдек воқе бўлади: *У керакли китобларни олди.— У ўзига керакли китобларни олди* каби. Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, предикатив боғланма ҳам сифатловчи бўлиб кела олди: *У қарилликдан... четлари қизарган кўзларини Гулнорга аллақандай ҳирс билан тикди* (Ойбек). Предикатив боғланма сифатловчи бўлиб келиши учун маълум ўзгаришлар юз беради, албатта. Масалан, *Мен ёқтирдим* предикатив боғланмаси сифатловчи бўлиб келиши учун тусловчи ташланиши, замон ясовчиси эса сифатдош ясовчисига алмаштирилиши лозим. Натижада предикатив боғланма гаплик ҳолатини йўқотиб, сифатловчи булакка хос шакл олади. Бундай ўзгаришлардан кейин предикатив

богланмани гап деб бўлмайди: *Мен ёқтирган куйни чалинг* каби.

Рус тилида қўшма гап билан ифодаланган мазмун ўзбек тилида ҳам кўпинча гап билан ифодаланади: *Выпал обильный снег, поэтому стало ходить трудно.— Қор жуда қалин ёғди, шу сабабли юриш қийинлашди* каби. Бундан қатъи назар, рус тилида қўшма гап билан ифодаланадиган мазмунни ўзбек тилида содда гап билан ифодалаш ҳам анчагина учрайди, бунда рус тилида гап билан ифодаланган мазмун ўзбек тилида оборот билан ифодаланади: *Я знаю, что ты сегодня работаешь.— Мен сенинг бугун ишлашингни биламан. Он благодарен тебе за то, что ты оказывал помощь его матери.— У сендан онасига ёрдам бериб турганинг учун миннатдор* каби. Бу мазмунни ўзбек тилида қўшма гап билан ҳам ифодалаш мумкин: *У сендан миннатдор, чунки сен уничг онасига ёрдам бериб турдинг* каби.

АСОСИЙ АДАБИЁТ

1. И. А. Киссен. Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков. "Учитель", Ташкент, 1966.

2. А. И. Абражеев, П. А. Данилов, Р. И. Би-гаев. Очерки по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. Ташкент, 1960.

3. А. А. Азизов. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. "Ўқитувчи", Ташкент, 1983.

4. О. Азизов, А. Сафаев, Ҳ. Жамолхонов. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. "Ўқитувчи", Тошкент, 1986.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Қиёсий фонетиканинг баъзи масалалари	5
Умумий мулоҳазалар	5
Рус ва ўзбек тилларининг унли товушлари	8
Рус ва ўзбек тилларининг ундош товушлари	10
Русча ва ўзбекча лексемаларнинг бўгин тузилиши	13
Рус ва ўзбек тилларида лексик ургу	15
Рус ва ўзбек тилларида лексемаларнинг тузилиши	17
Қиёсий морфологиянинг баъзи масалалари	19
Ўзбек ва рус тилларида сўзшаклларнинг таркиби	19
Рус ва ўзбек тилларида сўзларни туркумлаш	23
Рус ва ўзбек тилларида от туркуми	25
Рус ва ўзбек тилларида от туркумига мансуб грамматик категориялар	26
Отларда сон категорияси	27
Келишик категорияси	28
Ўзбек ва рус тилларида сифат туркуми	32
Рус ва ўзбек тилларида равиш туркуми	34
Рус ва ўзбек тилларида сон туркуми	38
Рус ва ўзбек тилларида олмош туркуми	40
Рус ва ўзбек тилларида феъл туркуми	49
Рус тилида инфинитив ва ўзбек тилида ҳаракат номи	50
Рус ва ўзбек тилларида вид ҳамда ҳаракатнинг усули	51
Ўзбек ва рус тилларида ўтимли-ўтимсизлик	53
Рус ва ўзбек тилларида залог (даража)	55
Рус ва ўзбек тилларида майл (наклонение)	60
Рус ва ўзбек тилларида замон	62
Рус ва ўзбек тилларида шахс-сон	65

Рус ва ўзбек тилларида сифатдош	
Рус ва ўзбек тилларида равишдош	
Рус ва ўзбек тилларида ёрдамчи туркумлар	
Қиёсий синтаксиснинг баъзи масалалари	
Рус ва ўзбек тилларида уюшиқ қатор	
Рус ва ўзбек тилларида предикатив боғланма	
Кесимнинг эга билан мувофиқлашуви	
Рус ва ўзбек тилларида нопредикатив боғланмалар	
Русча ва ўзбекча содда ёйиқ гапнинг ва қўшма гапнинг баъзи масалалари	
Асосий адабиёт	

68
72
76
79
80
82
86
92
101
108

Шавкат Рахматуллаев

**СОПОСТАВЛЕНИЕ УЗБЕКСКОГО
И РУССКОГО ЯЗЫКОВ**
(краткое изложение)

Учебное пособие для студентов вузов

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"—700129, Ташкент, Навои, 30. 1993.

Кичик муҳаррир *Н. КАРИМОВА*
Муқова расоми *Д. СОБИРОВА*
Бадний муҳаррир *И. КУЧЕНКОВА*
Техник муҳаррир *С. СОБИРОВА*
Мусаҳҳиҳа *Ғ. АБДУҚОДИРОВА*

Теринга берилди 16.10.92. Босишга рухсат этилди 05.10.93.
Формати 60x84 ¹/₁₆. "Таймс" гарнитурлада юқори босма усулида босилди.
Шартли босма л. 6,51. Нашр л. 6,42. Адади 5000.
Буюртма №1218 Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Ташкент, Навоий, 30.
Шартнома № 123-92.

Оригинал-макет масъулдиги чекланган "Ношир" жамияти техникавий
ва программалар базасида тайёрланиб
Ташкент "Ўзгипрозем" картфабрикасида босилди. Муқимий кўчаси, 182.

Раҳматуллаев Шавкат.

Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш: (Қисқача баён): Олий ўқув юрт. "Ўзбек тили ва адабиёти" ҳамда ўзбек мактабларида "рус тили ва адабиёти" ихтисосликлари бўйича таҳсил кўраётган талабалар учун ўқув қўлл.— Т.: Ўзбекистон, 1993.—110 б.

ISBN № 5-640-01317-6

Раҳматуллаев Шавкат. Сопоставление узбекского и русского языков: (Краткое изложение): Учеб. пособие для студ. вузов.

ББК 81. 2Ўз —923+81.2Р — 923

№1286-93

Павоий номли

Ўзбекистон Республикаси

давлат кутубхонаси

Р 6020000000—48 93
М 351 (04) 93

